

И Н

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

ОРОМНИНГ КУЧИ

Қ И

ГАРИ КИСИ

Л О Б

Масихдаги азиз биродарим,

Ушбу ўқув қўлланмаси, сизни руҳлантириши ва марҳаматлаши учун ибодат қилиб қоламиз. Илтимос, бу манбани ўз дўстларингиз, оила аъзоларингиз ва жамоатингиз билан тортинмасдан бўлишингиз. Шунингдек, ўз она тилингиздаги бошқа таълимотларни ва қўшимча электрон шаклидаги китобни юклаб олиш учун FLNFree.com вебсайтига ташриф буюришингиз мумкин.

Худо сизни севади ва Унда сизнинг ҳаётингиз учун ажойиб режа бор! Биз Худонинг Шоҳлиги, қай аснода ҳаракатланишини ўрганиб чиқдик ва бу бизнинг ҳаётимизни яхши томонга ўзгартирди, сизнинг ҳаётингизда ҳам, худди шу нарса содир бўлишига ишонамиз!

Масихдаги севги билан,

Гари ва Дренда Киси.



P.S. Ўз она тилингизда бепул манбаларнинг кўпроғини юклаб олиш учун, бизнинг FLNFree.com вебсайтимизга, албатта, ташриф буюринг.

И И Н

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

ОРОМНИНГ КУЧИ

Қ И

ГАРИ КИСИ

Л О Б

Your Financial Revolution: The Power of Rest, Uzbek

Copyright © 2023 by Gary Keesee

Originally published in English

Copyright © 2015 by Gary Keesee

ISBN: 978-1-945930-03-4

Gary Keesee Ministries,
P. O. Box 779, New Albany,
OH 43054, USA

GaryKeesee.com

This book is a FREE GIFT from Gary Keesee Ministries and is
NOT FOR SALE

Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Оромнинг кучи, ўзбек тилида

Гари Киси © 2023

Биринчи марта инглиз тилида чоп этилган

Гари Киси, © 2015

ISBN 978-1-945930-03-4

Гари Киси Хизмати,
П/Қ 779, Нью Олбани,
Огайо 43054, АҚШ

GaryKeesee.com

Бу китоб – Гари Кисининг Хизматидан тўхва
ва СОТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.

Шаббатнинг асосий тамойилини фаҳмлаб олиб, сиз ҳаётингиздаги ҳақиқий натижаларни кўришингиз мумкин. Сиз ўз эҳтиёжларингиз қондирилган, тинмай югуришдан озод ҳолда, ўз мақсадингиз ва иштиёқингизни топиш ҳамда уларда гуллаб-яшнаш учун эркин жойда, шунчаки тирикчилик қиладиган эмас, балки муваффақият қозонадиган жойда, шунингдек, дунёга барча кўришга одатланган нарсалардан фарқ қиладиган натижаларни кўрсатадиган жойда яшашингиз мумкин.

Бағишлов

Мен буюкитобни рафиқам Дрендага бағишламоқчиман, чунки айнан унинг ёрдами, ундаги Худонинг ишларига бўлган иштиёқи ҳамда оиласига ва менга бўлган севгиси, мени бу йиллар давомида руҳлантиради. Биз орзулар ҳақиқатан ҳам амалга ошишини биргалиқда исботладик!

– Гари Киси

Мундарижа

КИРИШ	7
1-БОБ. Ором – бу асос	13
2-БОБ. Юридик ҳуқуқлар	29
3-БОБ. Шоҳлик – бу сизнинг жавобингиз	51
4-БОБ. Мен Шоҳликнинг асосий калитини топдим! . . .	73
5-БОБ. Юргандан кўра учиш афзалроқ	89
6-БОБ. Ҳаётда тўловларни тўлашдан кўра, каттарок нарсалар бор	111
7-БОБ. Бу имконсиз!	125
8-БОБ. Икки ҳисса	137
9-БОБ. Етарли бўлгандан кўра кўпроқ.	153
10-БОБ. Икки ҳиссанинг сири	177

КИРИШ

Биз фермерлик уйимиздан кетган кун аччиқ-ширин бўлган. Биз бу митти, эски ва вайрона фермерлик уйимизда қарийб тўққиз йил яшадик ва шундай вақт келдики, охирги қутиларни юк машинамизга юкладим. Биз майдони етти юз ўн беш квадрат метрлик, грузин услубидаги ўзимиз қурган янги уйга кўчиб ўтдик, у Огайо штатидаги йигирма икки гектардан ортиқ майдонли ажойиб фермерлик ерининг бир қисмида жойлашган бўлиб, унинг саккиз гектарини ўрмон ва ботқоқликлар эгаллаган эди. Бу бир неча йил олдин тасаввур қилиш мушкул бўлган орзу эди.

Гарчи мен эски фермерлик уйимизни яхши кўрганамга қарамасдан, биз уни тарк этдик. Ҳа, унинг синган ойналари, ифлос ертўласи ва ўша ерда яшаганимизда биз чидаган доимий арилар ҳужуми билан хайрлашдик. Жуда кўп хотиралар эсга тушди. Беш фарзандимдан икки нафари шу уйнинг меҳмонхонасида туғилган.

Бизда жуда кўп яхши дамлар бўлган, лекин шу билан бирга, кўпинча биз ўзимизни бутунлай умидсиз ҳис қилган молиявий инқироз даврлари бўлиб турарди. Биз кўп нарсаларни ўрганишимизга тўғри келган. Ҳозир буни тасаввур қилиш қийин, лекин тўққиз йил аввал эски фермерлик уйимизга кўчиб келганимизда, биз ижара пулини тўлаш учун ойига 300 долларни қийналиб топардик. Бизнинг иккита машинамиз бўлиб, иккаласи ҳам бир неча юз минг километр юрган эски, шу билан бирга, гаров мулки эди. Ўшанда ҳаммадан қарзимиз бордек туюларди. Бизда лимити бутунлай тугаган ўнта кредит карталари, иккита банк кредити, албатта, иккита автокредит, солиқ қарзлари,

қариндошлардан бир неча ўн минглаб қарзларимиз бор эди... Рўйхатни давом эттириш мумкин. Биз яшамас эдик, балки тирик қолиш учун кун кечирардик, деярли барча мол-мулкимиз гаровга қўйилгани сабабли, баъзан озиқ-овқат сотиб олишга ҳеч нарсамиз йўқ эди. Бизда фақат жуда эски ёки эски ҳолатда сотиб олинган тузатиб бўлмайдиган буюмлар бор эди.

Бизнинг ҳалокатли молиявий ҳолатимиз ўша пайтда ёруғ келажакка деярли умид қолдирмаган эди. Очиғини айтсам, мен қандайдир ўзгаришни кўришга аранг умид қилар эдим. Мен оиламни яхши кўрар эдим, ажойиб хотиним бор эди, лекин мен уларни молиявий дўзахда олиб ўтирардим!

Мен тушкунликка қарши дориларни қабул қилар, ваҳима ҳужумларидан азият чекар ва ҳар куни қўрқувда яшар эдим. Айтмоқчиманки, мен энг бахтиёр одам эмас эдим. Мен ҳаётни суғурталаш ҳужжатларини сотиш билан шуғулланиб, эски нарсаларни сотиб кун кўрар ва номаълум томонга тезлик билан кетаётган эдим, йўқ, мен молиявий тубсизлик томон учиб борар эдим. Биз тобора қарздорлик ботқоғига ботиб борар эдик, биз қарзга пул олишимиз мумкин бўлган бирорта жой қолмади. Ўша вақтда мен синдим. Ваҳима ва қўрқув онгимни эгаллаб олди. Мен ҳатто уйдан чиқишга қўрқар эдим, гарчи эски нарсаларни сотишим керак бўлса-да.

**БИЗ ЖАВОБ ВА
ЙЎНАЛИШ ОЛИШ
УЧУН ХУДОНИ
ҚИДИРИШНИ
БОШЛАГАНИМИЗДА,
ЮРАГИМИЗДА УМИД
ЁНДИ ВА ХУДО
БИЗГА КЎРСАТГАН
НАРСАЛАРНИ
ҚЎЛЛАГАНИМИЗДА,
БИРИНМА-КЕТИН
МЎЪЖИЗАЛАРНИНГ
ГУВОҲИГА АЙЛАНДИК.**

Бу пайтда хотиним эримни йўқотиб қўяман деб ўйлаган ва тўрт фарзанд билан ёлғиз қолишдан қўрқиб юрган. Лекин у ибодатнинг кучига қаттиқ ишонадиган масиҳий аёл ва у менга ишонишда давом этиб, таслим бўлмади. Биз

биргаликда ибодат қилиб, Худо Шоҳлигининг тамойилларини ўргана бошладик. Биз жавоб ва йўналиш олиш учун Худони қидира бошлаганимизда, юрагимизда умид ёнди ва Худо бизга кўрсатган нарсаларни қўллаганимизда, биринма-кетин мўъжизаларнинг гувоҳига айландик.

Бир куни кечқурун Худо менга одамларга қарзлардан қутилишига ёрдам бериш ва У менга кўрсатган тамойилларни уларга ўргатиш учун молиявий соҳада шахсий молиявий ширкатимни очишим кераклигини кўрсатганида, бурилиш нуқтаси содир бўлди. Ўша пайтда одамларга қарзлардан халос бўлишига ёрдам берадиган ширкатни очиш ғалати туюларди, чунки бизнинг ўзимизда ҳали ҳамон кўпгина қарзларимиз бор эди. Биз бу ҳақда Раббийга ибодат қилдик ва Раббий бизга, олға қадам ташлаб, бошқаларга Унинг тамойилларини ўргата бошлаганимизда, бизнинг ўзимиз озодликка эга бўлишимизни айтди. Ширкат очиш имон билан ҳаракат қилишни англатарди, чунки биз буни қандай қилиш кераклиги ҳақида бирорта тушунчага эга эмас эдик, лекин матонат билан курашишда давом этдик. Ширкат ўсди ва унинг фаолиятдан тушган даромад эвазига оиламиз икки ярим йил ичида қарзлардан бутунлай халос бўлди. Бу ҳақида кейинги бобда батафсил сўзлаб бераман, ҳозир эса фақат бизнинг ҳаётимиз тубдан ўзгарганини айтаман! Автосалонга келиб, янги машина учун нақд пул тўлаганимизда, янги ўйимиздаги барча қурилиш ишларини режалаштириб, қурганимизда ва тўлов қилганимизда, бошдан кечирган ўша ажойиб ҳисни, биз ҳис қилган ўша эркинлик таъмини таърифлашнинг имкони йўқ. Биз тасаввур қилганимиздан ҳам кўпроқ улкан қониқишни бошдан кечирдик.

Ҳа, фермерлик ўйида етарлича кўп хотиралар бор эди. Мен охириги қутини олиш учун уйга кирганимда, тор меҳмонхонада турган хотинимни кўрдим. У менга кўзлари тўла ёш билан қаради. Лекин бу қайғу кўз ёшлари эмас эди, бу қувонч ва ҳаяжон кўз ёшлари эди, чунки у Худо бу ерда бизга ўргатганларининг барчасини эсга оларди. Мен ҳам бу ерда содир бўлган барча воқеаларни аралаш туйғулар билан хотирлаб, сўнги бор барча

хоналарни кўздан кечирганимда, кўз ёшларимни зўрға тутиб турдим. Биз ҳаётимизнинг бир бобини ёпиб, янги ҳудудга ўтаётган эдик. Энди бизни нима кутаяпти? Бизнинг келажақдан умидимиз йўқ жойда, бу саёҳат бизни тушкунликдан олиб чиқди. Мен ўйдан охирги қути билан чиққанымда, тўхтаб, унга жилмайиб қарадим.

Йўқ, мен сени соғинмайман. Энди менда яхшироқ жой бор.

ДРЕНДА ВА МЕН

АНГЛАБ ЕТГАН НАРСА

СИЗ УЧУН ҲАМ

ХУДДИ ШУНДАЙ

ИМКОНЛИДИР.

Мен бизнинг янги уйимизга хурсанд бўлиб кўчиб ўтдим. Аммо саёҳатимизнинг энг яхши томони шундаки, биз ниҳоят, оромни таниб-билдик! Мен фақат тўловлар ҳақида эмас, балки ўз келажагим

ҳақида ўйлашим мумкин эди. Барча ўтган йиллар давомида Унинг оромида яшаш амалга ошмас орзу эди. Автомобил учун нақд тўлаш – ором. Қарзлардан озодликда яшаш – ором. Йигирма икки гектарлик ерда, пули тўлиқ тўланган уйга эга бўлиш – оромдир. Хотинингиз пул ҳақида қайғурмасдан дўконга кетаётганида, унинг юзида кулгуни кўриш – ором. Барча керакли нарсаларга эга бўлиш ва шу билан бирга юз минглаб долларни бошқа одамларга қурбонлик қилиш ва Хушxabар ёйилишига ёрдам бериш учун етарлича пулга эга бўлиш – ором. Лекин ҳаётимдаги энг катта ўзгариш, бу мени ўтган барча йиллар давомида қийнаб келган таранглик ва қўрқув билан эрталаblари ўйғонишни бас қилганим бўлса керак. Яна бир ҳафта омон қолиш ҳақида эмас, балки ёқимли нарсаларни орзу қилиш – ором.

Ҳа, қутиларни бизнинг янги уйимизга олиб кетиш учун охирги қутини юк машинасига кўтариб борган куним аччиқ-ширин эди. Лекин менга ишонинг, Дренда билан мен топган оромнинг ширинлиги, ўтмиш хотираларидаги аччиқ ўйлардан шу қадар устун эдики, биз ўзимизни яна кичкина болалардек ҳис қилдик ва биргаликда кулиб, орзу қилдик.

Мен сизларнинг фикрингизни биламан. Мен буни қанчалар истар эдим. Мен фақат тўловларни қандай тўлаш ҳақида ўйлашни

эмас, балки худди шундай кулишни ва орзу қилишни қанчалар хоҳлар эдим. Бунга ишониш ҳозир сизга ҳатто, қийин бўлса ҳам, сизни ишонтириб айтаманки, Дренда ва мен англаб етган нарса сиз учун ҳам худди шундай имконлидир. Бизнинг ҳикоямизни ўқиб Худонинг қонунлари ва тамойилларини ўз ҳаётингизда қўллаш учун руҳланиш олишингиз ҳақида ибодат қиламан.

Бу умуман қийин эмас, сиз оромнинг кучини кашф этишингиз керак холос!

Эй, оғир меҳнат заҳматини чекаётган ва оғир юк остида қийналган ҳамма одамлар, Менинг олдимга келинглари! Мен сизларга ором бераман. Менинг бўйинтуруғимни ўз устингизга олинглар ва Мендан ўрганинглари, чунки Мен камтарин ҳамда бўйсунувчан юракка эгаман. Шунда ўз жонингизга таскин топасизлар. Чунки Менинг бўйинтуруғим эзгулик ва Мен берган юк енгилдир.

– Матто 11:28-30

1-БОБ

ОРОМ – БУ АСОС

ОРОМ – нисбий ҳаракатсизлик ҳолати, кеский ҳаракатларнинг йўқлиги, сукунат, дам олиш, ҳаракатсизлик ҳолати, хавотирнинг йўқлигидир (Google).

Сиз чарчадингизми? Ҳар куни иш билан бандмисиз ва ёруғликни кўрмайсизми? Пулга бўлган эҳтиёж, сизнинг жой, иш тури ва давомийлигига тегишли қарорларингизни белгилайдими? Ўзингизни ҳеч қачон қарзлардан қутула олмайдигандек сезасизми? Ўзингизни барбод қиладиган беъманиликда бир нарсаларни ортидан қувиш билан яшаётгандек ҳис қиласизми? Агар шундай бўлса, унда сиз ёлғиз эмассиз.

Оғмаҳон (хомяк) учун югуриш ғилдирагини бирор марта кўрганмисиз? Ишончим комилки, кўргансиз, агар кўрмаган бўлсангиз, кемирувчининг қафасига қўйиладиган ғилдиракни тасаввур қилинг. Оғмаҳон унга сакраб чиқиб, чарчамагунича югуриши, югуриши, югуриши мумкин. Кемирувчи қанча узоқ ва тез югурмасин, жонига текканда ёки чарчаганида ва ғилдиракдан тушганида, у югуришни бошлаган жойида турган бўлади. Ҳеч нарса ўзгармайди. У қониқиш ҳисси билан миттигина мўйнали юзидаги терни артиши мумкин. Лекин унинг турмуш тарзини яхшилаш учун ҳеч нима ўзгармайди, у эркинлик ҳуқуқисиз, қафасда қамалган ҳолда қолаверади. Худди шу нарса аксарият одамлар билан бўлмасада, кўпчилик одамлар билан ва уларнинг

молиявий ҳаёти билан содир бўлади. Улар бутун ҳафта ғайрат билан ишлайдилар, лекин душанба тонги келганда, улар яна бир ҳафта олдинги ҳолатга қайтадилар. Улар бор-йўғи навбатдаги етти кунни, омон қолиш учун яшадилар.

Узоқ тўққиз йиллик ҳаётимдаги манзара ҳам шундай бўлган. Мен кунига 15 соатдан 18 соатгача ғайрат ва иштиёқ билан ишлар, лекин ушр, ҳисоблар ва солиқларни тўлаганимдан сўнг, менда ҳеч вақо қолмас эди. Одатда менга кундалик эҳтиёжларга маблағ етмагани боис, омон қолиш учун қарзга пул олишга секин-аста ўрганиб қолдим. Молиявий босим кучайганда, мен янада кўпроқ кучимни ишга солар эдим, лекин барчаси беҳуда эди. Тўхтаб, ривожланишимни кузатиб, мен аввалгидек, орқага қараб филдиратишни давом эттираётганимни тушунар эдим.

Албатта, бу жиддий руҳий оқибатларга олиб келди. Мен ҳар куни курашган умидсизлик ва қўрқув аста-секин менинг ҳиссий ва жисмоний ҳолатимга таъсир қилди. Ваҳима ҳужумлари, кучли қўрқув ва фалажлик танамга ҳужум қила бошлади. Шифокорлар касаллигимнинг сабабини тушуна олмадилар. Қўрқув менинг фикрларимни шу қадар кучли боғлаб қўйганидан, яшайманми ёки ўламанми билмас эдим. Қарийб тўққиз йил биз гаровхонага буюмларни гаровга қўйиб, пул олиш ва қариндошларимиздан қарзга пул олиш ҳисобига яшадик. Охир-оқибат, гаровга қўйиш мумкин бўлган ҳеч нарсамиз қолмади ва менинг ўзимга нисбатан баҳоримдан ҳам, деярли ҳеч нима қолмади. Ҳаётимда қолган қувонч каби, ўзимга нисбатан баҳони ҳам бир ҳовучлаб олиш мумкин эди. Мен синган эдим.

Кредиторлар мени судга бериш учун навбатда туришарди ва ҳаммаси ўшанда содир бўлди. Телефон жиринглади ва мен батамом умидсизликда жавоб бердим. Бу қўнғироқ кўплаб бошқа тонгги қўнғироқларга ўхшарди.

- Жаноб Киси, мижозимиздан маълум миқдорда пул қарздор эканингизни биласизми? Қачон қарзни қайтара оласиз? Жаноб Киси, сиз буни охириги уч марта сизга қўнғироқ

қилганимда айтдингиз. Агар бизга уч кун ичида пул ўтказмасангиз, мижозим сизни судга беради. Тушуняпсизми, жаноб Киси? Уч кун. Хайр.

Бу қўнғироқ устимга бир тонна ғиштдек тушди. Гап менинг умидсиз ҳолатимнинг ниҳоятда жиддийлигини билмаганимда эмас. Менда шунчаки пул йўқ эди. Менинг мулким орасида бирорта ҳам бутун нарса йўқ эди. Музлатгич бўш эди.

Менинг ажойиб оилам музлаб қолмаслик учун печка ёнида ухлар, чунки уйни иситиш учун пул йўқ эди. Мурोजаат қилишга ҳеч кимимиз йўқ эди. Дўстларим ва қариндошларим менга ёрдам беришдан чарчаган эдилар. Мен умидсизликда зинадан ётоқхонага секин кўтарилдим ва тўшакка кўндаланг бўлиб ётдим. Мен кўз ёш тўкиб, Худодан ёрдам сўраб илтижо қилдим.

Раббий мен билан гаплашди, ҳатто жавоб шунчалик тез келганига ҳайрон бўлдим. Бу эшитиладиган овоз эмас эди, бу менинг онгимда аниқ янграган, менинг руҳимдан чиққан овоз эди. Аввало, менинг мусибатимда, Унинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтди. Ўйлайманки, У буни айтганининг сабаби, У нима учун бизга ёрдам бермаганига, назаримда, мен бироз тушунмас эдим. Биз ажойиб жамоатга борар, ҳар қандай имконият туғилганда сахийлик кўрсатар, деярли ҳар доим ўнлик ушр берар эдик. Лекин Раббий, Унинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилишини ўрганмаганим учун кулфатда қолганимни айтди. У менга Унинг Шоҳлигидаги пулга тегишли ҳамма нарса ердагидек қурилмаганини ва агар мен озод бўлишни истасам, Унинг Шоҳлигидаги молиявий бошқарув тамойилини билишим кераклигини айтди.

Эсимда, дарҳол пастга тушиб, Дрендани ушлаб олдим ва Раббий ҳозиргина мен билан гаплашганини, жавоб Унинг Шоҳлигида эканини айтдим. Албатта, биз бироз хижолат тортдик, чунки Унинг Шоҳлиги қандай қурилганини тушунамиз деб ўйлар эдик. Охир-оқибат, мен айтиб ўтганимдек, биз ажойиб жамоатга тегишли бўлиб, иккаламиз ҳам Худони севар ва самога боришимизни билар эдик. Аммо биз Унинг Шоҳлиги

ҳақида ва унинг қандай ишлаши ҳақида жуда кам билишимиз маълум бўлди.

Худо менга гапирганидан ва менга Ўз жавобини, яъни Унинг Шоҳлигини очганидан бахтиёр эдим. Бу нимани англатишини ҳали билишим керак эди, лекин мен далда олдим. Ахир мен Худо Шоҳлик сўзи остида нимани назарда тутганини тушунмас эдим. Мен аниқлик киритишим зарур эди, чунки ҳақиқатан ҳам бу сўзда Дренда ва мен орзиқиб излаган жавоб бор эди.

Ўша куни биз қўл ушлашиб, ибодат қилдик. Авваломбор, биз Унинг Сўзини ва молияга оид Унинг Шоҳлигининг ишлаш тамойилларини ўрганишга вақт ажратмаганимиз учун Худонинг қаршисида тавба қилдик. Иккинчидан, мен оила боши сифатида бундай ночор ҳолатга йўл қўйганим учун хотиним қаршисида тавба қилдим. Иккаламиз ҳам ибодат қилиб, Унинг Шоҳлигининг фаолиятини ўрганишни ва охиргитўққиз йиличида яшаганимиздан бошқача яшашни бошлашга розилик билдирдик.

Кейин нима бўлганини тасвирлашнинг энг яхши усули – бу электр тармоғини ёқиш тугмасига қарашдир. Қоронғу хонага кириб, шунчаки тугмани босинг. Нур! Сиз кўряпсиз. Худо бизга Ўзининг Шоҳлигини ўргата бошлаганида, айнан шунга ўхшаш нарса бўлди. Гўёки кимдир чироқни ёқиш тугмасини босди ва биз аввал кўрмаган нарсани кўрдик. Биз Худо Шоҳлиги – бу доимий қонунларга эга ҳукумат эканини тушуна бошладик. Биз бу қонунларни ўрганишимиз ва бизга зарур бўлган бойликка эришиш учун Худонинг кучига ва донолигига қўшилишимиз мумкинлигини англадик.

Гарчи биз аввалгидек, бошимиз қотган бўлсада, ниҳоятда хурсанд эдик. Худо бизга Ўз Шоҳлигининг тузилишини ўргата бошлаганида, бир нечта ажойиб воқеалар содир бўлди. Мен аввалги воқеаларни бу китобнинг саҳифаларида тасвирламайман, чунки улар ушбу туркумнинг “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Розиликнинг кучи” (Your Financial Revolution: The Power of Allegiance) номли биринчи китобда келтирилган.

Ушбу китобни garykeese.com ёки Amazon.com. веб-сайтларидан олишингиз мумкин. Бундан ташқари, сиз менинг “Имонга кўра ов” (Faith Hant), номли китобимни ўқиб чиқишингиз керак, бу Худо менга буғу ови орқали кўрсатган энг биринчи сабоқларни ва таъминот ҳосилини қандай йиғишни сизга кўрсатади. Лекин узун ҳикояни қисқа қилиш учун сизга бир мисол келтиришимга ижозат берсангиз.

Юқорида ёзганимдек, биз қулоғимизгача қарзга ботиб кетган, бундан чиқиш йўлини кўрмас эдик. Солиқ хизматидан қарздорлик, гаровхонадаги гаровлар, лимитдан ошиб кетган ўнта кредит карталари ва йиллик 28 фоизли учта кредит. Тиш шифокоридан, кимёвий тозалашдан, ота-онамиздан, дўстларимиздан қарзимиз бор эди. Ҳар қандай давлат хизматларини айтмасам ҳам бўлади, биз ҳаммадан қарздор эдик. Табиий дунёда биз умид қиладиган нарса қолмаганди. Мен жуда кўп ишлаганимга қарамасдан, молиявий битимларда ишларим яхши эмас эди. Лекин энди мен Шоҳликда ақл бовар қилмайдиган нарсалар содир бўлишини кўрганимдан сўнг (яна эслатиб ўтаман, юқорида айтиб ўтилган иккита китобдаги воқеаларни ўқинг), Шоҳлик бизнинг жавобимиз эканини англаганимизда, руҳимиз кўтарилди. Биз кейин нима бўлишини билмас эдик, лекин тўғри йўлда эканимизга ишончимиз комил эди.

Бир куни Худо менга туш берди, тушимда мен сўнги тўққиз йил давомида ишлаган ширкатимни ташлаб, – эътибор беринг – одамларга қарзлардан халос бўлишга ёрдам бериш учун ўз бизнесимни очишим кераклигини кўрсатибман! Биламан, бу ақлсизлик, тўғрими? Ахир қарзлардан қандай қутулишни ўзим билганимда эди, мен буни аллақачон қилган бўлар эдим. Аммо Раббий айнан шундай деди. Мен ҳайратда қолдим. Мен ширкатни қандай очиш ва бунинг учун нима кераклигини билмас эдим. Бундан ташқари, одамларга қарзлардан халос бўлишга ёрдам берадиган ширкатни. Бунинг учун нима қилишим кераклигини менга ким айтади!

Мен бу ҳақда ибодат қилишни бошлаганимда, Муқаддас

Руҳ билан, ҳаётимда катта из қолдирувчи учрашувни бошдан кечирдим ва ҳаммаси қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида ваҳий олдим. Бу суғурта бўйича бир мижозим билан қўнғироқ суҳбати чоғида содир бўлди. Ҳа, айтгандай, буларнинг барчаси содир бўлганда, мен молиявий хизматлар соҳасида ишлаганимни, суғурта ҳужжатлари ва қимматбаҳо қоғозлар сотганимни айтишни унутибман. Биламан, бу этикка ёлчимаган этикдўздек, ўзининг эҳтиёжларини унутиб атрофдагиларга ёрдам бериш ҳисобланади. Мен ўз ишимдаги молиявий хизматлар бўлимида муваффақиятга эришмадим, шунга қарамай, унда олдинги тўққиз йил давомида тўплаган бой тажрибам, Худо менга кўрсатмоқчи бўлган нарсада муҳим ролни ўйнади.

Бу биз ошхона столи атрофида мижозим ва унинг хотини билан уларнинг молиявий масалаларини муҳокама қилаётганимизда содир бўлди, мен турлича саволлар берар, улар эса жавоб қайтаришар эди ва биз меъёрий сўровномани тўлдирдик. Биз ушбу маълумотлардан асосан уларнинг суғурта бадалининг миқдорини аниқлаш учун фойдаландик. Улар ўзларининг қарздорлик рўйхатига қараб, иккаласи ҳам ғамгин бўлиб қолишди, улар ўзларини қанчалик ночор ҳис қилганларини айтиб беришганда, хотини йиғлай бошлади. Уларнинг иккаласи ҳам кун бўйи ишлашар, лекин ойдан-ойга уларга тобора кўпроқ пул етишмай борарди.

Менинг ўзим тўққиз йил шу ҳолатда яшаганим учун ва энди Худо Дрендага ҳамда менга Худо Шоҳлигининг тамойилларини ўргата бошлаганида, уларнинг ёнида ўзимни қандай ҳис қилганимни тасаввур қилиб кўришингиз мумкин. Улар ҳам худди биз каби масиҳий бўлиб, лекин Шоҳлик қандай ишлашини билмас эдилар. Ўша пайтда Худо бизга аллақачон кўрсатган бошланғич сабоқларни ҳисобга олмаганда, мен ҳали Шоҳликнинг тамойилларини батафсил тушунтира олмас эдим, мен айнан шуларни бу жуфтлик билан баҳам кўрдим ва албатта, уларга биз билан аллақачон содир бўлган ажойиб воқеаларни сўзлаб бердим.

Биринчи навбатда, мен уларнинг асосий муаммоси умуман

ҳаётни суғурталашда эмаслигини айтдим. Шоҳлик борасида Худо менга нимани ўргатганини тушунтириш учун уларга вақт ажратдим, шу билан бирга, уларнинг вазиятига тегишли ҳақиқий молиявий жавобларни таклиф этишни жуда ҳам хоҳлардим.

Ўша куни кечқурун иш хонамда иш кунимни тугатиб, жавоб берилиши керак бўлган бир тўп файл ва хабарларни текшириб ўтирарканман, тўсатдан ҳаёлимга бир фикр келди. Агар ҳаётни суғурталашни бир четга суриб қўйиб, бутун молиявий ҳолатга диққат билан разм солинса нима бўлади? Эҳтимол, мен қандайдир тарзда ёрдам бера оларман? Агар пул қидиришни бошласамчи? Бошқача қилиб айтганда, уларнинг харажатларини тўлашнинг янада тежамкор йўллари топиб, йиғилган пулларни уларнинг пул оқими ва қарзларини тўлашга ишлата олганимда эди. Ҳеч қандай мураккаб нарсга йўқдек туюлди, лекин мен чиндан ҳам ҳаётни суғурталашдан ташқари бошқа молиявий соҳаларни тушунмас эдим. Сизга шуни айтишим жоизки, буларнинг барчаси интернет пайдо бўлишидан олдин бўлган. Мен олиб боришим керак бўлган тадқиқот эски услуб – телефон ва сариқ варақлар ёрдамида амалга оширилиши керак эди.

Мен бунга ушбу мижоз билан навбатдаги белгиланган учрашувгача бир ҳафта сарфладим. Мен ҳар бир молиявий соҳани чуқурроқ ўрганганимда, ойига яхшигина пул тежаш мумкинлигини билиб ҳайрон бўлдим. Ҳисоб-китобни тугатганимда, бу йиғинди ойига бир неча юз долларни ташкил этди. Молиявий калькуляторим билан уларнинг барча қарзларини қўшиб, кейин барча тежалган маблағларни уларнинг мунтазам ойлик тўловларига қандай сарфлашни ҳисоблаб чиқдим. Мен компьютернинг тугмачасини босганимда, шунчаки экранга тикилиб қолдим – 6,2 йил. Ушбу 6,2 жавоби, мижозимнинг барча қарзларини, шу жумладан, ипотека қарзларини даромадлари ўзгармаган ҳолда тўлиқ тўлаш учун кетадиган умумий вақт эди. Ҳа, сиз тўғри ўқидингиз, ойлик даромад ўзгармайди. Мен ҳайратда қолиб, хато қилганимга ишончим комил эди, шунинг учун мен тўғри жавоб олганимга амин бўлмаганимча, қайта-

қайта ҳисобладим. Наҳотки бу ҳақиқат бўлса? Нега унда ҳамма ҳам бу ҳақда билмайди?

Мен қўлимда бўлган бошқа мижозларнинг файлларини олиб, тезда улар билан танишиб чиқдим ва худди ўша натижаларга эга бўлдим. Уларнинг ҳар бири барча қарзларини, жумладан ипотека қарзларини беш-етти йил ичида ўзгармас ойлик даромад билан тўлашлари мумкин эди. Ишхонамда ҳисоб-китобларни тугатганимда, жуда кеч бўлган эди, лекин мен уйга мамнун бўлиб қайтдим. Агар мен ҳаммасини тўғри ҳисоблаган бўлсам, менинг барча ҳисоб-китобларим шуни кўрсатган бўлса, демак мен жуда муҳим нарсани билиб олдим.

Менинг мижозим бундай турдаги маълумотни қандай қабул қилишига қизиқиб, ўйланиб қолдим. Яқинда бўлиши белгиланган учрашувимизга мен барча рақамлар билан, бир варақда тақдимот тузишни режалаштирдим. Менинг мақсадим – уларга умид ҳада этиш эди. Мен бу хизмат учун ҳеч нарса олмас эдим, ҳатто уларга суғурта сотишни ҳам умид қилмадим. Шунга қарамай, улар мени тинглашни хоҳлашларини билардим. Кейинги ҳафта ҳисоб-китобларимни қайта кўздан кечириб, адашмаганимга амин бўлдим.

Мен уларнинг уйи қўнғироғини босганимда, учрашувимизни кутиб, асабий тарангликни ҳис қилдим. Биз кечки овқат столи атрофига ўтирганимизда, мен уларга бутун ҳафта уларнинг рақамлари билан қандай ишлаганимни айтдим. Мен уларни ёзган маълумотлар билан таништириб, қандай қилиб маблағни тежашни, шунингдек, ширкатнинг номини ва мен кўрсатганларни қўллаш учун зарур маблағни аниқлаганимни тушунтирдим. Улар тежалган маблағ ўсишда давом этишини тушунганларида қанчалик хурсанд бўлганларини кўрдим. Лекин мен уларга ўзим қилган хулосани, 6,2 йил ичида бир хил даромад даражасини сақлаб қолган ҳолда, қарзлардан, жумладан уй учун қарздан бутунлай халос бўлиши мумкинлигини кўрсатганимда, иккаласи ҳам йиғлай бошладилар, лекин бу сафар қувончдан йиғладилар. Кўз ёшлари ёноқларидан оқиб тушарди ва улар натижалар қанчалик кучли уларни ҳайратга солганини гапиришдан

тўхтамасдилар. Сўнгра улар сакраб туриб, мени қучоқлашди ва биз биргаликда чин дилдан қувондик.

Келинг, ҳаққоний бўламиз: солиқ хизмати сизга қандай қилиб камроқ солиқ тўлашни айтадимиз? Банкда кредит бўйича фоизларни тўлашдан қандай қутулиб қолишни сизга айтадимиз? Йўқ. Бутун тизим пулларни ҳимоя қилиш учун эмас, балки сиздан пул олиш учун яратилган. Мен Америкадаги ҳар бир оилага айтиш керак бўлган нарсани топганимни билар эдим! Ўша оқшом менга катта таъсир кўрсатди ва мен ҳар бир мижозим учун худди шундай қилишни хоҳлардим.

Шундай қилиб, маълумотлар билан ва Худо менга берган тушнинг тасдиғи билан қуролланиб, ўзим ишлаган суғурта ширкатидан ишдан кетдим ва биз Дренда билан Faith-Full Family Finances (“Имонга тўла оилавий маблағлар”) деб номлаган ўз ширкатимизни очдик. Бу ном аниқ биз ҳақимизда сўзлар эди, агар сиз Шоҳлик ва имонни таниб-билсангиз, сизнинг маблағларингизда тўлиқлик бўлади. Мен ширкат учун бу энг мос ном эмаслигига қўшиламан, уни кетма-кет ўн марта айтишга ҳаракат қилинг, лекин бу иш берарди. Кейинчалик биз бу номни Forward Financial Group (“Илғор молиявий гуруҳ”) номига ўзгартирдик, у ҳозирга қадар мавжуд бўлиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ростини айтсам, бизнинг маблағларимизда ҳали тўлиқлик йўқ эди. Ҳали ҳам қарзларимиз қолган эди, лекин биз тўғри йўлдан кетаётганимизни билардик. Биз янги ширкат очганимизда, роса хурсанд бўлдик ва шу билан бирга бироз асабийлашдик. Ширкат яратиш ва уни бошқаришни ўрганиш ҳақида маълумот олиш учун кўп меҳнат қилишимизга тўғри келди. Бундан ташқари, биз жиддий тўсиқларга дуч келдик – биз нима орқали пул ишлаб топишни билмас эдик. Бу чорлов эди – биз одамларга қарзлардан қутулишга ёрдам бериш учун улардан пул ололмаймиз ва бундай қилишни истамаймиз. Бу катта тўсиқ эди ва биз бу ҳақда етарлича узоқ вақт ибодат қилдик, йўлларни қидирдик. Тафсилотларга берилмасдан, шунга айтманки, Раббий бизга мижоздан ҳақ

олмасдан даромад олиш учун ширкатни қандай очиш ва ривожлантириш бўйича ажойиб стратегияни кўрсатди.

Сўнгра биз ҳар бир мижознинг маълумотлари билан олиб борган ҳисоб-китобларнинг қўлда узоқ ёзиш жараёнини қандай тезлаштириш йўлини топишимиз керак эди. Ишимиз учун махсус компьютер дастурини ишлаб чиқишим кераклигини билар эдим, лекин компьютерлар ҳақида ҳеч нимани тушунмас ва мувофиқ қобилиятли одамни қаердан топишни билмас эдим. Худо яна ажойиб иш қилди. Менга биздан узоқда яшайдиган ва қандайдир тарзда бизнинг ширкатимиз ҳақида эшитган бир одам қўнғироқ қилди. У бизга имкониятли мижоз сифатида қизиқиш билдирди. Биз учрашганимизда, унга ҳаммаси ёқди ва суҳбат жараёнида у дастурчи ва ўз шахсий ширкатининг эгаси экани маълум бўлди. Мен унга муҳтожлигимиз ҳақида гапирдим ва у катта иштиёқ билан бизга ишимизда ёрдам беришни таклиф қилди. Унинг катта чегирма таклиф қилганига қарамай, мен унга ширкатимизни яқиндагина очганимизни, унинг хизматига ҳақ тўлаш учун ҳали маблағимиз етарли эмаслигини айтдим. Шунга қарамасдан, у барибир биз учун ишни қилмоқчи бўлиб, бизда пул пайдо бўлмагунча, тўловни кутиб туриши мумкинлигини айтди. Биз шундай қилдик.

Одамларга бизнинг бизнесимиз ёқди. Ахир, нимагаям ёқмасин? Биз улар учун бепул ишлардик, уларга қарзлардан қутулиш учун пул топиш ёқарди. Бизнес яхши ривожланди ва биз икки ярим йил давомида барча кредит ва қарздорликларни тўлиқ сўндиришга муваффақ бўлдик. Тез орада бутун мамлакат бўйлаб режамиз ҳақида айтадиган уч юз нафар вакилга ҳам эга бўлдик. Биз иккала машинамизни нақд пулга сотиб олганимиздан ташқари, орзуимиздаги уйни ҳам қарзларсиз қурдик. Бизнинг ширкатимиз ўсди ва биз кўп йиллар давомида Хушхабар ёйилишини қўллаб-қувватлаш ва одамлар учун юз минглаб долларни қурбонлик қилдик.

“Қарздорлик режаси” – бугун уни шундай деб атаймиз – ўттиз йил ўтган бўлсада, ҳали ҳамон бепул тузилмоқда. Йиллар ўтган

сари ширкат ўз мақсадида ўсди. Биз 2001-йилдаги молиявий инқироздан ва албатта, 2008-йилда миллионлаб одамлар нафақа жамғармаларининг 50-80 фоизини йўқотгандан сўнг, нафақа сармояларига диққат қилишни тўхтатмадик. Биз хавфсиз сармоя имкониятларини ўрганиб чиқдик ва 2001-йилда ширкатимизда ушбу йўналишни очдик. Ғурур билан айтишим мумкинки, биз ҳозирда мижозларимизнинг умумий ҳисобда юз миллион доллардан ортиқ маблағларини бошқариш билан шуғулланяпмиз ва уларнинг ҳеч бири сўнгги ўн олти йиллик молиявий тартибсизликда мамлакатимиз ва дунёнинг бошқа давлатларига киритган сармояларида бир центини ҳам йўқотмади. Биз режамиз учун воситачилик учун пул ундирмаганимиз каби, мижозларимиздан на бошланғич, на йиллик маъмурий ва воситачилик харажатларини олмаймиз. Агар сиз сармоя пулларингиз билан чайқовчилик қилишдан чарчаган бўлсангиз, 1-(800)-815-0818 телефон рақами орқали “Forward Financial Group” ширкатига мурожаат қилишингиз ёки Forwardfinancialgroup.com веб сайти орқали батафсилроқ маълумот олишингиз мумкин.

Ажойиб, тўғрими? Муқаддас Рухнинг биргина оддий ғояси ҳаётимизни абадий ўзгартирди! Ҳа, бизга бу йўлдан ўтишга тўғри келди, лекин Худо бизга қаерга боришимизни кўрсатди. “Гари, сиз қарзлардан қутулганингиздан сўнг, нимани ҳис қилдингиз?”, деб сўрашингиз мумкин. Мен тинчлик ва оромни ҳис қилдим! Бир йўлаб кўринг. Биз жиддий молиявий инқироз ҳолатидан, нақд пулга машина, уй ва барча зарур нарсаларни сотиб олишимиз мумкин бўлган, тўлиқ озод ҳолатга ўтдик. Узоқ тўққиз йил давомида кундан-кунга, ҳар дақиқада кучайиб борган босим остида яшадим. Менда ором йўқ эди. Бу йиллар давомида бирор кун ҳам, на иш кунларида, на байрам кунларида ором йўқ эди. Менда тинчлик йўқ эди. Мен қаерга бормайин, ҳамма жойда мени молиявий масалалар таъқиб қилар эди. Молиявий аҳволимиз туфайли мен доимо уят ва камситилишни ҳис қилар эдим. Менинг доимий ҳамроҳларим кўрқув, ваҳима ҳужумлари ва тушкунликка қарши дорилар бўлиб, ҳаёт тарзим умидсизлик чўққисида эди.

**МУҚАДДАС РУҲНИНГ
БИРГИНА ОДДИЙ
ҒОЯСИ ҲАЁТИМИЗНИ
АБАДИЙ ЎЗГАРТИРДИ!
ҲА, БИЗ БУ ЙЎЛДАН
ЎТИШИМИЗГА ТЎҒРИ
КЕЛДИ, ЛЕКИН
ХУДО БИЗГА ҚАЕРГА
БОРИШИМИЗНИ
КЎРСАТДИ.**

Барча молиявий ўзгаришлар ва албатта, ҳаётда бизга керак бўлган барча нарсанинг мавжудлигида, шахсий маблағларнинг ўзи ғалаба деб ўйлаш васвасаси юзага келиши мумкин. Ҳа, биз барча зарур нарсаларга эга бўлганимизда, биз буюк ғалабани ҳис қилдик, бироқ Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини кўриб ҳақиқий завқни ҳис қилдик. Биз Дренда билан Шоҳликнинг ҳаракатини қайта ва қайта кўрганимизда, кўпинча бир-биримизга: “Сен бунни кўрдингми?”

– дердик. Гўёки чироқни ёқиш тугмаси чаппа турган-у, энди уни тўғирлаб қўйгандек ва ҳаммаси кундек равшан бўлгандек. Кўзи ожиз бўлганингиздан кейин, ёруғликни кўриш ва жавоблар билан яшаш – ажойиб тажриба. Ҳақиқий хазина – Осмон Шоҳлигини қўлга киритиш – бу шунчаки ажойиб. Мен нимани ҳис қилганимни таърифлаш жуда осон – ҳаётимга илк бор тинчлик келди.

Драма тугади! Илгари шиналар тешилганда бизда ҳиссий зарба бўлар эди. “Қаердан пул оламиз? Кредит картада лимит қолганмиди?”, деган саволлар туғиларди. Лекин бугун қандайдир сабабларга кўра машина бузилиб қолса, мен хотинимдан: “Бу сафар қайси рангни хоҳлайсан?” – деб сўрайман. Фожеа ҳам, ваҳима ҳам, қарзлар ҳам йўқ, фақат ором бор. Биз ўз вазифаларимиз билан шуғулланишда ва мақсадларимизга интилишда давом этишимиз мумкин. Энди, биз омон қолиш учун курашишни тўхтатиб, шунчаки ЯШАЯПМИЗ!

Шунинг учун, Мен сизларга айтаман: “Нима еймиз, нима ичамиз”, – деб жонингиз учун хавотирланманглар, шунингдек: “Нима киямиз”, – деб танангиз учун ташвишланиб юрманглар. Жон овқатдан ва тана

кийимдан афзалроқ эмасми? Самовий қушларга қаранглар: улар наэкадилар, наўрадилар, на омборларда ғамлайдилар, аммо Осмондаги Отангиз уларни боқади. Сизлар улардан афзалроқ эмасмисизлар?

– Матто 6:25-26

Ўтган ўттиз олти йил давомида мен минглаб одамлар билан тушлик дастурхони атрофида учрашиб, уларнинг шахсий маблағларини батафсил муҳокама қилишга муяссар бўлдим. Мен бутун дунё бўйлаб минглаб тингловчилар олдида сўзга чиққанман ва бу барча одамлар орасида умумий бир жиҳатни топаман – ҳамма оромни қидиради! Ҳамма тўхтаб, тинчланиш учун сабрсизлик билан дам олиш кунларини, таътилларни ёки нафақага чиқишни кутадилар.

Яқинда мен америкаликларнинг 70 фоизи ўз ишини ёқтирмаслигини, ўша 70 фоизидан 20 фоизи ҳеч қандай қизиқишсиз иш қилишлари ва ҳатто, ундан нафратланишларини тавсифлайдиган бир нечта тадқиқотларни ўқидим. Нима учун улар нафратланган нарсаси билан шуғулланишади? Ҳар куни кучли ҳиссий оғриққа бардош бериш учун улар қандай руҳий зарбага кўникишлари керак бўлади? Қўпол қилиб айтганда, улар қулдирлар. (Бизларнинг ҳаммамиз шундай бўлганмиз. Биз гуллаб-яшнашнинг ягона йўли – етарлича пулга эга бўлиш бўлган муҳитда ўсганмиз. Лекин аксарият одамларда вазият бошқача). Улар секин-аста фаровонлик ҳақидаги орзуларидан воз кечиб, ўттиз, қирқ ва ҳатто, эллик ёшларида истиқболсиз ишларида буғилиб қолганларида, омон қолиш учун кураша бошлайдилар.

Сўнги статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, Америка аҳолисининг 69 фоизи ҳаттоки, минг долларлик жамғармага эга эмаслар. Аксарият одамлар яшайдиган тушкунлик ва ҳиссий жароҳатлар уларнинг ўзига хослик ва қадр-қиммат ҳисларига ёмон таъсир кўрсатади. Шошилиш эҳтиёжларни деб орзулар бир четга сурилади ва пуч ҳаёллар ғойиб бўла бошлайди. Қувонч йўқолади.

Мен бир чўпон билан молия ҳақида гаплашиб қолдим. У менга хизматни ва одамларни яхши кўришини ва ҳар куни ўйғониб, моддий аҳволини эсламагунча, шодлик кайфиятида бўлишини айтди. Унинг сўзларига кўра, бу нарса қуёш нурини тўсиб қўядиган катта қора булутга ўхшайди, чунки бошингиз ташвишли фикрларга тўлади ва фақат омон қолиш, молиявий умидсизлик ҳамда ваҳийдан маҳрум бўлган қуллик ҳақида ўйлаб, уларнинг асири бўласиз.

Ҳаёт бошқалар қандай ғалаба қозонаётганига маҳлиё бўлиб томоша қилишга айланади. Голливуд катта экранларда бошқа одамлар қандай ғалаба қозонишини катта оммага кўрсатиб, миллиардлаб доллар ишлаб топади. Ўзларини ғолиб деб кўрмайдиган одамлар катта экранда мукамал одамларнинг мукамалҳаётига қараб, ўзгарининг сарсон-саргардонликларидан қочиб, орзулари билан яшаш учун бир неча дақиқа топадилар.

Ҳозирги кунда спорт бутун дунё бўйлаб томошабинлар ҳисобидан йилига миллиардлаб доллар даромад келтиради. 2017-йилда МФЛ 7,8 миллиарддан ортиқ даромад келтирди, Супербоул тахминан 15,5 миллиард фойда келтирди ва бу фақат битта ўйин. Одамлар севимли жамоасини ғалабага қадар қўллаб-қувватлашни ёқтиради.

Аммо ҳаммамиз ғалаба қозониш учун – жангда, ўйинда бўлиш ва охир-оқибат, ғалаба қозониш учун яратилганмиз ҳамда танланганимизни тушунишимиз керак. Аксарият одамлар учун

**МОЛИЯВИЙ
ТУШКУНЛИКДАГИ
ҲАЁТ...
ХУДОДА БИЗ УЧУН
БОШИДА ҲАМ, ҲОЗИР
ҲАМ БУНДАЙ РЕЖА
БЎЛМАГАН.**

молиявий умидсизлик истисно эмас, бу одатий ҳолдир, шунинг учун ҳақиқатдан қочишнинг ягона йўли – уларнинг орзулари бошқаларнинг ҳаётида қандай амалга ошишига қараб яшашдир. Лотереядан ютиш, ўзига нимаси билан жалб қилади? Нима учун “Ким миллионер бўлишни хоҳлайди?” телекўрсатуви шунчалар машҳур бўлган? Нима

учун бойиш чизмалари бугун ҳам аввалгидек васваса бўлиб қолмоқда? Жавоб. ОРОМ! Ҳамма югуришдан чарчаган, орзуларни ўғирлайдиган юк билан ўйғонишдан, таъминотни қидириш зарурлигидан чарчаган. Аммо ер юзидаги молиявий тушкунлик янги ҳодиса эмас, у инсон яшаётган вақтдан бўён мавжуд. Бироқ Худода биз учун бошида ҳам, ҳозир ҳам бундай режа бўлмаган.

2-БОБ

ЮРИДИК ҲУҚУҚЛАР

Қандай дам олишни тушуна бошлаганимизгача бўлган ҳаётимизни умидсизлик сўзи билан таърифлаган бўлар эдим. Тўққиз йил – молиявий тартибсизлик ва тушкунликда яшаш учун узоқ давр. Эсимда, жуда арзон бўлганига қарамай, зўрға бу маблағни топиб, ойига 300 долларга ижарага олган уйнинг майдони 34 гектар бўлган фермага, кўп бора қарардим ва қачонлардир шунча ерни сотиб олишга қурбим етармикан деб ўйлардим.

Бу ернинг эгаси бу ерда гольф учун майдон қурмоқчи эди, у тахминан уч ёки беш йилдан кейин бошлашни режалаштирган қурилиш бошлангунича, уйга ва ерга қараб туриш учун у кимнидир қўймоқчи бўлган. Эски фермерлик уйи “борлигича” бизга тегди, у қурилган пайдан буён унда ҳеч қандай таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Биз бунга рози бўлдик. Биз уни тозалаб, бўяганимизда, у ўзига хос жозибага эга бўлди. Биз у ерда уч йилга яқин яшаб, сўнг кўчиб ўтишни режалаштирган эдик, лекин етти йил ўтган бўлса ҳам, нимадир сотиб олишга имконимиз бўлмади.

Худо менга Шоҳлик ҳақида гапирганида ҳамда биз унинг тамойилларини ва қонунларини ўрганиб, қўллай бошлаганимизда, ўзгаришлар бошланди. Бизнинг молиявий вазиятимиз яхшиланишни бошлади ва кичик ғалабалар бизни ғоят завқлантирди. Эски фермерлик уйимизга идиш ювадиган

машина сотиб олганимиз ва биз Дренда билан биргаликда қувонганимизни эслайман (айниқса, у қувонди!). Мен унга баъзан идиш-товоқ ювишда ёрдам берган бўлсам ҳам, барибир кўпроқ вақтимни ишда ўтказардим. Бизнинг фарзандларимиз тўрт нафар, шунинг учун хотиним ҳар доим идиш-товоқларни ювиши керак эди. Идиш ювадиган машина олиб, биз бир-биримизга: “Ишонасанми, биз ҳозиргина идиш ювиш машинаси учун нақд пул тўладик” – дердик. Биламан, сиз: “Бу хариднинг нимаси қизиқ?” – дерсиз. Буни тушуниш учун эски уйимиздаги бошқа ошхона жиҳозларига қараш керак бўлади. Газ плитаси ва музлатгич яшил авокадо рангида бўлиб, уларнинг ёши йигирма бешда эди. Шунинг учун улар билан солиштирганда, янги идиш ювиш машинасини харид қилиш биз учун улкан ғалаба эди.

Мен олдинги бобда, Худо менга қандай қилиб орзу ва бизнес бошлаш режасини берганини, кейинчалик бу бизнинг молиявий тартибсизлигимизга жавоб бўлганини сўзлаб берган эдим. Эҳтимол, сиз: “Худо менга ҳам шунга ўхшаш нарсани айтишини қанчалар хоҳлардим” – деб ўйлаётгандирсиз. Яхши хабар шундаки, У буни қилишни истайди, аммо бундай ёрдамни олишдан аввал, Шоҳликнинг иши ҳақида билишингиз керак бўлган нарсалар бор. Ўшанда тушимда олган йўл-йўриқ фақат Худонинг Унинг Шоҳлиги ҳақидаги сабоқлари ва уларни ҳаётимизда қўлланилиши туфайли амалга ошди. Мен аввалги китобимда Шоҳлик мавзусини батафсил таърифлаганман, шунга қарамай, кейинги ишга асос яратиш учун бу ерда уни яна ёритишим керак.

Одамлар мендан Худонинг Шоҳлиги ҳақида гапирганимда нимани назарда тутишимни сўрайдилар. Мен илгари масиҳий бўлган бўлсам-да, бу ҳақида ҳеч нимани билмасдим. Мен ўлганимда, осмонга боришимни билар эдим, лекин Худонинг Шоҳлиги нимани англатишини ва у қандай ишлашини тушунмас эдим. Уни тушуниш учун шоҳлик сўзининг маъносини англаш лозим. Сўзнинг асл маъноси, подшоҳ ҳукмронлигини билдиради. Ҳукмронлик қилиш подшоҳ сўзи орқали амалга оширилади. Унинг сўзлари, унинг мүлки ва фуқароларининг ҳаётини бошқарувчи

қонунга айланади. Шоҳлик ҳақида билиш керак бўлган яна бир муҳим нарса шундаки, шоҳлик миллион кишилик оломон эмас. Шоҳлик бу шоҳликнинг ҳар бир қонуний фуқаросига тегишли бўлган подшоҳнинг ҳукмронлиги ва қонунларини назарда тутати. Ҳар бир қонуний фуқаро учун очиқ бўлган қонунларга эга, Худонинг Шоҳлиги борлиги ҳақидаги бу тушунча аксарият масиҳийларнинг эътиборидан четда қолганга ўхшайди. Масиҳийларнинг катта қисми Худо қайси ибодатларга жавоб беришни ва кимга мойиллик кўрсатишни Ўзи ҳал қилишига ишонадилар. Улар агар узоқ рўза тутишса ёки Худо учун кўпроқ меҳнат қилишса, Унинг илтифотига сазовор бўлишларига ишонадилар. Дўстим, У аллақон, сизга илтифот кўрсатган.

*Шунинг учун сизлар энди бегона ва келгинди эмассизлар,
балки Худонинг муқаддас халқининг ҳамфуқаролари ва
Унинг оила аъзоларисизлар.*

– Эфесликларга 2:19 (ЯРТ)

Сиз нафақат Унинг Шоҳлигининг фуқароси, шунингдек, Унинг оила аъзоси, Подшоҳнинг ўғли ёки қизисиз. Галатияликларга мактубда бу сиз ва мен учун нимани англатиши жуда аниқ тушунтирилади.

*Мен меросхўр ҳали бола бўлсада, гарчи унга бутун
мулк тегишли бўлсада, у ўз ҳуқуқларида қулдан ҳеч
қандай фарқи йўқлигини назарда тутмоқдаман. Лекин
болалигида унинг тарбияловчилари ва васийлари
бўлиб, у отаси тайин этган маълум вақтгача уларга
бўйсунди. Худди шундай, биз ҳам “бола” бўлганимизда
дунёнинг диний бошлиқларига қулликда эдик. Аммо
белгиланган вақт келганида, Худо Ўзининг ўғлини
юборди. У аёлдан туғилди ва Қонунга бўйсунди, токи
Қонун остида бўлганларни қайта сотиб олсин ва
бизни ўғилликка олсин. Сизлар Худонинг ўғиллари*

*бўлганингиз учун Худо юракларингизга “Абба, Ота!”
– деб чақирадиган Руҳни, Ўз Ўғлининг Руҳини юборди.
Шунинг учун сен энди қул эмассан, балки ўғилсан. Агар
ўғил бўлсанг, унда Худо сени меросхўр ҳам қилди.*

– Галатияликларга 4:1-7 (ЯРТ)

**ҲИС-ТУЙҒУЛАР – БУ
ЯХШИ ВА МЕНГА
ХУДОНИНГ ҲУЗУРИНИ
ҲИС ҚИЛИШ ЁҚАДИ,
БИРОҚ ГАП ҚОНУНИЙ
МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА
КЕТГАНДА, МЕН
НАЖОТ ТОПГАН
БЎЛИШИМ УЧУН
ЎЗИМНИ НАЖОТ
ТОПГАН ДЕБ ҲИС
ҚИЛИШИМ ШАРТ
ЭМАС.**

Сиз ўғил ёки қиз сифатида бутун мулкнинг меросхўрисиз ва сизда Унинг Шоҳлигининг фуқаросида бўлгани каби қонуний ҳуқуқингиз бор! Бу фикр бир дақиқага сизга сингсин, сизда аллақачон ҳамма нарса бор. Сизда қондирилмайдиган бирорта эҳтиёж йўқ. Шунинг учун ёлвориб, йиғлашни бас қилинг. Сизда аллақачон бор нарсани тиланишнинг кераги йўқ. Худо кимга ёрдам бериб, кимга ёрдам бермасликни ҳал қилиш учун, ҳар бир алоҳида ҳолатни кўриб чиқмайди. Худонинг ҳар қандай ўғли ёки қизи аллақачон Унинг ёрдамини қабул қилган.

Бу фуқароликни Қўшма Штатларнинг фуқаролиги билан солиштиришимга ижозат беринг. Агар сиз фуқаро бўлсангиз, қонун сиз ҳақингизда айтган нарсага риоя қилган ҳолда Қўшма Штатларининг ёрдамига автоматик тарзда эга бўласиз. Бу имтиёз сизга фуқаролигингиз билан берилган. Шунинг учун Унинг ёрдамини ишлаб олиш учун шу қадар рўза тутиб, ибодат қилишнинг ҳожати йўқ, У аллақачон Исонинг қилган иши орқали, уни сизга бепул берган. Роҳатланинг! Бунга эга бўлинг!

У билан бирга тирилтириб, бизларни Исо Масиҳда самоларда ўтирғизди, токи келажак асрларда Худо бизларга нисбатан бўлган Ўзининг эзгулигида Ўз июнатининг беҳад бойлигини Исо Масиҳда намоён қилсин.

– Эфесликларга 2:6-7

“Исо Масиҳда самоларда ўтирғизди” ибораси Худонинг Шоҳлигидаги сизнинг қонуний ҳолатингиз ҳақида гапирмоқда. Исо Отанинг ўнг қўли томонга ўтирибди ва сиз ҳам ўтирибсиз, чунки сиз Масиҳнинг танасисиз. Демак, сиз Исо билан Худода бор бўлган ҳамма нарсанинг меросхўрисиз. Бунга ишониш қийинлигини биламан, лекин бу ҳақиқат. Сиз ҳамма нарсага эгасиз, сиз оила аъзосисиз ва бу оилавий бизнес! Бироқ шайтон, сизнинг кимлигингиз ва нимага эгалигингиз ҳақидаги билимни сиздан яширишга ҳаракат қилади, шунинг учун аксарият одамлар, ҳатто масиҳийлар ҳам гўёки дунёдаги лаънатга ботган, омон қолиш тизимида боғлангандек яшайдилар!

Ҳукумат ва қонунларнинг ишлашини ва Худо Шоҳлигининг фуқароси сифатида мен унда қонуний ҳуқуқ ва имтиёзларга эга эканимни англаганим туфайли менинг ҳаётим ўзгарди. Ҳис-туйғулар – бу яхши ва менга Худонинг ҳузурини ҳис қилиш ёқади, бироқ гап қонуний масалалар ҳақида кетганда, мен нажот топган бўлишим учун ўзимни нажот топган деб ҳис қилишим шарт эмас. Бу ҳуқуқий масала. Мен Қўшма Штатларнинг фуқароси бўлишим учун ўзимни унинг фуқароси деб ҳис қилишим шарт эмас. Мен бу ҳал қилинган ҳуқуқий масала эканини биламан, чунки мен бу мамлакатда туғилганман. Сиз Худонинг қаршисида тўғри ҳолатда бўлсангиз ва ҳаётингизнинг асоси – ҳис-туйғу эмас, қонун бўлса, ҳамма нарса ўзгара бошлайди!

Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча

*сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан
сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз.*

– 1-Юҳанно 5:14-15

Бу оят ҳақида бир зум ўйлаб кўринг, бу менинг севимли оятларимдан бири. Агар мен Унинг иродаси бўйича нимадир сўрасам, У мени эшитишини биламан! Бу сиз қулоқларингиз билан эшитадиган товуш тўлқинларига тегишли эмас. Бу ҳуқуқий тасдиқ. Суд залидаги судяни тасаввур қилинг. Агар у ишни тинглашга қарор қилса, бу унинг ишни қонун асосида кўриб чиқишга розилигини билдиради. Бизнинг ҳолатимизда, биз Подшоҳнинг қонунларига кўра сўраганимиз сабабли, У Ўзининг шахсий қонунини кучга киритишини биз аллақачон биламиз. Шу тарзда, биз натижага ва шубҳа йўқлигига амин бўламиз.

Мисол учун, Қўшма Штатлар – бу шоҳлик эмас, чунки уларнинг подшоҳи йўқ, лекин улар ҳар бир қонунга бўйсунувчи фуқаро учун бир хил ва тенг ҳуқуқли қонунлар асосида ҳаракат қилади. Худди шу тарзда Худо Шоҳлигидаги бошқарув ҳар бир фуқарога тенг даражада тегишли бўлган қонунлар асосида амалга оширилади. Биз Муқаддас Китобда ўқийдиган воқеалар эрмак учун эмас, балки бу қонунлар биз учун мавжудлигини ва биз уларни билиб, қўллаш олишимиз мумкинлигини кўрсатиш учун ёзилган. Исо халққа Шоҳлик қандай қурилганини тушунтириб, кўп бора қўйидаги жумлани айтган: “Худонинг Шоҳлиги ўхшайди”. У қонунларнинг қандай ишлашини визуал тасвирини кўрсатиб ёки у ва бу нарса нима учун содир бўлганини тушунтириб, масаллар айтганда, Шоҳликнинг қонунларига ишора қилган. Одамлар қандайдир сабабларга кўра Худонинг Шоҳлигида унинг фаолиятини бошқарувчи қонунларнинг борлигини тасаввур қилмайдилар. Кўпчилик Худо ҳамма нарсани, хоҳлаган вақтда қилиши мумкин, чунки У Худо деб ҳисоблайдилар. Мен Худо хоҳлаган ҳамма нарсани қилиши учун куч ва ҳокимиятга эга эканига қўшиламан, лекин У Ўзининг шахсий қонунлари билан чекланган. Сизга ғалати кўриниши мумкинлигини биламан, бироқ фикримни етказиш

учун Марк Хушхабари 6-бобдан парча келтиришга ижозат беринг.

Исо эса уларга: “Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндошлари ва хонадонидан бошқа ерда ҳурмат-иззатсиз бўлмайди”, – деди. Бинобарин, У ўша ерда ҳеч қандай мўъжиза ярата олмади. Фақатгина бир неча беморларга қўл қўйиб, уларни шифолади. Шунда У уларнинг имонсизликларидан ҳайрон бўлди. Сўнг атрофдаги қишлоқларга бориб таълим берди.

– Марк 6:4-6

Сиз ушбу парчани ўқиётганингизда, шубҳасиз, саҳифадан сизга кичқирган ва Шоҳликнинг фаолиятига оидинлик киритувчи бир неча тафсилотларни пайқаган бўлсангиз керак.

У ўша ерда ҳеч қандай мўъжиза ярата олмади...

Биринчидан, кўплаб масиҳийлар ҳатто, Муқаддас Китобдаги ушбу оятни кўрмаган ва агар сиз Муқаддас Китобда Исо шифолай олмаган вазиятлар келтирилганини тасдиқласангиз, улар сизга дарҳол эътироз билдиришади. Лекин кўриб турганингиздек, У ҳақиқатан ҳам қила олмаган. Шоҳликни қонунлар бошқаришини англаганингиз заҳоти, бу воқеани теранроқ кўра бошлайсиз. Аксарият масиҳийлар Исо уларни шифоламасликка қарор қилган деб ҳисоблайдилар. Шоҳлик қонунлар билан бошқарилиши ҳақида билмасангиз, сиз унда ҳеч қандай мантиқий маънони кўрмайсиз. Агар Исо шифолаш қудратига эга бўлиб, лекин буни қилмаганини билса-ю, шу билан бирга қонуний юрисдикция тушунилмаса, албатта, У шифоламасликка қарор қилган деган хулосага келиш мумкин. Наҳотки, бошқача бўлиши мумкин бўлса?

Эҳтимол, сиз инсон ёки унинг дўсти ўтаётган муаммо ва синовлар ҳақида гап кетганда, “Худо бунга йўл қўйди”, “Худо яхшироқ билади”, “Ҳаммаси Худонинг назоратида” ёки шунга ўхшаш гапларни эшитгандирсиз. Аксарият масиҳийлар шу

жойда тўхтайдилар. Шоҳликнинг қонунларини, Исога бу ерда касалларни шифолашига тўсқинлик қилган ҳақиқий сабабларни билмасдан, одамлар уларнинг шифоланиши, Худонинг иродаси эмас деган хулосага келишади. Дўстим, Муқаддас Китоб У шифоламасликка қарор қилди деб айтмаяпти. У Исо имоннинг етишмаслиги туфайли уларни шифолай олмаганини айтмоқда. Бу воқеадаги шифоланиш учун тўсиқ Худонинг истаги йўқлигида эмас, балки Худонинг кучини тўхтатиб қолган юрисдикциянинг руҳий қонунларида эканини тушунинг.

Энди сиз бошқа ҳикояларда худди бу ҳикояда бўлгани каби, нима учун бир ҳолатда Худонинг қудрати Унинг иродасини ва истагини амалга ошириш учун юрисдикцияга эга бўлганини, бошқасида эса эга бўлмаганининг ҳуқуқий асосларини кўришни бошлайсиз. Шунинг учун Шоҳликнинг қонунлари қандай ҳаракат қилишини билишингиз жуда муҳим. Бир кун, само билан тўлишишга муҳтож бўлганингизда, Худонинг иродаси ҳаётингизда қисман эмас, балки тўлиқликда амалга ошишини кўришни хоҳлайсиз. Айнан шу сабабли мен ушбу китобни ёзмоқдаман.

**У БИЗГА НАФАҚАТ
СИНОВЛАР ВА
КУЛФАТЛАРДА
АЗОБ-УҚУБАТЛАРГА
САБР ҚИЛИШ
ҚОБИЛИЯТИНИ,
БАЛКИ ШИФОЛАНИШ,
ҚАЙТА ТИКЛАНИШ,
МОЛИЯВИЙ ЎСИШ
ВА БОШҚА КЎП
НАРСАЛАР ҲАҚИДА
ВАЪДАЛАР БЕРГАН.**

Мен саёҳатимизни онгингизда тоза саҳифадан ва сиз бутун ҳаётингиздавомида нима учун, Худониманидир қилади-ю, ниманидир қилмайди деб эшитганларингиз бўйича барча диний жавобларни улоқтириб юборишингиз кераклигини англашдан бошлашни тавсия қиламан. Умид қиламанки, сиз Митти Жонни ўлаётганида: “Худо яхшироқ билади. Ҳаммаси Унинг назоратида” ва бошқа айтиладиган, барчага одат бўлиб қолган тушунтиришлардан воз кечишингиз кераклигини энди тушунайсиз. Йўқ, сиз Исо нима учун

шифолай олмагани сабабларини ва ер юзида Худо қудратининг оқимини бошқарувчи қонунларни БИЛИШИНГИЗ шарт. Сиз “Нима учун Исо шифолай олмади?” саволининг жавобини билишингиз керак. Кўпчилик одамлар ҳатто, бу саволнинг жавоби бор деб гапирганимда хафа бўлишади. Лекин мен сизга фақатгина Муқаддас Китоб гапираётган нарсаларни айтяпман ва яна такрор айтаманки, сиз бу саволнинг жавобини билишга МАЖБУРСИЗ.

Бу ҳикояда Исо нима учун касалларни шифолай олмаганини тушунтирадиган оддий ва қисқа жавоб шуки, само буни қилиш учун ҳуқуқий юрисдикцияга эга эмас эди. Юрисдикция ер юзида бўлган эркак ёки аёлларнинг ва осмон айтаётган нарсага тўлиқ ишонч ҳосил қилганларнинг имони билан берилади. Гарчи сиз ва мен Исо касал одамларни шифолаш қудратига ва истагига эга бўлганига қўшилсакда, У буни қила олмади. Унинг Ўзи бунинг сабаби У шифолашни истамаганлигида эмас, балки одамларнинг имони йўқлигида эканини айтди. Буни ёзиб қўйинг! Бу ерда асосий сир яширинган! Имон!

Мен аввалги китобимнинг энг катта қисмини имон нима, у қандай ҳаракат қилади, у нима учун керак, нима учун Худо уни биздан талаб қилади, уни қандай олиш ва имондамизми, йўқми қандай билишни тушунтиришга бағишладим. Шоҳликнинг ушбу асосий қонунини нафақат тушуниш муҳим. Унда биз учун ҳаёт ва ўлим мавжуд!

Яқинда мен бир таниқли масиҳий хизматдан хабар жўнатмаси олдим. Афсуски, унинг мазмуни кўплаб масиҳийларнинг одатий фикрини акс эттиради. Мен шундан бир парчасини ўқиб берсам.

Мактуб Қонуннинг такрорланиши китобининг ажойиб оятидан бошланган:

“Мустаҳкам ва жасур бўлинглар, улардан қўрқманглар ва ваҳимага тушманглар, зеро Раббий Худойингнинг Ўзи сен билан бирга боради, сендан йироқлашмайди ва сени ташлаб кетмайди” (Қонуннинг такрорланиши 31:6).

Кейин шундай ёзилган:

“Нима учун Худо террорчилик ва азоб-уқубатларни тўхтатмайди? Нима учун У одамларнинг ўлишига йўл қўяди? Саволлар кўпаймоқда, ҳақиқат шундаки, биз шунчаки барча жавобларни билмаймиз. Худо нима учун у ёки бу нарсаларнинг содир бўлишига йўл қўяётганини билмаймиз. Биз фақатгина Худонинг севгиси муқаммал эканини биламиз. Унинг йўллари бизнинг йўлларимиздан устундир. У бизга меъеридан ортиқ синовлар бермаслигини, лекин бизга берадиган барча нарсада У биз билан ҳар қадамда бирга бўлишини айтадиган Унинг вадаларига ишонишимиз керак”.

НОТЎҒРИ, НОТЎҒРИ, НОТЎҒРИ! Ҳолбуки, Муқаддас Китоб бизга бунинг бутунлай аксини айтади.

Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келган эмас. Худо эса содиқдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун халос бўлиш йўлини ҳам беради.

– 1-Коринфликларга 10:13

У бизга нафақат синовлар ва кулфатларда азоб-уқубатларга сабр қилиш қобилиятини, балки шифоланиш, қайта тикланиш, молиявий ўсиш ва бошқа кўп нарсалар ҳақида ваъдаларни берган. Муқаммал севги ечимни таклиф қилади. Мен давом эттиришим мумкин эди, бироқ кўпгина одамлар, афсуски, Худони шундай тасаввур қилишади. Севгиси муқаммал бўлган Худо, одамга саратон касаллигини беради ёки У шифолашга қодир бўла туриб, бунинг қилишдан воз кечади дея, қандай ўйлаш мумкинлигини тушунмайман. Одамлардан бу ҳақда сўраганингизда, улар одатда Унинг йўллари бизнинг йўлларимиз эмас деб жавоб беришади.

Ҳазиллашяпсизми? Бизда мукаммал севги йўқ, лекин биз ўз фарзандимиз билан бундай қилмаган бўлар эдик! Аксинча, У Ўз Сўзида Ўзининг йўлларини жуда аниқ кўрсатади.

Хабар жўнатмасида У бизга нимаики бермасин, У бутун азоб-уқубат йўлида, ҳар қадамда биз билан бирга бўлиши айтилган. Наҳотки, Худо бизга ёмон нарса берса? Йўқ. Муқаддас Китоб бизга У биз билан эканини ва бизни ҳеч қачон қолдирмаслигини айтганида, бу Худо Ўз ваъдаларини бажариш учун биз билан эканини англатади! Дўстим, Худо бизнинг душманимиз деган бундай таълимот Худодан эмас. У мен хизмат қиладиган Худони ифодаламайди ва сиз бунга рози бўлмайсиз деган умиддаман. Агар жамоатингизда бундай турдаги беъманиликни ўргатишса, сиз уни дарҳол тарк этишингиз керак!

Худо севгидир ва Калом айтадики, севги ҳеч қачон панд бермайди. Бироқ Худонинг юрисдикцияси, Унинг ердаги соҳага аралашиши, бизнинг имонимиз билан шартланган. Ҳа, бу эт жимирлаши, ҳис-туйғу ёки бошқа нарсалар эмас, балки ҳуқуқий масаладир. Бу сиз билишингиз керак бўлган ҳуқуқий масаладир. Инсон ер юзида юрисдикцияга эга экан, мен юқорида ёзганимдек, Худо истаган ҳамма нарсани қила олмайди. Само бу вазиятга Худонинг шарафини келтириш юрисдикциясини олиши ва ҳақликни ҳосил қилиши учун сизнинг осмон билан розилигингиз ва имонингиз зарур. Дўстим, сиз имон нима эканини ва Худодан нимадир олишда, нима учун имон кераклигини билишингиз шарт.

Агар сиз менинг аввалги “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Розиликнинг кучи” (Your Financial Revolution: The Power of Allegiance) номли китобимни ўқимаган бўлмангиз, имон масалаларини қисқача ёритишимга ижозат беринг. Имон сўзини ишлатувчи деярли ҳар бир масиҳий бу нимани англатишини билади дея тахмин қилишингиз мумкин, аммо бу ундай эмас. Қонуний юрисдикцияга нисбатан Шоҳликнинг ҳаётий муҳим моҳиятини тушуниш учун тарихга бироз назар ташлашимиз керак.

Келинг, Римликларга мактубдан бир парчани кўриб чиқамиз:

“У умиди қолмаганига қарамасдан, умид билан ишонди, токи “Сенинг уруғинг сон-саноқсиз бўлади”, – деб айтилгани бўйича кўп халқларнинг отаси бўла олсин. Шундай экан, имонда заифлашмасдан, у юз ёшга яқинлашган бўлса ҳам, ўзининг танаси ўликдай бўлгани ва Соронинг бачадони ўлгани ҳақида ўйламади, имонсизлик билан Худонинг ваъдасидан ҳам шубҳаланмади, лекин Худони улуғлаб, имонида кучлироқ бўлди ҳамда Худо берган ваъдасини бажо келтиришга қодир эканлигига тўлиқ амин эди” (Римликлар 4:18-21).

Биз Иброҳимни имон кишиси сифатида биламиз. У Худо ваъда қилинганни амалга ошириш қудратига эга эканига тўлиқ амин эди. Худо билан келишилган мутлақ ишонч имон деб аталади. Худо бу келишувсиз ерда ҳаракат қила олмайди. Сиз: “Нима учун Худога бирор нарсани қилишига рўхсат беришга ёки Ўзи танлаган нарсани қилишига тўсқинлик қилишга Унга инсон керак? У Худоку” – деб сўрайсиз. Ушбу саволга жавоб бериш учун келинг, бошига, Одам Ато даврида қандай бўлганига қараймиз.

Сен уни фаришталардан бир оз паст қўйдинг, унга шухрату шараф тожини кийдирдинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг. Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг”. Худо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали кўрмаяпмиз.

– Ибронийларга 2:7-8

Бу сўзлар дунё яратилишида Отам Ато ва Момо Ҳаво ҳақида айтилган бўлган. Эътибор беринг, ер юзида уларнинг қонуний

юрисдикцияси остига берилмаган ҳеч нарса йўқ эди. Одам Ато Худонинг Шоҳлиги номидан бўлишилган ҳоқимият ёрдамида ҳукмронлик қилиш учун ерга қўйилган. У бутун ер юзида ҳукмронлик қилган.

Худо яна: “Ўз суратимизга кўра, ўзимизга ўхшаш қилиб одамни яратайлик. Улар денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар, чорвалар, бутун ер устидан ва ерда судралиб юрадиган барча судралувчилар устидан ҳукмронлик қилсинлар”, – деди.

– Ибтидо 1:26

Биз яна кўряпмизки, Одам Ато шараф (мойланиш ва куч) ва ҳурмат (ҳоқимият мавқеи) тожи кийдирилган ҳолда ҳукмронлик қилган. Ҳамма нарса унга бўйсундирилган эди. Қолаверса, яратилиш тарихини ўқисак, Одам Ато бутун сайёра устидан ҳукмронлик қилиш учун қўйилгани сабабли у барча ҳайвонларга ном берганини кўрамиз. Биз биламизки, Одам Ато Момо Ҳавони алдаб, Одам Атони Худонинг бошқарувига қарши хиёнат қилиш учун васвасага солган шайтон устидан ўз ҳоқимиятини йўқотди. Павлус Коринфликларга иккинчи мактубида (4:4) шайтон Одам Атонинг хиёнати орқали бу дунёнинг худосига айланганини ёзади. У шунчаки қандайдир худо эмас, балки бу дунёнинг худоси бўлди, бошқача айтганда, унда қонуний руҳий ҳоқимият пайдо бўлди. Инсон ерда яшашни давом эттирганига қарамасдан, у Худо учун руҳан ўлик бўлди. Худонинг Руҳи билан бирликда юриш учун яратилган инсоннинг руҳи, энди Худодан ажралган эди. Инсон ўзининг туйғулари, онги, иродаси ва ҳиссиётлари билан юра бошлади.

Шунда иблис Исони баланд тоққа олиб чиқди-да, бир лаҳзада оламнинг барча шоҳликларини кўрсатиб, Унга:– Булар устидан барча ҳоқимиятни ва буларнинг шухратини Сенга бераман, – деди, – чунки бу менга

топширилган ва мен бунни истаганимга бераман. Агар Сен менга сажда қилсанг, ҳаммаси Сеники бўлади.

– Луқо 4:5-7

Этибор беринг, шайтон ердаги ҳоқимият унга топширилганини айтди. Албатта, биз биламизки, ҳоқимият унга дастлаб ҳақли равишда унга эгалик қилган Одам Ато томонидан топширилган. Бу муҳим. Бундан ташқари, агар шайтон ноқонуний йўл билан ерга бостириб киришга ҳаракат қилса, шу заҳоти у орқага улоқтирилган бўлар эди. Мадад кучи чақираётган полициячини тасаввур қилинг ва сиз нима учун мен, шайтон яхшигина қарши зарба олган бўларди деяётганимни тушунасиз. Полиция ходимининг нишони, Қўшма Штатлар ҳукуматининг бутун кучи ва ҳоқимияти, унинг сўзларини қўллаб-қувватлашининг белгиси бўлиб хизмат қилади.

Худо ҳукумати номидан ҳукмронлик қилувчи Одам Атонинг тожи (бошқача айтганда, унинг ҳоқимият мавқеи) Худонинг бор қудрати ва Унинг қўллаб-қувватлашига эга эди. Одам Атонинг ердаги мавқеи туфайли шайтон бизнинг сайёрамизда ҳеч қандай юрисдикцияга эга эмас эди. У Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ҳукмронлиги остида эди. Шайтон ер юзида юрисдикцияни қўлга киритиш учун умид қилиши мумкин бўлган ягона нарса Одам Атодан бунни талаб қилиш эди, лекин у Одам Атони тожни ечишга мажбурлаш ҳоқимиятига эга бўлмаган. Шайтон бунни қила оладиган ягона инсон Одам Атонинг ўзи эканини билган. Мана нима учун шайтон одамни алдаб, Худони одамларнинг нигоҳида ишончсиз қилиб кўрсатиш учун уларнинг манфаатларини кўзламайдиган режа тузиши керак эди. Энг осон йўли, у Момо Ҳавони Яратганга итоатсизлик қилишга ишонтирди, чунки Унинг қонунлари уни ва Одам Атони катта манфаатдан маҳрум қиларди.

Шайтон Одам Ато ва Момо Ҳавони унга ишонишга ва Худо билан қолишнинг ўрнига у томонда бўлишга мажбурлашига тўғри келди.

Оддий сўзлар билан айтганда, гап имон ҳақида кетмоқда. Худонинг сўзларига “тўлиқишонч”ни имон деб аташ мумкин. Одам Ато ва Момо Ҳаво Унинг Сўзини рад этиб, унинг ишончилигига шубҳа қилишди ва шайтоннинг сўзларига қўшилишди. Сўнгра уларни Худонинг Шоҳлигидаги қонуний мавқедан маҳрум қилган ва шайтонга инсоннинг ишларида қонуний асос берган, ўз маслакларига кўра ҳаракат қилдилар. Натижада, ерда ҳокимиятга эга бўлган Одам Ато шайтон билан рози бўлганда, Худони руҳан қувиб юборди! Одам Ато шайтонга эргашиш учун ўз тожини, ҳокимиятдаги ўрнини қолдирди. У шу тарзда йўл тутиб, том маънода Худони ўз ҳаётидан ҳайдаб юборди. Кўпчилик: “Йўқ, бу содир бўлиши мумкин эмас, Одам Ато Худони ердан ҳайдаб юбора олмасди!” – деб айтадилар. Аммо одамнинг қилмишларини ҳисобга олса, айнан шундай бўлган. Сизга бунини исботлашимга ижозат беринг. Келинг, Ибтидо китобидан бир парчани яна бир бор кўриб чиқайлик. Одам Ато гуноҳ қилгандан сўнг, Худо унинг олдига келиб, шундай деди:

“Ер юзи сен туфайли лаънатланди. Бутун умринг бўйи ундан оғир меҳнат қилиб озиқланасан. Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дала ўтлари билан озиқланасан. Сен ўзинг олинган ерга қайтгунингча пешана теринг билан нон ейсан, чунки тупроқдирсан ва тупроққа қайтасан” (Ибтидо 3:17-19, ЯРТ).

“Ер юзи сен туфайли лаънатланди” сўзларига эътибор қаратинг.

Лаънатланди сўзи унда Худонинг ҳузури ва баракаси йўқлигини англатади. Ҳаммаси бутун сайёрада ҳокимиятга эга, лекин уни Худонинг юрисдикциясидан ажратган Одам Ато туфайли бўлди. Худо асосий нарсани айтади: “Одам Ато, сен туфайли Менинг қўлларим боғланди. Мен сенга ёрдам бера олмайман”. Сўнг У давом этиб, бундан буюн Одам Атонинг ўзи оғир ва машаққатли меҳнат орқали ризқ топиб, омон қолиши кераклигини айтди. Мен бунини омон қолиш деб аталадиган “ердаги лаънатга ботган

тизим” деб ҳисоблайман. Биз ҳаммамиз бу қўрқув ва қийноқлар шоҳлигида ўсганмиз. Биз ташвишланишни ўргандик, қўрқув туғилганимизданоқ бизнинг бутун фикрларимизга кириб борди. Мен бу парчага тез орада қайтмоқчиман, лекин авваломбор, шайтон ер юзига киришга қандай қилиб руҳсат олганини тушунишингизга ишонч ҳосил қилишга ижозат берсангиз. Унга эшик очиш учун, ерда Худодан қонуний юрисдикцияга эга бўлган эркак ёки аёлни топиши керак эди. Бу калит Одам Атода эди ва у шайтонга эшик очиши учун шайтон уни алдашга муваффақ бўлди. Келинг, Ибронийликларга мактубдан олинган парчага яна бир бор назар ташлайлик:

“Сен уни фаришталардан бир оз паст қўйдинг, унга шухрату шараф тожини кийдирдинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг. Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг”. Худо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали кўрмаймиз” (Ибронийларга 2:7-8).

Эътибор беринг, Муқаддас Ёзувда Худо унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмагани айtilган. Гап жуда узоқ вақт олдин содир бўлган воқеа ҳақида кетаётганига қарамай, тобе бўлмаган сўзининг маъноси бугунги кунгача сақланиб қолади ва инсоннинг ердаги ҳозирги ҳолатини тасвирлайди. Гарчи инсон Одам Атонинг гуноҳи орқали ерда ўз руҳий ҳокимиятини йўқотган бўлса-да, бироқ ерга қонуний эгалик қилиш ҳуқуқини йўқотмаган. Ҳозирги ҳолат мана шуни англатади. Инсоннинг ердаги ҳуқуқий аҳволи ва шайтон инсонлар устидан эга бўлган ҳуқуқий руҳий ўрни тўфайли Худо шунчаки ерга суқулиб кириб, Ўз Сўзини буза олмайди, акс ҳолда шайтон бунга эътироз билдиради.

Худо ерда У билан рози бўладиган ва Худонинг Шоҳлиги қонуний юрисдикцияга эга бўлиши учун унга руҳий эшикни

очадиган эркак ёки аёлни қидиришга мажбур бўлди. Шайтон воситачи Одам Ато орқали ҳаракат қилишга мажбур бўлгани каби, энди Худо ҳам Шоҳликка ўрин бериш учун ерда воситачилар, эркак ёки аёл орқали ҳаракат қилишга мажбур эди. Юрак ва ақл осмоннинг айтганига буткул қўшилади – мана имон нимани англатади. Имоннинг мавжудлиги Худонинг Шоҳлиги бу ерда юрисдикцияга эга бўлиши учун зарурдир. Мен бу китобда имонни қандай олиш кераклигини ёки сиз имондамисиз ёки йўқлигини билишингизни тушунтирмайман. Мен бу ҳақда ушбу туркумнинг биринчи китобида ёзганман. Бизнинг муҳокамамиздан мақсад, мен фақатгина имоннинг нима эканини ва осмон ерда ҳаракатланиши учун унинг зарурлигини билишингизга ишонч ҳосил қилмоқчиман.

Нима учун Исо Ўз шаҳрида – одамларнинг имонсизлиги сабабли - кўп мўъжизалар ярата олмаганини сиз энди яхшироқ тушунасиз деб умид қиламан. Чунки самода қонуний ваколатга эга юрисдикция бўлмаган. Мен нимани назарда тутаётганимни кўрсатиш учун бу мунозарани Муқаддас Ёзувдаги ажойиб парча билан яқунлашимга ижозат берсангиз.

Римликларга мактубдаги бу сўзларни ҳамма эшитган:

“Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади” (Римликларга 10:10).

Бу парча Рим йўли деб аталган оятга саналиб, бизга нажотни қандай қабул қилишни кўрсатувчи Инжилнинг тўртта оятларидан биридир. Лекин сиз ушбу оятда кўрсатилган жараён ҳақида бирор марта ўйлаб кўрганмисиз? Юраги билан ишонади ва осмон билан рози бўлади. Сизнинг юрагингиз само билан розиликда уларга ерни тўлдириш ҳуқуқини беради. Ушбу оятда шундай дейилган: сиз самоларга ишонганингизда, оқланасиз. Оқланиш – бу қонуннинг маъмуридир. Шунинг учун юракдаги имон сизга осмон ва ер қаршисида само таклиф қиладиган нарсага эга бўлиш учун

қонуний ҳуқуқ беради, чунки айнан имон уларга ерда қонуний ваколатга эгалик ҳуқуқини беради. Аммо, эътибор беринг, ҳозирча ҳеч нарса содир бўлгани йўқ. Бу оятнинг иккинчи қисми мавжуд: “...ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади”. Тушуняпсизми, сизнинг юрагингиз осмон билан рози бўлса-да, бу унга ерга ёриб кириш ҳуқуқини беради, аммо бу ерда юрисдикцияга эга бўлган эркак ёки аёл бу жойда ниманидир ечиб юбормагунча ҳеч нарса содир бўлмайди. Юрисдикция сизнинг қўлингизда экан, осмон сизсиз унга эга эмас!

Сизларга ростини айтаман, сизлар ер юзида нимани боғласангизлар, осмонда ҳам боғланади, ер юзида нимани ечсангизлар, осмонда ҳам ечилади.

– Матто 18:18

Бу ерда мен ҳозиргина айтган нарса айтилган. Ер юзида боғлаган нарсангизни осмон қўллаб-қувватлайди, ер юзида ечган нарсангизни осмон қўллаб-қувватлайди. Осмон бунинг сизсиз қила олмайди! Осмон сизни кутмоқда ва эркак ёки аёл имон ҳамда само билан розиликда, ўз ҳокимиятини ерда озод қилмагунча, ҳаракат қила олмайди.

Энг муҳими – самонинг кучи ва ҳокимиятини ерда қандай озод қилишни тушунишдир. Мен бунинг уддасидан чиқдим, электрон почтамга келган хатни ёзган киши ҳам бунинг уддасидан чиқди.

“Ассалому алейкум! Биз эрим билан “имонга кўра ов” ҳақидаги ажойиб ҳикояни баҳам кўрмоқчимиз. Биз 2011-йилда “орзуйимиздаги уй”да яшардик, лекин маошдан маошгача кун кўрардик, баъзан кредит карта орқали озиқ-овқат ва уйни иситиш учун тўлар эдик. Биз гуллаб-яшнамадик, биз тирик қолиш учун ҳаракат қилардик. Мен жамоатда ҳамду-сано етакчиси эдим, лекин имонимиз, бизнинг молиявий аҳволимиз билан тўғри келмас эди. Мен Daystar телеканалда

эътиборимни тортган “Пул масаласини ҳал қилиш” дастурингизни кўриб, “Молиявий инқилоб” диски билан бирга “Пул масаласини ҳал қилиш” китобига буюртма бердим. Биз уларни доимо тинглаб, китобни бирга ўқидик.

Биз имонда эмаслигимизни тушунмас ҳам эдик! Биз орзуйимиздаги уйда яшаб қолишни истасак, бизга Шоҳликда пулларни қандай бошқариш ҳақида жавоблар кераклигини билар эдик. Биз “Имон ҳаёти” хизматига 200 доллар уруф эдик (ўша пайтда бу биз учун 2000 доллардек жуда катта пул эди!) ва Худо бизга, мен уйда шуғулланишим мумкин бўлган савдо-сотиқдаги ўрнимизни кўрсатишини Худо билан келишиб олдик.

Худо бизга уйда голдендудль зотли кучук болаларини кўпайтириш бўйича бизнес режа берди. Биз Белла ва Грейси лақабли иккита кучук болаларини сотиб олиб, уларни кўпайтира бошладик. Биз барча нарсани Худо билан ҳамкорликда қилдик. Биз ўзимиз бу кучукчаларни ярата олмаслигимизни билардик! Биз уларни кўпайтириш билан машғул бўлдик ва 2014-йили ҳар бири 1200 долларлик ўн учта кучукчаларимиз сотувга қўйилди. Ҳозир 2015-йилда олтмиш учта кучукларимиз бўлиб, ҲАММАСИ соғлом. Кучукчалар сотуви туфайли уй ипотека қарзидан ташқари бўлган қарзларимиздан тўлиқ қутула олдик. Энди биз фавқулотда вазиятлар жамғармамизни яна тўлдирдик.

Бизни ажаблантирган нарса, онам нафақага чиқишга қарор қилгани учун ўзининг иккита голдендудль итларини олишни ишташ-истамаслигимизни сўрагани бўлди. Худо бизни дуо қилди ва бизга яна иккита итни бепул берди. Июль ойида эрим ўрта мактаб директори лавозимига кўтарилди! Бир йил ичида

бизнинг даромадимиз олти хонали рақамга айланди. ИМОНГА КЎРА ОВ ИШЛАЙДИ! Биз Худо Шоҳлигининг қонунларига уландик. Энди биз Шоҳликнинг барча турдаги фаолиятига экамиз ва ҳар якшанба тонгида маҳаллий жамоатимизда ҳамду-сано ўтказишдан олдин, сизнинг жамоатингиз хизматини интернет орқали томоша қиламиз! Шоҳлик қандай ишлаши ҳақида бизга ўргатаётганингиз учун ташаккур!”

– Карла

Шу ҳафта мен бу жуфтликдан яна бир хат олдим.

“Песаҳмуборак! Масиҳ тирилди! Биз янгиликларимизни онлайн чўпонимиз Гари билан бўлишмоқчимиз. Илтимос, биз бу йил Исонинг туғилган кунини Йерусалимда нишонлаганимизни унга етказинг (нақд пул билан тўладик). Ўсмир ўғлимиз Иордан дарёсида сувга чўмиши ва Жалила денгизида “Хилсонг” гуруҳи билан сажда қилиш биз учун улкан барака бўлди. Қойил! Биз пул масаламизни ечганимиз учун жуда миннатдормиз!”

Ҳозир бизда бир юзи йигирма битта кучукчалар бор. Биз бир кучукча учун 2300 долларгача нархни кўтаришимизга тўғри келди, чунки кутиш рўйхатида жуда кўп одамлар бор! Худога ҳамду-санолар бўлсин!”

– Карла

Бу сизнинг ҳаётингизда Шоҳлик амалга ошириши мумкин бўлган нарсаларнинг ажойиб намунасидир. Карладан мактуб олганимдан сўнг, шу ҳафта унга қўнғироқ қилдим ва у НИҲОЯТДА хурсанд бўлди! Унинг айтишича, бу йил улар ўйнинг кредитини тўлиқ тўлаб беришади. У биринчи мактубида нима ёзганини эслатиб ўтаман:

“Биз маошдан маошгача кун кўрардик, баъзан кредит карта орқали озиқ-овқат ва уйни иситиш учун тўлар эдик. Биз гуллаб-яшнамас эдик, биз тирик қолиш учун ҳаракат қилардик”.

Энди, бир неча йил ўтгач, улар барча кредитларини тўлиқ тўламоқдалар. Шоҳлик!

3-БОБ

ШОҲЛИК – БУ СИЗНИНГ ЖАВОБИНГИЗ

Энди сиз Шоҳлик ўзгармас қонун ва тамойилларга қурилгани ҳақидаги муҳим тасаввурга эга бўлганингиздан сўнг, мен сизнинг молиянгизга, яъни, сизнинг оромингизга таъсир кўрсатадиган қонунларга ўтмоқчиман.

Аммо уларга ўтишимиздан олдин, мен бу китобни нима учун “Оромнинг кучи” деб номлаганимни ҳамда молия ва Шоҳлик тушунчаларидаги ором сўзи остида нимани назарда тутишимни тушунтирмоқчиман. Ажабланарлиси, мен оромни молия билан боғламадим, буни Худо амалга оширади.

Шу тарзда, осмон, ер ва уларнинг қўшинларини яратиш тугалланди. Худо Ўзи қилган ишларини еттинчи куни тугаллаб, барча қилган ишларидан еттинчи кунда дам олди. Шунда Худо еттинчи кунни дуо қилиб муқаддаслади, чунки Худо ушбу кунда Ўзининг барча яратган ва бажарган ишларидан дам олди.

– Ибтидо 2:1-3

Биринчидан, сизларга Худо чарчагани учун еттинчи куни

дам олмаганини ишонч билан айтмоқчиман. Худо чарчамайди. Матнда айтилганидек, У дам олди, чунки у ҳаммасини тугаллади. У дунё яратилишининг олтинчи кунининг охирида шунчаки еттинчи кунда яшаган одамни яратди. Еттинчи кунда қўрқув, омон қолиш, касалликлар ҳақидаги фикрлар йўқ эди, озиқ-овқатга пул топиш учун қаттиқ меҳнат қилиш ва тер тўкиш керак эмас эди. Аксинча, Одам Атонинг фикрлари тўлиқ Худода, хотинида, топшириқ ва мақсадда эди. Унга топшириқни бажариши учун ва ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса тайёр ва тушунарли бўлиб, Худонинг режаси тугалланган эди. Бугун инсонлар Одам Атода бўлган нарсага – ташвишларсиз ҳаёт, сеvimли ишга ва таъминот ҳақида ташвишланмасдан яқин одамлар билан муносабатларга эътибор қаратиш қобилиятига эга бўлишни орзу қиладилар. Афсуски, Одам Ато исён кўтарганда, Худонинг таъминотини йўқотди ва инсон ўшандан буён (ҳолдан тойдирувчи меҳнат ва тер орқали) ҳаётнинг эзгуликларига интилишга мажбур.

Чунки мажусийлар буларнинг ҳаммасини излайдилар, сизларнинг Осмондаги Отангиз эса буларнинг ҳаммасига муҳтожлигингизни билади. Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва унинг ҳақлигини изланглар, буларнинг ҳаммаси эса сизларга қўшиб берилади.

– Матто 6:32-33

Егулик қидириш азоб-уқубати – бу оғир юк бўлиб, инсоннинг ҳаёт ҳақидаги идрокини бузади. Бойлик васвасалари, омон қолиш учун зарур бўлган азобли дардлардан озод бўлиш – одамлар мана нима ҳақида орзу қилишади. Миллионер бўлиш фақатгина бир ҳолатда – агар бу тушкунлик даражасини камайтириш, егулик топиш азобини енгиллаштириб, мақсад ва топшириққа эътибор қаратиш имкониятини берсагина, маънога эга бўлади. Лотереянинг оммабоплиги унинг меҳнатсиз маблағни ва ердаги лаънатга ботган молиявий тизимдан қочишни таклиф қилиш билан боғлиқлигида. Тез бойиш тизимлари кўп турли шаклларда бўлиб, доимо бизнинг

электрон почталаримизга ҳужум қилади ва Facebook тармоғидаги саҳифаларимизда қалқиб чиқади. Шу боис бизнинг молиямиз доирасида бизга қўйидаги саволга жавоб зарур: ҳаммаси тугатилган ва биз учун сақланаётган еттинчи кунга қайтишнинг йўли борми? Жавоб – аниқ ҲА! Бунинг қандай содир бўлишини ва бундай натижани берувчи Шоҳлик қонунлари қандай эканини тушуниш – ушбу китобнинг мақсадидир. Биламан, сизнинг ҳаётий тажрибангиз ва ҳаттоки, жамоат ва масиҳийлар ҳам менга эътироз билдиришлари мумкин, чунки кўпчилик масиҳийлар “камбағаллик – бу муқаддасдир” номли таълимотни қўллаб-қувватлайдилар. Лекин, сизни ишонтириб айтаманки, ўз тақдирингизни топишга имкон берадиган ўз ишингиз билан шуғулланишни давом эттириб, гуллаб-яшнашингиз учун сизга зарур бўлган жавобларнинг барчаси Шоҳликда мавжуддир.

**ЎЗ ТАҚДИРИНГИЗНИ
ТОПИШГА ИМКОН
БЕРАДИГАН ЎЗ
ИШИНГИЗ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНИШНИ
ДАВОМ ЭТТИРИБ,
ГУЛЛАБ-
ЯШНАШИНГИЗ УЧУН
СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН
ЖАВОБЛАРНИНГ
БАРЧАСИ ШОҲЛИКДА
МАВЖУДДИР.**

*Эй, камбағаллар, бахтлисизлар, чунки Худонинг
Шоҳлиги сизларникидир.*

– Луқо 6:20

Камбағалликка жавоб – Шоҳликдир! Бу Худо менга Шоҳликнинг молиявий қонунини ўргата бошлаганида, У кўрсатган Муқаддас Китобнинг биринчи ояти ҳисобланади. Уни тушуниш учун, албатта, мен аввал эслаб ўтганимдек – Шоҳлик нимани англатишини билиб олиш зарур. Ўйлайманки, Одам гуноҳ қилганда, Боғда нима бўлганини яхши тушунасиш. Мен бу воқеага тезгина назар солишимга ижозат беринг.

Даставвал, Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳеч нарса ҳақида қайғуришмаган, уларнинг боши касаллик ва таъминот ҳақидаги фикрлар билан тўла эмас эди. Ҳар куни улар фақат ўзларининг тақдири ҳақида ўйлаши керак бўлиб, бу Худони севиш, бир-бирини севиш ва Худо уларга берган ер ва Боғ ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат эди. Уларнинг ҳаётида қўрқув бутунлай йўқ эди. Бироқ Одам Ато хоинлик қилганда, ҳаммаси ўзгарди. Мен аввал айтганимдек, шайтон бу дунёнинг худосига айланди, инсон Худодан ажратилди, Худо эса, одамлар устидан қонуний юрисдикциядан ажралди. Одам Ато ҳаётнинг қандай қурилганининг янги ҳақиқатидан ҳайратда қолди. Одам Ато гуноҳ қилгандан сўнг, Худо унга айтган сўзларни яна бир бор келтираман.

Одамга эса деди: “Сен хотинингнинг сўзига қулоқ солганинг учун, Мен сенга: “Ема”, –деб буюрган дарахтдан еганинг учун ер юзи сен туфайли лаънатланди. Бутун умринг бўйи ундан азобланиб озиқланасан.

– Ибтидо 3:17

Оғриқли азоблар, тер, қўрқув, хавотир ва тирикчиликни ўйлаш дунё қараши – мана шулар, энди Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фикрларини қамраб олганди. Илгари улар учун Худонинг режаси бўлган мақсад, энди омон қолиш учун пойга ва курашда йўқолди. Одам Атонинг ажойиб вазифаси, унинг мақсади энди ҳаёт ташвишлари ва таъминотга эҳтиёж томонидан ютиб юборилди. У ўзининг кимлигини йўқотди. Энди у ягона бир мақсадни – тирикчилк ўйлашни кўради, бунинг учун пешона тер тўкиб доим меҳнат қилиш талаб этилади. Ўша кундан буён кўп нарса ўзгармади.

Мен бугун чўпон сифатида одамлар берадиган энг катта саволни учратаман: “Ҳаётим билан нима қилишим керак?” Улар бу саволни беришади, чунки Одам давридан буён ерда егулик

қидириш мақсадга айланган бўлиб, барча қолган нарсалар унинг атрофида айланади. Одатда одамлар мақсаддан эмас, пул масаласидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қиладилар. Пул ва унга бўлган эҳтиёж одамларни ўзлари нафратланадиган иш билан шуғулланишга мажбур этиши мумкин. Аслида кўпчилик одамлар ўзларининг ким эканини тушунишмайди. Ўзингизга шундай ёзиб қўйинг: “Биз Худони таниб-билмагунимизча, бизнинг ҳаётимиз учун Унинг ниятини билмаймиз. Ахир бизни У яратди”.

Одамлар ўзларининг кимлигини билишни ниҳоятда хоҳлайдилар. Улар дунёда бор-йўғи рақам бўлиб кўринишлари мумкин, лекин Худо учун улар алоҳида ва ноёб ижод бўлиб, ҳар бири ўзига хос қобилият ва салоҳиятга эгадир. Бироқ улар Худони билмасликлари ва ўзларини билмасликлари туфайли, ўзларининг қадр-қимматини нотўғри жойлардан излайдилар. Улар маданият айтганларини ўзига олиб, маданият ўз қадриятини уларга буйруқ беришга йўл қўядилар. Аммо оммавий ахборот воситалари буюрадиган ва маданият акс эттирадиган тасвир – буларнинг ҳаммаси ўзгарувчан соядир. Сиз мақбул деб ҳисоблаган нарса билан бир оқимда эканингизни тушунган вақтга келиб, ҳамма нарса ўзгарганини ва сиз аллақачон орқада эканингизни пайқайсиз.

Биз Дренда билан Парижга бориб, у ерда кўчалар бўйлаб сайр қилганимизни эслайман. Маълумки, Париж модалар шаҳри, ўша йили кул ранг ва қора ранглар урфда эди. Барча дўкон ойналари олдида фақат кул ранг ва қора буюмлар намойиш этилган эди. Атрофга қараб, юзлаб одамларни кўрдим. Бирорта ҳам ёрқин рангни кўрмаётганимни тушуниб, ҳайратда қолдим. Ҳамма одамлар, истисносиз, кул ранг ва қора рангдаги кийимлар кийган эдилар. Юзлаб ва юзлаб одамлар бир хил кўринишга эга эдилар. Кимдир сизга энг сеvimли рангги, кул ранг эканини охириги марта қачон айтган? Лекин ўша кун одамлар оммаси уларнинг сеvimли рангги кул ранг ёки қора эканига амин эдилар.

Аранг тирикчилик ўтказиш босими шу қадар ақлга сиғмас кучга эгаки, у бизнинг бутун борлигимизни тўлдириб, бизни

таъминот қидириш ва қабул қилиниш билан доим шуғулланишга мажбур қилади. Биз Дренда билан ҳатто, кўп йиллардан буён воизликларимизда айтиб келаётган иборани ўйлаб топдик: “Пул масаласини ҳал қилмагунингизча, ўз даъватингизни билмайсиз!” Сиз тирикчиликни ўйлашга маҳкум қул бўлсангиз, сизда турли хил йўллارни яратиш ва қидириш учун вақт кам қолади.

Ҳақиқат шундаки, мен аввал айтганимдек, одамлар кўпинча яшашга маблағ топиш ёки бор нарсани сақлаб қолиш мақсади билан боғлиқ қарорларни қабул қиладилар. Улар пул топиш учун, жону дили бўлган нарсадан ва тирикчиликка маблағ топиш учун, ўз орзусидан воз кечадилар. Гап шундаки, бизга пешона тери тўкиб қаттиқ меҳнат қилиш орқали тирикчилк қилиш дунёқараши жуда кучли босим ўтказади, шу сабабли биз орзу қилишни тўхтатамиз. Қўрқув бизнинг орзуларимизни гаровда ушлаб туради, яшаш учун маблағнинг етишмаслиги эса, бизнинг орзуларимизни “имконсиз” деб номланган қафасда тутиб туради.

Уйга етиб олиш учун етарлича ёқилғим бўлишини орзу қилганим эсимда, бу ҳаётим муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Ўша пайтда менинг имкониятларим доирасида улкан интилишлар йўқ эди. Мен фақат ижара ҳақини тўлашни орзу қилишим мумкин эди. Сиз бор кучингиз билан оилангизни боқиш учун ҳаракат қилганингизда ёки шошилинич молиявий эҳтиёжларга дуч келганингизда, омон қолиш орасидан олисга қараш қийин эканини тан оламан.

Одам Ато Шоҳликни топширганида, унинг ҳаётига тўлиқ ўлимга, қўрқувга, омон қолиш учун курашга ва ваҳималарга тўла янги дунё кириб келди. Бу қўрқув ҳисси ҳаммамизга таниш эканига аминман. Мен узоқ тўққиз йил давомида молиявий муваффақиятсизлик гирдобида яшаганимда, доимий ваҳима ҳужумларидан азият чекиб, тушкунликка қарши дорилар қабул қилганимда, ҳаётимдаги ваҳима, уят ва қўрқув азобларига тўла ҳаётимдаги кўплаб воқеаларни эслайман. Омон қолишнинг ердаги лаънатга ботган тизими барчамизни ҳаётга салбий назар билан қарашга ўргатди. Баъзилар бошқалардан кўра яхшироқ

бунинг уддасидан чиқади, бироқ Масиҳсиз бу салбий фикрлаш тарзи бизга, етарлича яхши эмаслигимизни доимо айтади.

Сиз бирор марта “Алданма” деган иборани эшитганмисиз? Болалигимда отам аҳмоқлик деб ҳисоблаган бирор нарсадан қувонганимда, у: “Қачондир сен ҳам улғаясан” – дер эди. Шунинг учун отам зарур деб ҳисоблаган нарсадан ташқари ҳеч нима ҳақида орзу қилишга ўзимга рухсат бермадим. Унинг ўзи ҳам ичкиликбозлар оиласида ўсгани ва шундай яшашни ўрганишга мажбур бўлгани туфайли жуда кўп азоб чеккан деб ўйлайман.

Ростини айтсам, биз ҳаммамиз болалигимиздан устаси фаранг ваҳимачилармиз. Қўрқув Ер сайёрасидаги барча мавжудотларга хосдир. Ўйлаб кўрсак, “йўқ” сўзи туғилганимизданоқ бизга сингиб кетганига ҳаммамиз қўшиламиз. “Йўқ, бу сенга мумкин эмас”. “Йўқ, жойига қайтариб қўй”. “Йўқ, у ерга мумкинмас”. “Йўқ, сен буни ўзинга лойиқ кўролмайсан”. Охир-оқибат, биз умуман ҳамма нарсага “ҳа” дейишни бас қилганмиз, фақат вақти-вақти билан мияни ўчириш ва вақтинчалик ҳақиқатни унутиш учун, бирор бир иш билан шуғулланиш, масалан, севимли егулигимизга ниҳоятда кучли берилиб кетиб, ўзимизни тўта олмай, аламимизни сочамиз.

Бир тадқиқот маълумотларига кўра, бола ўсгунча ўртача ҳисобда “йўқ” ва “мумкинмас” сўзини 148000 мартадан кўпроқ ва “ҳа” сўзини бор-йўғи бир неча минг марта эшитади.

Мен яқинда ҳар йиллик Provision (“Таъминот”) анжуманимизни ўтказдим ва саҳнага 2017-йилда чиққан “феррари” машинасини, шак-шубҳасиз завқни келтирадиган машинани қўйдим. Унинг эгаси жамоатим аъзоси, бунинг учун тахминан 400000 доллар нақд пул тўлиқ тўлаган. Анжуман меҳмонлари келганларида, бу машинага завқ билан қарашиб, яхшироқ кўрмоқчи бўлиб, уни ҳар томондан кўздан кечирдилар. Лекин у қанчалик завқни келтирмасин, мен уни моддий мақсадларни биринчи ўринга қўйиш ҳаёт тарзини тарғиб қилиш учун саҳнага қўймадим, аксинча, одамларга сабоқ беришни истадим. Машинани ўраб олганларнинг

барчаси бундай машинада юришни хоҳлашларини тан олдилар. Улар оғир меҳнатнинг ердаги лаънатга ботган тизимида олган “йўқ” услубидаги тарбияси онг остидан уларга қичқириб: “Йўқ, ҳеч қачон сенда бундай машина бўлмайди! Сен ҳеч қачон уни олишга қурбинг етмайди, ҳатто у ҳақда ўйлаб ўтирма” – дейди. Уларнинг барчасида, ҳаммамизда бўлган “йўқ” деб номланган тарбия туфайли, кўпчилиги шахсий “феррари” машинаси бўлиши ҳақида ҳатто, ўйлаб кўришмаган, ахир “йўқ” тафаккури уни кўриб, ола олмаган. Лекин мен саҳнадаги машиналарни қимматидан энг арзонига алмаштирганимда эди, охир-оқибат, улар ўйлаб: “Менга бу машина ёқпти, менга шунақаси керак” – дейишар эди.

Фарқ нимада? Ҳамма гап улар ўзларини, ўз салоҳиятини ва машинанинг нархини қандай кўрганликларидадир. Ҳа, бир неча киши ўзига: “Бир кун келиб менда шунақа машина бўлади” – деб айта оларди, эҳтимол, залда бу автомобилга бутунлай бошқача қараган бадавлат одамлар бор бўлиши мумкин. Лекин кўпчилик бундай машинага эга бўлиш имкониятини ҳатто, тасаввур қилмаганига ишончим комил. Айтганча, буни нақд пулга харид қилган миллионернинг олти дона “феррари” машинаси бор. Унинг фикрида бу шунчаки ажойиб автомобил. У буни кўрганида, фикран ўзини унинг эгаси сифатида тасаввур қилиб, Италиядан буюртма қилган ва АҚШдаги уйига етказиб беришни ташкиллаштирган. Ўз қарашларига кўра ҳаракат қилиш унга қийин бўлмаган, чунки у таъминотга эга эди. Оромнинг муҳим калити – таъминот бўлиб, бу олдиндан кўра билишдир.

Асосий калит:

Таъминот – бу олдиндан кўра билишдир

Таъминотсиз ваҳий йўқ, фақат омон қолиш бор. Қашшоқликнинг ердаги лаънатга ботган тизими бизнинг орзуларимизни ва келажакимизни ўғирлайди. “Феррари”ни кўрсатиш энг сўнги чора бўлганини биламан, лекин у менинг фикримни яхши таъкидлади. Йиғилган одамлар ҳатто, бундай машинага эга бўлиш ҳақидаги

ШОҲЛИК – БУ СИЗНИНГ ЖАВОБИНГИЗ

фикрни ўйлаб ҳам кўришмаган, чунки буним имконсиз деб ҳисоблашган. Агар улар бир сонияга бўлсада ўзларига бу ҳақида орзу қилишга ижозат берганларида эди, уларнинг ердаги лаънатга ботган тизими шундай қичқирган бўлар эди: “Қандай катта исрофгарчилик!” Лекин сизнинг ҳисобингизда 25 миллиард доллар ётган бўлсачи (мен фақатгина фикр киритяпман)? Бу машина сизга жуда арзон бўлиб кўринганидан, дам олиш кунлари сайр қилиш учун сиз уни сотиб олган бўлар эдингиз. Ҳамма гап истиқболда, Худонинг Сўзи Худонинг ҳар бир ваъдаси “ҳа” ва “омин” (шундай бўлсин) деб айтаётгани тўғрисида, сизнинг истиқболингиз ўзгариши лозим, сиз Худо ўйлагандек, ўйлашингиз керак.

Чунки Худонинг барча ваъдалари биз орқали Унинг шуҳрати намоян бўлиши учун Исо Масихда “ҳа” ва “омин”дир.

– 2-Коринфликларга 1:20

Истиқбол сўзига луғатда мана бундай таъриф берилган: бирор нарсага маълум муносабат ёки қараш услуби; нуқтаи назар, муносабат, санаш тизими ёки талқин. Умуман олганда, истиқбол – бирор нарса ҳақида сизнинг қандай фикр юритишингиздир.

Мен сизга кейинги маъно-мағиз ҳақида фикр юритишни таклиф қилмоқчиман. Одам Ато ўзини шайтонга бўйсунмишга топширмагунча у шахзода эди. Шунинг учун сиз уни қулаганидан кейин кўрсангиз эди, қаршингизда оиласи синиб, қашшоқликка тушиб қолган одам турган бўларди (унинг ўғли Каин ўқаси Ҳобилни ўлдирди), сиз унга кимдир бўлишига ҳеч кўзингиз етмаган бўларди. Лекин унинг томирларида шоҳлик қони оқаётганини кўрмайсиз. Худди шу ҳақиқат сизга ҳам тегишли. Сиз ўз салоҳиятингизни баҳолаш учун қаерда яшаётганингиз, нимангиз борлиги, ҳозирги шароитларингиз қандайлигига асосланиб ўзингизга қараш мумкин эмас. Яратилишда сизга берилган салоҳиятга қараш лозим.

Мен қийин шароитлардан ўтган ва мендан каттароқ бўлиб кўринган жиддий масалаларга дуч келган вақтларни эслайман. Менда бор бўлганидан кўра кўпроқ пулни талаб қилган бир нечта қарорларни қабул қилишим керак бўлган. Мен Худо менга топшираётган нарсалар билгандек ҳис қилардим, лекин бу хусусида аввалгидек қўрқувни бошдан кечирардим. Раббий ўшанда менга туш кўрсатди. Мен отда тоғ чўққисида эдим. Қўлимда қилич тутиб турар эдим. Мендан пастда тоғ этагида юзлаб, балки минглаб душман аскарлари мен томонга қаратилган яланғоч қиличлари билан отларда туришарди. Мен бутунлай ёлғиз эдим, уларнинг олдида мутлақ озчиликда эдим. Тушимда қўйидаги сўзларни айтган овозни эшитдим: “Ўзингга кам баҳо берма, Гари!” Бу сўзларни эшитиб, қиличимни кўтардим ва отимни ғанимлар томон ҳайдадим, улар ҳам менинг ҳаракатлана бошлаганимни кўриб, қўлларида қилич билан мен томон югуришди. Тоғдан пастга от чоптириб тушарканман, мен баланд овозда: “ТОР!” – деб қичқирдим.

Ўйғониб, Раббий менга мурожаат қилаётганини ва руҳлантираётганини тушундим, лекин Тор сўзи нимани англатишини билмасдим. Жамоатимда ўттиз йил чўпон бўлган ва кўп тилларни ўрганган бир эркак бор эди. Мен ундан бу сўз нимани англатишини биласизми деб сўрадим ва у бу сўзнинг маъносини топишга менга ваъда берди. Эртаси кун у менга қўнғироқ қилиб, Тор момақалди роқ ўғли деган маънони билдиришини айтди. Мен унга миннатдорчилик билдириб, Раббий менга айтган сўзига хайрон бўлдим. Менинг овозим душман учун момақалди роқ

каби эшитилди! Агар мен шайтонга қанчалик заиф эканимни айтмасам, овозимни кўтарганимда, шайтон учун у момақалди роқ (куч) каби жаранглайди.

СИЗНИНГ

ИСТИҚБОЛИНГИЗ

ЎЗГАРИШИ

ЛОЗИМ, СИЗ ХУДО

ЎЙЛАГАНДЕК,

ЎЙЛАШИНГИЗ КЕРАК.

Мен 2010-йилда Provision (“Таъминот”) номли илк анжуманимизда воизлик қилиб,

бу воқеани сўзлаб бердим. Охирида Раббий менга тушимда айтган сўзларни жуда аниқ қилиб айтдим: “Гари, душман сенинг юраётганингни кўрганда, сен момақалди роқ сингари эшитиласан”. Мен: “Сен момақалди роқ сингари эшитиласан” – деган лаҳзада ҳавода кучли момақалди роқ гумбурлади. Ёмғир йўқ эди, ҳатто бошқа момақалди роқ гумбурлаши бўлмади, бутун оқшом давомида фақат бир марта гумбурлади. Ўша оқшом ўтирганларнинг барчаси ҳайратда эдилар. Лекин ҳаммадан кўпроқ мен қувондим, чунки Раббий бу сўз Унинг барча фарзандларига тегишли эканини тасдиқлаб, менинг воизлигимга ўзининг “ОМИН” ини айтганини билардим. Айтганча, ўша оқшом чоғида телекамералар ишлаётган эди, агар бу ҳодисани кўришни истасангиз, <https://youtu.be/rtx1XYJGIaG> ҳаволасига ўтинг.

Шундай қилиб, сиз қуйидаги маъно-мағизни тушунишингиз зарур.

Қуллар катта орзу қилмайдилар!

Улар тўхташни орзу қиладилар. Улар куннинг бутун иккинчи ярмида соатга қарайдилар ва тўхтаб, ишдан кетиш учун соат миллари қачон бешни кўрсатишини орзу қиладилар. Улар таътил, нафақа ҳақида, уларга ишламасликка имкон берадиган ҳисобдаги пул миқдори ҳақида орзу қиладилар. Қуллар кўпроқ ишлаш ҳақида эмас, балки ишламаслик ҳақида орзу қилишади! Қуллик фикрлаши ва қулликнинг истиқболи ишни ўйлаб топмайди ва яратмайди, улар ундан қандай қочиш йўллари излайдилар. Қул аллақачон ҳолдан тойган, у навбатдаги кунни бошдан кечириш учун салоҳият кўрмайди.

Агар сиз дум эмас, бош бўлишни истасангиз, сизнинг фикрлашингиз қулдан хўжайинга ва яратувчига ўзгариши шарт. Сиз яна орзу қилишни бошлашингиз керак. Сиз ўзингизни идрок этиш чегарасидан чиқшингиз зарур, чунки ҳатто, сиз ўз нигоҳингизда заиф бўлиб кўринсангизда, шайтоннинг қулоқлари учун сиз момақалди роққа ўхшаган бўлишингиз мумкин. Сизнинг

томирларингизда шоҳликнинг қони оқади, сиз шунчаки мувофиқ фикрлашингиз ва ҳаракат қилишингиз керак.

Менинг мултимиллионер дўстим бор. Унинг чиройли уйлари кўп, уларнинг барчаси океан ёки қўлларнинг соҳилларида жойлашган. Бир марта мен унинг меҳмони бўлганимда, биз портда сайр қилиб, махсус кичик кема ва яхталарни томоша қилдик. У уларнинг ҳар бирининг эгасини билар эди ва менга уларнинг исмларини айтди. Мен ҳозир бизнинг суҳбатимиз тахминан қандай бўлганини таърифлаб бераман, лекин барча исмлар ўйлаб топилган бўлади, чунки ҳақиқий исмларини эслолмайман.

Демак, дўстим шундай деди:

Бу Билл Смитнинг кемаси, “Огайо Медикал Севисиз” ширкати унга тегишли. Бу Жон Рожерснинг кемаси, “Рожерс ва Рожерс” ҳуқуқий фирмаси унга тегишли. Бу эса Ральф Тайдуэлнинг кемаси, у ўша Хай-стритдаги дабдабали пойафзал дўконининг хўжайини.

Биз қатор бўлиб тизилган кемалар орасида сайр қилиб, улардан йигирматачасининг ёнидан ўтар эканмиз, ҳар бир махсус кичик кема бирор бир бизнес эгасига тегишли эканини англадим. Ҳар куни тўққиздан бешгача ишлайдиган маҳаллий музқаймоқ кафе ходими бўлган оддий Жон эгаси бўлиши мумкин бўлган бирорта ҳам кема йўқ эди. Йўқ, мен ҳеч бўлмаганда, кўп ҳолларда одамнинг маҳаллий кафеда ишлашига ёки ширкат ходими бўлишига умуман қарши эмасман. Мен шунчаки қандай турдаги одамларда бойлик борлигини мисол қилиб келтиряпман.

Илтимос, айтаётган гапларимга диққат қилинг. Гап уларнинг пулларида эмас, гап уларнинг фикрлашида. Аравани оддан олдинга қўйманг. Кўпгина одамлар: “Менда ҳам уларда бўлганчалик пулим бўлишини истардим” – дейишади. Лекин улар: “Мен улардек фикрлашни хоҳлардим!” – дейишса яхшироқ бўларди. Улар ҳаётга ва ўзларига бошқача нигоҳ билан қарашади.

Кўпгина оилалар бутун ҳаёти давомида мўл-кўл деб аташ мумкин бўлган даромад олмайдилар. Бир тадқиқотга кўра, АҚШдаги ходимларнинг 51 фоизи йилига 30000 доллардан

кам пул ишлаб топади. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи йилига 30000 доллардан кам пул ишлаб топади?! Агар сизнинг ёшингиз йигирмадан ўтган бўлса ва мустақил яшашни бошлаган ёки яқин келажақда буни қилмоқчи бўлсангиз ҳамда сиз учун пул муаммо бўлмаса, унда бу ажойиб, лекин мен мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан ортиғи бундай ҳолатдан узоқ эканини биламан. Мен уларга кўпроқ пул кераклигини биламан. Менга ишонинг, мен ўттиз олти йилдан буюн молиявий хизматлар соҳасида ишларканман, минглаб уйларда бўлдим ва орқаворотдан эшитганим йўқ.

Нега улар кўпроқ олишмайди? Ҳаёт қанчалик адолатсиз эканини, қандай қилиб қўрбонга айланганингиз ва бошқа бемаъни нарсаларни айтиб қичқиришни бошлашингиздан аввал, бунинг иккита сабаби борлигини айтаман.

Биринчидан, улар қашшоқликнинг ердаги лаънатга ботган тизимнинг тузоғига тушиб қолган бўлиб, Худонинг Шоҳлиги ва Унинг таъминот тамойилларини билмайдилар.

Иккинчидан, улар лаънатга ботган тарбияси натижасида ҳам жирканч салбий фикрларга тўла, айнан шунинг учун ҳатто, уларнинг кўз олдида бўлса ҳам, улар чиқиш йўлини кўрмайдилар. Мен аввал айтганимдек, қуллар қул дунё қарашига эгадир. Улар оромни қидираётганларида имкониятни кўрмайдилар. Тан олайлик: одамлар ҳақиқий жавобларсиз руҳнинг ҳузурини йўқотадилар.

Мен семинарларимда фойдаланадиган мисолни сизларга келтираман. Тасаввур қилинг, мен сизларнинг барча муаммоларингизни биргина оддий жумлада ҳал қила олишимни айтаман. Қалам ва қоғоз олинг, чунки жавобни олишингизга кафолат бераман. Тайёрмисиз? Шундай қилиб, диққат! Бу йил беш миллион доллар миқдорда соф фойда қилинг. Мен буни саҳнадан гапирганимда, ҳамма кула бошлайди. Нима учун? Чунки ҳеч ким ўзини бундай миқдордаги пулни топа оладиган киши сифатида тасаввур қила олмайди ва ҳатто, йилига беш миллион доллар соф

даромад олиш мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтира олмайди.

Шунда мен кўра олмаган нарсангизга эга бўлишнинг имкони йўқлигини айтаман. Сўнгра машқни такрорлайман, лекин бу сафар мен рақамларни пасайтира бошлайман: йилига 200000, 100000, 70000, 40000 доллар. Ниҳоят, мен шундай дейман:

Мен маълум рақамга етиб бораман ва сиз: “О, бу осон. Мен буни қила оламан” – деб айтасиз.

Сўнгра бошқа воқеани сўзлаб бераман. Айтайлик, мен бадавлат тадбиркорман ва экспорт фаолияти билан шуғулланаман. Мен Хитойга коптоклар юбормоқчиман ва менга уларни қадоқлаш учун ёрдам керак. Мен ҳар бир ўралган копток учун 500 доллардан тўлашимни айтаман. Фараз қилайлик, сиз кунига икки юзта коптокни қадоқлашингиз мумкин, бу сизга кунига 100000 доллар пул ишлаш имконини беради. Қолаверса, мен сизга бир йилга худди шу нарҳда коптокларни қадоқлаш бўйича шартнома таклиф қилмоқчиман. Шундан сўнг мен сизга ўн икки ой ичида 5 миллион доллар соф даромад ҳақида айтсам, сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз? “Муаммо йўқ, 5 миллион доллар топиш жуда осон”.

Фарқ нимада? Бор-йўғи режада. Режа ҳамма нарсани тушунтиради. Сизни яратган Худо, режани ва сизга керак ҳамма нарсани билади – шунчаки уни эшитиш керак. Худонинг Шоҳлигида ҳам шундай. Худо менга бу бизнесни бошлаш орзусини бериб, сўнгра унга қандай эришишни кўрсатганида, даромадим ҳали ўзгармаган, лекин мен аллақачон ичимда: “Бу осон! Менинг пул билан боғлиқ муаммоларим ҳал бўлган, менинг режам бор!” – деб қичқирай эдим.

Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан, – дейди Раббий, – булар сизларга кулфат эмас, фаровонлик келтириш, сизларга келажак ва умид бериш учун бўлган мақсадлардир.

– Йермияҳ 29:11 (ЯРТ)

Фаровонликни қандай қўлга киритишингиз ҳақида Худонинг режаси бор! Бу Унинг режаси эканини билганингиз заҳоти жангнинг ярми ғалаба қозонилган бўлади! Қулоқ солинг, пул масаласини ҳал қилиш унчалик ҳам қийин эмас. Таъминот - бу олдиндан кўра билишдир. Ҳаммаси ҳақиқатан ҳам оддий. Озиқ-овқат етишмаслигининг жавоби – бу озиқ-овқатнинг мавжудлигидир. Сизга катта уй керак бўлса, жавоб – катта уйдир. Агар сизга ишончли машина керак бўлса, бунинг жавоби – ишончли машинадир.

**СИЗ ШОҲЛИКНИНГ
ФУҚАРОСИ
СИФАТИДА ҚОНУНИЙ
ҲУҚУҚЛАРГА ЭГАСИЗ,
ЭНДИ ҲАР БИР ҚОНУН
ВА ТАМОЙИЛ СИЗ
УЧУН ОЧИҚДИР.**

Бир нарсани такрорлаётганимни биламан, лекин мен йиллар давомида тўкилиб қолган машинада юрганман. Мени икки километр нарида кўриш мумкин эди, чунки ҳамма жойда ортимдан узун тутун қолдирар эдим. Сиз бирор жойга етиб боришингиз керак бўлганда, машина билан боғлиқ муаммолар қандай асабийлик келтириб чиқаришини биламан. Шунингдек, автосалонга келиб, янги машина учун нақд пул тўлаш қандай эканини ҳам биламан. Тасаввур қилинг, ортиқ асабийлик ва ташвиш йўқ. Нега? Чунки менинг эҳтиёжим қондирилган ва юрагимда тинчлик. Мен машинанинг навбатдаги бузилиши билан боғлиқ масалани ҳал қилишнинг ўрнига ўз ишларимга эътибор қаратишим мумкин.

Гап шундаки, кўпчилик одамлар ҳаётининг катта қисмини ҳақиқий пул муаммоларини ҳал қилишга мажбур бўлиб ўтади ва ўзларини тушкунлик ҳолатига туширадilar. Ҳаёт шунчаки ўтиб кетаётган бир вақтда улар аранг кун кечиришга уриниб, жуда кўп соатдан ишлайдилар. Дўстим, бу сизнинг ҳаётингиз учун Худонинг иродаси эмас.

Мен юқорида ёзганимдек, одамлар ўзлари нафратланган ишдаги маош учун ўз орзулари ва қизиқишларини қолдирадilar. Одатда қуллар унчалик бахтли бўлмаган одамлар ҳисобланади!

Афсуски, одамлар мана шундай бахтсиз, нафратга тўлиб тошган ҳолда ва умиддан маҳрум бўлиб яшайдилар. Лекин ҳақиқатда уларни озодликдан фақат истиқбол ёки бошқача айтганда, юқорида айтиб ўтганимдек, режа ажратиб туради.

Сизга бир мисол келтираман. Сизларнинг кўпчилигингиз мен ов қилишни, балиқ тутишни, велосипедда юришни ва табиатда сайр қилишни, умуман олганда, кўчада қилиш мумкин бўлган барча нарсани яхши кўришимни биласиз. Мен Огайога “Текисликдаги шаҳарча” (Plain Township) номли катта бўлмаган фермерлик жамоасида улғайганман. Тасаввур қилганингиздек, бу ном ўша минтақадаги текислик жойлар туфайли келиб чиққан. Албатта, фермерлар учун у жуда қулай эди, лекин бир қарашда унчалик жозибали эмас эди. Мен ов ва балиқ ови ҳақидаги ўзим топишга муваффақ бўлган ҳар бир даврий нашрларга обуна бўлардим. “Очиқ ҳаводаги ҳаёт”, “Дала спорти турлари”, Далалар ва жилғалар” ва бошқалар. Мен уларда уйимдан бор-йўғи бир соатча узоқликда жойлашган ва зийнатли яшил гилам билан қопланган, ғарбнинг ёввойи ва ажойиб тоғлари ҳамда Аппалачи водийси тоғларидаги балиқ овлаш ва ов қилиш ҳақидаги буюк воқеаларни ўқиганман. Шундай бўлса-да, мен ҳеч қачон у жойларда бўлмаганман. Мен қирқ ёшимда ҳаётимда биринчи марта тоғларни кўрдим.

Нима учун? Ахир у ерга бориш учун пулим, машинам бор эди, I-70 федерал автомагистрали тўғридан-тўғри менинг шахримдан ўтар ва тўғри Қояли тоғлар орқали ғарбга олиб борар эди. Аммо ҳақиқат шундаки, мен илгари ҳеч қачон у ерга бориш ҳақида ўйламаганман, ҳатто қачонлардир ўша жойга бориш ҳақида ўйлашимга ўзимга рўхсат бермаганман. Мен даврий нашрларнинг ялтироқ саҳифаларида уларга қараб, бу жойлардан завқ олар эдим, лекин уларни ўз кўзларим билан кўришни ҳеч қачон ўйламаганман. Улар мен учун худди ойда жойлашгандек бўлиб туюларди, у жойларда бўлиш эҳтимоли шунчаки ақлимга етиб бормаган эди. Мен қирқ ёшга тўлиб, ниҳоят биз ғарбга организимизда, бутун ҳаётим давомида бой берган нарсага

ШОҲЛИК – БУ СИЗНИНГ ЖАВОБИГИЗ

қараб, ишонолмасдим. Энди эса мен ҳеч бўлмаганда йилига бир марта тоққа боришим керак. Дўстим, ҳаётда сиз ҳозир кўриб турганларингиздан ҳам кўпроғи мавжуд. Сизнинг ўзингиз ҳозир кўриб турганингиздан анча каттароқсиз! Ҳаётда сиз кўриб, бошдан кечиришингиз керак бўлган бошқа истиқбол бор.

Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилишини ва сизда аллақачон мавжуд бўлган нарсалар ҳақида Худонинг Шоҳлиги нима деяётганини тушуниб, ўрганишни бошлаганингизда, сизнинг истиқболингиз ўзгаради!

Демак, сизлар энди бегона ва келгинди эмассизлар, балки муқаддасларнинг ҳамфуқароси ва Худонинг хонадонидагиларсизлар.

– Эфесликларга 2:19

Сиз Шоҳликнинг фуқароси сифатида қонуний ҳуқуқларга эгасиз, энди ҳар бир қонун ва тамойил сиз учун очиқ. Дренда иккаламизда шундай муаммо бор эди. Гарчи биз масиҳий бўлиб, Худони севиб ва Худо Шоҳлигининг фуқаролари бўлсак-да, биз унинг қонун ва тамойиллари ҳақида билмас эдик. Ердаги лаънатга ботган тизимдан олинган, бизнинг чекланган истиқболимиз тўфайли бизнинг орзуимиз йўқ эди. Билимда эса, куч бор.

Масалан, ижара ҳақидаги имзоланган шартнома сиз ўз уйингизда яшаш учун қонуний ҳуқуққа эга эканингизни тасдиқлайди. Имзоланган ҳужжатнинг мавжудлигини билиш ва бу уйда яшаш, яъни қонуний ҳуқуқингизни таъминловчи адолатдан фойдаланиш ҳуқуқи сизга тинчлик ва ором беради. Худди шундай, Худонинг нима дейиши ва Шоҳлик сиз учун нимага эга эканлиги ҳақидаги билим, ҳақли равишда сизга тегишли бўлган барча нарсаларни қўлдан чиқармаслик учун сизга ишонч беради. Мисол учун, фермернинг гуллаб-яшнаши нимада? Пуллардами? Йўқ. У сепаган уруғдами? Йўқ. У экиш ва ўриш қонунини билишидадир.

У қанчалик қашшоқ бўлмасин, қандай қилиб бой бўлишни билади. У шунчаки Худо томонидан ўрнатилган ер доирасининг қонунларига боғланади. Экиш ва ўриш жараёни фермернинг фойдасига қайта ва қайта ҳаракат қилиши мумкин.

У ўрим-йиғим қонунларини тушунади ва уларга ҳеч қанча шубҳа қилмайди. У ерга бир неча минг долларлик нархда уруғ сепади, шу билан бирга қўрқмайди. Ерга экиш учун уруғга сарфланган пуллар туфайли ўз трактори ёнида йиғлаб ўтирган фермерни ҳеч қаерда учратмайсиз. У уруғлар учун қилинган харажат юзасидан қайғурмайди. У табиий ер доирасида ишлайдиган қонунларга ишонади. У сизга унинг уруғи қандай ўсаётгани ҳақида айтиб бера оладими? Мен бунга шубҳа қиламан, лекин у фермерлик учун янги ер майдонларини қидираётгани ҳақида сизга айта олади. Худди шу нарса сиз билан бизга ҳам тегишлидир. Биз Шоҳликнинг қонунларини билмас ва уларга ишонмас эканмиз, биз Худо биз учун олдиндан тайин қилган ўша ҳаётдан завқлана олмаймиз.

Ўша илк кунларда содир бўлган энг ҳайратланарли воқеалардан бири менга катта молиявий қийинчиликларга дуч келган бир одам қўнғироқ қилганида содир бўлди. Мен уни Дон деб атайман. У одамларга молиявий соҳада ёрдам бераётганимни эшитган.

Мен Дон билан танишганимда, у менинг офисимга ниҳоятда ҳафсаласи пир ва қарзга ботган ҳолда келган эди. Ўша пайтда унинг ҳаётида ҳеч нима қовушмаётгандек кўринарди. Маълум бўлишича, у уч ёки тўрт ойдан буён ижара бўйича ва унда бўлган деярли бошқа барча ҳисоблар бўйича тўловларни кечиктирган. Никоҳида ҳам муаммолар бўлган: унинг хотини молиявий тартибсизликлардан тўйиб кетган ҳамда Дон уни ва беш нафар фарзандларини таъминлай олмагани учун унга нисбатан ҳурматини йўқота бошлаган. Ҳақиқат шундаки, Дон ўзига нисбатан ҳурматини йўқотган. У ўзида бўлган кўплаб саволларнинг жавобини билмас эди.

Унинг иши Огайо штатида тиббий суғурта сотишдан иборат бўлган, аммо муваффақиятнинг йўқлиги уни тезда молиявий

халокатли вазиятга солиб қўйган. Дон билан содир бўлган барча нарсаларга қарамасдан, мен унда салоҳиятни кўрдим. У ўрганишга ва ишлашга тайёр эди. Бу манфаатли уйғунлик уни ўзимга ишга олиб, ўзимни унинг келажакнинг фаровонлигига тикишим учун мени етарлича қизиқтириб қўйди. Пировардида бу иккиламиз учун энг кўп акциядан даромад келтирган сармоя бўлди.

Менинг ёш ва ўсаётган ширкатим айна пайт бизнинг бир таъминотчимизнинг олдига Гавайига бориш таклифини олган эди ва бу мен Донга Худонинг Шоҳлиги тўғрисида сўзлаб бериш учун ажойиб имконият эканини ҳис қилдим. Гарчи Дон масиҳий бўлса-да, у менда бўлган тушунчага эга эмас эди. Мен у билан бу соҳадаги Худонинг тамойилларини бўлишига бир неча бор уринган бўлсам ҳам, у менинг айтганларимга ишонмагандек туюлди.

Мен Доннинг эътиборини жалб қилиб, агар у Худо Шоҳлиги қандай ишлашини тушунса, у ҳам муваффақиятли бўлиши мумкинлигини англаши учун унга ёрдам бериш йўллари қидиришда давом этдим. Бироқ Доннинг ҳафсаласи шу қадар пир бўлганидан, ўзига ҳамда ўзгаришлар, албатта, келиши мумкинлигига ишониши қийин бўлди. Гавайига саёҳат менинг имкониятим эканини билардим.

Биз Дон билан жўнаб кетишимиздан бир неча ҳафта аввал у ерда нимани кўришни исташимиз ва нима билан шуғулланишимиз ҳақида гаплашдик. Донни нимадир қизиқтириб қўйди. У Тинч океанининг гўзал сувларида кўк найза балиқ тутишни истарди. Дон илҳомланиб деди:

- Гавайи кўк найза балиқларни овлаш бўйича дунё пойтахти ҳисобланади. Мен ҳар доим уни тутишни хоҳлардим. Бу менинг орзуйим.

Мен бир неча ҳафта ичида илк бор Доннинг кўзларида чақнашни кўрдим. Ниҳоят, уни нимадир илҳомлантирди ва мен бу илҳом муҳим сабоқ учун эшик очишини билардим.

- Дон, - дедим мен, - агар сен Худо Шоҳлигининг таъсири остига кирсанг, Гавайида кўк найза балиқни тутишингни – умид қилишинг эмас, балки билишинг мумкинлигини тушунасанми?

Дон бир оз саросимага тушиб, лекин қизиқиб қолиб, кўпроқ билишни хоҳлади ва мен унга Худо Шоҳлиги қандай қурилганини тушунтиришга киришдим. Мен Марк Хушхабаридан иқтибос келтирдим, унда шундай дейилган: “Нима учун ибодат қилсангиз ва нимани сўрасангиз, уни аллақачон олганингизга ишонинг ва сизларга берилади” (Марк 11:24, ЯРТ). Дон учун буларнинг барчасига ишониш жуда яхши бўлиб кўринди. Мен унга Шоҳликни тушунишга ва имонни ечиб юборишга ёрдам бериш учун бир оз вақт сарфладим. Биз сафарга жўнаб кетишимиздан олдин, у хотини билан розилик ибодати қилиб, улар аллақачон кўк найза балиқни олганларига ишонишди. Бундан ташқари улар ҳосил олиш учун уруғ – Худонинг Шоҳлигига маблағ экишди. Мен эҳтиёж сезган нарсамга имонни ечиб юборганимда, Муқаддас Рух менга буни ўргатган эди.

Шу орада Дон ҳосил олишда ўзининг қисмини бажариш учун ҳамма нарса қилди. У қандай кемаларни, қандай нархларда ижарага олиш мумкинлигини билиб олди ва ниҳоят, ўзига кўпроқ ёққан бошлиқ билан кемани банд қилиб қўйди. Барча ташкилий масалалар ҳал қилинди ва биз Гавайи ороллариининг кўм-кўк сувлари томон жўнаб кетиш имкониятидан жуда хурсанд эдик.

Сузиб кетиш куни келди ва биз кемага кўтарилиб, кема бошлиғига бу биз кўк найза балиқни тутмоқчи бўлган кун эканини илҳомланиб айтдик. У бизга умуман балиқ овида муваффақият тилади, лекин ўша куни кўк найза балиқни тутиш имконияти жуда кам эканига ишонтирди. Сўнги тўрт ой давомида ҳар куни саёҳатга жўнаган иккита кема бор йўғи битта найза балиқ олиб келишган. Бу найза балиқ мавсуми ҳали келманини билдиради, чунки у кўчманчи балиқ ҳисобланади. Лекин биз ҳафсаламизни пир қилмасдан, барча зарур тайёргарликларни кўришни давом

эттириб, кема бошлиғига ўша кун битта найза балиқ, албатта, тутишимиз кераклигини ҳурмат билан етказдик.

Олти соатлик балиқ ови давомида бизда бирорта ҳам чўқилаш бўлмади ва мен бирор бир ҳаракатнинг йўқлиги Доннинг имонини заифлаштириши мумкинлигидан хавотирлана бошладим. Шу ҳақда ўйлаб, мен унга кўприк устидан бақирдим:

- Дон, сенга бир савол бераман. Сен ибодат қилганинда бу кўк найза балиқни олганмидинг ёки у пайдо бўлганда оласанми?

Дон ишонч билан жавоб берди:

- Гари, бу оддий. Мен уни ибодат қилганимда олганман.

Мен унинг жавобини эшитиб, жуда қувондим. Айнан ўша вақтда, мен Дон менинг насиҳатларимга жиддий қараганини ва ўзининг найза балиғини қўлга киритишга қатъий қарор қилганини англадим. Бир неча дақиқадан сўнг, Доннинг қармоқ ипи сув остига тортилди ва ёнимизда бўлганларнинг барчаси қичқаришди:

- Чўқияпти!
- Жудаям хурсанд бўлманглар, - огоҳлантирди бошлиқ, - ҳа, бу катта балиқ, лекин аниқ кўк найза балиқ эмас. Найза балиқлар тўғридан-тўғри сув юзасида сузади ва сув устида ажойиб сакрашларни амалга оширади, бу балиқ эса сув остида қоляпти.

Дақиқалар ўтди, Дон ҳали ҳамон кўриш мумкин бўлган даражада сув юзасига яқинлашмаётган балиқ билан курашар эди. Дондан ҳам кўра, балиқ кўпроқ чарчаб, тез орада курашда таслим бўлди. Дон бу катта ажойиб кўк найза балиқни кема ичига тортганида, биз у билан умуман ҳайрон бўлмадик, қайиқда бўлганларнинг барчаси эса ҳайратда эдилар.

Менга бу ҳикоя ёқади ва мен одамлар Худо Шоҳлигининг ҳаракатини ҳақиқатан ҳис қилишларини кўришни ёқтираман. Мен буни сизлар учун ҳам истайман!

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИНИ ТОПДИМ!

Бизда уйлар, машиналар ва биз сақламоқчи бўлган бошқа нарсалар учун турли хил калитлар бор. Калит бизга ичида сақланаётган нарсага имкон ва буюмдан, масалан, машинадан фойдаланиш ҳоқимиятини беради. Мен масиҳий бўла туриб, тўққиз йил давомида молиявий тартибсизлик ва умидсизликда яшаганимда, нимадир етишмаётганини, нимадир нотўғри эканини билар эдим. Мен бу ҳақида гапиришим керак эмас эди. Мен нима нотўғри эканини ва вазиятни қандай тўғрилаш мумкинлигини билишим керак эди, холос.

Мен ярим хароба фермерлик уйида тўшакка кўндаланг ётганимда, Раббий менинг ёрдам сўраб қилган фарёдимга жавобан менга сўзлади ва менга Унинг Шоҳлиги қандай ишлашини билмаслигимдан иборат бўлган менинг муаммоимни кўрсатди. Мен мана шу битта жумлада калитни, ёки яхшироқ қилиб айтганда, менга зарур калит ёки калитларнинг манбаси – Шоҳликни топдим. Худо менга жавоб, Унинг Шоҳлигида эканини айтди. Мен Унинг Шоҳлиги қандай ишлашини билиш учун ҳеч қачон вақт ажратмаганман, лекин бу қилинса, мен ўзим учун жавоб топардим. Худо ўша куни менга Шоҳлик ҳақида билишим

Йўқлиги ҳақида гапирганида, мен ҳатто, У Шоҳлик сўзи остида нимани назарда тутганини тушунмаганман. Лекин Унинг аниқ ва баланд қилиб, агар мен Унинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилишини билиб олсам, излаётган жавобларимни топишимни айтганини эшитдим. Шу сабабли мен учун асосий калит ушбу умумий фикрда очилди: “Сен Менинг Шоҳлигим қандай ишлашини билиш учун ҳеч қачон вақт ажратмагансан!” Бу фикр, албатта, ўз-ўзидан кўп нарсаларни ўз ичига оларди ва ҳаётимни ўзгартириш учун асосий калитга айланди.

*Зеро бизга Чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди.
Ҳукмронлик Унинг елкаларидадир ва Унга: Ажойиб,
Маслаҳатчи, Қудратли Худо, мангу Ота, тинчлик
Ҳокими, деб ном берилади. Довуднинг тахтида ва унинг
шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг
чеки бўлмайди. У буни бугундан тоабод адолат
ва ҳақиқат билан ўрнатади ва мустаҳкамлайди.
Қўшинлар Худовандининг рашки буни амалга оширади.*

– Ишаъё 9:6-7

Худонинг Шоҳлиги ҳукумат ва қонунлар асосида ҳаракат қилишини англаганимда, менда тушунча пайдо бўлди ва мен ўзим учун илгари билмаган Шоҳликни очдим. Худонинг Шоҳлиги қонунлар ва Худонинг ҳақлигига (Унинг қонунларига) ўрнатилган ва асосланганини билиб, Шоҳликда содир бўладиган ҳамма нарса ушбу Шоҳликнинг қонуни ёки тамойили фаолиятининг натижасини ифодалашини кўрдим. Мен жуда ақлли бўлмасамда, лекин Шоҳлик қонунларга асосланса, унда бу қонунларни ўрганишим ва уларни ўз ҳаётимда қўллашим мумкинлигини тушуниш учун етарли даражада зеҳнлиман. Худо мен билан Дрендага Ўзининг қонунларини очиб, уларни қўллашни ўргата бошлаганида, мен Муқаддас Китобдаги ҳар бир ҳикояда Шоҳлик қандай ишлашини билишим учун менга зарур бўлган калитлар борлигини англай бошладим. Мен Муқаддас Китобнинг ҳар бир

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТНИ ТОПДИМ!

ҳикоясини янгича ўқий бошлаб, қўйидагича саволлар берардим? “Нега бундай бўлди? Нимага бу содир бўлмади? Бу воқеада қандай тамойиллар очиб берилган? Улар қандай ишлади?”

Мен ўзимни руҳий дунёни ўрганишга бағишладим ва ҳар сафар Муқаддас Руҳ менга бирин-кетин қонунларни очиб берганида ғоят хурсанд бўлар эдим. Мен ўрганган қонунлар Муқаддас Китобда бўлганидек, менинг ҳаётимда ҳам ҳаракатланиши мумкинлигини кўрганимда завқланар эдим. Одамлар мenden сўрайдилар:

– Гари, Шоҳликнинг қонунлари ҳақида гапирганингизда нимани назарда тутасиз?

Мен одатда уларга ер шарида ҳаракат қиладиган барча қонунларни эслатаман: тортишиш қонуни, физика қонунлари ва табиатнинг барча қонунлари.

Фермер ҳар доим ўзи истаган вақтда бу қонунлардан фойдаланади, улар ишлаши учун унинг ибодат қилиши шарт эмас. Фермер ҳар сафар улардан фойдаланишга қарор қилганда, улар ҳаракат қилади. Улардан фойдаланмоқчи бўлган ҳар бир киши учун улар очиқдир. Худди шундай Худонинг Шоҳлиги билиш мумкин бўлган қонунлар билан бошқарилади. Бу қонунлар бўлганлиги сабабли улар ҳеч қачон ўзгармайди, уларни ўрганиш ва Шоҳликдаги ҳаётда қўллаш мумкин.

Айтганча, сиз Масиҳга келганингизда, сиз Унинг Шоҳлигининг фуқаросига айланасиз ва бутун Шоҳлик сизники бўлади.

**ХУДО МЕН БИЛАН
ДРЕНДАГА ЎЗИНИНГ
ҚОНУНЛАРИНИ
ОЧИБ, УЛАРНИ
ҚЎЛЛАШНИ ЎРГАТА
БОШЛАГАНИДА,
МЕН МУҚАДДАС
КИТОБДАГИ ҲАР БИР
ҲИКОЯДА ШОҲЛИК
ҚАНДАЙ ИШЛАШНИ
БИЛИШИМ УЧУН
МЕНГА ЗАРУР
БЎЛГАН КАЛИТЛАР
БОРЛИГИНИ АНГЛАЙ
БОШЛАДИМ.**

Шоҳликнинг ушбу қонунларини сиз ҳам ўрганиб, қўллашингиз мумкин.

Одамлар менга шундай дейишади:

- Яхши, бу қисм бизга тушунарли, лекин Шоҳликдаги қонундан мисол келтиринг.

Қонунлар жуда кўп. Мен фақатгина улардан баъзилари, масалан, юрисдикция қонуни, имон қонуни ва розилик қонуни ҳақида ёздим, гарчи мен уларни аввалги бобларда бундай атамаганман. Қайтараман, қонунлар кўп, лекин уларни вазифа ва қўллаш кўламига, биз диққат қилишимиз керак бўлган ўзига хос хусусиятларига кўра тоифаларга ажратиш мумкин. Сизга сўзларимни мисоллар билан изоҳлашга ёрдам берувчи бир воқеани айтиб бераман.

Менинг “пайпер мираж” деб номланган шахсий самолётим бўлиб, мен ундатурли тадбирларга, мижозлар билан учрашувларга ва бизнес масалалари бўйича учаман. Бир кун биз Колорадодаги анжуманга учишимиз керак эди, сафаримиздан аввал, самолётни йиллик режадаги техник кўриқдан ўтказишни режалаштирдик, бу қонунда талаб этилган. Эҳтимол, сиз билмассиз, лекин АҚШга учадиган ҳар бир самолёт йилига бир марта йиллик техник кўриқдан ўтиши керак. Менинг учувчим “мираж”ни олиб, бизни анжуманга етказиши керак эди. Лекин бундан бир кун олдин бизга хизмат кўрсатиш марказидан қўнғироқ қилиб, иккинчи учувчининг олд ойнасини тасодифан синдириб қўйишганини айтишди. Улар уни бепул алмаштиришини, бироқ бу жараён вақт олишини ва самолётни энг эрта, уч кундан кейин олиб кетиш мумкинлигини қўшимча қилишди. Бу эса биз Дренда билан Колорадога тижорий қатнов билан учишимиз кераклигини англатар эди. Гарчи биз ҳар доим ўз самолётимизда учишни афзал кўрган бўлсак-да, шикоят қилишни умуман ўйламадик. Биз бир оз хафа бўлдик, лекин шунга қарамай, анжуманга етиб бордик ва учувчимиз бизни Колорадодан олиб, Огайога етказишига қарор қилдик.

Биз икки кун анжуманда бўлган вақтимизда, бу ҳудудда кучли

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИНИ ТОПДИМ!

дўл ёғди. Дўл шунчалар катта бўлганидан, кўп зарар келтирди. Кўплаб бинолар вайрон бўлди, улкан муз бўлаклари томларни тешиб ўтди. Юзлаб машиналар таъмирлаб бўлмас даражада шикастланди. Бизнинг учувчимиз келганида, бизнес авиацияси мажмуаси аэродромига қўнди, агар биз унда анжуманга учиб келганимизда, самолётни айнан шу ерда қолдириб кетган бўлар эдик. Кўзларим олдида даҳшатли манзара очилди. Ўша ердаги ҳамма самолётлар таъмирлаб бўлмас ҳолда шикастланган эди, бизники ҳам шу аҳволга тушуши мумкин эди. Худонинг инояти билан бизнинг самолётимиз дўл вақтида у ердасиз эди ва шу сабабли, зарар кўрмади. Дарҳақиқат, бу ажабланарли, лекин бу қандай содир бўлди? Наҳотки, менинг самолётим билан содир бўлган нарса шунчаки тасодиф ёки мен қандайдир тарзда фойдаланган руҳий қонуннинг натижаси бўлса?

Бу мен устун қўйган руҳий қонун натижасида содир бўлганини аниқ биламан. Агар сиз қонуннинг қандай ҳаракат қилишини тушунсангиз, бу сизга керак бўлганида, ҳар қандай вақтда шунга ўхшаш натижаларни кузатишингиз мумкин. Мазкур ҳолатда, Худо менга Ўз Шоҳлигининг қонунлари ва ишлашини кўрсата бошлаганида, аввалида менга ўргатган қонунни қўладим.

Худо менга кўрсатган қонунни сизга кўрсатишимга ижозат беринг, сўнгра уни қандай қўллашни сиз билан бўлишаман. Ёдингиздами, Муқаддас Китобдаги ҳар бир воқеа Шоҳлик ва унинг иши ҳақида ниманидир кўрсатади. Мен ўзимни руҳий ҳақиқатлар тадқиқотчиси деб атайман. Муқаддас Китобни ўқиётганимда, нимагадир олиб борадиган ёки нимадир содир бўлишининг олдини оладиган қонунларни ҳар доим қидираман. Марк Хушхабарининг 6-бобида мен сизларга ўргатмоқчи бўлган сабоққа тааллуқли воқеа тасвирланган.

Анча вақт ўтганидан сўнг шогирдлари Унинг олдида келиб, Унга: –Бу ер овлоқ жой, кун эса кеч бўлди, – дедилар, – уларни қўйиб юбор, токи улар атрофдаги жойларга ва қишлоқларга бориб, ўзларига нон сотиб

олсинлар, зеро уларнинг ейишлари учун ҳеч нарсалари йўқ. Исо уларга жавоб бериб: –Сизлар уларга овқат беринглар! – деди. Улар эса Унга: –Наҳот биз бориб, икки минг динорга нон сотиб олиб, уларга ейишга берсак? – дедилар. У уларга: –Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар, – деди. Улар билганларидан сўнг: — Бешта нон ва иккита балиқ, – дедилар. Шунда Исо шогирдларига ҳаммани яшил ўт устига гуруҳ-гуруҳ қилиб ўтирғизишни буюрди. Улар юз нафардан ва эллик нафардан қатор бўлиб ўтирдилар. У бешта нон ва иккита балиқни олиб, осмонга қараб дуо қилди ва халққа беришлари учун шогирдларига бўлиб берди. Шунингдек, иккита балиқни ҳам ҳаммага бўлиб берди. Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар. Шогирдлари эса ўн икки сават тўла нон ва балиқнинг қолганини йиғиб олдилар. Нон еганларнинг сони чамаси беш минг эрақк эди.

– Марк 6:35-44

Бу ажойиб воқеа Худонинг Шохлиги қандай ишлашини яхши кўрсатиб беради. Исо бешта нон ва иккита балиқ билан 20000 кишини тўйдирди! Сиз айтишингиз мумкин:

- Гари, Муқаддас Китобда у жойда фақат 5000 та эрақк бўлгани ёзилганку!

Ҳа, ёзилган, лекин уларнинг орасида, шунингдек аёллар ва болалар бўлганига ишонаман, шунинг учун у жойда умумий қилиб олганда тахминан 20000 киши бўлган.

Шогирдлар Исонинг олдига егулик ҳақидаги савол билан келишганида, Исо уларга Шохлик ҳақида сабоқ беришни хоҳлаган, шунинг учун У: “Сизлар уларга овқат беринглар” – демоқда. Бу уларни анча кучли ҳайратга солди. Улар шунча овқатни қаердан олишади? Улар ўзларига маълум бўлган ягона таъминот манбаи – меҳнатни назарда тутиб, жавоб беришди! Улар тахминан шундай дейишди: “Бунинг учун саккиз ойлик маош керак бўлади”.

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИНИ ТОПДИМ!

Уларнинг нуқтаи назарида машаққатли меҳнат ва тер тўкишнинг ердаги лаънатга ботган тизими билан бир неча соатда долларни ишлаб топиб, бу одамларнинг ҳаммасини тўйдиришнинг иложи йўқ.

Лекин Худонинг Шоҳлигида унда ҳаракат қиладиган қонунлар туфайли ҳамма нарсанинг иложи бор. Исо уларга ердаги лаънатга ботган тизим ўтмишда қолганини ва янги имкониятлар келганини кўришларига ёрдам бермоқчи. Сўнгра Исо улардан катта оломонни боқиш учун уларда нима борлигини, нимадан фойдаланишлари мумкинлигини кўришларини сўради. Улар бориб, қарадилар ҳамда бешта нон ва иккита балиқ топганини айтдилар, лекин масалани ҳал қилиш учун бунинг ўзи етарли эмаслигини билишар эди. Шунда Исо улардан нон ва балиқни сўраб, уларни Ўз қўлларига олиб, ибодат қилди ва уларни дуо қилди. Кейин уларни барча йиғилганларга тарқатишлари учун шогирдларига қайтарди. Албатта, сиз бу воқеа нима билан якунланганини биласиз: йигирма минг кишининг ҳаммаси тўйгунча ейдилар ва яна ўн иккита сават ортиб қолди.

Айтинг-чи, нима учун Исо шогирдларига нон ва балиқни тарқатишни буюришидан аввал, уларни Унинг олдига олиб келишини сўради? Нега Исо уларга овқатни топиши биланоқ тарқатишларини айтмади? Тўғри жавоб, Исо овқатни аввал дуо қилиши кераклигида эди. Кўряпсизми, шогирдлар нон ва балиқни топганларида, улар ерда одамларнинг ҳокимияти ва юрисдикцияси остида эди. Бу ҳолатда бу егулик устидан Исонинг юрисдикцияси йўқ эди. Бироқ нон ва балиқни Унга ихтиёрий келтиришганларида, У уларни дуо қила олди. Дуо қилиш сўзи муқаддаслаш ёки ажратиш деган маънони англатади. Шундай қилиб, биз Шоҳликнинг қонунини кўрамиз.

Исо нон ва балиқни дуо қилганида, улар шоҳликни ўзгартирди.

Исо нон ва балиқни дуо қилганида, улар шоҳликни ўзгартирди.

Аслини олганда, нон ва балиқ устидан юрисдикция ўзгарди. Энди Худода уларни одамлар учун кўпайтиришга қонуний ҳуқуқи бор эди.

Агар Исо нон ва балиқни олиб, уларни дуо қилмаганида, улар кўпаймаган бўлар эди.

Агар Исо нон ва балиқни олиб, уларни дуо қилмаганида, улар кўпаймаган бўлар эди.

Биз тановул қиладиган овқатимизни дуо қилганимизда ҳам худди шу қонундан фойдаланамиз, лекин мен кўпчилик одамлар овқат учун ибодат қилганда, нима қилаётганини ўзлари тушунмайди деб ҳисоблайман. Бироқ, умуман айтганда, биз овқат учун ибодат қилганимизда шоҳликлар ўзгаради ва шу тарзда, Худо бизни овқат етказиши мумкин бўлган ҳар қандай зарардан ҳимоя қилиш учун кучлидир.

Мен бу ерда изоҳ келтиришим зарур. Агар биз ўз ихтиёримиз билан ёмон овқатни истеъмол қилишда ва бизга зарар етказишини билган нарсани ейишда давом этсак, биз экканимизни ўрамиз. Агар бизга зарар етказиши мумкинлигини билмасдан туриб, бирор бир хавfli нарсани истеъмол қилсак, Худонинг Сўзи менинг самолётимни ҳимоя қилгани каби, бизни ҳам ҳимоя қилади. Мен овқат учун ибодат қиладиган кўпгина одамлардан эшитадиган қандайдири ибодат таомили турлари ҳақида айтмаяпман. Бироқ Худо биздан ҳар қандай заифликларни узоқлаштиргани, бизга, Унинг буюк Шоҳлигининг фуқароларига, Ўзининг ваъдаларидан баҳраманд бўлиш имконини бергани учун миннатдорчилик билан имонда қилинган ибодат ҳақида гапиряпман.

Илонларни ушлайдилар, заҳарли нарса ичсалар ҳам уларга зиён етказмайди. Беморларга қўлларини қўйганларида, улар шифо топадилар.

– Марк 16:18

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИНИ ТОПДИМ!

Ҳозирги дунёда Худонинг ҳимояси бизга ором беришига амин бўлишимиз зарур. Бизнинг тинчлигимизни барча жабҳаларда ўғирлаши мумкин бўлган кўп нарсалар, жумладан, биз истеъмол қилаётган овқат ҳам мавжуд. Ишонинг, шайтонда сизнинг саломатлигингиз ва овқат орқали ерда унга қарши курашда самарали бўлиш қобилиятингизни ўғирлаш режаси бор!

Келинг, қандай қилиб барча муаммолар, қийинчиликлар, қалб хотиржамлиги ва ҳаётимиздаги барча нарсаларни Шоҳликнинг юридикциясига бўйсундириш мумкинлигининг яна бир мисолини кўздан кечираамиз.

Ҳеч нарса ҳақида ташвиш қилманглар, лекин ибодат, илтижо ва миннатдорчилик билан ҳамма нарсада ўз истакларингизни Худога билдиринглар. Шунда ҳар қандай тушунчадан юқори бўлган Худонинг тинчлиги сизларнинг юракларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни Исо Масиҳда сақлайди.

– Филиппиликларга 4:6-7

Биз бирор нарса учун ибодат қилганимизда, муаммо ва ташвишлар Худо Шоҳлигининг юридикцияси остига ўтади. Агар биз ибодат қилмасак, Худонинг қўллари боғланган бўлади. Шунинг учун Муқаддас Китоб бизга тинмай ибодат қилишимизни айтади (1-Фессалоникаликлар 5:17га қаранг) ва Худодан сўрамаганлигимиз учун эга бўлмаслигимизни етказди (Ёқуб 4:2га қаранг).

**ХУДО МЕН БИЛАН
ДРЕНДАГА ЎЗИНИНГ
ҚОНУНЛАРИНИ
ОЧИБ, УЛАРНИ
ҚЎЛЛАШНИ ЎРГАТА
БОШЛАГАНИДА,
МЕН МУҚАДДАС
КИТОБДАГИ ҲАР БИР
ҲИКОЯДА ШОҲЛИК
ҚАНДАЙ ИШЛАШНИ
БИЛИШИМ УЧУН
МЕНГА ЗАРУР
БЎЛГАН КАЛИТЛАР
БОРЛИГИНИ АНГЛАЙ
БОШЛАДИМ.**

Мен самолёт сотиб олганимда ва умуман бирор нарса харид қилсам, сотиб олинган нарса учун ибодат қиламан, унга қўлларимни қўйиб, у нимага мўлжалланган бўлса, ўшани олиш учун ҳамда Худонинг Шоҳлиги ва менинг мақсадимга хизмат қилиши учун уни Худо Шоҳлигининг юрисдикцияси остига бераман. Айнан шу сабабли менинг самолётимга шайтон ва унинг малайларининг қўли етмайди. Бу самолётда менга ҳеч қандай ёвузлик содир бўлмайди!

Тахминан бир ой олдин мен анжумандан сўнг Хьюстондан Огайога ўзимнинг “мираж”имда учиб келдим. Биз қоронғи осмонни кесиб ўтганимизда аллақачон кеч эди. Олисда бизнинг ўнг ва чап томонимизда осмонда чақмоқ чақнади, бўрон майдони биз томон ҳаракатланарди. Момақалдиरोқ туфайли йўналишни ўзгартиришимизга тўғри келди, бунинг натижасида режадагидан кўпроқ ёқилғи сарфладик. Шу сабабли уйга бехатар етиб бориш ва Федерал фуқаролар авиацияси маъмуриятининг самолёт бортидаги ғамланган ёқилғига нисбатан талабларини бузмаслик учун, биз Кентукки штатидаги Луисвиллада ёқилғи тўлдириш учун тўхташга қарор қилдик. Биз қўнганимизда ёқилғи бакида тахминан йигирма галлон ёқилғи бор эди. Биз ҳар бир бакка яна йигирма галлондан қуйишини сўрадик. Шундай қилиб, бизда етмиш галлон бўлиши керак эди, бу “мираж” соатига тахминан йигирма галлон сарфлагани учун Огайогача қолган масофага учиб боришимизга етиб ортар эди.

Биз кутиб турганимизда, пештахта ортидаги қиз бизга қирқ галлон қуйишни сўраганини айтди. Шу пайт авиа уста ҳужжатлар билан ёқилғи қуйиш шохобчамизга келди. Қиз уни олди ва текшириб, сўнгра деди:

– Бу ерда нимадир нотўғри. Рақамлар мос келмаяпти.

Авиа уста бакка ёқилғи қуйганини ва рақамларни кейинроқ текшириш мумкинлигини айтди. Қиз рози бўлди, лекин рақамлар тасдиқланмагунча, бизга чекни бера олмаслигини қўшиб қўйди ва уни бизга электрон почта орқали юборишни таклиф қилди.

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИНИ ТОПДИМ!

Биз рози бўлдик ва уста билан бирга самолётга бордик. Менинг учувчим ундан ҳақиқатан ҳам зарур миқдордаги ёқилғи қуйганини текширишни сўради. Уста жавоб бериб деди:

– Ҳа, мен ҳар бир томонга йигирма галлондан қўйдим.

Биз ўчиб, Огайога йўл олдик, тахминан қирқ дақиқалик парвоздан сўнг чап бак бўш экани маълум бўлди. Бу қандай содир бўлиши мумкинлигидан ҳайратда эдик. Бир дақиқа ўтгач, ўнг бак ҳам бўшаб қолди. Ярим тун эди, биз эса 4500 метр баландликда қоронғи осмонда ёқилғисиз қолган эдик. Нима содир бўлди? Ахир биз ҳозиргина ёқилғи қуйган бўлсак. Кимдир айтиши мумкин:

– Самолётингизда бакдаги ёқилғи даражасининг кўрсаткичлари наҳот бўлмаса?

Албатта бор эди, лекин кўрсаткичлар ёқилғи қуйилгандан сўнг секин-аста кўтарилади. Агар сиз бирор марта эски “субурбан” ҳайдаган бўлсангиз, нима ҳақида гапираётганимни тушунасиз. Ушбу автомобилдаги ёқилғи даражасининг кўрсаткичлари ёқилғи қуйилгандан сўнг, секин кўтарилади.

Бизнинг ҳолатимизда менинг учувчим устанинг кўзларига тик қараб ҳақиқатан ҳам ёқилғи қуйганини ва қанча қуйганини сўраган эди. Биз шахсан унинг ёқилғи қуйгичда самолётнинг олдига келиб, бакларни тўлдирганини кўрдик. Менинг учувчим тўлдириш жараёнини кузатиб турди ва устадан икки маротада ҳақиқатан ҳам қирқ галлон қуйганми ёки йўқлигини сўради. Биз ёқилғи даражасини текширганимиздан сўнг, бакда галлоннинг ўндан бир қисми қолгунча истеъмол даражасини назорат қилувчи рақамли ёқилғи кўрсаткични ўрнатдик. Биз ўзимиз томондан хавфсизлик учун зарур бўлган ҳамма нарсани қилдик деб ўйладик.

**ШОҲЛИҚДА
САМАРАЛИ БЎЛИШ,
ХАВФСИЗЛИҚДА
ЯШАШ ВА ЕРДА ШУ
ЖОЙДА ТАЪМИНОТГА
ЭГА БЎЛИШ УЧУН СИЗ
БИЛИШИНГИЗ КЕРАК
БЎЛГАН ҚОНУНЛАР
МАВЖУД.**

Биз фавқулотда ҳолат эълон қилиб, Цинциннат тайёргоҳига қўнишга мажбур бўлдик, бу муаммо эмас эди, чунки бизнинг бакларимиз бўш экани маълум бўлган дамда биз унинг устидан учиб ўтаётган эдик, лекин бу аниқ кулгили эмас эди. Кейинчалик бизнинг самолётимиз ўша авиа устасининг ёқилғи қуйиш амалиётида биринчиси бўлганини аниқладик. У ҳар бир бакка йигирма галлондан эмас, атиги икки галлондан қуйган. У асбоблардаги қайдларни ўқишни билмаган. Жиддийми? Ахир бу миллий ширкат фақат самолётларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланса – ақл бовар қилмайди!

Душман ёвузлик учун режалаштирган нарса амалга ошмади, лекин бизнинг бакларимиз биз учган 4500 метр баландликда эмас, бошқа баландликда бўшаб қолганида эди, бу амалга ошиши мумкин эди. Аммо, такрор айтаманки, шайтон менга ёки самолётга зарар етказа олмайди. Келажакда душманимизнинг бошқа уринишларини олдини олиш мақсадида биз ёқилғи қуйиш тартибини ўзгартирдик. Энди авиа усталар барча ёқилғи қуйиш бекатларида доим бизнинг назоратимиз остида самолётга ёқилғи қуйишади. Агар биз тез ҳаракат қилмаганимизда ёки ёмон об-ҳавода учганимизда эди, бу воқеа фалокат билан якунланиши мумкин эди, лекин, албатта, бу содир бўлмади, чунки мен ҳимоя аҳдига эгаман.

Машинам ва ўзимнинг хавфсизлигим билан боғлиқ самолётим билан содир бўлган бу иккала ҳодиса ҳам Шоҳликдаги менинг аҳдимнинг, қонуний ҳуқуқларимнинг натижаси эди. Албатта, мен бизга бу самолётни қандай олганим ҳақидаги ҳикояни айтиб беришим мумкин, лекин ҳозир эмас. Сиз маъносини тушундингиз деб ўйлайман – Худо буюқдир!

Шоҳликда самарали бўлиш, хавфсизликда яшаш ва ерда шу жойда таъминотга эга бўлиш учун сиз билишингиз керак бўлган қонунлар мавжуд. Шайтон биздан нафратланади, лекин Худога шукурки, у бизни тўхтата олмайди. Ҳимоя ҳам ташвиш ва қўрқув бўлмаганда оромдир. Бу сизнинг қонуний ҳуқуқингиз.

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИНИ ТОПДИМ!

Айтгандай, мен ҳозиргина таърифлаб, қўллаган қонунни юрисдикция қонуни деб атайман.

Худо менга аввалида Ўзининг Шоҳлиги ҳақидаги яна бир Муқаддас Китоб оятини берган.

Эй, камбағаллар, бахтлисизлар, чунки Худонинг Шоҳлиги сизларга тегишлидир.

– Луқо 6:20 (ЯРТ)

Худо бизга бу оятни кўрсатганида, бу оятдаги Худонинг Шоҳлиги сўзи остида нимани назарда тутганини Дренда билан ўрганишни бошладик. У яна бир бор бизга У ушбу Шоҳлиқда қонунларга асосланиб амал қилувчи Шоҳ эканини кўрсатди. Келинг, жанубий чегарамизга назар ташлаймиз. Ҳар йили минглаб одамлар Қўшма Штатларга киришга уринадилар. Уларнинг мамлакатида гўзал жойлар йўқлиги учунми? Умуман бунинг учун эмас. Бунинг сабаби – бизнинг мамлакатимизнинг ҳукумати ҳисобланади. Мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва одамлар бошқа мамлакатларда кўрмайдиган эркинликни таъминловчи қонунлар амал қилади: мулкка эгалик ҳуқуқи, шахсий бизнесига эга бўлиш ҳуқуқи, диний эътиқод ва сўз эркинлиги ҳуқуқи. Кўплаб мамлакатларда одамлар бундай эркинликларга эга эмаслар.

Биз Худонинг Шоҳлиги, Худо бизга, унинг фуқароларига берган барча калитларнинг, тамойил ва қонунларнинг асоси ҳақида етарли даражада кўп гаплашдик. Сизнинг бу қонунларни билишингиз ёки билмаслигингиз ҳаёт ва ўлим, ғалаба ва мағлубият ўртасидаги фарқни белгилаб беради. Тўққиз йил давомида пул йўқлиги ва ундан тўлиқ озод бўлиш туфайли қийноқли кўрқувдан чеккан азобларимдан сўнг, мен Худо Шоҳлигининг фуқароси бўлиш нимани англатишини билишнинг муҳимлигига ҳамда бу Шоҳлик қурилган қонун ва тамойилларни билишнинг муҳимлигига ортиқча баҳо бера олмайман.

Ер бир неча минг йиллардан буён мавжуд, аммо бугунги кунда

Биз завқланадиган нарсаларнинг кўпчилиги ҳар доим ҳам маълум бўлмаган. Мисол учун, мен сизга 1906-йил Милод байрами арафасида Массачусетс штатидаги Брант-Рокда, Оушен-Блаффда нима содир бўлганини кўрсатмоқчиман. Ўша куни бутун дунёни ўзгартирган воқеа юз берди. Режинальд Фессенден “Муқаддас тун” кўшиғини, денгиздаги кемаларга радио тўлқинлари орқали эшиттирди ва Луқо Хушхабаридан иккинчи бобни ўқиди. Бу дунёдаги илк радио эшиттириш эди. Бугун биз уяли телефон ёрдамида сайёрамиздаги исталган одам билан ҳеч қийинчиликсиз гаплаша оламиз.

1897-йилнинг январида нима содир бўлди? Томас Эдисон лампочкани ихтиро қилди, энди ердаги ҳар бир мамлакат қоронғуда кўриш учун электр қонунлари ва физика қонунларидан фойдаланмоқда.

1903-йилнинг 17-декабрида нима содир бўлди? Ака-ука Райтлар муваффақият билан дунёга илк самолётни тақдим этдилар ва энди биз ҳаво кемасининг бортига кўтарилиб, бир неча соат ичида дунёнинг исталган нуқтасига учишимиз мумкин. Оғирлиги 280 тонна бўлган дунёдаги энг катта йўловчи самолёти А380 бортида саккиз юз йўловчи билан соатига тахминан 1000 километр тезликда тўққиз соатдан ортиқ вақт давомида тўхтовсиз парвоз қила олади. Агар одамлар ўн тўққизинчи асрнинг бошларида шунга ўхшаш нарсани кўрганларида, улар ҳушларидан кетган бўлардилар. Аммо бугун биз учун бу ҳам чироқни ёқиш тугмасини ёқиб учиргандек одатий ҳолатдир.

Бу қонунларнинг барчаси инсон мавжуд бўлган вақтдан буён ер юзида доим мавжуд бўлганини кўрсатмоқчиман. Инсон улардан фойдана олиши учун улар доимо инсонлар учун очиқ бўлган, шунчаки инсон буни кўрмаган. У қушларнинг учинини кўрган, чақмоқни кўрган, лекин тушунмаган.

Худди шу нарса Муқаддас Ёзувга ҳам тегишли. Дин Худо Сўзининг аҳамиятига нисбатан чекловлар қўйган. Биз сиз билан ҳамма мўъжизалар ўтмишда бўлганини, Худо бугун уларни амалга

МЕН ШОҲЛИКНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИНИ ТОПДИМ!

оширмаётганини йиллар давомида эшитиб келамиз. Муқаддас Руҳнинг инъомлари фақат ҳаворийларда амал қилган, Павлуснинг танасидаги ниш эса, касаллик бўлган. Аслида Сўз анча оддийдир. У айнан нима деяётган бўлса, ўшани англатади. Бироқ Шоҳликдаги пойдевор бошқа барча эшикларни очишингиз учун сизга зарур бўлган биринчи асосий калит ҳисобланади.

Мана, яна бир асосий калит:

Қонунлар ўзгармайди!

Тош ташланг ва у ерга тушади. У неча марта ерга тушади? Ҳар сафар! Тортишиш қонуни туфайли сиз ҳар дафъа бир хил натижага эришасиз. Худди шу нарса Худонинг Шоҳлигида ҳам содир бўлади.

5-БОБ

ЮРГАНДАН КЎРА УЧИШ АФЗАЛРОҚ

Юргандан кўра учиш афзалроқ! Мен бу бобни ўз самолётимда ердан 23000 фут баландликда (7000 метр. – Изоҳли таржима), соатига 250 мил (400 километр соатига. – Изоҳли таржима) тезликда учиб, Канададаги ёзги уйимиздан қайтганимда ёзганман. Биз кўп йиллар давомида Канадага Огайодаги уйимиздан машинада борганмиз. У ерга етиб бориш учун чарчоқли сафарда ўттиз бир соатни ўтказиш зарур эди. Эртаси кун манзилга етиб бориш учун тун бўйи машина ҳайдашга мажбур бўлар эдим. Бир неча маротаба кечаси тўхтаб, икки кун юрардик, лекин сиз икки ҳафталик таътилга чиқиб, шундан тўрт кунини йўлга сарфласангиз – бу ниҳоятда кўп. Биз манзилга етиб келганимизда, мен шу қадар чарчаган бўлар эдим, таътил охирида эса, Огайога қайтиб кетишимиз керак бўларди.

Мен доим самолётларни яхши кўрганман, ўн тўққиз ёшимда учувчилик рухсатномасини олганман, лекин ҳеч қачон шахсий самолётга эга бўлишни ўйламаганман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сиз бирор марта самолётларнинг нархи билан қизиққанмисиз? Аммо Шоҳликни англаганим сари, “Йўқ” дея, қашшоқдек фикр юритиб, менинг ўзим самолётни ўзимдан ушлаб турганлигимни

кўпроқ тушуниб бордим. Ҳозир менинг иккита самолётим бўлиб, бирида сайр-томоша учун учаман (бу менинг биринчи самолётим), иккинчисидан эса, иш масалалари юзасидан учиш учун фойдаланаман. Мен олдинги бобда “йўқ” сўзи билан чархланган тарбиямиз, орзу қилиш ва имкониятларни қўришга йўл қўймаслиги ҳақида ёзган эдим. Биз ҳатто, орзуларга имкон бермасдан, улардан ёпилиб оламиз.

Мен илгари ҳеч қачон ўзимга самолёт сотиб олиш ҳақида ўйламаган эдим. Қандай қилиб бунинг имкони борлигини ҳатто, тасаввур ҳам қилмаганман. Бир неча йил кетма-кет самолётларни ижарага олдим. Бироқ Шоҳликнинг қонунини ўқиб-ўрганганимда ва ҳаётимда унинг ҳаракатини кўрсатувчи воқеаларни биринмакетин кўрганганимда, ўзимнинг шахсий самолётимни олишимда Худога ишонишга қарор қилдим. Ўша пайтда уни сотиб олиш учун маблағим йўқ эди, лекин чекни олиб, эслатмалар қисмига “самолётга” деб ёзиб қўйдим. Айнан мен хоҳлаган самолёт турини белгилаб қўйдим. Биз хотиним билан Марк Хушхабаридека ёзилганидек (Марк 11:24га қаранг), бу чек учун ибодат қилганимизда, олганимизга ишониб Шоҳликка экдик. Раббий менга бу сабоқни Шоҳлик таълимотининг энг бошида кўрсатди. Бу менинг ҳаётимда жуда кўп бора қандай амалга ошганини кўрдим.

Бир неча ҳафта ўтгач, мен мажбурий тиббий кўриқдан ўтдим ва шифокор беихтиёр менга деди:

- Айтганча, сиз самолёт сотиб олишга қизиқаётган бирор кишини биласизми?

Мен ҳайрон бўлдим, чунки илгари ҳеч ким менга бундай савол бермаган.

- Қанақа самолёт? – сўрадим мен.

У қандай самолёт ҳақида гап кетаётганини тушунтира бошлади ва агар мен унга назар солмоқчи бўлсам, у маҳаллий аэропортда турганини қўшиб қўйди. Мен айнан мана шу самолётга уруф

сепганим ҳайратланарли! Мен аэропортга бориб, унга қарадим, унинг ҳолати жуда яхши эди. Лекин бир муаммо бор эди: менда бу самолётни сотиб олиш учун пул йўқ эди. Мен шифокорга унга жуда қизиқиб қолганимни ва кейинроқ у билан боғланишимни айтдим.

Бир неча ҳафта ўтгач, менга тегишли бино ёнидаги отамнинг ресторанида ишлайдиган акам менга қўнғироқ қилди. Мен уни акамнинг қўнғироғидан бир неча ой олдин кузнинг охирида сотиб олиб, унда молиявий хизматларни кўрсатувчи ширкат учун офис биноти сифатида жиҳозлашни режалаштирган эдим. Бу менга зарур мақсадлар учун тижорат хонаси талабларига жавоб бермас эди, шунинг учун уни қайта қуришим кераклигини билардим. Мен чизмаларни чизган қурувчи билан боғландим ва биз шартнома имзоладик. Бироқ об-ҳаво шароити туфайли лойиҳани бошлашни баҳорга қолдиришга қарор қилдик. Янги хона биноти тўлиқ таъмирлашни талаб қилди.

Бинонинг аввалги хўжайини менга бинода қиш учун сув ўчирилганини айтди, мен ҳатто уни кўрмадим. Февраль ойининг охирида ҳаво ҳарорати кўтарилиб, қорлар эрий бошлаганида, акам менга қўнғироқ қилди. У менга бинодан кўчага сув оқиб чиққани туфайли у қулаб тушганини айтди. Иккаламиз ҳам бу нимани англатишини тушундик: аввалги хўжайиннинг оғоҳлантиришига қарамай, сув учирилмаган. Албатта, мен зарар кўламни текширганимда, юқори қаватдаги ҳаммом, шунингдек, пастдаги ҳаммом ва ошхонадаги барча қувурлар ёрилиб, биноти сув босгани маълум бўлди. Ҳамма гипсокартон пардеворлар, шифтлар ва деворлар қулаб тушди.

Аввалига бу фалокат бўлиб кўриниши мумкин, лекин биз қайта қуриш ҳақида ўйлаганимизда, ҳамма пардеворларни олиб ташлаб, янги хоналар қуришни режалаштирдик. Ташқи пардозни ҳам ўзгартириш зарур эди. Шунинг учун ҳақиқатда сув биного бутунлай зарар етказмаган эди. Биз бутунлай қайта қуришни режалаштирган жойларгагина зарар етказилган эди, холос. Бироқ мен бу биноти сотиб олганимда, уни суғурта қилдирган

эдим. Суғурта ширкати менга етказилган зарарни тўлиқ қоплади. Улар менга чек ёзиб беришганда, чиндан ҳам бу пул самолёт сотиб олиш учун етарли эди. Бу “пайпер варриор” самолётини бошқариш осон ва мен унда бажонидил учаман. Ҳар сафар унда ҳавога кўтарилганимда, шахсий самолётда учиб қанчалар ажойиб эканига қойил қоламан. Йигирма йил ўтган бўлса-да, ҳали ҳамон у мен биландир.

Ушбу ҳикояда содир бўлган ҳайратланарли воқеаларга қарамасдан, мен сизни содир бўлган нарса ҳақидаги нотўғри таассуротлар билан қолдирмоқчи эмасман. Ҳар доим ҳам барча нарса бу ҳикоядагидек содир бўлавермайди. Худо сизни самолётга тўлиқ тўлов қилишингиз учун пул ишлаб топиш имкониятига олиб келиши ёки сизга унинг учун яхшигина чегирма таклиф қилишлари мумкин. Сиз Шоҳликка экканингизда, Худо сизга ҳосилни ва уни қандай йиғиб олиш режасини кўрсатишини ўйлашингиз керак. Иккинчидан, ўсиб бораётган имонингиз ва қобилиятларингиз доирасида қолиш муҳимдир. Мен Худо уларга автомобил кредитини қандай тўлаш кераклигини кўрсатганда, улар олға қадам ташлаб, бир триллион долларга экиш мумкин деб ўйлаган одамларни учратдим. Триллион долларни олиш учун сизнинг имонингиз етарли эмас! Турган жойингиздан бошланг, Шоҳликнинг қонунини қўллашдан бошланг, Шоҳлик қонунларига бўлган ва Худо сизга кўрсатадиган нарсани қабул қилиш қобилиятингизга бўлган ишончингизни мустаҳкамлашни бошланг.

Сиз маъно-маъизни англаб етишингизни истардим. Мен учувчилик рухсатномасини олганимдан сўнг йигирма йил ўтгач, ўзимга самолёт сотиб олдим. Нима деб ўйлайсиз, Шоҳликнинг қонунлари йигирма йил давомида амал қилганми? Ҳа, албатта. Менинг тушунчам, аниқроғи, тушунчам етишмаслиги ўзимни самолёт хўжайини сифатида кўришимга имкон бермаган.

Инсон минг йиллар давомида қушларнинг парвозини кузатиб келади, кўтариш кучи қонунининг ҳаракатини куннинг ёруғ вақтида, ҳар қандай одам ҳар куни кўриши мумкин, шунга қарамай уни ҳеч ким кўрмаган. Нимани кўрмаяпсиз? Ўйлаб кўринг.

Худо дастлабки кунларда менга Муқаддас Китобдан Шоҳликнинг таъминоти ҳақида билиб, қандай ором топиш мумкинлиги ҳақидаги оятни кўрсатди.

Раббийнинг дуойи-баракати – бойтади ва бойликка қайғу қўшмайди.

– Ҳикматлар 10:22

Ушбу Муқаддас Китоб ояти бизни Ёзувга ва юқорида келтирилган Ибтидо китобидаги қоидага қайтаради.

“Ер юзи сен тўфайли лаънатланди. Бутун умринг бўйи ундан оғир меҳнат қилиб озиқланасан. Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дала ўтлари билан озиқланасан. Сен ўзинг олинган ерга қайтгунингча пешана теринг билан нон ейсан, чунки тупроқдирсан ва тупроққа қайтасан”.

– Ибтидо 3:17-19, (ЯРТ)

Одам Шоҳликни йўқотганда, Шоҳликнинг таъминотини йўқотди ва омон қолиш учун ўз кучини сарфлашига тўғри келди. Лекин сиз-у биз билганимиздек, биз астойдил истаган озодликка фақатгина пешона тери тўкиб, оғир меҳнат қилиш билан эришиш имконсиздир. Аммо яхши янгилик бор! Исо қашшоқларга Хушxabарни воизлик қилиш учун келди!

Раббий Худонинг Руҳи Менинг устимда, чунки Раббий Мени қашшоқларга хушxabарни воизлик қилиш учун мойлади.

– Ишаъё 61:1

Исо камбағалларга Хушxabарни воизлик қилиш учун юборилган. Камбағаллар учун қандай яхши янгилик бўлади? Ҳаммаси оддий, улар таъминотнинг ердаги лаънатга ботган

тизимда етишмовчилик ва қашшоқлик билан боғланган бўлмаслиги керак. Ишонинг, тўққиз йил давомида менда шубҳа ва тушкунликлардан бошим чиқмай яшаганимдан, тўғрироқ айтганда, омон қолганимдан сўнг, бу оят мени саросимага солган бўлса-да, Хушхабар эди. Наҳотки, ушбу сўзлар ҳақиқатан ҳам тўғридан-тўғри маънога эга бўлса? Агар унда тўғридан-тўғри маъно бўлиб, Раббийнинг дуо-баракаси ҳаётимизга ҳақиқатан ҳам бойликни олиб келса, жуда яхши бўлар эди. Мен бу ҳақиқатми ёки йўқлигини аниқлашим ва ҳаётимга тадбиқ этишим керак эди. Бир томондан, фақат омон қолиш учунгина тер тўкиб машаққатли меҳнат қилиш лаънати таъминот келтиришини, омон қолиш учун яшаш унчалик яхши эмаслигини тушунар эдим. Мен ҳамма нарсадан кўпроқ бу лаънатдан халос бўлишни хоҳлардим, бироқ уни ҳаётимда қандай амалга оширишни билмас эдим. Кўпчилик масиҳийлар айнан шундай яшайдилар деб ўйлайман: Худонинг ваъдаларини ўқийдилар, лекин уларни қандай шахсийлаштиришни ва уларнинг ҳаракатини ўз ҳаётларида кўришни билмайдилар.

Мен бу мавзунини ўргана бошлаганимда ва Раббий мени Шоҳлик тамойилларини тушунишга олиб келганда, Иброҳим нақадар бой бўлганини кўрдим. Тўхтанг! Ердаги лаънатга ботган тизимга нима бўлди? У қандай қилиб уни енгишга муваффақ бўлди?

Ибром чорвага, кумуш ва олтинга жуда бой эди.

– Ибтидо 13:2

У бойиб кетди, йўқ, Муқаддас Китоб унинг жуда бойиб кетганини айтади. Лекин қандай қилиб? Сиз айтасиз:

– Шунчаки у Иброҳим бўлган.

Йўқ, гап бунда эмас. Гапнинг моҳияти, айнан сиз Шоҳликнинг қонунини англашингиздир. Қонунлар сизнинг ким эканлигингизга аҳамият бермайди. Уларда юз-хотирчилик йўқ. Агар бирор киши Эмпайр-стейт-билдинг осмонўпар бинонинг

томидан парашютсиз сакраса, бу одам қандай катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар, натижасини ҳамма билади. Тортишиш қонуни ҳар доим амал қилади. Қандай қилиб Иброҳим ердаги лаънатга қарамай муваффақиятга эришди? Унинг ҳикоясида калитларни топиш мумкинми? Ибтидо китобининг 12-бобида қисман жавоб мавжуд. Бу бобда Худо кейинчалик Иброҳимга айланган Ибромга унинг ҳаёти ва унинг авлодларининг ҳаётига доир ваъда берган.

Раббий Ибромга деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, ўз отангнинг уйидан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга боргин. Мен сендан буюк халқ яратаман. Сени дуо қилиб, номингни улуғлайман. Сен дуо-баракали бўласан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сенда барака топадилар”.

– Ибтидо 12:1-3

Иброҳимга берилган ваъда у Худога ишониб, Унга итоат қилиш шарти асосида амал қилган. У қаерга боришини билмасдан, ўзига таниш муҳитни тарк этиб кетиши учун унга улкан имон керак бўлган.

Имон билан Иброҳим мерос қилиб олиниши керак бўлган юртга бориш учун даъватга бўйсунди ва қаерга боришини билмасдан йўлга тушди.

– Ибронийларга 11:8

Шундай қилиб, биз Худо ер юзига ҳатто, бунда ҳеч қандай мантиқ йўқдек туюлган бўлсада, унга ишонган инсон орқали қонуний кириш йўлини топганини кўришимиз мумкин. Иброҳимнинг имони Худо уни шахсан дуо қилишига имкон берди. Аммо кейинчалик, Иброҳимнинг имони тўфайли Худо яна у билан, унинг авлодларини ҳам ўз ичига олган аҳд тузди. Буни ғалати деб

ўйламанг. Шайтон бошида айнан шу йўл билан ер юзига киришни қўлга киритганини ёдга олинг. Ибронийларга мактубда (2:7-8) ёзилганидек, бутун ер юзи бўйлаб қонуний юрисдикцияга эга бўлган Одам Ато Худодан кўра, шайтонга ишонишни қарор қилди.

Иброҳимнинг ҳаётида самонинг таъсирига қонуний эшикни очган унинг имони унга катта гуллаб-яшнаш имконини берди. Бу мавзунини чуқурроқ ўрганар эканман, унинг чевараси Юсуф ҳақида ўқидим. Мен ҳайратланарли мисолни топдим ва Шоҳлик нима эканини ҳамда у қандай ҳаракат қилишини тушундим, бу ҳақида Ҳикматлар китоби 10-боб, 22-оятда айтилган.

Авалло, акалари Юсуфдан нафратланиб, ўша ерлардан тез-тез ўтувчи қулфурушлар орқали уни қулликка сотганини ёдга оламиз. Улар Юсуфни Мирга олиб бориб, сўнгра ўша ерда уни фиръавн қўриқчиларининг бошлиғи Потифарга сотишди. Мен кейинги матнда Иброҳимнинг ақл бовар қилмас даражада муваффақият қозониш қобилиятини тушунишимга ёрдам берган ушбу пазлнинг муҳим қисмини топдим.

Юсуф Мисрга олиб кетилди. Фиръавннинг сарой аъёни, соқчилар бошлиғи, мисрлик Потифар – уни ўша ерга олиб келган исмоилийлар қўлидан сотиб олди. Раббий Юсуф билан бирга эди, шунинг учун у муваффақиятли киши эди. У мисрлик хўжайинининг уйда яшар эди. Унинг хўжайини Раббийнинг у билан эканини ва Раббий у қилаётган ҳар бир ишда унинг қўлига муваффақият бераётганини кўрди. Юсуф унинг нигоҳида илтифот топди ва унга хизмат қилди. Хўжайини эса ўз хонадонидagi ҳамма нарсанинг устидан уни назоратчи қилиб қўйиб, ўзидаги ҳамма нарсани унинг қўлига топширди. У Юсуфни бутун хонадони устидан ва хонадонидagi ҳамма нарса устидан назоратчи қилиб қўйганидан сўнг, Раббий Юсуф ҳақи мисрликнинг хонадонини дуо қилди. У УЙДА ВА ДАЛАДА ЭГА БЎЛГАН

ҲАММА НАРСАНИНГ УСТИДА РАББИЙНИНГ ДУО-БАРАКАТИ БОР ЭДИ. У бор мулкани Юсуфнинг қўлига топшириб, ўзи еяётган нондан бошқа ҳеч нарсани билмас эди. Юсуф кўркам ва қадди-қомати келишган киши эди.

– Ибтидо 39:1-6

Ушбу оятларда Раббийнинг дуо-баракаси Юсуфнинг муваффақият қозонишига сабаб бўлгани аниқ ёзилган. Лекин Раббийнинг дуо-баракаси нимада ёки бугун у нимадан иборат? Гап минглаб баракалар ичидан фақат бири ҳақида кетмаяпти, балки маълум бир дуо-барака ҳақида кетаётганини пайқадим. Қандайдир ажойиб нарса содир бўлганда, биз ҳаммамиз “бу дуо-барака бўлганини” айтамыз. Аммо бу парчада гап фақатгина яхши воқеа ҳақида кетмаяпти. Гап маълум бир “Барака” тўғрисида кетмоқда.

Мен “Раббийнинг баракаси” Худо билан Иброҳим ва унинг меросхўрлари ўртасидаги аҳд эканини тушундим. Бошқача қилиб айтганда, “Барака” Иброҳимга бу аҳдда берилган ваъдалар бўлган. Қонуний шартнома икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олади, шунингдек, уларнинг ҳар бирининг манфаатларини санаб ўтади. Бу ҳолатда, Иброҳимга берилган ваъдалар шартноманинг қўшимча афзалликлари ҳам бўлган. Манфаатлардан ҳузур қилиш учун, Раббийнинг кўрсатмалари ва қонунларига амал қилиш мажбурияти бўлган. Шунингдек, Юсуф ўзининг қонуний юрисдикцияси остига нимаики олиб келмасин, у ҳам ваъда ва манфаатлар соҳасига тушиб, фойда келтирганини аниқ кўрдим.

Сўнг Ҳикматлар китобининг 10-бобидан 22-оят мен учун мазмунга эга бўлди. Қонуний келишув сифатида Иброҳимга берилган Худонинг ваъдалари қашшоқликнинг ердаги лаънатга ботган тизимини енгди. Иброҳимга берилган “Барака” Худога ўз қули ва унинг авлодини қачонлардир инсон учун хоҳлаган гуллаб-яшнаш ва таъсир билан қонуний тарзда дуо-баракалаш

имконини берди. Қавс ичидаги изоҳларимни инобатга олган ҳолда, Ҳикматларни (10:22) ўқиб чиқамиз.

Асосий калит:

“Раббийнинг дуойи-баракати [Иброҳимга берилган барака] – бойитади ва бойликка қайғу қўшмайди”.

“Бойликка қайғу қўшмайди” ибораси – пешона тери тўкиб, оғир меҳнат қилиш орқали ердаги лаънатланган тизимга (Ибтидо 3:17га қаранг) тааллуқлидир. Ибронийчада қайғу сўзи “оғир меҳнат” деган маънони ҳам англатади! Тушуняпсизми? Инсон Иброҳимга берилган ваъдалар орқали ердаги оғир меҳнат ва пешона теридан иборат лаънатнинг чекловларидан қутулиши мумкин. Ҳозир нима ҳақида ўйлаётганингизни биламан: “Ушбу ваъдалар фақат Иброҳим ва унинг авлодига берилган эди”. Ҳа, лекин мен сизга Муқаддас Китобдан яна бир матнни кўрсатишим керак.

Масиҳ биз учун лаънат бўлиб, бизни Қонун лаънатидан қайта сотиб олди, – зеро ёзилган: “Ёғочга осилган ҳар бир киши лаънатидир”, – токи Иброҳимнинг баракаси Исо Масиҳ орқали мажусийларга ҳам келсин; шундай қилиб, биз ваъда қилинган Рухни имон орқали қабул қилайлик.

– Галатияликларга 3:13-14

Шундай қилиб, биз Исо Масиҳга ишонувчилар имон орқали Иброҳимга берилган баракада иштирок этамиз. Иброҳимга қандай барака берилган эди? Ваъдалар рўйхати Қонуннинг такрорлашини китобининг 28-бобида санаб ўтилган.

Агар сен Раббий Худойингнинг овозига бутунлай қулоқ солсанг, мен бугун сенга бераётган Унинг барча амрларини қатъий бажарсанг, шунда Раббий Худойинг

сени ердаги барча халқлардан баланд қилиб қўяди. Агар Раббий Худойингнинг овозига қулоқ солсанг, сен бу барча дуою баракатларни оласан: Сен шаҳарда дуо-баракали бўласан ва далада дуо-баракали бўласан. Кўплаб фарзандлар билан дуо-баракаланасан, еринг кўп ҳосил келтиради, сенинг подаларинг ва сурувларингнинг – бузоқлар ва қўзичоқлар насли кўп бўлади. Дон-дун ва мевалар учун саватларинг ва тоғораларинг дуо-баракали бўлади. Сен киришингда ва чиқишингда дуо-баракали бўласан. Раббий сенга қарши кўтарилган душманларингни сенинг қаршингда қириб ташлайди; улар бир йўл билан сенга қарши чиқадилар, лекин еттита йўл билан сендан қочиб кетадилар. Раббий сенинг омборларингга ва қўлингнинг барча ишларига дуо-барака юборади; Раббий Худойинг сенга бераётган ерда сени дуо қилади. Агар сен Раббий Худойингнинг амрларига амал қилсанг ва Унинг йўлларидан юрсанг, У сенга қасам ичганидек, Раббий сени Ўзининг муқаддас халқи қилиб қўяди. Шунда ернинг барча халқлари сенинг Раббийнинг номи билан аталганини кўрадилар ва сендан қўрқадилар. Раббий оталарингга сенга бериши ҳақида қасам ичган ерда Раббий сенга барча эзгуликларда, фарзандларингда, қорамолларингнинг ҳомиласида ва далаларингнинг ҳосилида мўл-кўлчилик беради. Раббий сенга Ўзининг эзгу хазинаси — осмонни очади, токи у сенинг ерингга ўз вақтида ёмғир берсин, шунингдек, қўлингнинг барча ишларини дуо қилсин. Сен кўп халқларга қарз берасан, ўзинг эса қарз олмайсан. Раббий сени дум эмас, бош қилади; фақат баландда бўласан, пастда бўлмайсан. Агар бугун мен сенга бераётган Раббий Худойингнинг амрларига диққат қилсанг ва уларни қунт билан бажарсанг, шунда сен пастда эмас, юқорида бўласан.

*Мен бугун сенга бераётган амрларнинг бирортасидан
ўннга ҳам, чапга ҳам чекинма, ўзга худоларга эргашиб,
уларга хизмат қилма.*

– Қонуннинг такрорланиши 28:1-14 (ЯРТ)

Ушбу барча ваъдалар Эски Аҳдда бўлишидан қатъий назар, сиз улардан ҳозир дадил баҳраманд бўлишингиз мумкин. Ягона фарқ шундаки, Эски Аҳдда одамлар ваъдаларга ўзларининг ишлари орқали кириш ҳуқуқига эга бўлганлар, биз эса Янги Аҳдда уларга Исо Масиҳга бўлган имонимиз орқали кириш ҳуқуқига эга бўламиз. Биз мажусийлар, пайвандланганмиз ва энди, Исо Масиҳ орқали “Иброҳимнинг дуо-баракаси” бизга ҳам тегишлидир. Аммо бизда нафақат Иброҳимнинг руҳий баракалари мавжуд, балки бизда юқоридан туғилиш руҳий баракаси ҳам мавжуддир. Энди бизда Иброҳимнинг жисмоний ерлик баракаси, шунингдек, самовий абадий барака ҳам бор ҳамда Муқаддас Рух ҳақиқатан ҳам, Худонинг ўғил ва қизлари сифатида бизда яшайди. Ёдингизда бўлсин, фақат ўғиллар ва қизлар мерос оладилар, қуллар эса ололмайдилар. Иброҳим Худони қанчалар қаттиқ севмасин, унда Муқаддас Рух, юқоридан туғилишсиз яшамаган ва у самога кира олмаган. Албатта, Исо унинг учун гуноҳ қарзини тўлаганидан сўнг, самога киришга муваффақ бўлди.

Мен Муқаддас Китобнинг Ҳикматлар китобидаги, Худо бойитади ва бойликка қайғу қўшмайди деган оят аслида нимани англатишини энди тушунаман. Иброний тилида қайғу “оғир меҳнат”ни англатиб, бу менинг тушунчамга кўра энди пешона терида оғир меҳнат қилишнинг ердаги лаънатга ботган тизимига тегишлидир. Ушбу аҳд, Худонинг ёрдами ва Унинг имтиёзлари ҳақидаги ваъданинг дуо-баракаси, Иброҳимни ерлик лаънат устидан юқори кўтариб, уни гуллаб-яшнашга олиб келди. Қонуннинг такрорланиши китобининг 28-бобида ёзилганидек, ушбу дуо-бараканинг имтиёзлари мен гуллаб-яшнашим кераклигини аниқ кўрсатганини англадим. Ушбу ваъдаларнинг натижаси, менга дум эмас, бош бўлиш, қарздор

эмас, қарз берувчи бўлишдан иборат бўлиш керак. Бу Худонинг ҳар бир фарзандининг қонуний ҳуқуқидир. Мен ҳам Юсуф каби Худонинг дуо-баракасига эгаман ва муваффақиятга эришишим керак. Менда ҳам Худонинг бутун Шоҳлигининг мероси бор. Ўғил сифатида аллақачон буларнинг барчаси қонуний равишда менга тегишлидир.

Мен Ибтидо 39-бобдаги Юсуфнинг ҳикоясига яна бир бор назар ташлаганимда, айнан Юсуфнинг муваффақияти Потифарнинг эътиборини тортганини яққол кўрдим, бу кўринарли муваффақият бўлиб, у дунё халқларининг эътиборини тортиши ва уларга Худонинг халқидаги фарқни кўришга имкон бериши керак эди.

Шунда ернинг барча халқлари сендаги Раббийнинг номи билан аталганингни кўрадилар ва сендан қўрқадилар. Раббий оталарингга сенга бериши ҳақида қасам ичган ерда Раббий сенга барча эзгуликларда, фарзандларингда, қорамолларингнинг ҳомиласида ва далаларингнинг ҳосилида мўл-кўлчилик беради.

– Қонуннинг такрорланиши 28:10-11 (ЯРТ)

Мен Ибтидо китобидаги оятда яна бир аҳамиятли калитни пайқадим ва уни сизларга кўрсатмоқчиман. Потифар ҳақида мана нима дейилган: “У бор мулкани Юсуфнинг қўлига топшириб, ўзи еяётган нондан бошқа ҳеч нарса билмас эди” (Ибтидо 39:6). Мен тушундим! Бу биз гапираётган оромнинг намунасидир. Потифар ўзи еяётган нондан бошқа ҳеч нарса ҳақида қайғуриши керак эмас эди. Бу шунинг англатадики, Юсуф унинг уйига олиб келган муваффақият, “Раббийнинг дуо-баракаси самара келтириб чиқарди, бунинг натижасида, Потифар тирикчиликка эмас, балки ўзининг топшириғига диққат-эътиборини қарата олди!

Кўп йиллардан буён биз Дренда билан бу иборани кундалик ҳаётимизда ишлатамиз: “Пул муаммосини ҳал қилмагунингизча, даъватингизни топа олмайсиз” ва аслида ким эканлигингизни

билмайсиз. Сиз ҳеч қачон ўз ўрнингизни, иштиёқларингизнинг сабабини топа олмайсиз ва ҳеч қачон ҳақиқатан ҳам қониқишни бошдан кечирмайсиз. Барча қарорларни тирикчилик қилиш, пул қидириш ва ишлаб топиш асосида, фақат пул топиш учун қабул қиласиз, лекин бундай одам бўлишни истамайсиз. Биз бу ерда Худонинг Шоҳлиги ҳақида ҳеч нимани билмаган Потифарда бўлган “Раббийнинг дуо-баракаси”нинг самарасини кўрамиз. У Юсуфни ўзининг бутун мол-мулки устидан назорат қилиш учун қўйганида, Юсуф олиб юрган аҳд унинг хавотирларини олиб кетди. 39-бобнинг 5-оятида ушбу ўтказиш нуқтасини аниқ кўришингиз мумкин.

У Юсуфни бутун хонадони устидан ва хонадонидаги ҳамма нарса устидан назоратчи қилиб қўйганидан сўнг, Раббий Юсуф ҳақи мисрликнинг хонадонини дуо қилди. У уйда ва далада эга бўлган ҳамма нарсанинг устида Раббийнинг дуо-баракати бор эди.

– Ибтидо 39:5

Биз бу жойда ерда бўлган ва ердаги лаънатга ботган тизимга бўйсунадиган нарсалар қандай қилиб, Худо Шоҳлигининг юрисдикцияси остига ўтиши ва жиддий ўзгаришлар содир бўлишини яна бир бор кўрамиз. Келинг, назар ташлаймиз: агар Худо Ўз донолиги билан ёрдам берса, тўғри қарорларга йўл кўрсатса ва юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатардан огоҳлантирса, ҳар қандай киши муваффақият қозониши мумкин! Тушуняспизми? Раббийнинг дуо-баракаси сизга тегишли!

Раббий менга Шоҳлик ҳақида ўргатар ва мен ушбу масалани ўрганар эканман, нима учун Юсуф ушбу дуо-барака туфайли, ниҳоятда муваффақиятли бўлганига ҳайрон бўлдим, ваҳоланки, бугунги кунда мен таниган кўплаб масиҳийлар тўловларни тўлаш учун зўрға маблағ топмоқда. Тўлиқ молиявий эркинлик кўпчилик учун ақл бовар қилмас нарса бўлиб кўринади. Гарчи Эски Аҳд билан солиштирганда, биз аълороқ ваъдаларга асосланган

яхшироқ аҳдда яшаймиз. Мен Раббийнинг Дуо-баракасини аниқ-равшан тушунганимга қарамасдан, у менга зарур жавобларни қандай келтириб чиқаришини аввалгидек аниқ билмас эдим, лекин ўрганишни давом эттирдим ва Худо менга ўргатган барча нарсани амалда қўллаш ва синаб кўришни бошлаганимда, эркинликдан баҳраманд бўлдим.

Сўнгра мен таълимотимни Янги Аҳдга қаратиб, Худонинг Шоҳлиги вазият ва шароитларни қандай ўзгартиргани ҳақида кўпроқ билиш учун Исога ва Унинг хизматига қарадим.

Бир кун Исо Геннисарет кўли ёнида турганида, халқ Худонинг Сўзини тинглаш учун Унинг олдига сиқилиб келар эди. Исо кўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар эса қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар. Исо Шимоннинг қайиғига тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузишини илтимос қилди. Кейин ўтириб, қайиқдан халққа таълим бера бошлади. У таълимотини тугатганидан сўнг Шимонга: –Чуқур жойга сузиб бориб, балиқ овлаш учун тўрларингизни ташланглар, – деб айтди. Шимон эса Унга жавобан: –Устоз! Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тута олмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, – деди. Шундай қилганларида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди. Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар. Шимон Петъор бунни кўриб, Исонинг оёқларига тиз чўкиб, деди: – Ҳазрат! Менинг ёнимдан кет, чунки мен гуноҳкор одамман. Чунки улар тутган бундай кўп балиқ овидан унинг ўзи ҳамда у билан бирга бўлганларнинг ҳаммаси ваҳимага тушган эдилар. Шимоннинг шериклари Забадийнинг ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам бундан

ваҳимага тушган эдилар. Исо эса Шимонга: –Қўрқма, бундан буён инсонларни овлайсан, – деди. Улар иккита қайиқни қирғоққа чиқардилар ва ҳамма нарсани қолдириб, Исога эргашдилар.

– Луқо 5:1-11

Бу ерда Худонинг Шоҳлиги бир кун эрталаб, уч балиқчининг ҳаётида, ердаги лаънатга ботган тизимни қандай ўзгартиргани ҳикояси баён этилган. Сиз матнни ўқиб, Петъор, Ёқуб ва Юҳанно туни бўйи балиқ овлаб, ҳеч нарса тутмаганини тушунасиз. Ердаги лаънатга ботган тизимда одатий бўлган, пешона терида оғир меҳнат қилишди ва улар ўз меҳнатлари учун ҳеч нарса олмадилар. Бироқ Исо Худонинг Шоҳлиги ва унинг ҳаракати билан келганда, худди ўша балиқчилар шунчалик кўп балиқ тутганларидан, уларнинг қайиқлари чўкишига оз қолди!

Тўхтанг! Келинг, биз ҳозиргина ўқиганларимиз ҳақида фикр юритамиз. Қайси балиқ сал қолса иккита қайиқни чўктирадиган ҳосилга айланади? Шунга қарамай, одамлар бу улар билан содир бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунмай ва ҳатто, ўйлаб кўрмай, бу ҳикояни ўқийдилар, уни юз йиллардан буён ўқимоқдалар. Нима учун? Оддий жавоб қуйидагича: у ерда Исо бўлган ва У мўъжиза яратган. Марк Хушхабарининг б-бобида Исо одамларни уларнинг имонсизлиги туфайли шифолай олмагани ва шунинг учун Шоҳлик юрисдикцияга эга бўлмагани ҳақидаги воқеани эслайсизми? Само бу вазиятда ҳаракат қилишидан аввал, кимдир самовий юрисдикцияни бериши керак.

Шимон жавоб бериб: “Устоз! Биз тун бўйи меҳнат қилиб, ҳеч нима тутмадик, лекин *Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман*” – деди.

Петъор осмон билан рози бўлди, ушбу ҳикояда унинг қонуний кириш ҳуқуқи бор эди. Биз Худонинг Шоҳлиги томонидан ўзгартирилган ер соҳасини яна кўраимиз. Ақлдан озиш мумкин,

одамлар минг йиллар давомида қушларнинг парвозини кузатиб келишади, лекин ўзлари ҳам уча олишини англаб етишмаган, шунинг учун улар ҳеч қачон бунга интилишмаган. Худди шундай, бугун масиҳийлар бўш тўрларга кўнишлари шарт эмаслигини тушунишмайди, чунки уларда ҳаётда гуллаб-яшнашларига ёрдам берадиган самовий кучга кириш имкони бор. Сиз худди ўша йигитлар ҳеч нарса ушлай олмасдан, кейин шундай кўп балиқ тутиб, балиқнинг оғирлигидан уларнинг қайиғи чўка бошлаганини кўришингизни истардим!

Дўстим, фарқ Шоҳликда эмас, одамлардадир. Сиз келажагингиз йўқ, ҳар доим сизда тартибсизлик ва ҳеч қачон ҳеч нима ўхшамайди деб ўйлашингиз мумкин. Лекин, аслида, ҳаётингизни муваффақият тарихига айлантириш учун сизга энг керакли бўлган нарса – бу Шоҳликдир. Ҳа, сиз ўз қисмингизни бажарингиз зарур. Шогирдлар балиқ овлашга боришлари керак эди – улар тўрларини текшириши ва овга тайёргарлик кўришлари керак эди, лекин Худо қаерда балиқ овлашни кўрсатса, ҳар қандай одам балиқ тутиши мумкин.

Қулоқ солинг, ердаги лаънатга ботган тизимидаги пешона терида оғир меҳнат қилиш, бундай натижалар келтирмайди. Ўз орзуларини амалга ошириш учун етарлича тез ва етарлича узоқ югуришнинг имкони йўқ. Худода сиз тишларингизни ғижирлатиб, ҳаммасига ўз кучингиз билан эришишга, сизни мажбур қилиш фикри бўлмаган.

Биз Худо Шоҳлигининг қонун ва ваъдаларига боғланганимизда, юришнинг ўрнига учишимиз мумкин. Сизларга фикримни бошқачароқ ифодаламоқчиман. Гарчи тортишиш қонуни ҳали ҳамон амал қилса-да, биз бошқа қонун – кўтариш кучи қонуни таъсири остида учишимиз ва ҳаётнинг бутунлай янги тарзидан баҳраманд бўлишимиз мумкин.

Сиз Масиҳга келганингизда, Худо Шоҳлигининг аъзосига айланишингизни ёдда тутинг. Сиз фуқаро сифатида қонуний ҳуқуққа эга бўласиз, ўғил ва қиз сифатида сизда меросга ҳуқуқингиз борлигини билиб olasиз. Сизнинг қонуний ҳуқуқ ва имтиёзларингиз,

сизни ердаги лаънатга ботган тизимдаги қашшоқлик, касалликлар ва муваффақиятсизликлардан юқори кўтаради.

Муқаддас Китобнинг қўйидаги ояти, бутун умри давомида қул бўлган исроиллик учун қандай жаранглаши кераклигини тасаввур қилинг. Қолаверса, унинг билишича, у қулликдан бошқа ҳеч нарсани билмаган. Мусо Исроил халқини ваъда қилинган ерга олиб чиққанда, у қўйидаги сўзларни айтди:

Раббий Худойинг оталаринг Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга сенга бериши ҳақида қасам ичган, СЕН ҚУРМАГАН катта ва яхши шаҳарлари, сен тўлдирмаган ҳар хил яхши нарсаларга тўла уйлари, сен қазимаган янги қудуқлари, сен элмаган узумзорлари ва зайтун дарахтлари бўлган ўша ерга сени олиб борганида, сен эса еб тўйганингда, шунда эҳтиёт бўлгин, сени Миср еридан [бошқа шоҳликдан], ҚУЛЛИК уйдан [қуллик шоҳлигидан] олиб чиққан Раббийни унутмагин.

– Қонуннинг такрорланиши 6:10-12
(Қавслар ичидаги шарҳлар меники. – Г.К.)

Улар собиқ қуллар сифатида бирор нимага эришишнинг ягона йўли – тер тўкиб меҳнат қилиш эканини билишарди. Аммо бу ерда Худо, улар муҳтож бўлган нарсани ўз меҳнатисиз олишини айтган. Бу уларнинг энди ҳеч қачон ишлаши керак бўлмаслигини

**ҲАЁТИНГИЗНИ
МУВАФФАҚИЯТ
ТАРИХИГА
АЙЛАНТИРИШ УЧУН
СИЗГА ЭНГ КЕРАКЛИ
БЎЛГАН НАРСА – БУ
ШОҲЛИКДИР.**

англатмайди, балки омон қолиш учун меҳнатни талаб қилган тизим билан боғланган бўлмасликни англатади. Худо уларни Ўзи етаклаб бораётган ерда муваффақият қозонишини айтади.

Ушбу бобнинг хотимасида гапларимнинг тасдиғи учун яна бир воқеани келтиришимга ижозат

берсангиз. Биз Дренда билан машиналарга унчалик қизиқмаймиз. Айрим одамлар машиналарни яхши кўрадилар ва сизга ўзлари ёқтирган барча машина маркалари ҳақида гапириб беришлари мумкин. Қандайдир сабабларга кўра биз ҳеч қачон машиналар билан қизиқмаганмиз. Мени нотўғри тушунманг. Бизга чиройли нарсалар ёқади, лекин шунчаки биз ҳеч қачон маълум бир маркадаги машинани хоҳлашимиз ҳақида айтмаганмиз. Одатда биз машина сотиб олиб, унда ўн йил ёки кўпроқ вақт юрганмиз. Албатта, биз унинг ҳолатини синчиклаб кўздан кечирамиз ва у ҳеч қачон эски кўринмайди, лекин биз учун муҳими унинг ишончли бўлиши ва ташқи томондан яхши кўринишидир.

Лекин бир неча йил олдин жамоатимизда ўтказган анжуман учун иккита “кадиллак эскалейд” автомобилени ижарага олдик. Улар бизга меҳмонларни кутиб олиш ва олиб юриш учун керак бўлди, чунки меҳмонлар учун бир ўзгача ва ёқимли нарса қилишга қарор қилдик. Бу биринчи марта эмас эди, биз ҳар доим шундай қилганмиз. Аммо биринчи марта биз спорт машиналаридан бирини, гарчи у тадбир учун олинган бўлса-да, ўзимиз ҳайдадик. Биласизми нима? Бизга ёқди. Дренда билан менга унда юриш ёқди ва унинг ташқи кўриниши ёқди.

Ўша вақтда бизнинг ажойиб “ҳонда пилат” автомобилимиз бор эди, лекин “эскалейд” аниқ ундан бир қадам олдинда эди. Унинг ранги марварид-оқ ранг бўлиб, кузови калта шаклда эди. Агар сиз ушбу моделларни тушунсангиз, улар иккита ўлчамда – узун ва калта бўлишини биласиз. Бизга калта версияси ёқди, у бизга бошқаришга қулайроқ ва манёврлироқ кўринди. Биз Дренда билан шу машинада кетаётганимизда, у шундай деди:

– Биласанми, менга бу машина ёқпти. Менимча, бизга шунақаси керак.

Мен рози бўлдим.

– Бизга айнан шунақа, калта версияда ва марварид-оқ ранглиси керак.

Биз рози бўлдик.

Биз суҳбатимиз ҳақида ҳеч кимга айтмадик, лекин бир ой ўтиб, уйдан рўзномаларни олиш учун чиққанимда, мобил телефоним жиринглади. Жамоатимиз аъзоларидан бирини овозидан танидим. У саломлашиб, сўнгра менга “эскалейд” сотиб олмоқчи эканини айтди. Бир дақиқа гангиб қолиб, бу ажойиб эканини айтдим. Кейин у мендан қандай рангдагисини хоҳлашимни сўради ва мен бизга марварид-оқ ранг ёқади деб жавоб бердим. У машина сотиб олганида қўнғироқ қилишини айтди. Лекин мендан қандай модел мен учун афзалроқ, калтами ёки узунми сўрамади. Орадан бир ой ўтди ва мен эҳтимол, у машина тўғрисида унутган бўлса керак деб ўйладим, бирдан у яна қўнғироқ қилди ва келиб, бизнинг “эскалейд”имизни олиб кетишимизни илтимос қилди.

Биз унинг олдига келганимизда, калта версияда чиройли марварид-оқ рангли “эскалейд” спорт машинасини кўрдик. Бу ҳеч қаери тирналмаган, мукамал ҳолатдаги ажойиб автомобил эди. У бизга жудаям ёққанини айтдик. Кейин танишимиз биз узоқ кутишимизга тўғри келгани учун ўз сўради, чунки бу вақт давомида у узун версиядаги спорт машинасини топишга ҳаракат қилган, лекин фақат калта версиядагисини топган. Биз кулиб дедик:

Биз айнан калтасини хоҳлаган эдик.

Биз бу спорт машинасида юриб, ўзимизни сайёрадаги энг бой одамлар деб ўйладик. Лекин биласизми нима? Ушбу автомобиллар узоқ вақтлардан буюн мавжуд. Шунчаки мен ҳеч қачон бундай машинани ҳайдашни ўйламаган эдим! Бу воқеани охиригача тушуниш учун, бу вақтга қадар, мен саккизта машинани совға қилиб, уруғ экканимни билишингиз керак. Мен шунчаки ўзим машина хоҳлашимни ҳеч қачон айтмаганман.

P.S. Мен бу фақат воизхонлар билан содир бўлади деб ўйлашингизни биламан. Гап шундаки, мен ўттиз йилдан буюн молия соҳасида ишлайман ва кўп воизхонлар билан гаплашганман. Ростини айтсам, уларнинг кўпчилиги зўрға кун кечеришади. Йўқ, бундай нарсалар биз Шоҳликни воизлик қилганимиз учун эмас,

ЮРГАНДАН КЎРА УЧИШ АФЗАЛРОҚ

балки биз Шоҳликда яшаб, Шоҳликнинг қонунларини ҳаётимизда қўллаганимиз учун содир бўлади. Қолаверса, мен жамоат очгунга қадар қарзлардан қутулганман. Яна шуни қўшимча қиламанки, ишга жойлашиш ва тўловларни тўлаш учун жамоат бошлашим шарт бўлмаган. Мен жамоатни, одамларга биз Дренда билан билган нарсани – Шоҳликнинг Хушхабарини айтиш учун очганман!

6-БОБ

ҲАЁТДА ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН КЎРА, КАТТАРОҚ НАРСАЛАР БОР

Назаримда мен ташвишлар бўрони ичида, ҳаётимда қисқа муддатга воҳани (оазис) кўрдим. Бир куни биз эллик кишини бизнинг эски фермерлик ўйимизга гулхан атрофида бирга ўтириб, хот-дог ейишга ва сўхбатлашишга таклиф қилдик. Бу бошқача танглик даврида бўлиб, пулимиз йўқ эди, биз ҳар бир ҳафтани зўрға ўтказардик. Мен бу воқеани интиқлик билан кутардим, чунки ҳиссий жиҳатдан чарчаган эдим ва бир мунча вақт ижобий нарсага эътибор қаратишим керак эди. Кечлик ажойиб ўтди: таом ажойиб эди, кўп дўстларимиз фарзандлари билан келишди, ҳамма ўзини жуда яхши ҳис қилди. Эшик тақиллаганда, уй одамларга тўла эди. Мен байрамга кеч қолганлардан бири келди деб ўйладим, лекин эшикни очганимда, ўзини энергетика ширкатининг ходими деб таништирган одамни кўрдим. Электр энергиясига тўламаганимиз учун электрни ўчиришга келганини хушмуомалалик билан айтди. Мен даҳшатга тушдим. Уй меҳмонлар билан тўла эди ва биз электрсиз ўтира олмасдик, қандай ноқулай вазиятга тушиб қолишимиз мумкинлигини гапирмаса ҳам бўлади.

Мен тезда меҳмондан қисқа вақтга орқа ҳовлига ўтишини илтимос қилиб, электр энергиясини ўчирмаслик учун нима қилиш кераклигини сўрадим. Бунга жавобан у мен тўлашга қурбим етмайдиган пул миқдорини айтди.

– Озроқ камайтира олмайсизми? – деб сўрадим.

У бир дақиқа ўйлаб туриб, ниҳоят, менга кичикроқ миқдорни таклиф қилди.

– Тўлов қоғозини сешанбагача ушлаб туроласизми? – деб сўрадим.

– Муаммо йўқ, - деди ва чек ёзиб берди.

Ўша жума ҳисобимда пул йўқ эди ва мен сешанба кунигача пул қаердан пайдо бўлишини билмас эдим, лекин ҳеч бўлмаганда дам олиш кунлари бизда электр токи бўлади деб ўйладим. Сешанба куни нима қилганимни эслолмайман, лекин муҳими мен нимадир топиб, гаровхонага қўйганман.

Бу умидсиз молиявий ҳолатдаги ҳаётимизнинг бир куни эди. Энди тўққиз йил давомида шу аснода яшашни бир тасаввур қилинг-а! Бундай босимда яшаш ҳар қандай ваҳийдан маҳрум қилади ва кун совға қилиши мумкин бўлган қувончнинг ҳар бир сониясини сиқиб чиқаради. Ҳар бир фикр тирикчилк қилишга ва навбатдаги ҳисобга тўлов қилиш учун пулни қаердан топишга қаратилган. Ўтган ҳафта жуда кўп пул сарфладимми? Меъёрдан ошиб кетмасликни кузатиб бориш учун супермаркетга ҳар доим ўзим билан калкулятор олиб боришим керакми. Қандай қилиб ҳар доим нимадир иложи борица арзонроқ усулда олиш ҳақида ўйлаш керак. Дўстим, бу ҳаёт эмас! Хушxabарда нима ёзилганига қаранг.

Шунинг учун, Мен сизларга айтаман: “Нима еймиз, нима ичамиз”, – деб жонингиз учун хавотирланманглар, шунингдек: “Нима киямиз”, – деб танангиз учун ташвишланиб юрманглар. Жон овқатдан ва тана кийимдан афзалроқ эмасми?

– Матто 6:25

ҲАЁТДА ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН КЎРА, КАТТАРОҚ НАРСАЛАР БОР

Исо ҳаётдаги бу муҳим нарсалар ҳаётнинг ўзи эмаслигини айтади! Бу ер юзидаги ҳамма нарса ҳаётни, бизнинг мақсадимизни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Аммо Одам Ато Шоҳликнинг таъминотини йўқотгани туфайли ҳаёт тубдан ўзгариб кетди ва энди ҳаётни қўллаб-қувватлайдиган барча нарса ҳаётнинг ўзидан муҳимроқ бўлиб қолди. Одамлар ҳатто, асл ҳаёт нима эканини билмайдилар, худди шу каби ўзларининг ким эканини биймайдилар. Исталган одамдан унинг кимлигини сўранг ва у ўз фаолият йўналишига мувофиқ жавоб беради. “Мен шифокорман”, “мен риэлторман” ва ҳоказо. Йўқ, бу сизнинг ким эканингизни эмас, нима билан шуғулланишингизни англатади. Инсон ўз орзуларини йўқотди. Энди у кўпроқ пул ишлашни орзу қилишини назарда тутяпман, лекин у мақсад ҳақидаги орзусини йўқотди. Бошқача айтганда, кўпроқ пул олиб келадиган нарса унинг орзусига айланади. Ҳамма одамлар турли хил истеъдод ва қобилиятлар билан ноёб тарзда яратилган, аммо улар уларни қизиқтирмайдиган касбий фаолиятда ёки ишда ўзларини топадилар. Ҳаёт дам олиш кунлари эркинликни кутадиган узоқ ва машаққатли ҳафталарга ёки нафақага чиқишни кутадиган узун азобли ҳаётга айланади.

Шундай экан, сизга бир савол берсам. Агар сизда пулга эҳтиёж бўлмаса, пулингиз бутун ҳаётингиз давомида сарфлашингиз мумкин бўлганидан кўпроқ бўлса, нима қилган бўлардингиз? Эҳтимол, сиз ҳозир сизда бўлганидан кўра бошқачароқ машғулотни танлаган бўлардингиз. Мен аввал айтиб ўтганимдек, статистика маълумотларига кўра камида 70 фоиз америкаликлар, ўз ишингизни севасизларми, деган саволга, ўзлари ёқтирадиган иш билан шуғулланмаётганини айтиб жавоб берадилар. Сизлар бойликнинг орқасидан қувиш, юқори кўрсаткичларга эришишга интилиш ва келажак ҳақидаги доимий хавотирлар, бошидан Худонинг режасига кирмаганини тушунишингизни истайман.

Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, уни Худонинг суратида яратди. Уларни эркак ва аёл қилиб яратди.

Худо уларни дуо қилиб, уларга: “Серпушт бўлинглар ва кўпайинглар. Ер юзини тўлдириб, уни бўйсундиринглар. Денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар ҳамда ер юзида ҳаракатланувчи барча ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилинглар”, – деди. Худо яна: “Мана, Мен сизларга бутун ер юзидаги уруғ берадиган ҳамма ўсимликларни ва меваси уруғ берадиган ҳамма дарахтларни бердим. Булар сизларга озуқа бўлади. Ер юзидаги барча ҳайвонларга, осмондаги барча қушларга ҳамда ер юзида судралиб юривчиларга эса озуқа учун ҳамма кўкатларни бердим”, – деди ва шундай бўлди. Худо Ўзи яратган ҳамма нарсани кўрди, мана, булар жуда яхши эди. Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу олтинчи кун эди.

– Ибтидо 1:27-31

Инсон яратилишнинг олтинчи кунда, аниқроғи, олтинчи куннинг охирида яратилган. У олтинчи куннинг охирида яратилган, чунки унга биз билганимиздек, еттинчи кун, ором кунда Худо билан бирга бўлиш тайинланган.

Шу тарзда, осмон, ер ва ўша ерда бор бўлган ҳамда яшайдиган ҳамма нарсани яратиш тугалланди. Худо Ўз қилган ишларини еттинчи кун тугаллаб, барча қилган ишларидан еттинчи кунда дам олди. Шунда Худо еттинчи кунни дуо қилиб муқаддаслади, чунки Худо ушбу кунда Ўзининг барча бажарган ва тугатган ишларидан дам олди.

– Ибтидо 2:1-3 (ЯРТ)

Муқаддас Китоб Худо еттинчи кунда дам олганини айтади. У чарчаган эмас! У тугатди. Ҳаммаси тугатилган эди. Инсонга қачонлардир зарур бўлиши мумкин бўлган барча нарса у дунёда

пайдо бўлганида, ер юзида бор эди. Тинчлик! Инсонда барча зарур таъминот бор эди. У тўловлар ҳақида қайғуриши ёки касалликдан қўрқиши шарт эмас эди. Унинг баркамол танаси ва мукаммал хотини бор эди. Улар фақат бири-бирига, Худога, ўзларининг олдиндан белгиланган мақсадларига эътибор қаратишлари лозим эди. Одам Атога ер юзида ҳукмронлик қилиш топширилган бўлиб, у Худонинг Шоҳлиги томонидан унга берилган ҳокимият ва қудрат ёрдамида ҳукмронлик қилди. Лекин бу воқеа нима билан якун топганини аллақачон биламиз. Одам Ато ва Момо Ҳаво Худонинг Шоҳлигига қарши хиёнат қилиб, ўз мавқеини, таъминотини ва мақсадини йўқотдилар. Бунинг ўрнига уларда бир мақсад – тирикчилик қилиш пайдо бўлди. Энди хавотир ва қўрқув уларнинг барча фикрларини ютиб юборди, улар фақат тирикчилк қилиш учун кураш олиб бордилар. Ибтидода (3:17) ёзилганидек, “оғир меҳнат ва пешона тер тўкиб” яшадилар.

Одам Ато еттинчи кунни йўқотди!

Тинчлик ва ором йўқолди. Қоронғу номаълумлик уларнинг ҳаётини тўлдирди, Одам Ато бўшлиқни қувиб ўтиши учун югуришига тўғри келди. Ўшандан бери инсон бу номаълумлик ҳолатида яшамоқда. Лекин умид бор. Инсон гуноҳ қилганида, Худо унга эслатма, яъни агар улар хоҳласа, бир куни У Ўз ижодига қайтарадиган нарсанинг тасвирини берди. Гап шаббат куни ҳақида кетмоқда. Шаббат сўзи тўғридан-тўғри ором деган маънони англатади. Ҳафтанинг еттинчи куни инсонга шаббат куни

**БОЙЛИК БИЗНИ
ОРОМ ЖОЙИГА
– БИЗ АСТОЙДИЛ
ҚИЛИШНИ ХОҲЛАГАН
НАРСАГА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИШИМИЗ,
ТИРИКЧИЛИК ҚИЛИШ
ЭМАС, ТЎЛИҚ ҲАЁТ
БИЛАН ЯШАШИМИЗ
МУМКИН БЎЛГАН
ЖОЙГА ҚОЧИШ
ИМКОНИАТИНИ
БЕРАДИ.**

сифатида берилган. Шаббатга қўйиладиган талаб, сиз тасаввур қилганингиздек, ҳеч қандай иш қилмаслик бўлган, тер тўкиб меҳнат қилишга рухсат берилмаган. Бу кунда инсон ҳамма ишини қолдириб, оиласидан завқланиши ва Худога сажда қилиши керак эди. Шаббат кунни учун зарур бўлган ҳамма нарса олдиндан қилиниши керак эди. Ҳатто шаббат учун овқатни бир кун олдин тайёрлаш керак бўлган. Шаббат тўлиқ таъминланган, барча эҳтиёжлар майда-чўйдасигача пухта ўйланган ва бажарилган ором олиш кунни бўлган. Одам тўхтаб, таъминотдан ташқари бошқа бирор нарса ҳақида ўйлаши мумкин эди.

Шаббат фақат бир кун эди. Аммо инсон ўшандан буён оромдаги доимий ҳаётни орзу қилади. Инсоннинг бойликка интилиши, уни бутун ҳаёти давомида асирда тутиб турган пешона терида оғир меҳнатдан озод бўлиш истагидан далолат беради. Бойлик бизни ором жойига – биз астойдил қилишни хоҳлаган нарсага эътибор қаратишимиз, тирикчилик қилиш эмас, тўлиқ ҳаёт билан яшашимиз мумкин бўлган жойга қочиш имкониятини беради.

Бугун шаббат – еттинчи кун қачон, шанба ёки якшанба кунни нишонланишидан қатъий назар, маданиятимизда унчалик ҳурмат қилинмайди. Ҳа, жамоатга қатнайдиган кўпчилик одамлар якшанба тонгидаги жамоат хизматида қатнашадилар. Бироқ умумий олиб қаралганда, бу кунни ҳафтанинг бошқа кунларидан ажрата олмайсиз. Болалигимда якшанба кунни ҳамма нарса ёпилар эди. Дўконга бориш мумкин бўлмасди, якшанба кунни ёқилғи сотиб олишнинг иложи йўқ эди. Отам якшанбада бўш бак билан қолиб кетмаслик учун шанба кунни кечқурун машинани олдиндан тўлдириб қўяр эди. Агар мен ҳақимда етарлича билсангиз, мен овга боришни ёқтиришим сизга маълум, бироқ мен якшанбада ҳатто, ов қилишга бора олмасдим, чунки бу ноқонуний эди. Якшанбада одамлар энг яхши кийимларини кийиб, бутун оиласи билан дастурхон атрофида ажойиб кечки овқатга йиғилишарди. Бугун, албатта, ҳаммаси ўзгарган. Гарчи шаббатнинг ҳақиқий тасвири аввалгидек қолган бўлсада.

Биз шаббатга қанчалик яхши тайёрланмайлик, оилавий кечки

овқат қанчалик ажойиб бўлмасин, ундан сўнг душанба келар эди. Эсимда, “душанба оғир кун” ибораси “даҳшат” сўзининг синоними бўлиб келган. “Мен ишга боришим шарт” ва “қайроқтошга қайтиш” – мана шу иборалар билан душанба тонгини таърифлар эдик. Агар тўхтаб, улар ҳақида фикр юритилса, улар деярли қўллик сўзи каби жарангларди. Лекин, Худога шараф, бугун жума! Шундай бўлсада, ҳатто ҳозир ҳам кўпчилик одамлар дам олиш кунлари ва шаббат кунни қисқа танаффус олишади. Бироқ бу тезда ўтиб кетади ва душанба кунни бизни яна йўллардаги эрталабки тирбандликлар кутади.

Лекин доимий шаббатда яшаш йўли мавжуд бўлса-чи? Агар қўрқувдан озодликда, тўлиқ таъминот, тўлиқ мақсад билан яшаш ва ором жойида яшаш мумкин бўлса, нақадар ажойиб бўлар эди! Биз Дренда билан, шаббат ороми бизга очиқ эканини билмагунимизча, ўзоқ тўққиз йил давомида азоблар, қўрқув, касалликлар ва ишончсизликда яшадик. Мен жиддий гапиряпман!

Шундай экан, Худонинг халқи учун ҳали шаббат ороми қолмоқда. Худо Ўз ишларидан ором олганидек, Унинг оромига кирган киши ҳам ўз ишларидан ором олади. Шунинг учун бирортамиз бу намуна бўйича имонсизликка тушмаслигимиз учун, ўша оромга киришга қўлимиздан келганча ҳамма нарсани қилайлик.

– Ибронийларга 4:9-11 (ЯРТ)

Дўстим, бу Янги Аҳд. Шаббат ороми бугун Худонинг ороми учун очиқ. Муқаддас Ёзув бизга биз Худонинг оромига киришимиз ва ишдан дам олишимиз мумкинлигини айтади. Биз ҳозиргина билиб

олган нарсани ёдда тутинг: Худонинг ороми ҳаммаси тугаганини ва таъминот бизга очиқ эканини айтмоқда. Тирикчилк қилиш дунёқарашидан озодлик, қашшоқлик қафасидан озодлик ҳамда касаллик ва заифликлардан озодлик мавжуд. Янги имкониятлар мавжуд! Шаббат нафақат Эски Аҳдда бўлган, балки бугун ҳам биз учун мавжуд. Биз Эски Аҳднинг қонун ва қоидаларига қайтишимиз керак деб ўйлашингиздан аввал бирданига гап бу ҳақда кетмаётганини айтаман. Аксинча, мен Ибронийларга мактубда айтилган шаббат оромини ўрганиб чиқмоқчиман. Чунки биз Дренда билан пайқаганимиздек, бу ерда бизнинг ҳаётимиз учун Худо Шоҳлиги ҳаракатига ва Худо томондан белгиланган таъминотга олиб борадиган жуда муҳим калит яширинган.

МАНА, КУТИЛМАГАН ЯНГИЛИК: ШАББАТ ЭНДИ КУН ЭМАС!

Бу фикр сизнинг эътиборингизни тортди деб умид қиламан. Масих Танасида шаббатни қачон нишонлаш ҳақидаги масала кенг мунозара қилинади: шанба куни, якшанба куни ёки жуманинг кун ботишида бошлаб, шанба куни кечқурун қуёш ботишда тугатиш. Шаббат талқини доирасида бутун бир деноминациялар шаклланди. Мени бидъатчи деб ўйлаб, нафрат билан бу китобни узоқроққа улоқтиришдан аввал, сиздан бироз сабр қилиб, Муқаддас Ёзувдан бир парчани ўқишингизни сўрайман.

Шундай қилиб, егулик-ичгулик, байрамларга риоя қилиш, янги ой ёки шаббат кунлари хусусида ҳеч ким сизларни ҳукм қилмасин. Буларнинг ҳаммаси келиши керак бўлган нарсаларнинг соясидир, воқелик эса Масихдир.

– Колосаликларга 2:16-17

Илтимос, Павлуснинг сўзларига жиддий эътибор қаратинг. Шаббат – фақатгина келиши керак бўлган нарсаларнинг сояси

ҲАЁТДА ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН КЎРА, КАТТАРОҚ НАРСАЛАР БОР

бўлиб, воқелик эса, Масихдадир. Шаббат соя бўлган, у воқелик бўлмаган. Агар Масих воқелик бўлса, унда шаббат Унинг Ким эканилигининг ва нима қилганининг сояси бўлган. Қўйидагича тарзда ифодалашимга ижозат берсангиз: шаббат кунда Одам Ато ер юзига келтирган пешона терида оғир меҳнат қилишнинг ердаги лаънатга ботган тизимини ўчириш ёки ўзгартириш ҳоқимияти йўқ. Агар сиз унинг ўзини муқаддас деб билсангиз, унда сизни озод қилиш қудрати мавжуд эмас. Бироқ бу Масихда топадиган нарсангизнинг сояси, суратидир.

Мен биринчи синфда ўқиганимда, ўқитувчи бизга бошимизнинг силуэтини ён томондан чизишни таклиф қилди. Синфга проектор олиб келиб, биздан унинг олдида ўтиришимизни сўради, унинг нурида бизнинг бошимиз оқ қоғозга соя солиб турарди. Сўнгра биз бир-биримизнинг сояларимиз атрофида чизиқ чиздик ва шу тариқа ўз силуэтларимизни олдик, уларни кесиб, Оналар кунига уйга оналаримизга олиб келдик. Соя ҳақиқатан ҳам менга ўхшаб кетадиган нарсани акс эттирди, лекин у гарчи мен ҳақимда қандайдир маълумотни берган бўлса-да, менинг моҳиятимни, феъл-атворимни ва шахсиятимни акс эттирмади.

Шаббат билан ҳам худди шундай бўлган. Унинг сояси ҳеч қандай иш, ҳеч қандай пешона терида оғир меҳнат бўлиши керак эмаслигини айтади. Аммо бу ҳақиқий тасвир эмас, бор-йўғи соя эди. Лекин у бизни ҳақиқатдан қонуннинг лаънатидан, ердаги лаънатга ботган тизимдан озод қилган ҳамда бизни яна Худонинг ўғил-қизларига ва буюк Худо Шоҳлигининг фуқароларига айлантирган Исо Масихга ишора қилган! Яна айтаман, бу Исо бир кун амалга ошириши керак бўлган нарсанинг тасвири эди. Бу якунланган иш бўлиб, у туфайли ҳаётда биз учун керак барча нарса бизга қайтарилди. Бироқ Ибронийларга мактубда айтилганидек, биз бу оромга имон орқали кирамиз. Ёдингизда бўлсин, осмон ушбу ер юзиде юрисдикцияга эга бўлишнинг қонуний ҳуқуқини олиши учун имон талаб этилади. Исо хочда: “Амалга ошди!” - дея хитоб қилгани, Худо олтинчи куннинг охирида ҳаммаси якунланди деб айтгани билан бир хилдир.

Бугун кўплаб одамлар учун шаббат – диний кун. Бу улар Худонинг куни деб ҳисоблайдиган, Унинг учун жамоатга боришимиз, Унинг учун нимадир қилишимиз ва бошқа диний маросимларни амалга оширишимиз керак бўлган кундир. Исо худди шундай фикрга эга бўлган шогирдларига танбеҳ беришига тўғри келди.

Одам шаббат куни учун эмас, балки шаббат куни одам учун яратилган.

– Марк 2:27

Одам шаббат куни учун эмас, балки шаббат одам учун яратилган. Жамоат йиғилишини ўтказиб юборганда, ўзини айбдор ҳис қиладиган одамларни биласизми? Агар уларнинг ўзлари жамоат бўлишса, уларнинг айблари нимада? Мен сажда қилиш учун йиғилишимиз керак эмас демаяпман, лекин бундай фикрлаш уларнинг шаббатга нотўғри қарашларини кўрсатади.

Миянгиз гангиб қолганини тушунаман, лекин менга ушбу мавзуга чуқурроқ кириб, Исонинг Юҳанно Хушхабаридagi изоҳига қарашга ижозат берсангиз.

Шундай қилиб, Исо у ерга келганида, Лазарнинг танаси тўрт кундан буён қабрда эканлигини билди. Бетания Йерусалимга яқин бўлиб, ундан ўн беш стадиос масофада эди. Яҳудийларнинг кўпчилиги Марта ва Марямнинг олдига, уларнинг акасининг вафоти муносабати билан уларга таъзия билдириш учун келдилар. Шу орада, Марта Исонинг келаётганини эшитганида, уни кутиб олгани чиқди, Марям эса уйда қолди. Марта Исога деди: –Ҳазрат, агар Сен шу ерда бўлганингда эди, менинг акам ўлмаган бўлар эди. Аммо мен биламан, ҳозир ҳам Сен Худодан нимаики сўрасанг, Худо Сенга беради. Исо унга: –Аканг тирилади, – деди. Марта Унга: –Биламан, ўликларнинг тирилишида, охирги кунда тирилади, – деди. Исо эса унга: –Мен

ҲАЁТДА ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН КЎРА, КАТТАРОҚ НАРСАЛАР БОР

тирилиш ва ҳаётдирман, – деди, – Менга ишонган одам ўлса ҳам тирилади, - деди.

– Юҳанно 11:17-25 (ЯРТ)

Исо У тирилиш эканини айтди, бу шунчаки бир кун эмас. Шаббат Исо биз учун хочда амалга оширган нарсанинг сояси бўлган ва ҳозир ҳам шундайдир. Исо ҳақиқий шаббатдир, биз Унда Худо Шоҳлигига ва унда бўлган барча нарсага кириш йўлини топамиз. Шу тарзда, биз дам олишимиз мумкин!

Келинг, энди Янги Аҳднинг Ибронийларга мактубидаги матнимизга қайтсак.

Шундай экан, Худонинг халқи учун ҳали шаббат ороми қолмоқда. Худо Ўз ишларидан ором олганидек, Унинг оромига кирган ҳам ўз ишларидан ором олади. Шунинг учун бирортамиз бу намуна бўйича имонсизликка тушмаслигимиз учун, ўша оромга киришга қўлимиздан келганча ҳамма нарсани қилайлик.

– Ибронийларга 4:9-11 (ЯРТ)

Шаббат кунининг сояси шаббат куни одамларга ўз эҳтиёжларини қондириш учун бирор бир иш қилиш тақиқланишини, лекин у фақатгина Исонинг нима қилганини, яъни тирикчилик қилиш учун ердаги лаънатга ботган тизимидаги пешона терида оғир меҳнат қилишдан бизни озод қилганини озгина кўрсатишини айтади. Бошқача сўз билан айтганда, кўрсатилган нарса Масихда воқеликка айланди. Ҳақиқатан Исонинг илк воизлиги шаббат тўғрисида бўлган эди. Ишаъё пайғамбарнинг китобида У Луқо Хушхабарининг 4-бобида воизлик қилган Унинг биринчи сўзлари ёзилган.

Раббий Худонинг Руҳи Менинг устимда, чунки Раббий Мени қашшоқларга хушхабарни воизлик қилиш учун мойлади.

– Ишаъё 61:1

У қашшоқликдан чиқиш йўли борлигини айтганида, У пешона терида оғир меҳнат қилишнинг ердаги лаънатга ботган тизимидан чиқиш йўли борлигини айтди. Ахир одамлар таъминот излаш учун қуллик эҳтиёжининг асирларига айландилар, шу туфайли оромни йўқотдилар. Аммо шаббат бир кўни қайта тикланиши ҳақида Худо Ўз халқига берган ягона тасвир эмас эди. Шунингдек, шаббат йили ҳам бўлган!

Етти йилда бир марта қарзлардан воз кечишинг керак. Мана буни қандай қилиш керак: ўз яқинига қарз берган ҳар бир қарз берувчи қарздан воз кечсин. Ўз яқинидан ёки ўз биродаридан қарзни тўлашни талаб қилмасин, зеро Раббийнинг вақти қарзлардан воз кечиш учун эълон қилинмоқда. Ўзга ерликдан тўловни талаб қилишинг мумкин, лекин биродаринг сенга қарздор бўлган ҳамма нарсангдан эса воз кечишинг керак. Сизларнинг ораларингизда камбағал бўлмаслиги керак, зеро Раббий Худойинг ўз меросинг сифатида сенга эгаликка бераётган ерда У сени мўл-кўл дуо қилади. Агар фақатгина Раббий Худойингга тўлиқ қулоқ солсанг ва мен бугун сенга бераётган ушбу барча амрларни бажаришга астойдил ҳаракат қилсанггина шундай бўлади. Ўшанда Раббий Худойинг сенга ваъда берганидек, сени дуо қилади ва сен кўплаб халқларга қарз берасан, ўзинг эса ҳеч кимдан қарз олмайсан. Кўп халқлар устидан ҳукмронлик қиласан, аммо уларнинг ҳеч бири сенинг устингдан ҳукмронлик қилмайдилар.

– Қонуннинг такрорланиши 15:1-6 (ЯРТ)

Улар ҳар етти йилда барча қарзларни бекор қилишлари керак бўлганига эътибор беринг. Худо ҳамма нарсада тўлиқликни кўрсатиш учун етти рақамини ишлатаётганини яна бир бор кўрамиз. Камчилик йўқ, У инсонни барча зарур нарсалар билан

ҲАЁТДА ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН КЎРА, КАТТАРОҚ НАРСАЛАР БОР

таъминлади. Бироқ кимдир Худо, улар қарзлардан воз кечиши керак деганидаги, Унинг донолигига шубҳа қилса, У шундай деб қўшимча қилади: “Сизларнинг ораларингизда камбағал бўлмаслиги керак, зеро Раббий Худойнинг ўз меросинг сифатида сенга эгаликка бераётган ерда У сени мўл-кўл дуо қилади”. Яна улар шу қадар дуо-баракали бўлишлари керак эдики, уларнинг орасида ҳеч ким қарз олмай, балки ҳамма қарз беришлари айтилади. Бизни гуноҳ ва ўлим лаънатидан кўтарган ҳаётнинг янги қонуни туфайли ердаги лаънатга ботган тизимидаги азобли оғир меҳнат, ўзининг қонуний кучини йўқотганини яна бир бор кўрамыз.

Шаббат кунда бўлганидек, лекин бир йил давомида уларга оғир меҳнат қилишга рухсат берилмаган, ҳатто ўз далаларига экин экишга ҳам рухсат берилмаган. Лекин бу ҳаммаси эмас. Улар нафақат ўз қарздорларининг барча қарзларидан воз кечишлари керак эди, балки экин ҳам эка олмас эдилар. Бу ерда: “Музлатгичимда бор нарсалар билан бир кун яшашим мумкин, бироқ бир йил ишсиз яшаш қийинроқ”, - деб айтиш мумкин.

Биз яна соя, бизга қарзларни кечиришимизни айтаётганини кўрмоқдамиз. У уларга қарзни ишлатишга тўғри келмаслигини айтади, чунки уларда жуда кўп бўлгани сабабли улар қарз берадилар, лекин қарз олмайдилар. Қарз тизими тақчиликка асосланган, бироқ улар қарз олиши керак бўлмаслиги учун Худо уларни тўлиқ таъминлашни режалаштирган. Соя ердаги лаънатга ботган тизимдан ташқаридаги ҳаётнинг янги йўлига ишора қилиб: “Сен далаларингга экин экишингнинг ҳожати йўқ”, - дейди. Шундай қилиб, биз буларнинг барчасини Исо Масихда топамиз.

Лекин шошманг, ахир бу ҳаммаси эмас – Худонинг халқи ҳали яқинлашиб келаётган энг катта тасвирни кўриши лозим эди. У юбилей йили деб аталади.

БУ ИМКОНСИЗ!

Сиз ҳозир ўқиётган нарса ажойиб. Келинг, бошқачароқ айтаман. Сиз буни умуман имконсиз деб ўйлайсиз. Мен юбилей йили, Янги Аҳддаги Исо сизнинг молиянгизда қилмоқчи бўлган нарсанинг тасвири ҳақида гапиряпман, гарчи бу жойда нима ёзилганини камчилик одамлар биладилар ва тушунадилар. Биз аллақачон шаббат кунни ва шаббат йили тўғрисида гапирдик, уларнинг иккаласи ҳам биз Масихда эга бўлган нарсанинг соясидир, лекин энди биз улкан воқеага – юбилей йилига яқинлашамиз.

Фақатгина номнинг ўзи байрамга ўхшайди, шундай эмасми? Аммо молия соҳасида кўпчилик одамлар (мен бунинг остида, афсуски, кўпгина масиҳийларни ҳам назарда тутаман) улкан муваффақиятлар билан мақтана олишмайди. Мен аввал айтганимдек, ўттиз йилдан буён молиявий фаолият билан фаол шуғулланаман. Мен ушбу барча йиллар давомида кўплаб ширкатларнинг эгаси бўлдим ва бир вақтнинг ўзиде ўнлаб, балки юзлаб, минглаб одамлар билан уларнинг шахсий молиявий маблағлари масалалари бўйича ишладим. Шунинг учун мен вазиятни бевосита биламан. Мен, шунингдек, янги дабдабали автомобил ёки чиройли катта уй ортида одатда нима яширинганини ҳам биламан. Одатда бунинг ортида катта қарз ва кучли босим яширинади. Яхши машина ҳайдаб, чиройли ўйда яшашга умуман қарши эмасман, шунчаки бугун ҳаёт қимматлироқ.

Ердаги лаънатга ботган тизим – бу одатда одамларга озодлик совға қилишга қурби етмайдиган тирикчилик қилиш тизимидир. Менга ишонинг, мен учратган минглаб одамларнинг аксарияти ёмон одамлар эмас. Улар қўлларидан келгунча ҳаракат қилишди, аммо улар Худонинг Шоҳлиги ва мен бу китобда бўлишаётган нарсалар ҳақида билмас эдилар. Биз Дренда билан шаббат ороми ҳақида билиб олмагунимизча, зўрға кун кечириб, узоқ ва оғир тўққиз йилни бошдан кечирганимизни сиз энди биласиз. Бундай узоқ давом этган ҳаётдан сўнг, чексиз инқирозларга таслим бўлганингизни тушунишни тўхтатасиз ва буни ҳаёт қоидаси деб ҳисоблайсиз.

Бир неча йил аввал Худо менга тор фикрлашим борасида гапирди ва мен роҳатланмаган байрам, юбилей билан роҳатланишим кераклигини менга кўрсатди. Ҳа, мен қарзлардан қутулдим, ҳа, ажойиб мўъжизаларни кўрдим, ҳа, мен мамнун ва бахтли эдим. Аммо мен орзу қилишни тўхтатган эдим ва Худо буни билар эди, У мен яна кийимларимни қоқиб, яратишда ва орзу қилишда давом этишимни хоҳлар эди. Мен бироз ҳаракатсиз туриб қолдим, бахтли бўлдим, лекин бир жойда қотиб қолган эдим.

Аввал айтганимдек, менинг молиявий хизматлар кўрсатувчи ширкатим бўлиб, мен ҳар йили ҳамкорларимнинг биридан унинг ширкатининг ўтган йилдаги муваффақият ва ютуқларини нишонлаш учун тадбирга таклифнома олар эдим. Одатда бу тадбирга икки юз элликка яқин нуфузли ҳамкорлар ва раҳбарлар келишар эди. Тадбир ҳар доим гўзал жойда ўтар эди ва бу барча вакиллар учун бепул бўлиб, айрим иштирокчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, алоҳида эътироф ва бонусли чеклар совға қилишарди. Мен катта жамоатда чўпонлик хизмати билан банд бўлганим, теледастурларни олиб борганим ва ўз ширкатимни бошқарганим сабабли юқори даражадаги эътирофга эришиш учун зарур шартларни бажариш ва кўпроқ меҳнат қилишга вақтим етмаслигини ҳар доим ҳис қилганман.

Лекин аниқ бир йили тадбирда ўтириб, энг яхши ўн нафар ҳамкорлар мукофот ва 100000 доллар миқдоридagi мукофот

чекини олаётганини томоша қилаётганимда, мен билан нимадир содир бўлди. Мен: “Бир дақиқа! Мен ҳам ҳозир саҳнада туриб, эътироф олишим керак. Мен Худонинг фарзандиман, Муқаддас Рух – менинг Маслаҳатчим. Мен ўша ерда туриб, барчага Худонинг эзгулиги ҳақида сўзлаб беришим керак!” – деб ўйладим. Шундай қилиб, биз

Дренда билан ўша лаҳзада кейинги йил саҳнада туришга қарор қилдик. Қандай? Биз тушунмас эдик. Биз умуман билмас эдик.

Мен олдинги ўн йил давомида кетма-кет ушбу ширкат учун тахминан 3-4 миллион доллар ишлаб топдим, лекин энг яхши ҳамкорлар ўнталигига кириш учун 10 миллион долларга яқин пул ишлашим керак эди. Мен бу даражага қандай эришишни билмас эдим ва менинг жадвалим билан бунинг имкони бўлиши мумкинлигини ҳатто, ҳаёлимга келтиролмасдим. Мен ўз кучим билан ҳеч нимага эриша олмаслигимни билар эдим, холос. Шунинг учун биз Дренда билан ибодат қилиб, олдимизга мақсад қўйдик, молиявий уруғ сепаиб, имонни ечиб юбордик ва мавзунни ёпдик.

Қисқа қилиб айтганда, кейинги йилда январь ойининг илк кунларида Худо орзуимга қандай эришишни тушимда менга кўрсатди. У мен нима қилишим кераклигини аниқ-равшан кўрсатди. Агар мен зарур ҳаракатларни амалга оширсам, мақсадга эришаман. Биласизми, биз ўша йили атиги битта сотувдан 11 миллион доллар ишлаб топдик! Биз навбатдаги тадбирда ширкатнинг янги эҳши ҳамкорлари ўнталиги орасида саҳнада катта завқ билан туриб, 100000 долларлик чекимизни олдик. Мен ўзимни қанчалар ажойиб ҳис қилганимни билишни истайсизми? Менда катта байрам бўлди. Биз нафақат мақсадимизга эришиб, бонусни қўлга киритдик, бундан ташқари, ўша йилдаги бизнинг даромадимиз бир неча юз минг долларга ошди. Ахир, бу ҳақиқий байрам!

ЧЕКСИЗ

ИНҚИРОЗЛАРГА

ТАСЛИМ

БЎЛГАНИНГИЗНИ

АНГЛАМАЙСИЗ ВА

БУНИ ҲАЁТ ҚОИДАСИ

ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ.

Шундай қилиб, мен Эски Аҳд воқеаси – юбилей йили ҳақида гапирганимда, бошингизни чайқаб, бунинг зерикарли деб ўйламанг, чунки бу бутунлай ундай эмас. Ҳаётда байрамнинг бўлгани яхшироқ эканини унутманг, шунинг учун келинг, Исроилда нишонланган энг катта воқеани кўздан кечирамиз ва биз уни қандай нишонлашимиз мумкинлигини билиб оламиз.

Юбилей йили

Ўзингга етти марта етти йилни, яъни еттита шаббат йилларини санагин, токи еттита шаббат йилларингда қирқ тўққиз йил бўлсин. Сўнг еттинчи ойда, оянинг ўнинчи кунда бурғу чалгин. Покланиш кунда бутун ерингиз бўйлаб бурғу чалинлар. Сўнг эллигинчи йилни муқаддасланлар ва бутун ер бўйлаб унинг барча аҳолисига озодликни эълон қилинлар. Бу сизлар учун юбилей бўлсин. Ҳар бирингиз эгалик қилган ўз ерларингизга қайтинглар ва ҳар бирингиз ўз қабилангизга қайтинглар. Эллигинчи йил сизларда юбилей бўлсин. Экин экманлар ва ерда ўзи ўсиб чиққан ҳосилни йиғиб олманлар, кесилмаган узум новдаларидан узум бошларини териб олманлар. Зеро бу юбилейдир. У сизлар учун муқаддас бўлсин. Даланинг ҳосилларини унинг ўзида истеъмол қилинлар. Юбилей йилида ҳар бирингиз эгалик қилган ўз ерларингизга қайтинглар.

– Левит 25:8-13

Энди мен юбилей йили мавзусини бошлар эканман, эҳтимол, сиз аллақачон пайқаган пойдеворни қўйишимга ижозат берсангиз. Ҳар эллик йил юбилей йили бўлиб, у қирқ тўққизинчи шаббат йилидан сўнг келган. Ҳаммаси осон эмаслигини аллақачон тушунган бўлсангиз керак. Шаббат йили давомида

исроилликларга экин экишга руҳсат берилмаган. Юбилей йили бўлган кейинги йилда ҳам экин экишга руҳсат берилмаган. Аслини олганда, Исроилда кетма-кет икки йил ҳосил олишмаган, шундан сўнг улар ҳосил пишиб, уларнинг озиқ-овқат заҳиралари тўлгунича, учинчи йилни кутишларига тўғри келган. Яхши овқат ейишни яхши кўрадиган ва яшаш учун дон сотиб пул топадиган ҳар қандай одам, бундан жиддий муаммоларни кўради. Тасаввур қилинг-а, Мусо юбилей йили бўйича кўрсатмалар берганда халқ қандай саросимага тушиб қолган. Албатта, бу – уч йил кетма-кет дам олиш ёмон эмас, лекин кимдир бу учун тўлаши керакку. Улар бу амрни эшитиб, Мусога айтган биринчи гапи: “Бу қандай бўлиши мумкин?” – эди.

Борди-ю сизлар: “Агар биз экин экмасак ва ҳосилларимизни йиғиб олмасак, у ҳолда, еттинчи йили нима еймиз?” – деб айтсангизлар, Мен сизларга олтинчи йили баракатимни жўнатаман ва у сизларга уч йиллик ҳосилни келтиради. Сўнг саккизинчи йили экин экасизлар, лекин тўққизинчи йилгача эски ҳосилларни ейсизлар. Тўққизинчи йилнинг ҳосиллари етилгунича, эскисини ейсизлар.

– Левит 25:20-22

Худо уларга берган ажойиб жавобни биз китобнинг қолган қисми давомида ўрганиб чиқамиз. Худо уларга олтинчи йилда юбилей йилидан сўнг экингача, йиғиб оладиган кейинги ҳосилгача яшаб туриш учун етарлича бўладиган шундай дуо-баракани юборишини айтди. Муқаддас Китоб Худо олтинчи кун яратишни тугатиб, Ўз ишларидан дам олганини айтади. Гарчи У дам олган бўлса-да, бу Унинг чарчаганини англамайди. У тугатди деб айтиш тўғрироқ бўлади. У яратди ва инсон муҳтож бўлган ҳамма нарсани унга тақдим этди.

Худо Исроилга “етарлидан ортиқча бўлиш” қандай бўлишини ва унинг мўл-кўллик тасвири пешона териди машаққатли меҳнат

қилишнинг ердаги лаънатга ботган тизимидан, қай даражада устун туришини кўрсатди. Худо улар ўз таъминотчисини Унда кўришларини ва Уқудратлитарздатаъминлашини тушунишларини хоҳлади. Гарчи бу уларнинг давридаги Худо таъминотининг тасвири бўлган бўлса-да, фақат Исо келганидан кейингина, сояни кўрганини биламиз. Табиий дунёда экин экмасдан уч йил яшаш йўли шунчаки мавжуд эмас. Бундан ташқари, одамлар ердаги лаънатга ботган тизим остида яшайдиган табиий дунёда куну тун пешона терида меҳнат қилишдан ташқари молиявий маблағга эга бўлишнинг бошқа имкони йўқ. Шунчаки бошқа йўли йўқ. Ишингизни уч йилга қолдиришга уриниб, ўшанда сизнинг кўплаб мажбуриятларингиз билан нима бўлишини ўйлаб кўринг. Касодга учраш муқаррар. Лекин Худо дунёнинг яратилишида Одам Ато учун ҳамма нарсани олдиндан тайёрлаб қўйиб, уни таъминлагани сингари, Ўз халқини ҳам таъминлайдиган янги ҳаётнинг тасвирини унга кўрсатишга уринмоқда.

Юбилей йили биз тушунишимиз керак бўлган яна икки жиҳатни кўрсатмоқда. Эллингичи йилда ер дам олишини, одамлар пешона тери тўкиб ишламаслигини яна бир бор кўрамыз. Бундан ташқари, барча ерлар ўзларининг олдинги эгаларига қайтарилиши лозим бўлганини кўрдингиз. Исроил Йордан дарёсидан ўтганда, ҳар бир қабила ва ҳар бир авлод тирикчилик қилиш учун зарур озиқ-овқат ва даромад олиш учун эгаликка олиб, ишлов беришлари керак бўлган ер майдонларини мерос қилиб олган эдилар. Аслида, ер уларнинг мулки эди. Улар бу ерда ҳосил етиштириб, чорваларини боқиб кўпайтиришган. Шунинг учун ерни аввалги эгасига қайтариш гуллаб-яшнаш қобилиятини англатган.

Албатта, бу Исо биз учун қилган нарсанинг соясидир. Соя гуллаб-яшнаш, Исроил халқининг фуқароларига қайтарилиши кераклигини айтади. Бизнинг воқелигимиз ҳам худди шуни айтади, бизга ҳам гуллаб-яшнаш қайтди, бугун ҳам Худо Шоҳлигининг мероси бизга тегишлидир.

Юбилей йили бизга кўрсатадиган учинчи нарса – бу ҳамма қуллар озод қилинган ва ўз оилаларига қайтишган. Бу аҳамиятли

воқеа. Соя одам қул бўлишни бас қилишини, балки ўғил ёки қизларга айланишини яна кўрсатади. Масиҳдаги воқелик бизнинг ортиқ қуллар эмас, балки Худонинг уйидаги уйнинг мероси ва гуллаб-яшнашига тўла ҳуқуқли ўғил ва қизлар эканимизни айтади.

Шундай қилиб, ҳозиргина билиб олган нарсангиз ҳақида фикр юритинг. Исо бизга Одам Ато йўқотган нарсани қайтарди. Исо бизни Худонинг ўғиллари ва қизлари қилиб, қулликдан озод этди. У Худога қўлларимизнинг ишларини қудратли тарзда дуо-баракалашига имкон бериб, бизни пешона терида оғир меҳнат қилишнинг ердаги лаънатга ботган тизимидан озод қилди.

Бироқ Исо ушбу барча эзгуликлар учун нарх тўлаганига қарамасдан, биз уларни ушбу ер юзидаги ҳаётимизга қандай олиб киритишни билишимиз керак. Мана кўп масиҳийлар ўз имкониятларини қаерда қўлдан бой беришади. Шоҳлик қонунларга мувофиқ ҳаракатланишини билмасдан ҳамда ўғил, қиз ва фуқаро сифатида ўз ҳуқуқларини билмасдан, Худо кимни дуо қилишни ихтиёрий танлайди деб ҳисоблашади. Шунинг учун улар Муқаддас Китоб уларнинг мулки деб атайдиган барча нарсалардан ҳақиқий завқланиш ва қўллаш калитларини ўз ичига олган Шоҳликнинг қонунларини ўрганмайдилар. Шаббат бизга нимани кўрсатаётганини билганингиз заҳоти, сизнинг молиявий ҳаётингизда улкан ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлигини тушунинг.

Жамоатимда бир жаноб, менинг имон ҳақидаги ва Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилиши ҳақидаги дарсларимни тинглай бошлади. Турмуш ўртоғи ва болалари билан бу қонунларни ўргана бошлади. Янги йил яқинлашиши арафасида улар ўтган йили

**ШАББАТ БИЗГА
НИМАНИ
КЎРСАТАЁТГАНИНИ
БИЛГАНИНГИЗ
ЗАҲОТИ, СИЗНИНГ
МОЛИЯВИЙ
ҲАЁТИНГИЗДА УЛКАН
ЎЗГАРИШЛАР СОДИР
БЎЛИШИ МУМКИН.**

ижарага бериш учун олган иккита кўчмас мулк объектининг тўлиқ қийматини тўлашга ишониб, ўзларининг қонуний ҳуқуқларидан фойдаланишни бошлашга қарор қилишди. Агар тўғри эсимда қолган бўлса, иккита объектнинг тўлиқ қиймати 400000 долларни ташкил этар эди. Улар ибодат қилиб, мазкур йилда ўз мақсадларига эришиш учун катта молиявий уруғни экишди. Улар жуда кўп куч сарфлашлари керак эди, лекин бу жаноб етарлича мижозларни топиш ёки бундай имкониятни тақдим эта оладиган мижозлар билан йирик шартномалар тузиш имконияти мавжуд соҳада ишлар эди. Улар бутун оила билан ибодат қилиб, қўйилган мақсадга эришишга келишиб олдилар. Улар ҳар ҳафта биргаликда йиғилиб, ўз мақсадини текширар ҳамда мустаҳкам туриб, ҳосилни кутиш учун уларга қонуний асос берган Муқаддас Китоб оятларини қайта такрорлашарди. Бу жаноб ҳам ўзига тегишли қисмни қилиши кераклигини билар эди.

Ҳафталар ва ойлар ўтди ва албатта, бир нечта йирик шартномалар тузиш имкониятлари пайдо бўлди, лекин барча йирик бирлашмалар билан ишлашда кўп миллионлик битимлар тез тузилмайди. Тахминан ярим йил ўтгач, бу одам ўз ширкати учун ниҳоятда йирик битимни топди, бу унинг ширкатининг ўша йилдаги умумий ишлаб чиқаришининг тахминан 40 фоиз улушини ташкил этди. У битимдан тушган воситачилик ҳақи туфайли кўчмас мулкнинг объекларидан бирини тўлиқ сотиб олишга муваффақ бўлди. Йил охирига келиб яна бир бирлашма, дўстим унга таклиф қилган кўп миллион долларлик шартномани имзолаш истагини билдирди. Лекин улар доимий равишда битим санасини кечиктиришарди. Барча ҳужжатлар аллақачон тайёрланган эди, тўсатдан улар санани кўчиришди, барча ҳужжатларни қайтадан қилишга тўғри келди ва улар яна санани кўчирдилар. Кеч кузда дўстимга у ишлаган бошқарув жамоаси ўзгаргани, энди янги жамоа ишга киришиб, ҳамкорликни давом эттириши ҳақида хабар берди.

Дўстим хафа бўлди, бу нимани англатишини у билар эди. Янги бошқарув жамоаси энди кучини йўқотган, аросатда қолган шартнома билан таниш эмас эди. У бутун жараённи янги жамоа

билан қайта бошлаши керак эди. У янги бошқарув жамоаси билан учрашганда, улар унинг ширкатининг таклифларига қизиқиш билдиришгандек кўринди. Ноябрь ойининг охирида улар барча қисмларни яна бир бора кўздан кечириб чиқиб, шартнома тузиш ниятида эканини айтдилар. Лекин ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш яна кечиктирилди. Ниҳоят янги йилга икки кун қолганда, дўстимга қўнғироқ қилишди ва у билан учрашиб, ҳужжатларни имзоламоқчи эканликларини айтдилар, улар яна қўшимча қилиб, агар у ўша куннинг ўзида улар билан учрашишга тайёр бўлса, бутун маблағ нақд пул билан тўланишини айтдилар. Дўстим ушбу битим учун оиласи томондан имон билан қўйилган мақсадга эришишга ва ўша йили иккита уй учун тўлашга етарлича миқдорда воситачилик ҳақини олди.

У Шоҳликнинг тамойилларини ўргангани учунгина бундай юксак орзу ҳақида ўйлаб, орзу қилиш имкониятига эга эди, чунки у илгари ҳеч қачон бу қадар йирик миждоз билан ишлашга ва бундай катта миқдорда пул топишга муяссар бўлмаган эди, шунинг учун ҳеч нарса бу мақсадга эришиш мумкинлигини кўрсатмаган эди. У менга бу ғалаба шарафига ҳақиқий байрам уюштирганларини айтди!

“Бу ҳақиқатан содир бўлди” тоифасига кирадиган яна бир воқеа ўғлим билан ҳам содир бўлди. Албатта, менинг ҳамма фарзандларим Шоҳликнинг қандай ҳаракатланишини бутун умри давомида кўриб келдилар. Уларнинг барчаси мен таърифлайдиган тамойилларни қўллашади ва Худо, қандай ажойиб мўъжизаларни яратаётганини кўрдилар. Улар ҳали ўттиз ёшга тўлмаган бўлишига қарамай, уларнинг, аққалачон кредитсиз сотиб олинган машиналари бор, деярли барчаси ўзларининг уйларида яшайдилар, баъзиларининг кредити тўлиқ тўланган, баъзиларининг қарзи жуда кам қолган. Менинг катта ўғлим Тим кредитсиз уй олмоқчи бўлди. Худо унинг ҳисоб-китобида тўғри келадиган яхши уй бериши учун имон билан уруғ экди. Бундан ташқари, у қурилишни яхши тушунади, шунинг учун у таъмирлашни талаб қиладиган ўйни сотиб олишдан қўрқмади.

У муносиб ўйни қидириб, кўп ўйларни кўриб чиқди, лекин муносиб ўйни топа олмади. Бир кўни у машинада кетаётиб, йўл бўйидаги сотувга қўйилган, лекин илгари кўрмаган ўйни кўриб қолди. Бу ўй гаров сифатида сотилаётган бўлиб, таъмирга муҳтож эди, лекин умумий аҳволи яхши эди. У кўчмас мулк вакилига қўнғироқ қилиб, ўйнинг нарҳини билишни сўради. У унга нарҳни айтганда, у қулоқларига ишонмади – 37000 доллар. Бу қандай бўлиши мумкинлигига тушунмас эди.

Вакил ўй ҳақида суриштириб, ажойиб воқеани сўзлаб берди. У ҳақиқатан ҳам гаровдаги мулк бўлган ва тахминан бир йил аввал у 110000 долларга сотувга қўйилган. Бу гаров нарҳи бўлган, лекин худди шу ўй бундан бир неча йил олдин 160000 долларга сотилган. Кўринишидан, бу ўй сотувга қўйилганидан буён ўтган олти ой давомида ҳеч ким унга қизиқиш билдирмаган. Ўшанда банк у нима учун харидорларда қизиқиш ўйғотмаётганининг сабабини билмасдан, секин-аста баҳони пасайтира бошлаган. Лекин Тим ва унинг кўчмас мулк вакили бироз чуқурроқ қовлашганда, улар муаммони аниқлашган. Бу ўйнинг сотилиши ҳақидаги эълонда мутлақо бошқа манзил, ҳатто бошқа шаҳар кўрсатилган ва маълумот учун телефон рақами нотўғри кўрсатилган. Шунинг учун ўйнинг қаерда жойлашганини ҳеч ким билмаган. У шаҳар ташқарисидаги кичик кўчада, ҳаракат бўлмаган боши берк кўчада қурилган. Тим ўйни пайқамагунча, ўйнинг нарҳи доимий равишда тушиб борган. Ажойиб. Мен унга бу ўй айнан унинг учун яширин бўлганини айтдим! У уни таъмирлади, яна нимадир қўшиб қурди ва 160000 долларга сотди.

Қизим Эми “Имондаги ҳаёт” жамоатида ҳамду-сано хизматини бошқаради. Унинг оиласи тўрт кишидан, беш кишига кўпайганда, улар эри Жейсон билан ўларга каттароқ ўй керак деб қарор қилишди. 2017-йилнинг ёз ойида Огайода нарҳлар баланд эди ва сотувга қўйилган ўйлар одатда бир ҳафта давомида сотилар эди. Улар ер майдони 2-4 гектарлик нарҳи 250-300 минг доллар бўлган кенгроқ ўй топишга умид қилишди, бундан ташқари, ер майдонида сув манбаи бўлишини хоҳлашарди, лекин бундай

таклифлар йўқ эди. Ўша йилнинг ёзида ўша ҳудудда майдони 40 сотихга яқин фермалар 200000 доллардан юқорироқ нархда сотилаётган эди. Улар аллақачон кўп уйларни кўриб чиқишди, лекин тўхтаб, ибодат қилишга қарор қилдилар. Бу иш учун уруф сепиб, Раббийга шундай дедилар: “Биз уй қидиришга ниҳоятда кўп вақт сарфлаяпмиз. Сен бизнинг уйимиз қаердалигини биласан ва биз Сендан уни бизга керакли вақтда кўрсатишингни сўраймиз. Биз уни ортиқ интернетда қидирмаймиз ва вакилимиз билан уйни муҳокама қилмаймиз!”

Бир куни кечқурун қизиқ воқеа содир бўлди. Улар уйларига келишганда, уларнинг тўрт ёшли қизи деди:

- Ойи, кўчиш вақти келди.
- Нимани назарда тутяпсан? – сўради Эми.
- Тўғри менинг хонамгача чиройли зинапояси бўладиган янги уйга кўчиш вақти келди, - деди қизи.
- Қанақа уй? Сен туш кўрдингми? – сўради Эми.

Унинг қизи тасдиқлади. Ўша куни кечқурун болаларни ухлашга ётқизишганда, Эми ўша суҳбатни унута олмади ва Жейсондан интернетга назар ташлашни таклиф қилди.

Улар ҳақиқатан ҳам ҳозиргина сотувга қўйилган гаровдаги уйни кўрдилар. Бу 4 гектар ер майдонидаги икки қаватли уй бўлиб, уйнинг қаршисида қўл бор эди. Лекин унинг баҳоси улар эккан 300000 доллар нархдан 26000 доллар баландроқ эди. Улар ҳар доим нархни пасайтиришни сўраш мумкинлигига қарор қилишди, шунинг учун ўзларининг кўчмас мулк бўйича вакилига қўнғироқ қилишди. Уларнинг вакили эртаси куни Флоридага учиб кетмоқчи эди, лекин уларга эрта тонгда соат тўққизда уйни кўрсатишга рози бўлди.

Вакил учрашувга кеч қолди, улар уни ташқи кўринишидан мукамал кўринган уй ёнида кутдилар. Бу 4 гектар ер майдонидаги жуда кенг уй бўлиб, уй олдида қўл бор эди, ҳаммаси ажойиб кўринарди. Бундан ташқари, уй ўрмон билан ўралган бўлиб,

манзара жозибадор эди. Улар уйга кирганларида, қизи тўғри унинг хонасига борадиган улкан зинапояни кўриб, қувончдан ҳайқириб юборди. Қисқаси, Жейсон ва Эми шартнома тузишга тайёр эканини айтишди. Вакил барча тафсилотларни текширганда, шартномани ўша куннинг ўзида соат ўн иккидан кечиктирмай тузилиши кераклиги маълум бўлди. Бир соатдан кам вақт қолган эди! Агар уларнинг тўрт ёшли қизи уларга тушини айтмаганида, агар ўша кўни кечқурун уни интернетдан топмаганларида, бу уйни кўрмаган ҳам бўлишарди.

Улар банкталаб қилган нархни таклиф қилиб, розилик олдилар. Улар ниҳоятда хурсанд эдилар. Уйни кўздан кечириш чоғида томнинг ҳолати унчалик яхши эмаслиги ва тахминан беш йилдан сўнг тўлиқ алмаштириш зарурлиги маълум бўлди. Жейсонда бир ғоя пайдо бўлди. Шу сабабли, у банкдан нархни пасайтиришни сўрашга қарор қилди. Вакил уларга ҳатто, уриниб кўрмасликни маслаҳат берди, чунки уй савдолашишсиз сотувга қўйилган эди ва у илгари ҳеч қачон банкнинг нархни туширганини кўрмаган. Нима содир бўлганини топингчи. Банк уйни уларга 296000 долларга сотди, бу улар уйни сотиб олишларига ишонган 300000 доллардан кам эди. Худо уларга Ундан қандай уйни сўрашган бўлса, худди шундай уйни берди. Улар баҳоловчилар унинг фикрича, уй қанча туришини сўрашганларида, у: “500000 доллар” – деб жавоб берди. Дўстим, бу икки ҳиссани англатади!

Кўриб турганингиздек, менинг барча фарзандларим Шоҳликнинг қонунлари бўйича яшашдан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу йил менинг кенжа ўғлим Кристен йигирма ёшида, ўзининг биринчи уйи учун нақд пул тўлади. Қандай қилиб? Уларнинг барчаси Шоҳликнинг қоидаларига мувофиқ қандай ҳаракат қилишни биладилар!

8-БОБ

ИККИ ҲИССА

Ҳозир мен шаббат ороми қандай ишлаши ва ҳаётимизда унга қандай шўнғиш мумкинлиги соҳасини чуқурроқ ўргатмоқчиман. Мен юбилей йили ҳақидаги ҳикоямизга қайтиб, у билан боғлиқ матнни кўриб чиқмоқчиман. Унда биз Худо одамларга, уч йил давомида ҳосил олмасдан, қандай яшашлари ҳақидаги саволларига жавобан айтган сўзларини топамиз. Бу яхши савол!

Борди-ю сизлар: “Агар биз экин экмасак ва ҳосилларимизни йиғиб олмасак, у ҳолда, еттинчи йили нима еймиз?”—деб сўрайсизлар. Мен сизларни олтинчи йилда шу қадар баракалайманки, ер уч йиллик ҳосилни келтиради. Сўнг саккизинчи йили экин экасизлар, лекин эски ҳосилларни ейсизлар. Тўққизинчи йилнинг ҳосиллари етилгунича, эскисини ейсизлар.

– Левит 25:20-22 (ЯРТ)

Биз ушбу матндан юбилей йилини, шунингдек, ундан олдинги шаббат йилини, ушбу ҳолатда (охирги юбилей йилидан) қирқ саккизинчи йилни олтинчи йилнинг ҳосили туфайли яшаш мумкинлигини кўраимиз. Ушбу катта ҳосилсиз шаббат ороми имконсиз бўлар эди. Назаримда, манзарани янада кўпроқ ойдинлаштирувчи яна бир парчани кўриб чиқсак.

Уни ҳар бир киши қанча кераклигига қараб эрталаб йиғиб олар эди. Қуёш қиздирганида эса, у эриб кетар эди. Олтинчи кун эса нонни икки карра кўпроқ, жон бошига икки ҳомердан йиғиб олдилар ва халқ оқсоқоллари бу ҳақида Мусога хабар берар эдилар. Мусо уларга айтди: “Раббий шундай буюради: Эртага дам олиш кун, Раббийнинг муқаддас шаббат кунидир. Ёпадиганингизни бугун ёпиб олинглар, қайнатадиганингизни бугун қайнатиб олинглар. Ортиб қолганини эса олиб қўйиб, эрталабгача сақланглар”. Мусо буюрганидай, улар ортиб қолганини эрталабгача олиб қўйдилар ва у сасишни бошламади ҳам, қуртламади ҳам. Мусо деди: “Бугун бун еяверинглар, чунки бугун Раббийнинг шаббат кунидир. Бугун далада ҳеч нарса топа олмайсизлар. Сиз олти кун донни йиғиб оласизлар, лекин еттинчи кунда, шаббат кунда ҳеч нарса бўлмайди. Еттинчи кунда халқдан баъзилар уни йиққани чиқдилар, лекин ҳеч нима топа олмадилар. Раббий Мусога деди: “Қачонгача сизлар Менинг амрларимни ва низомларимни бузасизлар? Ёдингизда бўлсин: Раббий сизларга шаббатни берди ва шунинг учун олтинчи кунда нонни икки кунга етарлича бермоқда. Еттинчи кун ким қаерда бўлса, ўша жойда қолсин. Ҳеч ким уйдан чиқмасин”. Шундай қилиб, халқ еттинчи кун дам олди.

– Чиқиш 16:21-30 (ЯРТ)

Ушбу парчада ҳақиқатан ҳам одамлар озиқланиши учун ҳар кун осмондан ёғилган манна ҳақида гап кетмоқда, лекин еттинчи кун, ором кунда у бўлмаслиги айтилган. У фақат бир кунгига сақланган, кейин эса тез чириган. Фақат олтинчи кунда уни йиғиш ва бир кун сақлаш мумкин бўлган, чунки у айниб қолмаган. Қонуннинг такрорланиши китобида, нима учун манна фақат бир кунгина сақлангани, сўнгра жуда тез айниб қолганини тушунтирадиган қизиқарли изоҳ ёзилган.

Сени бўйсундириш, синаш учун ва ниҳоят сенда ҳаммаси яхши бўлиши учун саҳрода оталаринг ҳеч қачон билмаган манна билан сени боқди.

– Қонуннинг такрорланиши 8:16 (ЯРТ)

Худо Ўз халқига ҳар куни Унга қарашни ва Ундан озиқ-овқат, қолаверса, ҳаёт учун зарур барча нарсаларни кутишни ўргатди. Худо Унинг халқи нафақат егуликка муҳтож бўлган жойга, балки баланд деворлар ва баҳайбатларга дуч келадиган ерга йўл олаётганини билар эди. Бундай вазиятда Худога кучли умид қилиш ҳаёт ва ўлим масаласи бўлади. Келинг, Чиқиш китобига қайтамыз. Биз бу ерда улар фақатгина олтинчи кунда олган икки ҳисса туфайли шаббат куни дам олиш имконли бўлганини аниқ-равшан кўрамыз.

Мана, Раббий сизларга шаббатни тайинлади. Шунинг учун олтинчи куни нонни икки кунга етарлича бермоқда. Еттинчи кун ҳар ким уйида қолсин, ҳеч ким уйдан чиқмасин”.

Кўряпсизми? Шаббат ороми фақат икки ҳисса туфайлигина имконли бўлган. Бу фикр жуда ҳам муҳим бўлгани учун, уни ёзиб қўйишингизни сўрайман.

ШАББАТ ОРОМИ ФАҚАТ ИККИ ҲИССА ТУФАЙЛИГИНА ИМКОНЛИДИР!

Буни бошқа контекстда кўрсатишимга ижозат берсангиз. Сиз етарли бўлгандан кўра кўпроғига эга бўлмагунингизча, ердаги лаънатга ботган тизимда югуришдан ва пешона терида меҳнат қилишдан ором топа олмайсиз. Биз Дренда билан қаерда бўлмайлик, ҳамма жойда одамларга: “Сиз пул масаласини ҳал қилмагунингизча, ўз даъватингизни била олмайсиз!” – деб айтамыз. Чунки етарли бўлгандан кўра кўпроғига эга бўлмасдан,

сиз ҳар қандай имкониятлардан маҳрум бўлиб, бутун умр тирикчилик қилишга маҳкум қул бўласиз. Мен олдинги бобда Қонуннинг такрорланиши китобида Иброҳимга ваъда қилинган баракаларнинг имтиёзлари ҳақида нимани ёзганимни эсланг (28:11-13). Биз у ерда тирикчилик қилиш тартибида яшаш – сизнинг тақдирингиз эмаслигини аниқ кўрдик! Агар унутган бўлсангиз, яна бир бор ўқиб чиқамиз.

Раббий оталарингга сенга бериши ҳақида қасам ичган ерда Раббий сенга барча эзгуликларда, қорнингнинг ҳомиласида, қорамолларингнинг ҳомиласида ва далаларингнинг ҳосилида мўл-кўлчилик беради. Раббий сенга Ўзининг эзгу хазинаси — осмонни очади, токи у сенинг ерингга ўз вақтида ёмғир берсин, шунингдек, қўлингнинг барча ишларини дуо қилсин. Сен кўп халқларга қарз берасан, ўзинг эса қарз олмайсан. Агар бугун мен сенга асрашингни ва бажаришингни буюраётган Раббий Худойингнинг амрларига бўйсунсанг, Раббий сени дум эмас, бош қилади; фақат баландда бўласан, пастда бўлмайсан.

– Қонуннинг такрорланиши 28:11-13

Қашшоқлик, тирикчилик қилиш ва касодга учраш – сизнинг тақдирингиз эмас. Сиз ўзи қарз олмасдан, бошқаларга қарз берадиган инсон бўлиш учун тайинлангансиз, сиз дум эмас, бош бўлиш учун яратилгансиз! Фаровонлик – бу Худо Шоҳлигининг хусусиятидир. Бу етарли бўлгандан кўра анча кўпроқ, яъни шаббат ороми, икки ҳиссадир!

Нимани ўйлаётганингизни биламан. “Ё, Худо, Гари, бу ажойиб бўлган бўларди, лекин ҳозир менинг ҳаётим бу манзарадан узоқ”. Ҳечқиси йўқ, биз орқага қарамаймиз, биз Худо нима деяётганига қараймиз ва Шоҳлик биз ҳақимизда айтадиган барча нарсанинг амалга ошишини кутамиз. Тўғри тасаввурга эга бўлмай ва

бизнинг ҳаётимиз қандай бўлиши кераклигини билмасдан туриб, биз осонгина алданиб қоламиз ҳамда ердаги лаънатга ботган тизимнинг бузуқ фикрлаш тузоқларига тушиб қоламиз. Имон бизнинг шароитларимизга эмас, балки Худонинг Сўзига мувофиқ тарзда қолади.

Худо Дренда билан мени икки ҳиссани олишни қандай ўргатганини сўзлаб беришимдан аввал, мен сизга, назаримда, Янги Аҳддаги энг буюк бўлган икки ҳисса тўғрисидаги ҳикояни айтиб бермоқчиман.

Сиз уни жуда кўп марта эшитгансиз, бироқ, эҳтимол, уни икки ҳисса маъносида ёки сиз энди тушунчага эга бўлган Шоҳликнинг нурида ҳеч қачон кўриб чиқмагандирсиз. Бу Луқо Хушхабари 15-бобдаги ҳикоя – адашган ўғил ҳақидаги ҳикоядир. Сиздан чалғимасликни ва унга диққатингизни қаратишингизни илтимос қиламан. Сиз уни илгари ўқиганингизни биламан, лекин, келинг, биргаликда янги қараш билан уни яна бир бор кўздан кечирайлик.

Исо давом этди: “Бир одамнинг икки ўғли бор эди. Уларнинг кичиги отасига: “Ота, меросдан менга тегишли қисмини беринг”, – деди. Шунда ота мулкини ўғилларининг ўртасида бўлиб берди. Бир неча кундан кейин кичик ўғил ўзининг ҳамма нарсасини йиғиштириб, узоқ бир мамлакатга кетди. У ерда айш-ишрат билан кун кечириб, бор мол-мулкини исроф қилди. Унда ҳеч нима қолмаганидан кейин, шу мамлакатда оғир очарчилик бошланди ва у муҳтожликка йўлиқди. Шунда у бориб, ўша мамлакатда яшайдиганлардан бирига ишга ёлланди, у одам эса уни тўнғизларни боқиш учун ўз далаларига юборди. У шунчалар оч қолганидан, у ҳеч бўлмаганда тўнғизлар боқиладиган пўчоқлар билан қорнини тўйдиришдан хурсанд эди, лекин унга шуни ҳам бермас эди. У ўзига келиб, деди: “Отанинг уйида шунча кўп ёлланма ишчилар бор ва

уларнинг егулиги мўл-кўл, мен эса бу ерда очликдан ўляпман. Отамнинг олдига қайтиб бориб, унга шундай дейман: “Ота, мен Осмонга ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғлингиз, деб аталишга лойиқ эмасман, менга хизматчиларингизнинг бири сифатида қаранг”. У туриб, отасининг олдига йўл олди. У ҳали узоқда бўлганида, отаси уни кўриб, ўғлига раҳми келди. У ўғлининг олдига югуриб бориб, ўғлининг бўйнидан қучиб, уни ўпа кетди. Ўғли эса: “Ота! Мен Осмонга ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғлингиз деб аталишга лойиқ эмасман”, – деди. Лекин отаси ўз қулларига деди: “Тез бориб, энг яхши кийим келтиринглар ва уни кийинтиринглар. Қўлига узук тақиб, оёқларига пойафзал кийгизинглар. Семиртирилган бузоқчани олиб чиқиб сўйинглар, базм уюштирамиз ва хурсандчилик қиламиз. Чунки менинг ўғлим ўлган эди, аммо у яна тирикдир! У йўқолган эди, энди эса топилди”. Шунда хурсандчилик қила бошладилар. Унинг катта ўғли эса ўша вақтда далада эди. У қайтаётиб уйга яқинлашганида, чолғу ва ўйин-кулги садоларини эшитди. У хизматкорлардан бирини чақириб, нима бўлаётганини сўради. “Укангиз келди, отангиз у тирик ва соғ-саломат қайтгани учун семиртирилган бузоқчани сўйди”, – деди хизматкор. Катта ўғил аччиқланиб, уйга киришни хоҳламади. Шунда отаси чиқиб, уни кўндира бошлади. Лекин у жавобан деди: «Мен шунча йилдан бери қулдек сизга ишладим ва айтганларингизни доимо бажардим. Сиз эса дўстларим билан хурсандчилик қила олишим учун ҳеч қачон менга ҳатто улоқ ҳам бермадингиз. Аммо мол-мулкингизни фоҳишаларга сарф қилган шу ўғлингиз келганида, сиз у учун семиртирилган бузоқчани сўйдингиз!» Шунда отаси унга деди: “Ўғлим!

Ахир сен доимо мен билан биргасан, менда бор бўлган ҳамма нарса сеникидир. Лекин бугун хурсандчилик қилиб, қувонишимиз керак, чунки сенинг уканг ўлган эди, аммо қайта тирилди, йўқолган эди, энди эса топилди!”.

– Луқо 15:11-32 (ЯРТ)

Биз ушбу ҳикояда кичик ўғил ўзининг улуши билан уйдан кетаётганини кўрамиз. Бу ҳикоянинг муҳим қисми бўлиб, у отасининг меросидаги унинг улушига тегишлидир. Шунинг учун кичик ўғил меросдаги ўз улушини, аллақачон олганини ёдда тутинг, бундан буён у мулкка даъво қила олмайди.

“Уларнинг кичиги отасига: “Ота, меросдан менга тегишли қисмини беринг”, – деди. Шунда ота мулкини ўғилларининг ўртасида бўлиб берди”.

Кейинроқ, биз ушбу ҳикоядан кичик ўғил узоқ мамлакатга кетганини билиб оламиз. Кичик ўғил отасининг уйини қолдирганини, бу билан бирга у эга бўлган таъминот, ҳимоя ва отаси яшаган ўша мамлакатнинг қонунларини қолдирганини тушунишингиз муҳим. У бошқа қонунларга ва ўзгача ҳаёт тарзига эга бўлган узоқ мамлакатга жўнаб кетди. Кичик ўғил нима қилаётганини ҳатто, ўзи англамаганига ишончим комил. У ўз отасининг уйида яшаб, ўғилликнинг барча имтиёзларидан фойдаланган ва отасида бўлган барча нарсани бемалол ола олган. Лекин қандайдир сабабга кўра унга нимадир етишмаётгандек ва қандайдир бошқа жойда ундан яшириб қўйилган имкониятни топиши мумкинлигини ҳис қилди.

Агар сиз буни ҳали ҳам тушунмаган бўлсангиз, Исо аслида бизга инсоният тарихини, Одам

**ИМОН БИЗНИНГ
ШАРОИТЛАРИМИЗГА
ЭМАС, БАЛКИ
ХУДОНИНГ СЎЗИГА
МУВОФИҚ ТАРЗДА
ҚОЛАДИ.**

Атонинг тарихини айтиб бермоқда. Одам Ато бу ҳикояда – ўз Отасининг ўйини тарк этган кичик ўғилдир. У агар ўз Отаси Худога хизмат қилишдан қочиб кетса, бошқа жойда яхшироқ келажакни топиши мумкинлигини ҳис қилди. Шубҳасиз, сиз: “Агар Одам Ато – кичик ўғил бўлса, унда бу ҳикоядаги қолган катта ўғил ким?” – деб ўйлаяпсиз. Мен бу саволга кейинроқ суҳбат охирида жавоб бераман, шунчаки, Одам Ато – уйдан кетган кичик ўғил эканини эслаб қолинг.

Гарчи Одам Ато ва Момо Ҳавода ҳамма нарса бўлса-да, улар Ота ўйини тарк этсалар, бошқа жойда кўпроқ нарсани кўлга киритиши ҳақидаги ёлғонга алдандилар. Одам Ато Отасининг ўйига қарши чиқиб, у ердан кетишга қарор қилганида, у янги ҳукуматнинг ҳокимияти остига тушди, у бошқа қонунларга кўра ҳаракат қиладиган янги шоҳликка келди. Муқаддас Китоб уни зулмат шоҳлиги, унинг ҳукмдорини эса, шайтон деб атади. Ишончим комилки, Одам Ато янги шоҳликнинг қашшоқлиги ва умидсизлигидан даҳшатга тушди. Аввалига ҳаммаси ажойиб туюлди. Пуллари бор пайтида, қувноқ байрам давом этди! Лекин у хато қилганини англаганида, жуда ҳам кеч эди. У ўз меросини совурганида, адашганини англади. Унинг ваҳийларга тўла онги тўсатдан биргина кундалик вазифага – тирикчилик қилишга эътиборини қаратди. Эртанги кун энди йўқ эди. Фақатгина бугунги кун қолган ва у ҳеч қандай ваъдаларни бермас эди.

“Бир неча кундан кейин кичик ўғил ўзининг ҳамма нарсасини йиғиштириб, узоқ бир мамлакатга кетди. У ерда айш-ишрат билан кун кечириб, бор мол-мулкани исроф қилди”.

Кичик ўғил, доимий даҳшатли очарчилик ҳолатида бўладиган мутлақо қашшоқ шоҳликка бориб қолганини пайқади. Болакай кўраётган нарсасига – очликдан ўлаётган одамларга кўникишга ҳаракат қилар эди. Фаровонлик ҳукм сурган хонадондан келиб чиққан инсон сифатида, у ҳаётнинг янги тасвирини тушунишга аранг уринарди. Лекин оч қорин унга кўриб турганларининг

ҳаммаси ҳақиқат эканини эслатиб турарди. У тирикчилик қилиш учун ўзини, кўчага чиқиб, садақа сўрашга мажбурлайди. Ушбу зулмат шоҳлигида ер фақат тикон ва қушқўнмас етиштиради ва ҳеч қурса, уларни олиш учун ҳам катта куч сарфлаб, пешона тери тўкиб ишлаш керак. Катта муҳтожликка тушиб қолган ўғил ёрдам сўраб ёлвора бошлади. Лекин ҳамма одамлар бир қайиқда. Ҳеч ким у билан катта луқмани баҳам кўрмоқчи эмас, чунки ҳамма у каби ўша азобли очлик ҳиссини бошдан кечирмоқда.

Шундай қилиб, бу боланинг ҳаётига ҳал қилувчи лаҳза келди, бу бурилиш менга ҳам, сизга ҳам, бутун инсониятга ҳам таъсир қилди. У мавжуд бўлган вақтдан буён илк марта ўз қўл меҳнати билан шуғулланадиган ёлланма ишчидек, яъни қулдек, ишга ёлланди. Бу унинг ҳақиқий шахсиятининг, шахсининг тўлиқ бузилишидир. У энди нуфузли, бой ва обрўли одамнинг ўғли эмас, у қоровул ёки қассоб, ёки кўчмас мулк вакили, ёки хат ташувчидир, рўйхатни давом эттириш мумкин. Энди уни шахси орқали эмас, балки унинг иши орқали биладилар! У ўзининг шахсиятини йўқотган! Унинг шахсияти йўқолганини яна кўпроқ таъкидлаш учун Исо у шунчалар умидсизликка тушганидан, чўчқа боқувчиси ишига кирганини айтади. Яҳудийларда чўчқа нопок ҳайвон ҳисобланади ва Исо йиғилган одамларга бу йигит шунчалик умидсизликка тушиб қолганки, ҳаётнинг ҳар қандай маъносини йўқотганини айтади. Унинг ҳаёти уят ва шармандаликка айланди. У қачонлардир завқланган ўша шоҳона қадр-қиммати, энди узоқ хотирада қолди.

Унда ҳеч нима қолмаганидан кейин, шу мамлакатда оғир очарчилик бошланди ва у муҳтожликка йўлиқди. Шунда у бориб, ўша мамлакатда яшайдиганлардан бирига ишга ёлланди, у одам эса уни тўнғизларни боқиш учун ўз далаларига юборди. У шунчалар оч қолганидан, у ҳеч бўлмаганда тўнғизлар боқиладиган пўчоқлар билан қорнини тўйдиришдан хурсанд эди, лекин унга шуни ҳам бермас эди.

Сиз ушбу ҳикоя ва бугунги инсоният ҳаётининг ўртасидаги ўхшашликни кўряпсиз деб умид қиламан. Икки киши танишаётганда, улар нима дейишади? “Яшашингиз учун қандай пул топасиз?” ёки “Қаерда ишлайсиз?” деб сўрайдилар. Бирор кишидан унинг кимлигини сўраганингизда, одатда сизга касбини айтиб жавоб беради. Нима учун? Чунки ердаги лаънатга ботган тизимда ҳар биримизнинг ўз шахсиятимиз мавжуд бўлиб, биз уни топишга астойдил ҳаракат қиламиз. Биз эътиборимизни тортадиган ва бизга муҳим инсон бўлиб кўринган ҳар бир кишидан нусха олишга тайёрмиз. Буларнинг барчаси Одам Атонинг Оталик уйини тарк этиш қароридан келиб чиққан. Бизнинг тирикчилик қилиш фикримизда, ўзимизни эътибордан четда қолдирганмиз ва аслида, ким эканлигимизни унутганмиз. Лекин мен сиздан руҳингизни кўтаришингизни сўрайман, масалдаги бу йигит чўчқахонада қолмади ва ушбу ҳикояни ўрганиш давомида, сиз ҳам у жойда қолмаслигингиз кераклигини тушунасиз деган умиддаман.

Муқаддас Китоб бир куни бу ёш йигит ўзига келиб, ҳатто хизматкорлар ҳам доимо тўқ бўладиган ўз отасининг уйини эслади. Бегона мамлакатдаги даҳшатли очарчилик пайтида у қачонлардир уйда роҳатланган тўйимли тушликларни эслаганини тасаввур қилишим мумкин. Менинг амаким Гарольд Иккинчи, жаҳон урушида В-17 самолётининг бошқарувчи-радио мутахассиси сифатида қатнашган. У деҳқонлар оиласида туғилиб, ўсган. Ҳар якшанба куни унинг онаси қовурилган товуқ, картошка бутқаси, уй нони, яшил ловия ва бошқа мазали сабзавотлар билан катта тушлик тайёрлаган. У ширинликка, албатта пирог ёка кекс пиширарди. Ўша тушликлар нақадар тўкин-сочин бўлганини ўзим ҳам биламан, чунки унинг онаси менинг бувим эди.

Уруш пайтида амакимнинг самолёти Германия устида уриб туширилган ва амаким кўп ойларни немис лагеридида асирликда ўтказган. Егулик деярли бўлмаган. Бир куни амакимдан ўша кунларда қандай омон қолганини сўрадим ва у менга ўшанда ўйлаши мумкин бўлган нарса – бу қандай қилиб қовурилган товуқ ва картошка бўтқаси бўладиган уйига онасининг олдига қайтиш

ҳақида бўлганини айтган. Бу йигит ҳам шунга ўхшаш нарсани бошдан кечирганига ва унга нима ниҳоятда етишмаётганини анлаганига ишончим комил. Аммо у меросга даъво қила олмас, чунки меросдан ўз улушини отасидан олиб бўлган эди. Шунда у ҳаракат режасини ўйлаб топди. У ўйига келиб, отасидан унга хизматчининг ишини беришини ялиниб-ёлворди. У ёлланма ишчидек фикрлаши, шундан бошқа нарсани ўйшаб тополмаганини билдиради.

“У ўзига келиб, деди: “Отанинг уйида шунча кўп ёлланма ишчилар бор ва уларнинг егулиги мўл-кўл, мен эса бу ерда очликдан ўляпман. Отанинг олдига қайтиб бориб, унга шундай дейман: “Ота, мен Осмонга ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғлингиз, деб аталишга лойиқ эмасман, менга хизматчиларингизнинг бири сифатида қаранг”. У туриб, отасининг олдига йўл олди”.

Шундай қилиб, у отасидан ҳеч бўлмаганда бошпана ва егулик эвазига унга ишлаш имкониятини беришни илтимос қилиш режаси билан ўйига бормоқда. Лекин Муқаддас Китоб ушбу воқеанинг ажойиб хотимасини сўзлаб беради. У ўйига яқинлашганида, отаси уни узоқдан кўрди ва бағрига босиб, у томон югуради. Ушбу лаҳзадан бошлаб, ҳикоянинг номини отанинг севгиси деб ўзгартириш керак, чунки отаси ҳатто, ўғли чўчқанинг гўнги билан ифлос бўлганига қарамасдан, уни қучоқлади. Исони тинглаётган яҳудий тингловчилар ота ўғлини қучоқлаганда, у руҳий нопок бўлиб қолганини билишарди. Аммо ота ихтиёрий равишда ўз ўғли учун нопок бўлди. Сўнгра у хизматкорларидан уйдаги энг яхши кийимни олиб келишини ва унинг кирини ёпиш учун ўғлига кийдиришларини сўради. У ўз ҳокимиятини ифодаловчи муҳрли узукни олиб, уни ўғлининг бармоғига тақди. Унинг оёқларига сандал берди, бу ўғил яна бутун мулкка ҳаққи борлигини англатади. Лекин отаси хизматкорларига охириги кўрсатмани

бераётганида, катта ўғлининг ғазаби келди. Ота семиртирилган бузоқчани сўйиб, ўғлининг қайтгани шарафига тайёрлашни сўради. Кичик ўғил, гарчи нолойиқ бўлсада, яна ўғиллик мавқеи ва имтиёзларини олди, отаси уни ўғил сифатида ҳаммага эшиттириб, очикча ҳурмат қилди ва унинг уйдаги олдинги мавқеини тўлиқ тиклади.

Шундай ҳам бўлсин, лекин бу ерда икки ҳисса билан қандай боғлиқлиқ мавжуд? Ҳамма нарса шунга боғлиқ. Исо уйдан кетиб, орқага қайтиб келган ёш ўғил ҳақидаги масални ишлатди, чунки Унинг тингловчилари, яҳудий маданиятидан бўлган одамлар, бунинг маъносини ва мен сизларга айтмоқчи бўлган нарсани тушунар эдилар. Яҳудий маданиятда тўнғич ўғил автоматик равишда икки ҳисса олган. Ёдингизда бўлса, катта ўғил эмас, балки кичик ўғил уйдан кетиб, қайтиб келди. Шунингдек, сиз у уйдан кетганида, ўзининг меросдан қонуний улушини, ўзининг қонуний ҳиссасини ўзи билан олиб кетганини ҳам эслайсиз. У мулкка ёки ундаги бирор бир нарсага даъво қилишга ҳақли эмас эди. Лекин кичик ўғил қайтганида ва отаси унинг ўғиллик мавқеини тиклаганида, боз устига, унинг қайтганини нишонлаш учун семиртирилган бузоқча сўйишни буюрганида, унинг катта ўғли қаттиқ ғазабланди. Семиртирилган бузоқча унга тегишли эканига унинг ишончи комил бўлиб, бу унинг мулкининг бир қисми эди.

Ҳозир мазмун-моҳият нимада эканини тушунтираман. Гарчи кичик ўғил меросдан ўз улушини, аллақачон олган бўлсада, шунга қарамасдан, у отаси томонидан яна тан олинди ва энди мероснинг иккинчи ҳиссасидан баҳраманд бўлди. Бу у ўз мулкининг икки ҳиссасини олганини айлатади. Катта акасининг нуқтаи назарида бу адолатсизлик эди ва у бу ҳақида отасига ғазаб билан айтди. У отасига кичик ўғил оиласига шармандагарчиликдан бошқа ҳеч нима келтирмаган бир вақтда, у отасига садоқат билан ишлаган ўша барча йиллар ҳақида эслатди. Нима учун кичик ўғил, тўсатдан икки ҳисса олмоқда?

Бу адолатданми? Азобли меҳнат ва пешона терининг

ер юзидаги лаънатга ботган тизими нуқтаи назаридан бу адолатсиздир. Эҳтимол, биз садоқат билан хизмат қилган ва отаси учун қилган ишларга асосланиб, ноҳақлик ҳақида даъво қилишга ҳақли бўлган катта ўғилнинг тарафини олармиз.

Лекин биз қайси тамойилга асосланиб, буни адолатли деб ҳукм қиламиз? Ахир, ота ҳукм қилиб, кимга илтифот кўрсатишни ўзи ҳал қилмайдими? Биз яшаётган ердаги лаънатга ботган тизимнинг нуқтаи назарида, агар ота кичик ўғлига мулкдан яна бир ҳисса берган бўлса, унда катта ўғил камроғига қаноат қилиши кераклигини тахмин қилиш осон. Аслида, бу ундай эмас. Ота шу қадар бойки, ҳатто унинг уйидаги хизматкорлари етарли бўлгандан кўра, кўпроқ нарсага эгадирлар. Энди, ўғилларга қанча кўп нарса тегишли бўлганини тасаввур қилинг.

Шайтон бизнинг Худойимиз қанчалар буюк ва сиз, аслида ким эканингизни билишингизни истамайди. У бошиданок, Отамиз ҳақида ёлғон тарқатиб келади. Суғурта ширкатлари табиий офатларни Худонинг иши деб айтадилар. Диний муассасалар қашшоқлик ваъдалари Худога маъқул деб даъво қиладилар. Одамлар Худо ёмон нарсаларни яхши одамларга ҳам беради дейишади. Агар сиз ўзингизга келиб, Худога бутун юрагингиз билан мурожаат қилмасангиз, ўзингизнинг кимлигингизни ва сизнинг Отангиз нақадар буюк эканини билиб олмаслигингиз учун шайтон сизнинг кўзларингизни кўр қилиб қўяди. Сизни ишонтириб айтаманки, сиз Унга мурожаат қилганингизда, У худди адашган ўғилни қабул қилганидек, сизни ҳам аниқ қабул қилади.

Сиз: “Катта ўғил ким?” – деб сўрайсиз. Келинг, сиз буни аниқлай оласизми, йўқми, билиб оламиз.

“Унинг катта ўғли эса ўша вақтда далада эди. У қайтаётиб уйга яқинлашганида, чолғу ва ўйин-кулги садоларини эшитди. У хизматкорлардан бирини чақириб, нима бўлаётганини сўради. “Укангиз келди, отангиз у тирик ва соғ-саломат қайтгани учун

семиртирилган бузоқчани сўйди”, – деди хизматкор. Катта ўғил аччиқланиб, уйга киришни хоҳламади. Шунда отаси чиқиб, уни кўндира бошлади. Лекин у жавобан деди: «Мен шунча йилдан бери қулдек сизга ишладим ва айтганларингизни доимо бажардим. Сиз эса дўстларим билан хурсандчилик қила олишим учун ҳеч қачон менга ҳатто улоқ ҳам бермадингиз. Аммо мол-мулкингизни фоҳишаларга сарф қилган шу ўғлингиз келганида, сиз у учун семиртирилган бузоқчани сўйдингиз!» Шунда отаси унга деди: “Ўғлим! Ахир сен доимо мен билан биргасан, менда бор бўлган ҳамма нарса сеникидир. Лекин бугун хурсандчилик қилиб, қувонишимиз керак, чунки сенинг уканг ўлган эди, аммо қайта тирилди, йўқолган эди, энди эса топилди!”.

Катта ўғил шунча йил давомида, худди қулдек ўз отасига ишлаганини, лекин отаси ўша вақт ичида бирор марта унга дўстлари билан хурсандчилик қилиши учун, ҳатто улоқ ҳам бермаганини айтди. Унинг сўзларини изоҳласам, у: “Ота, сиз ноҳақсиз!” демоқда. Лекин отаси унга нима деб жавоб қайтараётганига эътибор беринг. “Ахир сен доимо мен билан биргасан, МЕНДА БОР БЎЛГАН ҲАММА НАРСА СЕНИКИДИР”.

Тўхтанг! Катта ўғил ким эканини энди тушунаяпсизми? У доим банд бўлган, у ўзининг ҳақ экани тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиб, қулдек, ўз отасига ишлаган, шунинг учун ўзини отасининг эзгулигидан баҳраманд бўлиш имкониятидан маҳрум қилди. Отасида бўлган ҳамма нарса – ҳаммаси уники эди.

ШАЙТОН, БИЗНИНГ

ХУДОЙИМИЗ

ҚАНЧАЛАР БУЮК

ВА СИЗ, АСЛИДА

КИМ ЭКАНИНГИЗНИ

БИЛИШИНГИЗНИ

ИСТАМАЙДИ.

Сиз ҳақсиз, катта ўғил биринчи аҳднинг қонунини рамзий ифодалайди. Биринчи ўғил ота

уйининг имтиёзларидан роҳатлана олмади, чунки у отасининг маъқуллашини олиш учун иш билан ниҳоятда банд бўлган. Катта ўғил икки ҳисса улуш олиш ҳуқуқига эга бўлишига қарамасдан, фақат кичик ўғилгина ундан баҳраманд бўла олди.

Сиз кичик ўғилсиз!

Сизга икки ҳисса берилган. Сиз ўзининг ишлари асосида эмас, балки Масиҳда кимлигингиз – Худонинг ўғли ёки қизи эканингиз асосида қабул қилинган ўғил бўлиб, ўзингиз меҳнат қилиб топмаган, балки Отангиздан бепул қабул қилган меросдан баҳраманд бўлишга тўлиқ қодирсиз.

9-БОБ

ЕТАРЛИ БЎЛГАНДАН КЎРА КЎПРОҚ

Ушбу бобнинг сарлавҳаси сизда шубҳали муносабатни келтириб чиқариши мумкинлигини тушунаман, лекин биз етарли бўлгандан кўра кўпроқ олиш учун, айнан мана шу йўналишда кетамиз. Бу мен сизга пул топишнинг янги ва энг самарали усуллари кўрсатиш учун эмас, балки сиз Худонинг фарзанди эканингиз ва сизнинг қонуний ҳуқуқингиз, Отангизнинг ўйида эзгулик ва фаровонликдан баҳраманд бўлишингиз учундир. Эҳтимол, ҳозир, ҳаётингизнинг ҳозирги шароитларида сиз етарли бўлгандан кўра кўпроқ нарсага эга бўлганингизда, икки ҳисса тушунчасини тасаввур қилишингиз қийиндир. Бироқ фикрлашда – эркинликка йўл айнан мана шу ердан бошланиши зарур. Сизнинг фикрларингиз Худонинг Сўзига мувофиқ тарзда бўлмас экан, сиз Унинг имтиёзларидан баҳраманд бўла олмайсиз. Шу сабабли, атрофингизда кўраётган нарсалардан нигоҳингизни узиб, Худо Ўзининг Шоҳлигида сизники деб атаган нарсага диққатингизни қаратинг. Сизнинг ҳаётингизда амалга ошаётганини кўрмаётганингиз учунгина Худонинг Сўзи билан баҳслашишни тўхтатинг. Бунинг ўрнига Худонинг Сўзи билан қўролланиб, сизнинг вазиятларингиз, Худо сизники деб айтган нарсаларга мувофиқ ўзгариши кераклигига ишониб, улар билан баҳслашишни

**ЭҲТИМОЛ, ҲОЗИР,
ҲАЁТИНГИЗНИНГ
ҲОЗИРГИ
ШАРОИТЛАРИДА
СИЗ ЕТАРЛИ
БЎЛГАНДАН КЎРА
КЎПРОҚ НАРСАГА
ЭГА БЎЛГАНИНГИЗДА,
ИККИ ҲИССА
ТУШУНЧАСИНИ
ТАСАВВУР
ҚИЛИШИНГИЗ
ҚИЙИНДИР. БИРОҚ
ФИКРЛАШДА –
ЭРКИНЛИККА ЙЎЛ
АЙНАН МАНА ШУ
ЕРДАН БОШЛАНИШИ
ЗАРУР.**

бошланг. Мен ҳам сиз каби инсонман, мен шунчаки сизларга қилинг, деб айтган нарсаларимни ўзим қилганман. Худонинг айтганига ишонинг! Худонинг Сўзи панд бериши мумкин эмас, у ҳар қандай вазиятларга ўзгариш олиб келади. Мисол учун, мен илгари бу ҳақда эшитган (ёки эшитмаган) бир шубҳали муносабатда бўлган аёлдан электрон хабар олдим.

“Мен йигирма икки йиллик курашни бир нечта жумла билан ифодалашга ҳаракат қиламан. Биз эрим билан масиҳий оилаларда улғайиб, мунтазам равишда жамоатга қатнаганмиз. Биз ҳатто, ёшлар хизматида, болалар хизматида ва бошқа хизматларда хизмат қилганмиз. Туйимиздан сўнг ҳаётимизнинг биринчи йили молиявий жиҳатдан муваффақиятли бўлди... Бу йигирма икки йилдан кўпроқ вақт

олдин бўлган. Ўша вақтдан буён молия мавзуси доимо бизга оғриқли бўлиб, курашишга мажбур қилган, менинг имоним эса доимо тебранар эди, чунки нима учун Муқаддас Китобда бир нарса ёзилиб, ҳаётда эса бутунлай бошқа нарса содир бўлишини тушунмас эдим. Агар Худонинг Сўзи абадий ва ўзгармас, Худо эса кеча, бугун ва абадий Ўша бўлса, унда ҳамма ваъда қилинган нарсалар қаерда? Демак, У азоб тортган, ёлғончи ва ойпараст бўлган!

Ҳаёлан ортга 2013-йилнинг 28-январига қайтаман... Мен эримга: Ёки Худо Ўзини кўрсатсин, ёки мен ҳаммасидан воз

кечаман” – дедим. Жамоат ва Худо жонимга теккан эди. Мен ишларим юзасидан жўнаб кетганимда, эрим Муқаддас Рухнинг чақириғига бўйсуниб, бизнинг яқин дўстимизга қўнғироқ қилган ва бўлган воқеани сўзлаб берган. У аёл бизга Гари Кисини тинглашни таклиф қилган. Ўша аёл ўзи билан содир бўлган нарса ҳақида гувоҳлик берган. Шунинг учун мен уйга қайтганимда, эрим менга уларнинг суҳбати ҳақида сўзлаб берди ва эртаси куни бориб, воизликлар ёзувларини олишини айтди.

Мен нима бўлганини билмайман (чунки мен бу барча “руҳий нарсалар” ҳақида чўпонлар ва ўқитувчилардан етарлича воизликлар эшитган эдим), лекин мен дугонамга қўнғироқ қилиб, бугун кечқурун бўш бўлиш ёки бўлмаслигини сўрадим. Ўша куни кечқурун мен машинага ўтириб, кучли қор ёғишига қарамай, унинг олдига кетдим. Мен йўлда Худого: “Агар бу ўша нарса бўлса, яхши бўлар эди!” – дедим.

Эртаси куни биз дарсларни тинглай бошладик ва иккиламиз ҳам ҳайратда қолдик. Ҳамма нарса маънога эга бўла бошлади. Барча оятлар имон ҳақида, ўз эътирофини қандай мустаҳкам ушлаш тўғрисида эди. Ниҳоят, жумбоқнинг барча жавоблари ўз ўрнига тушди. Биз бундан бир неча йил аввал, аллақачон Шоҳлик тўғрисида эшитган эдик, **ЛЕКИН** ҳеч ким бизга **ЖАРАЁН**ни, “**МАНА ЎША**”га қандай келишни ўргатишга фурсат топмаган. Сиз бунинг уддасидан чиқдингизми.

Шунинг учун биз олган билимларимизни зудлик билан амалда қўллаш бошладик. Бизга ипотека кредитига тўловни амалга ошириш учун маблағ керак эди. Пайшанба куни эди ва эрим менинг ота-онамнинг уйида майда ишларини тугатаётган эди... Улар ҳар доим мендан эримга қанча тўлашлари кераклигини сўрашарди (улар бизнинг оғир вазиятимизни билишар эди). Мен: “Истаганингизча” – деб жавоб берар эдим. Барибир ипотекага тўловни амалга ошириш учун бу етарли эмас эди... **ЛЕКИН** бу фақат пайшанба куни эди.

Жума куни: бизга компакт-дискларни бериб турган дугонам

билан учрашувимиз белгиланган эди. Кучли қор ёғарди, лекин биз эрим билан учрашиб, Шоҳлик ҳақида ва унинг қандай ҳаракат қилиши ҳақида гаплашишни хоҳлардик. У кетишимиздан олдин биз учун ибодат қилишни таклиф қилди ва бизга чек қоғозини берди... Раббий бизнинг ҳаётимизга уруғ экишни унинг юрагига солган. Биз қалбимизнинг туб-тубидан ҳайратда эдик. Биз чекни очганимизда, унда ипотекага тўловни амалга ошириш ва бошқа тўловларни тўлаш учун ЕТАРЛИ БЎЛГАНДАН КЎРА КЎПРОҚ пул бор эди!

Мен эримга бизга бундан ортиғи керак эмаслигини айтдим! Худонинг содиқлини эслатиб туриш учун чекни суратга олиб қўйдим. Душманга унинг кўргани ёқмади ва бир зумда (муболаға қилмаяпман, ҳақиқатан ҳам ўша вақтнинг ўзида) уруғимизни ўғирламоқчи бўлди. Биз дарҳол ўзимиз учун ушбу дарсларда эшитадиган ҳамма нарса биз учун ҳақиқат бўлишига ва бизнинг келажагимизни бузадиган сўзларни айтишга ўзимизга рухсат бермасликка қарор қилдик. Душман бешафқат эди, лекин биз қалқонимизни баланд кўтариб, маҳкам ушлаб олдик.

Ҳикоямни давом эттиришдан олдин, мен аслида мақташга арзимайдиган “муваффақият тўғрисидаги таълимотлардан” ўлгудай чарчаган қайсар италиялик эканимни билишингизни истардим ва буни эрим биларди. Ҳақиқий мўъжиза мен сизнинг сабоқларингизга қаттиқ киришганимдан бўлди, баъзан эрим менга қараб, бу қандай мумкинлигига ҳайрон қолади!

Биз имонни ечиб юбориб, муддати ўтган тўловларни, солиқ ва ҳоказоларни тўлаш учун 2013-йилнинг март ойида бизнинг қурилиш ширкатимиз учун 150000 доллар миқдорида шартномани қўлга киритиш учун уруғ сепдик. Ўша йилнинг бешинчи апрелида БИР КУННИНГ ўзида биз умумий миқдорда 450000 долларлик иккита шартнома имзоладик! Биз Шоҳлик тамойилларини қўллаб бошлаганимиздан бор-йўғи икки ой ўтди.

Биз содир бўлаётган ҳамма нарсани болаларимизга тушунтирдик ва улар ҳам натижани кўрдилар. Энди улар ҳам

Ўзларининг истаклари рўйхатини тўзишиб, ўз ақчадонларидан хоҳлаётган нарсаларига уруғ экишади. Биз ҳар бир хонага Муқаддас Китоб оятларини ёпиштириб чиқдик, ҳатто бизнинг беш ёшли боламиз олдимизга келиб: “Мен олишимга ишонаман” – деб эълон қилади.

Биз энди, кўпроқ пул қурбонлик қилишимиз мумкинлигидан ниҳоятда миннатдормиз ҳамда қарздан тўлиқ озод бўлишга ва ўз вазифаларимизни яқунлаш имкониятига яна бир кунга яқинлашдик!

Чўпон Гари, бизга вақт ажратиб, менинг электрон хабаримга жавоб берганингиз учун раҳмат. Сизнинг вақтингиз чегараланганини тушунамиз ва мен учун вақт топганингизнинг ўзи, Худонинг Шоҳлиги ҳақидаги ушбу ажойиб хабар билан бўлишишни нақадар кучли хоҳлаётганингиздан далолат беради”.

Мен ҳар кун шунга ўхшаш мактубларни оламан. Мен ва сиз каби одамлар, Масихда ким эканлиги ва Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилиши ҳақидаги ҳақиқатни англаб етадилар ҳамда имтиёзлардан баҳраманд бўладилар. Шундай қилиб, мен бу бобда Дренда иккаламиз, қандай қилиб икки ҳисса тамойилини аниқлаганимизни сўзлаб бераман ва бизнинг ҳикояларимиз сизни руҳлантиришига аминман.

Биз Дренда билан Худо Шоҳлигининг қонун ва тамойилларини ўргана бошлаганимизда, ҳаётимиз тубдан ўзгарди, ушбу китобнинг биринчи қисмида тўяр-тўймас кунлар, азобли ваҳима ҳужумлари, тушкунликка қарши дорилар ва мутлақ умидсизлик ҳаётидан тортиб, маъно-мазмунга, таъминотга тўла ҳаётгача бўлган нарсалар ҳақида сўзлаб берган эдим. Биз қайта-қайта мўъжизаларнинг гувоҳига айландик ва ҳайратда, бир-биримизга: “Сен буни кўрдингми? Қойил!” – дер эдик. Биз ҳар доим Худо Шоҳлиги айнан Муқаддас Китоб айтганидек ҳаракат қилаётганини кўрдик ва қуйидагича саволлар бердик: “Бу қандай ва нима учун содир бўлди?” ёки “Қандай тамойилни аниқладик?” Гарчи биз ҳаётимизда етарли бўлгандан кўра кўпроғига эга бўлсакда, биз

икки ҳиссани сизга айтиб бермоқчи бўлган ўша воқеалардагидек аниқроқ кўрмадик. Биз икки ҳиссадан хурсанд бўлдик, аммо кўрганларимизнинг барчаси икки ҳисса эканини билмас эдик, Худо эса бу ҳақидаги тасаввуримизни мустаҳкамлашда давом этди. Худо бизга икки ҳиссани кенгроқ маънода тушунишимизга қандай ёрдам берганини тушунтиришдан аввал, Муқаддас Ёзувдаги бизнинг асосий оятимизни қайтармоқчиман.

Шундай экан, Худонинг халқи учун ҳали шаббат ороми қолмоқда. Худо Ўз ишларидан ором олганидек [чунки У тугатди], Унинг оромига [имон] кирган ҳам ўз ишларидан [ердаги лаънатга ботган тизимидаги пешона терида оғир меҳнат қилишининг ва тирикчилик қилишдан] ором олади.

– Ибронийларга 4:9-10 (ЯРТ)

(Қавслар ичидаги шарҳлар меники. – Г.К.)

Сиз энди шаббат ороми – бу шунчаки Эски Аҳд ҳақиқати эмас, балки Янги Аҳддаги ҳар бир имонлига Масихда берилган ваъда эканини биласиз. Шунингдек, сиз агар етарли бўлгандан кўра кўпроғига ёки Чиқиш китобининг 16-бобида кўрганимиздек – икки ҳиссага эга бўлмасангиз, шаббат имконсиз эканини биласиз. Сиздан илтимос, икки ҳисса ҳар сафар Худо сиздан бирор-бир лойиҳа билан шуғулланишингизни сўраганида, доимо сизнинг қўлингизда катта миқдорда ортиқча пул бўлишини англади деб ўйламанг.

Ҳаётимда банкда умуман пулим бўлмаганида, Исо менга лойиҳани амалга оширишга киришишимни айтган ҳолатлар бўлган. Кейинроқ, Худо ҳеч қачон пул масаласида асабийлашмаслигини ва улар қаердан келишини билишини англаб етдим. Лекин У пуллар керак бўлишидан олдин душман маблағни ўғирламаслиги учун бу манбани яширади. Сизни огоҳлантиришимга ижозат беринг: бундай вазиятда олдинга ҳаракат қилиш қарорини Муқаддас Рух сизга ҳаракат қилишингизни айтганига ишончингиз комил бўлган ҳолатдагина қабул қилиш мумкин. Маблағга эга бўлмасдан лойиҳани

ишга солиш ҳақида Исодан эшитмагунингизча, буни бошлашга уринманг. Худодан вақт ва зарур таъминот келишини кутинг.

Умуман олганда, биз масиҳийлар молиявий фаровонликка эга бўлиб яшашга даъват этилганмиз. Биз қашшоқ эмасмиз, бироқ биз худди бизнинг Отамиз сингари ҳар бир вазиятда сахий бўлишга қодирмиз. Қулоқ солинг, агар Худо сизга ниманидир кўрсатса, бу ҳаракат қилиш вақти келганини англамайди. Кўпинча, У йўналиш ва тайёргарликка вақт бериш учун сизга қандайдир нарсаларни кўрсатади. Йўналишни тушуниш қобилияти каби, вақт ҳам худди шундай аҳамиятга эга эканини ўз тажрибамдан биламан.

Исо саҳрода қирқ кеча ва кундузни ўтказиб, Яҳё чўмдирувчи томонидан Йордан дарёсида сувга чўмганидан сўнг, Ўзи туғилган шаҳарда хизматини бошлаганида, У маҳаллий синагогага келиб, Ишаъё пайғамбар китобининг қўлёзмасини олди ва олтмиш тўртинчи бобни топиб, ўқий бошлади. Бу воқеа ҳақида Луқо Хушхабарда ёзилган.

“Раббийнинг Руҳи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Раббийнинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди”. Исо китобни ёпди ва хизматкорга бериб, ўтирди. Синагогадаги ҳамманинг кўзи Унга тикилган эди. Шунда Исо уларга сўзлай бошлади: “Сизлар эшитган бу Ёзув бугун бажо бўлди”.

– Луқо 4:18-21

Албатта, бу барчани ғазаблантирди, чунки У Ким ҳақида ўқиётган бўлса, У ўша эканини билдиради. Исо қайси жойда ўқишни тўхтатганига эътибор қаратинг. Ишаъё пайғамбар китобида ёзилган:

Раббий Мени қашшоқларга хушхабарни воизлик қилиш учун мойлади. У Мени юраги эзилганларни шифолаш учун, асирларга озодликни ва зиндонбандларга зиндонлар очилганлигини воизлик қилиш учун, Раббийнинг илтифот йилини ва Худойимизнинг қасос кунини воизлик қилиш учун юборди.

– Ишаъё 61:1

Исо гапнинг ўртасида тўхтаганига эътибор беринг. У: “ва Худойимизнинг қасос кунини” жумласини ўқимади. У бу гапнинг биринчи қисми - “Раббийнинг илтифот йили”да тўхтаб ўтишни истаб шундай қилди. Раббийнинг илтифот йили нима? Юбилей йили! Исо моҳиятан шаббатнинг, шаббат йилининг ва юбилей йилининг сояси кўрсатган барча нарса У келгани учун шу ерда ва ҳозир амалга ошганини бизга кўрсатди. Ишаъё пайғамбар китобининг бутун 61-боби Исо бизга нима қилгани ҳақида айтади. Келинг, ундан икки ҳиссага тегишли бўлган бир нечта оятларни кўриб чиқайлик.

Менинг халқим ўзининг шармандалиги эвазига икки ҳисса олади, бадномлик эвазига улар ўз улушларидан қувонадилар; ўз ерларида икки баробар улуш оладилар ва уларда абадий шодлик бўлади. Мен Раббий адолатни севаман, талон-тарож қилиш билан зўравонликдан нафратланаман. Ўзимнинг ҳақиқатим бўйича уларга мукофот бераман ва улар билан абадий аҳдни ўрнатаман. Уларнинг зурриёти халқлар аро ва уларнинг авлоди қабилалар аро машҳур бўлади. Уларни кўрганларнинг ҳаммаси – улар Раббий дуо қилган халқ эканликларини билиб оладилар.

– Ишаъё 61:7-9 (ЯРТ)

Мен молиявий масалаларни ҳал қилишда, ожизликдан уялиш нимани англатишини аниқ биламан. Бизнинг молиявий

вазиятимиз туфайли тез-тез камситилиб, хижолат тортганман. Бир куни шаҳримиздаги ресторанга йигирмага яқин дўстларимни тушликка таклиф қилганимни эслайман. Қандай воқеани нишонлаганимизни эслолмайман, лекин бутун ҳисобни олдиндан тўлашни таклиф қилдим. Бутун тушлик давомида ўзимни нақадар ишончсиз ҳис қилганимни эслайман, чунки ҳаммани меҳмон қилиш учун менда пул йўқ эди. Мен устидан ишлаган бир битим учун оламан деб умид қилган пуллар ўз вақтида келмади. Менинг барча карталаримдан фақат биттаси блокланмаган эди, лекин ундаги маблағдан фойдаланиш лимити тугаган бўлиб, бу сафар картадан тўлов қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини билмас эдим. Ҳисобни тўлаш вақти келганда, тўлов амалга ошмади. Мен ўзимни жуда ноқулай ва хижолатли ҳис қилиб, меҳмонларимнинг биридан менга ҳисобни тўлашда ёрдам беришни сўрашга мажбур бўлдим.

Менда бундай воқеалар жуда кўп, лекин менинг батафсил ҳикоямни тинглашни бошлашингиз учун қўлингизда етарлича рўмолчалар борлигига ишончим комил эмас. Лекин Худога шарафки, Исо орқали бизни таниганларнинг барчаси Худо томонидан дуо-баракаланган одамлар эканимизни тан олишга мажбур бўлдилар!

Икки ҳисса сизга тегишлидир, Исо – сизнинг шаббат оромингиз бўлиб, У сизнинг икки ҳиссангиздир. Агар сиз менинг олдинги китобларимдан бирини ўқиган бўлсангиз, Раббий буғу ови орқали Шоҳлик ҳақида менга кўп нарсаларни ўргатганини биласиз. Қолаверса, буғу ови эътиборимни Шоҳликка тортиш

**АГАР ХУДО СИЗГА
НИМАНИДИР
КЎРСАТСА, БУ
ҲАРКАТ ҚИЛИШ
ВАҚТИ КЕЛГАНИНИ
АНГЛАТМАЙДИ.
КЎПИНЧА, У ЙЎНАЛИШ
ВА ТАЙЁРГАРЛИККА
ВАҚТ БЕРИШ УЧУН
СИЗГА ҚАНДАЙДИР
НАРСАЛАРНИ
КЎРСАТАДИ.**

учун Худонинг бир воситаси бўлган. Авваллари мен кўп йил буғу овлаганман, бироқ уринишларим бефойда бўлган. Мен қанча вақт ва пул сарфламайин, барибир ўлжасиз, буғусиз қолаверардим. Ростини айтсам, мен ҳеч бўлмаганда бир марта ўқ отишга муваффақ бўлмаганман. Айнан шу йили кейинги буғу ови мавсуми ҳақида ўйлаганимда, Худо менга: “Мана шу йилда Мен қандай қилиб буғу овлашни сенга кўрсатишимга ижозат бер” – деди. Мен албатта, бу нимани англатишини мутлақо тушунмадим, аммо У мени чек олиб, пул миқдорининг ёнига: “1987-йилда буғу учун” деб ёзишга, сўнгра эса У менга кўрсатган бир хизматга юборишга ундади. У яна менга Дрендани чақириб, у билан бирга қўлларимизни бу чекнинг устига қўйиб, ибодатда Марк Хушхабаридидаги сўзларни эълон қилишимизни айтди:

“Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар” (Марк 11:24).

Қисқа қилиб айтганда, ўша йили мен мутлақо нотаниш жойга бориб, тахминан қирқ дақиқалар ичида ўз буғумни тутдим. Биз Дренда билан ушбу қадамларни сўнги қирқ йил давомида амалга ошириб келамиз ва ўшандан буён мен ҳар доим овнинг биринчи 30-40 дақиқалари ичида ўз буғумни қўлга киритаман. Мен мана шу йиллар давомида ов вақтида Худонинг ғайриоддий ишлар қилишини кўриб келаман ва Шоҳликнинг қонунлари ҳақида ўзим учун бир нечта сабоқларни олдим. (Ушбу барча ҳикоялар менинг “Имонга кўра ов қилиш” китобимда баён этилган).

Мен одатда Огайо штатидаги совуқ мавсумда қурол билан ов қилгандан кўра, ўрмонлар ёрқин рангларга бўялганда, иссиқ куз ойларида арбалет билан ов қилишни афзал кўраман. Бу штатда йилига олтитагача буғуларни ўлдиришга рухсат берилади, бу жуда ҳам кўп. Оиламни боқиш учун ҳеч қачон бунча кўп буғу тутмаганман. Уйимиздаги музлатгичда одатда йилига иккита-учта буғунинг гўшти бўлади. Мен сизга айтиб бермоқчи бўлганларимни

қадр-қимматига яраша қадрлашингиз учун, шунча йил давомида ов вақтида, ҳеч қачон бир дарахтдан, бир тонгда ёки бир оқшомда иккита буғу отишга муваффақ бўлмаганимни тушунишингиз керак. Айтганча, агар сиз овчи бўлмасангиз, ҳа, биз дарахтда ўтириб, арбалетдан отамиз. Одатда мен битта буғуни ўлдириб, ўрмондан чиқаман, эртаси кун у ерга қайтиб, яна бошқасини ўлдираман. Лекин бир кун кечки ов чоғида Раббий менга ниманидир ўргатмоқчи бўлди.

Ов қилиш учун ажойиб куз куни эди, ҳаво бироз булутли бўлиб, вақт-вақти билан майда ёмғир ёғарди. Бу якшанба куни кечки вақт эди ва мен эрталабки бир нечта хизматларни ўтказганимдан сўнг ўзимни бироз чарчаган ҳис қилдим, шунинг учун ўрмонга кетиш вақтини интиқлик билан кутар эдим. Дренда харид учун дўконга бормоқчи эди ва биз ўлжани музлатгичга қўйиш вақти келди деб қарор қилдик. Дренда машина томон кетганда, мен камуфляжимни тақиб, нарсаларни йиғиштирдим. У кетишга тайёр бўлган пайтда мен кўчага чиқдим. У машинани юргизиб, ойнани туширди ва менга: “Икки ҳисса” – деди. Гарчи у кейинроқ ўша вақтда бу сўзларни Раббийдан эшитиб, менга айтиш кераклигини ҳис этгани учун шундай қилганини тан олган бўлса-да, у нима учун бу сўзларни айтганини билмадим.

Биз ўша йили учта буғуга экдик ва бу ов мавсумининг биринчи куни эди. Мен уни тезгина ўпиб, унинг гапига қўшилишимни айтдим ва ўрмонга жўнаб кетдим. Мен ўзимнинг мулким бўлган ҳудудда ов қиламан, шунинг учун қаерга бориш кераклигини яхши билардим. Мен дарахтнинг устидаги пана жойга кўтарилганимда, бир неча бор бурғучани чалдим. Ўн беш дақиқадан сўнг, саккиз ўсиқ шохли баҳайбат эркак буғу югуриб чиқди, мен ўттиз беш метрдан отдим ва буғу меники бўлди. Бу ақл бовар қилмас эди! Мен пастга тушиб, эркак буғуга яқинлашдим, лекин Дренданинг “икки ҳисса” деб айтган сўзларини эсладим, шунда буғуни йиқилган жойда қолдирдим, ўзим эса дарахтимга қайтиб, пана жойга кирдим.

Мен ўйладимки, пастга тушиб, юрганим, сўнгра пана жойга

қайтиб, дарахтга чиққанимдаги бир жойдан бошқа жойга юрганым, шунингдек, шубҳасиз ҳамма жойга тарқалиб кетган хид туфайли табиий дунёда ов қилишга рухсат берилган охириги бир неча дақиқада яна бир буғуни ўлдирди имконияти кам деб ўйладим. Лекин мен ҳали дарахтда ўтирганимда, тахминан ўн беш дақиқадан сўнг, бошқа буғу тўғри унинг олдига келди ва мен уни битта аниқ ўқ билан ўлдирдим. Ажойиб, бир дарахтдан кетмакет иккита буғу. Илгари менда ҳеч қачон бунақаси бўлмаган. Бу ҳодиса менинг эътиборимни тортди ва мен бу Дренда айтган икки ҳисса эканини билардим.

Кейинги беш йил давомида худди ўша воқеа такрорланди. Ҳар сафар мен арбалет билан овга чиққанимда, бир неча дақиқалик танаффус билан бир дарахтдан иккита буғуни ўлдирардим. Мен бу ғайриоддий эканини билар эдим ва Худо менга яна Унинг Шоҳлиги ҳақидаги навбатдаги сабоқни бераётганини тушуниб, икки ҳисса тўғрисида фикрлай бошладим.

Мен ҳар доим қуролни яхши кўрганман, ва албатта, ов қилишни севаман. Менинг овда ишлатадиган милтиқлар тўплашим бор ва уларнинг барчаси менга жуда ёқади. Дренда иккаламизда 24 гектарлик ер-мулкимиз бўлиб, шундан 10 гектарини ўрмон ва 6 гектарини ботқоқлик эгаллайди. Ёзнинг қанчалик нам бўлишига қараб, ботқоқ кузда қуруқ ёки сувга тўла бўлиши мумкин.

Айнан ўша йили ёз етарли даражада ёмғирли бўлди, шунинг учун кузги ўрдаклар мавсуми келганида, ботқоқликда сув кўп эди. Ҳар йили ботқоқликда сув кўп бўлганида, ҳар доим унга ўрдаклар учиб келишади, бироқ ҳеч қачон мен уларга унчалик эътибор бермаганман. Аммо ўша йили сув жуда кўп бўлди ва ўрдаклар гала-гала бўлиб учиб келишди, шунинг учун мен қаршилик қилолмадим. Мен уларни илгари ҳеч қачон овламаган бўлсам ҳам, ботқоқликка тушиб, бироз қушлар отиб кўришга қарор қилдим. Ов ажойиб ўтди. Ўрдаклар кўп бўлди ва биз ўша йили уларни тез-тез кечки овқатга пиширдик.

Ўша йилги ўрдаклар ови чоғида кўпинча улар баландга, ўққа

тутиб бўлмайдиган масофага учиб келишларини пайқадим. Мен одатда қуён ва қирғовулларни овлаганимда оладиган ўзимнинг универсал милтиғимни ишлатар эдим, лекин ўрдаклар ўқ етмайдиган масофада учишарди, ўшанда мен ўрдак ови учун махсус ясалган янги турдаги милтиқлар ҳақида қаердадир эшитганимни эсладим. Бу милтиқдан йирик сочма ўқ отиш мумкин бўлиб, узоқроққа ўқ узиш имконини беради. Мен албатта, уни қидириб кўришим керак деб ўйлаганимни эслайман.

Шундай бўлдики, мен мавсум якунлангандан сўнг бир ой ўтгач, маҳаллий спорт моллари дўкониди бўлдим ва у ерда сувда сузувчи қушларни овлаш учун қуроллар тоифасидаги милтиқлар турган тоқчани кўрдим. Қуролнинг ўртача нархи 2000 доллар эди, мен харидни кейинроққа қолдиришга қарор қилдим, чунки қурол фақат ўн ойдан кейин ўрдак овига, янги мавсум очилганида керак бўлиши мумкин эди. Шу билан бирга, мен ўйлаб ҳам ўтирмасдан шундай сўзларни айтдим: “Раббий, шунақа қуролим бўлишини истардим”. Мен сўзларимга катта аҳамият бермасдан дўкондан чиқдим, лекин бир неча ҳафта ўтгач, савдо бўйича бир уюшма учрашувида маъруза ўқидим, бу жамоат йиғилиши эмас эди, бу оддий тижорат фирмасидаги савдо бўйича учрашув эди. Тақдиримнинг якунида раҳбар менга семинар учун миннатдорчилик билдириб: “Биз сизнинг чиқишингиз учун ўз миннатдорчилигимизни изҳор қилиб, сизга совға тақдим этмоқчимиз” – деди. Мен бизнинг учрашувимиздан бор-йўғи бир неча ҳафта олдин спорт моллари дўкониди кўрган худди ўша қуролни олиб чиққанда, мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Менинг “Раббий, шунақа қуролим бўлишини истардим” деган сўзларим ва ўтмишда кўп милтиқ совға қилганим менга шу ҳосилни келтирди.

Мен туркумнинг “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Розиликнинг кучи” номли биринчи китобида, у орқали ушбу милтиқни олган тамойил тўғрисида гапираман. Мен уни ўроқ тамойили деб атайман, у Марк Хушхабариди баён этилган (4:26-29). Агар сиз бу китобни ҳали ўқимаган бўлсангиз, унинг нуҳасини топишингизни маслаҳат бераман. Бу милтиқни қандай

қўлга киритганим, шубҳасиз ажойибдир, лекин аслида, шу билан боғлиқ ҳолда ёдимга тушадиган яна бир бошқа воқеага эътибор қаратмоқчиман.

Бир куни бу милтиқ менинг тўпламимда пайдо бўлганидан сўнг, мен ҳосилнинг қандай ҳаракатга келганини тушундим, ўзим эга бўлишни хоҳлаган қолган барча қуроллар ҳақида ўйлай бошладим. Ниҳоят, мен ўнлаб милтиқларни экдим, шунинг учун мен Шоҳликнинг қонунлари билан тажриба ўтказиш қизиқарли бўлади деб ўйладим. Менинг тўпламимда бўлмаган ягона милтиқ қўшоғизли милтиқ эди. Бу ажойиб қурол бўлиб, одатда арзон эмас. Шунинг учун мен: “Раббий, мен битта яхши қўшоғизли милтиғим бўлишини хоҳлар эким!” – дедим.

Тахминан бир ой ўтгач, хизмат бўйича ҳамкор қўнғироқ қилиб, менга қўшоғиз милтиқ совға қилмоқчилигини айтди. Мен жуда хурсанд бўлдим, ҳамкорим уни жўнатма орқали юборишини айтди. Бир неча кундан сўнг ҳақиқатан ҳам, иккита қўшоғиз милтиқ олдим, улар чиндан ажойиб эди! Мен иккита қўшоғиз милтиқ олганимга эътибор беринг. Мен: “Қойил!” – деб ўйладим. Сўнгра мен ҳамкоримга қўнғироқ қилиб, у менга юборган ажойиб совға учун унга миннатдорчилик билдирдим. У бир неча кундан сўнг менга яна иккита милтиқ юборди. Мен унга яна бир бор миннатдорчилик билдириш учун қўнғироқ қилганимда, у деди:

- Шахсан қўнғироқ қилиб, раҳмат айтганингиздан жуда таъсирланганимдан, мен сизга яна иккита қўшоғизли милтиқ совға қилмоқчиман.

Мен ушбу совғалардан ниҳоятда таъсирландим, лекин бундан ташқари, маълум бир андазани сеза бошладим. Ҳар сафар иккитадан милтиқми? Бу икки ҳиссага ўхшайди.

Тахминан икки ой олдин, мен эрталаб бир жамоатда семинар ўтказдим, кечқурун эса ўша шаҳардаги бошқа бир жамоатда таълим беришим керак эди. Эрталабки сессиядан сўнг бир киши менинг олдимга келиб, деди:

- Мен сизга ўзимнинг ажойиб ярим автомат браунинг милтиғимни юбормоқчиман.

Мен яна жуда хурсанд бўлдим. Қизиқ, бироқ худди ўша куни кечкурун бошқа жамоатда бошқа бир одам менинг олдимга келиб, деди:

- Мен сизга милтиқ совға қилмоқчиман.

Бу ажойиб янги Марлин 30/30 милтиғи бўлиб, мен ҳар доим ундан завқланганман, лекин у ҳеч қачон менинг тўпламимда бўлмаган. Мен яна ҳайратда қолдим, лекин гап икки ҳиссада эканини тушуна бошладим.

Бунинг яна содир бўлганига бор-йўғи бир неча ҳафта ўтди – менга бир кунда иккита милтиқ совға қилишди. Шубҳасиз, айтишим мумкинки, мен иккита милтиқ билан дуо қилинган одамман. Мен қандай воқеани айтсам ҳам, ҳар доим: “Бу қандай содир бўлди? – деб савол бераман. Албатта. Мен ўтмишда кўп милтиқ экканимни аввал ҳам айтгандим, лекин шу пайтгача ҳеч қачон: “Раббий, мен шуни истайман” – деб айтмагандим. Бу яна сиз билишингиз керак бўлган ўроқ тамойилидир. Лекин ўроқ тамойилидан ташқари мен аниқ ва тўғри икки ҳисса тамойилига тўхталиб ўтдим ҳамда буни қандай қилганимни, ҳеч шубҳасиз билишни хоҳлардим. Назаримда, Раббий менга бизларнинг кўпчилигимиз Шоҳликдаги ўрим-теримнинг ушбу муҳим жиҳатини назардан четда қолдиришимизни кўрсатди ва кейинги бобда мен ушбу мавзуга эътибор қаратаман. Лекин унга ўтишдан аввал, мен шунчаки сизга ўша йили кейин нима содир бўлганини айтиб беришим керак.

Мен почта жўнатмасидан милтиқларни олганимдан сўнг, қуйидаги воқеа – мен билан бўлган энг ажойиб воқеалардан бири содир бўлди. Бу воқеа икки ҳиссанинг намунаси бўлганига шубҳа йўқ эди. У менинг автомобилларим билан, айниқса, мен аввалги бобларнинг бирида сўзлаб берган менга совға қилинган марварид-оқ рангли “кадиллак” билан боғлиқ. Мен айтиб ўтганимдек, биз Дренда билан машиналарга қизиқмаймиз. Биз

машиналар юришдан тўхтаб ёки шунчаки ташқи кўринишини йўқотмагунча, уларни ҳайдаймиз.

Ушбу ҳикояда, шуни яна бир бор эслатиб ўтишим жоизки, Дренда ва мен илгари машиналар совға қилганмиз, лекин биз ҳеч қачон имонимизга, бу ҳадянинг самарасини кўриш аниқ талабини қўймаганмиз. Лекин сиз анжуманимиз вақтида ижарага олинган “кадиллак эскалейд” автомобилени ҳайдаб: “Бизга бу машина ёқади, ўзимизга шунақа машина олишимиз керак” – деб айтганимиз ҳақидаги ҳикоямизни эсласангиз, кимдир бизга қўнғироқ қилиб, бизга уни сотиб олиб бермоқчилигини мутлақо кутмаганмиз. Лекин, албатта, айнан шундай содир бўлди. Шубҳасиз, биз шунақа машина хоҳлаётганимизни ҳеч кимга айтмаган эдик. Шундай қилиб, мен сизга аввал айтганимдек, бизда “эскалейд”нинг марварид-оқ рангли калта нусхаси пайдо бўлди, у чиройли эди ва ҳозир ҳам чиройли. У менга ёқади.

Лекин бу ҳикояда ўтган ёзда содир бўлган янада ҳайратланарли қўшимча бор. Ўтган ёзнинг бошида биз “кадиллак-эскалейд”ни ҳайдаганимизга тахминан бир ярим йил бўлган эди ва бир кун мен двигател ҳисоблаш чироғи ёнганини пайқадим. Мен буни кичик муаммо деб ўйладим, лекин барибир унга эътибор қаратишга қарор қилдим, шу сабабли сотувчидан двигателни текширишни сўрадим. Менга умуман ҳеч қандай муаммо йўқлигини айтишди. Двигателнинг кўрсаткичи газ ишлаб

**МЕН ПОДШОҲНИ ВА
УНИНГ ШОҲЛИГИНИ
ИЗЛАЙМАН, ЛЕКИН
МЕН ШОҲЛИҚДА
ЕТАРЛИ БЎЛГАНДАН
КЎРА КЎПРОҒИНИ
– ИККИ ҲИССАНИ
ТОПАМАН!**

чиқаришида оз миқдордаги мойни аниқлади, аммо бу хавотир туғдириши керак бўлмаган нарса эди. Двигател менга бу машинада қанча юрсам, шунча хизмат қилади. Мен нима учун у мойни аниқлаганини сўрадим. Менинг машинамнинг моделида махсус газ ишлаб чиқариш тизими ўрнатилган бўлиб, улар бу кўрсаткич ёнганининг сабаби бўлиши мумкин

деб ўйладилар. Сўнг улар двигател билан ҳаммаси жойида эканига, мен хотиржам бўлишим ва бу машина менга узоқ хизмат қилишига ишончим комил бўлишига қайта ишонтирдилар.

Бир куни менга ушбу машинани совға қилган киши билан суҳбатлашганимизда, мен дуч келган кўрсаткич билан боғлиқ муаммони тилга олди. У деди:

- Ҳа, мен бошқа “жи-эм-си” автомобилларининг баъзиларида ҳам шунга ўхшаш муаммога дуч келганман. Айтганча, бу айниқса аввалги моделлар учун хосдир.

Кейин у бу машинага ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги кераклигини ва мен уни яна ўн йил ёки ундан кўпроқ муаммосиз бошқаришим мумкинлигини кўшимча қилди.

У Дренда ва менинг Флоридада уйимиз борлигини билар эди, биз уни бу суҳбатимиздан олдинроқ сотиб олганмиз. У менга шундай деб айтганида, ҳайратда қолдим:

- Биласизми, бу машинани Флорида бўйлаб сафарлар учун қолдилинг, мен эса сизга шу ерда, Огайода юришингиз учун янгисини совға қиламан.

Ҳа, энди менда иккита марварид-оқ рангли калта нусхали “кадиллак эскалейд” автомобил бор, биринчи машинанинг ҳар замонда ёнадиган кўрсаткичини ҳисобга олмаганда, иккаласи ҳам ҳар томонлама мукамал. Уларнинг иккаласи ҳам мутлақо ажойиб машиналар. Бу яна “Сиз буни кўрдингизми?” деб номланган лаҳзалардан бири эди. Биз бу ажойиб машиналарни ҳайдаганимизда, Дренда иккаламиз баъзан бир-биримизни чимчиб кўришимиз керак бўлади. Биз уларнинг ҳеч бирига пул тўламаганмиз. Аммо ушбу ҳолатда бу икки ҳисса эканини аниқ билар эдик.

Мен бу ҳикояларни мақтаниш учун айтаётганим йўқ, лекин дўстим, мен бахтлиман! Мен икки ҳиссадан хурсандман, энди сиз бу етарли бўлгандан кўра кўпроғини англатишини биласиз.

Менинг қурол учун пўлат сандиғим етарли бўлгандан кўра кўпроқ милтиқлар билан тўла. Менда ўзим ҳеч қанча тўламаган иккита бир хил “кадиллак эскалейд” автомобилларим бор. Ўйлайманки, сиз бу етарли бўлгандан кўра кўпроқ эканига қўшиласиз! Мен сизни моддий қадриятлар ортидан қувишга сира ҳам ундаганим йўқ, гап унда эмас. Мен нарсаларга ёпишиб олганим йўқ, моддий бойликка сажда қилмайман ва унга интирмайман. Мен Подшоҳни ва Унинг Шоҳлигини излайман, лекин мен Шоҳликда етарли бўлгандан кўра кўпроғини – икки ҳиссани топаман!

Шошмай туринг, бу менинг Худонинг эзгулиги ва икки ҳисса ҳақидаги гувоҳлигимнинг охири эмас.

Менинг хотиним сўнги йигирма йил, уммон бўйида уй олишни хоҳлар эди. Йўқ, бошқачароқ айтаман. У шундай уйни ҳар доим хоҳлаган! У уммонни жуда севади. Умуман олганда, у кўп йиллар уммон бўйидаги уйларга қараб юрган. Бир кун унга ёққан бир уй сотувда пайдо бўлди, лекин бизга хизмат лойиҳалари учун пул керак эди ва биз уй харидини кейинга қолдиришимизга тўғри келди. Мен ўша йили ертўлада велосипед тренажёрида машқ қилиш чоғида, уйда ибодат қилдим. Тўсатдан, Раббий менга жуда ғайриоддий тарзда гапирди:

- Дрендага Флоридага, уй сотиб олишни истаган шаҳарга боришини айт, у бу ҳафта уммон бўйидаги уйни сотиб олиши керак.

Оҳо, шу ҳафтами? Мен буни эшитганимда, руҳимда кучли шодликни ҳис қилдим. Шунинг учун мен Дрендага Раббий менга айтган ҳамма нарсани етказдим ва биз ўша шаҳарда яшовчи бир дугонасига мурожаат қилиб, бир неча кун давомида Дрендани уйларни кўришга олиб боришини илтимос қилдик. Дугонаси буни қилишдан хурсанд бўлишини айтди.

Сўнгра Дренда интернетга кириб, ўзи кўрмоқчи бўлган тахминан йигирма бешга яқин уйларнинг рўйхатини тузди. Флоридада рўйхатни йигирма бештадан бештагача, бизга тўғри келадиган уйга қисқартирди ва ўзига кўпроқ ёққан бир уйни

белгилаб қўйди. Сўнгра у менга мана шу бешта ўйни, айниқса, унга ёққан бир ўйни кўрсатиши учун унинг олдига учдим. Биз бешта ўйдан иккитасини – унга ёққан ўйни ва бошқа чиройли, лекин у даражада чиройли бўлмаган ўйни танладик. Унга ёққан ўйни кўрганимда, унда Дренданинг дидини дарҳол англаганимни тан оламан ва биз унга сўров юбордик. Уйнинг эгаси сўровни қабул қилди ва биз янги ўйимизни сотиб олиш учун ҳужжатларни расмийлаштира бошладик.

Бир неча ҳафта ўтгач, биз Огайодаги ўйимизда шунчаки дам олиб ўтирганимизда, Дренда ҳайратланиб деди:

– Бу менинг ўйимку!

Мен унга жавоб бериб, дедим:

Бу сенинг ўйинг эканини биламан. Худо менга сени у ерга юборган ўша ҳафтада уммон бўйида сенга ўй сотиб олишим кераклигини айтди.

Йўқ, сен тушунмаяпсан. Бу менинг ўйим, – деди у.

Сўнгра у бир неча йил кетма-кет ўша ҳудудда ўй қидирганини ва бир кўни кўчмас мулк каталогига биз ҳозир сотиб олган мана шу ўйнинг фотосуратини кўрганини тушунтирди. Уй унга жуда ҳам ёққан. Унга уйдаги ҳамма нарса: испанча ўрта ер денгиз меъморий услуби, тартиби, жойлашуви, ҳамма нарса ёққан. У мана шу фотосуратнинг устига бармоғини қўйиб: “Раббий, мен мана шу ўйни хоҳлайман!” – деб айтганини ёдга олди. Лекин бу ўй жуда қиммат туришини билар эди ва биз, аллақачон бошқа лойиҳаларга нақд пул киритган эдик, шунинг учун ўша пайтда биз учун қулайроқ бўлган бошқа ўйларни кўришда давом этган. Лекин унга бошқа ўйлар ёқмади ва сотиб олишгача борилмади. Шунчаки ўй борасида юрагимизда тинчлик йўқ эди.

Яна шуни айтишим керакки, бундан икки йил аввал биз уммон соҳилидаги пляж яқинида бўлган ўй учун уруғ эккан эдик. Биз ўшанда бу шаҳарда пляж яқинида, аллақачон ўйимиз борлигини қабул қилган эдик, биз ўйни у учун эккан кўнимизда олдик. Биз

қўл ушлашиб, Дренданинг уммон соҳилидаги пляж яқинида уйи борлигига розилик билдирган ўша жойни ва лаҳзани аниқ эсламан. Энди биз, алақачон шартномани имзолаганимизда, Дренда бирдан икки йил аввал кўрган манзарани эслади ва бу худди ўша уй, унинг уйи эканини тушунди!

Биз бу уйнинг тарихини ўрганиб чиқиб, уйнинг эгаси ушбу уйни бир неча йил олдин сотишга уринганини, лекин бунинг имконини қилолмасдан, уйни сотувдан олганини аниқладик. Дренда айнан ўша пайтда бу уйнинг суратини кўчмас мулк каталогига кўриб қолган. Аммо уйнинг эгаси уйни яна сотувга қўйишга қарор қилган ва нима учун мен Дрендани зудлик билан уммонга юборишим кераклигини ҳис қилганим ва: “Сен шу ҳафта уй сотиб олишинг керак” – деган сўзларни эшитганим бизга тушунарли бўлди. Одатда мен пуллардан бунчалар осон ажралмаслигимни Дренда сизларга тасдиқлайди. Вақт ҳамма нарсани ҳал қилади. Бу сафар бирорта ҳам лойиҳаларга тикилмаган ортиқча пулларим бор эди, шунинг учун уй сотиб олишим мумкин эди. Кўп одам бу уйни кўрганига ишончим комил, шунинг учун тезроқ ҳаракат қилиш зарур эди. Ажабланарлиси, икки йил давомида нарх кўтарилмаган, уй Дренда уни ўша пайтда илк маротаба кўрганидек эди. Худо уни Дренда учун ушлаб турган деб ўйлайман!

Аммо бу воқеанинг икки ҳисса билан боғлиқ давоми бор. Биз уйимиз учун шартнома расмийлаштирилишини кутаётган чоғимизда, Дренданинг онаси бизга қўнғироқ қилди. Уларнинг Канадада уйи бўлиб, ўттиз икки йилдан буён унга эгалик қилишарди. Биз мана шу йиллар давомида у жойда бир неча марта бўлганмиз ҳамда уйнинг ўзи ва жойлашув ўрни бизга жуда ёқарди. Уй сув бўйидаги оролда эди. Боз устига, орқа айвондан ўн метр узоқликда уммон бор эди. Дренданинг ота-онаси кексайиб қолиб, жуда узоқда жойлашган уйга қарашга ва уни сақлаб қолиш учун харажатларни тўлашга ортиқ кучлари етмаслигига қарор қилишди. Улар бизга мурожаат қилиб, уни сотиб олишни таклиф қилдилар, мен бунга рад жавобини бердим. Бу жой Огайодан ўттиз бир соатлик масофада эди, шунинг учун у менга ёққанига

қарамасдан, мен бу ўйни сотиб олишдан маъно кўрмадим, чунки у ерга тез-тез бора олмасдим. Шу сабабли, ота-онаси ўйни сотиш учун кўчмас мулк агентлигига мурожаат қилишди, бироқ икки йил давомида бирорта ҳам харидор унга жиддий қизиқиш билдирмади.

Биз уммон соҳилидаги пляж яқинида бўлган уй учун битимнинг расмийлаштирилишини кутаётган чоғимизда, ота-онаси кўнғироқ қилиб, шунча вақт давомида уйларини сотишга уринишлари беҳуда бўлганини, шунинг учун биз уларнинг ўйини сотиб олишни истасак, нархни икки баравар камайтиришга тайёрлигини, шу тарзда, ўйни оилада қолдиришни тушунтирдилар. Мен бу таклиф хусусида ўйлай бошладим, менинг фарзандларим ўша ерда улғайишган, жойнинг ўзи ҳам гўзал эди. Шундай қилиб, биз Дренда билан ибодат қилиб, ўйни сотиб олишга рози бўлдик. Бизда уй учун тўлашга етарлича маблағимиз ҳам бор эди. Бундан ташқари, бир йил олдин ширкатим учун самолёт олган эдик, биз у ерга машинада ўттиз бир соат юриб боришнинг ўрнига, самолётда беш соат ичида учиб боришимиз мумкин эди. Шундай қилиб, энди у ерга етиб бориш анча қулайроқ бўлди.

Бир куни олди-сотди шартномасини расмийлаштирганимиздан сўнг, офисда ўтирган эдим ва тўсатдан менинг миямга бир фикр келиб қолди: “Бир дақиқа, ахир, бу икки ҳиссаку!” Менинг хотиним кўп йиллардан буюн уммон соҳилидаги уй ҳақида орзу қилиб келган. Энди у икки ой давомида Қўшма Штатларнинг жанубий қисмида битта уй олди, аммо ёзда узоқ вақт қолиш учун у жой жуда иссиқ эди. Иккинчи уй жойлашган Канадада эса,

**ИККИ ҲИССА
ФАҚАТГИНА БИР
ТУРДАГИ ИККИТА
НАРСА БИЛАН
ЧЕГАРАЛАНГАН
ДЕБ ЎЙЛАМАНГ.
ДАРҲАҚИҚАТ, ИККИ
ҲИССА ЕТАРЛИ
БЎЛГАНДАН КЎРА
КЎПРОҚ ҲИСОБДА,
НИМАГАДИР ЭГА
БЎЛИШНИ АНГЛАТАДИ.**

ёзда ҳарорат ажойиб бўлиб, қишда эса ниҳоятда совуқ эди. Энди унинг уммон соҳилида иккала мавсум учун ҳам уйи борлигини англадик. Ажойиб! Иккала битимлар расмийлаштирилганда, албатта, биз бир-биримизга: “Сен буни кўрдингми?” – дедик. Бу ерда икки ҳиссанинг ҳиди келаётганига ва ҳамма нарса унга ишора қилаётганига қўшиласиз деб ўйлайман. Ҳайратланарли!

Биз икки ҳиссани ҳаракатда аниқ кўра олишимиз учун Худо Дренда билан бизга, бир турдаги иккита нарса тақдим қилганининг бир нечта мисолларини келтирдим. Бироқ мен икки ҳисса фақатгина бир турдаги иккита нарса билан чегараланган деб ўйламаслигингизга ишонч ҳосил қилмоқчиман. Дарҳақиқат, икки ҳисса етарли бўлганидан кўра кўпроқ ҳисобда нимагадир эга бўлишни англатади. Худо менинг диққатимни икки ҳиссага тортиш учун бир турдаги иккита нарса ҳақидаги жудаям аниқ мисоллардан фойдаланган. Шу сабабли, нима бўлишидан қатъий назар, унга мўл-кўлчиликда эга бўлиш икки ҳиссани англатади. Сиз икки ҳисса ва шаббат ороми ҳақиқатини англаб олдингиз деб умид қиламан. Шоҳликда ҳаёт ажойибдир! Ҳозир мен бу бобни ёзаётганимда, Канададаги уйимизда ўтириб, деразадан уммонга қарамоқдаман. Чайка ва ўрдаклар уйимиздан атиги йигирма метр нарида қирғоқ бўйлаб сайр қилиб юришибди. Мен тинчликни ҳис қилмоқдаман, ҳеч қандай азоблар йўқ, ҳаммаси учун тўланган ва бу дуо-баракадир. Мен топшириқни бажармоқдаман, Отамнинг Шоҳлиги ҳақидаги Эзгу хабарни бўлишаман, мен Унинг уйидаги ўғилман, Унинг буюк Шоҳлигининг фуқаросиман ва мен икки ҳиссадан баҳраманд бўлмоқдаман!

Биз Дренда билан Худонинг Шоҳлиги ва унда бизнинг ҳаётимизга, шунингдек, бизга ўз ҳикояларини электрон почта орқали юборилган, минглаб инсонларнинг ҳаётига таъсир кўрсатган ҳаракатланувчи қонунлар ҳақидаги кўп воқеаларни ёзишимиз мумкин эди. Мен аввал айтганимдек, сиз барчаси ҳақида Муқаддас Китобда ўқишингиз мумкин, бироқ Муқаддас Китоб бизнинг кўз ўнгимизда амалга ошираётганини кўриш нақадар ажойиб.

Яна бир эслатмани қўшимча қилмоқчиман. Худо Дренда билан бизни қандай дуо қилгани ва биз амалга ошираётган саёҳат ҳақида сўзлаб бериш, мен учун етарлича қалтис бўлган ишдир. Одамлар кўпинча бунинг нотўғри қабул қилишади. Баъзан биз уларга мағрур ёқи мақтанаётгандек кўринамиз. Ёки улар биз уларнинг ушр ёки назрларини олиб, ўзига сарфлайди деб ўйлайдилар. Илтимос, тушунинг, биз Дренда билан бизнинг теледастурларимиздан тушган даромаддан ўзимизга пул олмаймиз ва материалларимиз сотувидан тушган пулларни ўзимизга олмаймиз. Ҳа, биз чўпон бўлиб хизмат қилаётган жамоатимизда, албатта маош оламиз. Аммо бизнинг шахсий бизнесимиз бор ва ҳар доим бўлган ҳамда Худо уни дуо қилмоқда. Шунчаки биз баҳам кўраётган ушбу шахсий ҳикоялар орқали юракларимизни сизга очмоқчиман. Мен сизга, аслида нима содир бўлаётганини ва Худо ушбу ҳодисалар орқали бизга нимани ўргатганини сўзлаб беришим кераклигини ҳис қилдим. Шунчаки Дренда ва Гари Кисига тегишли бўлган натижаларни сизлар билан бўлишмоқдаман, биз мукамал инсонлар эмасмиз! Ҳаётда биз кўраётган ва роҳатланаётган нарсалар бизнинг ҳаётимиздаги Ота ва Унинг Шоҳлигининг ишининг самарасидир. Биз бу ҳикояларни баҳам кўраемиз, чунки уларни тушунишингизни хоҳлаймиз! Тушунинг, биз ҳеч ким эдик ва мен бу китобни ягона сабабга кўра ёзаяпман. Бунинг қандай ишлашини билишингизни ва Худода, шунингдек, сиз учун ҳам бор бўлган барча нарсаларни тушунишингизни ва олишингизни истаيمان.

Камбағалликдан бутун жоним билан нафратланишимни тушунинг. Доимий босим ва қўрқувдаги ўша тўққиз йиллик ҳаётим, том маънода ердаги чинакам дўзах эди! Шаббат ороми худди менга тегишли бўлганидек, сизга ҳам тегишли экани ёдингизда деб умид қиламан! Мен кейинги бобда шаббат оромига қандай киришни тушунишингизга ёрдам бермоқчиман.

Ушбу бобга яна биргина эслатма қўшимча қиламан. Мен олдинги гапни ёзиб тугатганимда, офисга менинг котибам кириб, менга қўти келтиришганини айтди. Мен қизиқиб қолиб, уни

очдим. Ичида иккита ажойиб қурол борлиги маълум бўлди. Мана рағбат! Бу ерда ёзганларимнинг барчасига, Худо худди, Ўзининг “Омин” ини айтгандек бўлди.

Ушбу китоб дунёга келиб, мен босма нусхаларнинг биринчи тўпламини олганимдан сўнг, Атлантадаги бизнинг Revolution (“Ўзгариш”) номли анжуманимизда ушбу тамойилларни иштиёқ билан ўргатганман. Ўзимнинг янги китобимни барча иштирокчиларга мамнуният билан тақдим этдим. Мен саҳнага сўзга чиқиш учун тайёрланаётганимда, котиба мени чақириб, менга биринчи иккита милтиқ совға қилган жаноб қўнғироқ қилганини ва у дарҳол мен билан гаплашмоқчи эканини айтди. Мен дарҳол унга қўнғироқ қилдим. У менинг қўнғироғимдан жуда хурсанд бўлди ва менга яна иккита милтиқ юбориш учун ҳозиргина “Юпиэс” ширкатининг офисида бўлганини тушунтирди! Бундан ташқари, у Дрендага ҳам милтиқ юборди, лекин унинг ов қилмаслигини билгани сабабли унга юз долларлик банкнотларда 1500 доллар юборди. Мен ҳайратда қолдим. Худо яна бир бор мени ишимда руҳлантириб, менга давом этишимни айтганини ҳис қилдим. Одамлар бу ҳақида билиши керак, Худо сиз буни билишингизни истайди! Хуллас, мен уйга келганимда, ҳаяжон билан жўнатмани очдим. Биз Дренда билан янги энг ажойиб икки ўқли браунинг милтиқларини олдик. Бундан ташқари мен 20 калибрли браунинг голд ярим автомат ов милтиғини олдим, Дренда эса, албатта, ўзининг 1500 долларини олди. Икки ҳисса!

Эҳтимол, сиз бунчалик кўп милтиқлар нимага керак деб ўйлаётгандирсиз. Тан олишим керакки, ҳозир менда ҳақиқатан ҳам ажойиб, боз устига, арзон бўлмаган қуролларнинг жуда катта тўплами бор ва мен ҳам худди шу саволни бердим. Худо менга шу тарзда, Ўзининг манбалари нақадар буюк эканини ва Унинг таъминоти менинг барча кутганларимдан ортиқ бўлишини ҳамда бу фақатгина тирикчилик қилиш учун зарур бўлган нарсалардан анча кўпроқ эканини кўрсатишни хоҳлаганини очди. Мен буни оламан! Мен буни кўряпман!

ИККИ ҲИССАНИНГ СИРИ

Мен, аллақачон шуббат куни нима экани ва у икки ҳисса туфайли қандай имконли бўлиши ҳақида сўзлаб бердим. Сизни бир савол қизиқтириши керак: “Қандай қилиб, икки ҳиссани олсам бўлади?” Хўш, бу саволни бераётгангиздан хурсандман! Бу саволга жавоб топиш учун, келинг, Исо 5000 кишини бешта нон ва иккита балиқ билан тўйдирган ҳикояга қайтайлик.

Анча вақт ўтганидан сўнг шогирдлари Унинг олдига келиб, Унга: —Бу ер овлоқ жой, қун эса кеч бўлди, — дедилар, — уларни қўйиб юбор, токи улар атрофдаги жойларга ва қишлоқларга бориб, ўзларига нон сотиб олсинлар, зеро уларнинг ейишлари учун ҳеч нарсалари йўқ.

Исо уларга жавоб бериб: —Сизлар уларга овқат беринглар! — деди. Улар эса Унга: —Наҳот биз бориб, икки минг динорга нон сотиб олиб, уларга ейишга берсак? — дедилар.

У уларга: —Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар, — деди.

Улар билганларидан сўнг: —Бешта нон ва иккита балиқ, — дедилар.

Шунда Исо шогирдларига ҳаммани яшил ўт устига гуруҳ-гуруҳ қилиб ўтирғизишни буюрди. Улар юз нафардан ва эллик нафардан қатор бўлиб ўтирдилар. У бешта нон ва иккита балиқни олиб, осмонга қараб дуо қилди ва халққа беришлари учун шогирдларига бўлиб берди. Шунингдек, иккита балиқни ҳам ҳаммага бўлиб берди. Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар. Шогирдлари эса ўн икки сават тўла нон ва балиқнинг қолганини йиғиб олдилар. Нон еганларнинг сони чамаси беш минг эркак эди.

– Марк 6:35-44

Биз бу воқеа ҳақида аввалроқ гаплашган эдик, аммо бу жойда икки ҳисса тўғрисидаги ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган бир нечта йўл-йўриқ мавжуд. Исо ушбу воқеада ғайритабиий равишда нон ва балиқни кўпайтирди ва одамлар тўйгунча едилар. Тахминимча, 20000га яқин одам, жумладан, аёллар ва болалар бор эди ва шунча одам бешта нон

**ШУНЧАКИ ҚОНИҚИШ
ЁКИ ТЎЙИШГА
ИНТИЛИШДАН КЎРА,
ЯШАШНИНГ ЯХШИРОҚ
ЙЎЛИ БОР. ҚОНИҚИШ
ДУНЁҚАРАШИ
БИЛАН КЎП НАРСА
ҚУРИШНИНГ
ИМКОНИ ЙЎҚ. ФАҚАТ
БУГУНГИ КУНГА
ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ
ВАҲИЙНИ ТЎЙГАНЛИК
ДАРАЖАСИ БИЛАН
ЧЕКЛАЙДИ.**

ва иккита балиқни тўйгунча ейишлари – албатта, Худо қўлининг ишидир. Бунинг учун биз Худонинг Шоҳлигини ва унинг ҳаракат қилиш йўлини улуғлашимиз мумкин. Лекин одамларнинг тўйдирилиши – бу содир бўлган воқеанинг тўлиқ тасвири эмас, агар сиз мана шунда тўхтасангиз, икки ҳиссани қўлдан бой берасиз. Келинг, бироз чуқурроқ кўздан кечирамиз.

Шунчаки қониқиш ёки тўйишга интилишдан кўра, яшашнинг яхшироқ йўли бор. Қониқиш дунёқараши билан кўп нарса қуришнинг имкони йўқ. Фақат бугунги кунга эътибор қаратиш ваҳийни тўйганлик даражаси билан чеклайди.

“Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар. Шогирдлари эса ўн икки сават тўла нон ва балиқнинг қолганини йиғиб олдилар. Нон еганларнинг сони чамаси беш минг эркак эди”.

Бу матн бизга нима ҳақида гапиради? Ҳамма еб тўйганидан сўнг, нон ва балиқ бўлаклари тўла ўн иккита сават йиғилгани ҳақида айтади. Икки ҳиссанинг таърифи – бу етарли бўлганидан кўра кўпроғига эга бўлишдир. Етарлича – бу тўйиш учун етарлича бўлишни англатади, одамлар еб тўйгандан сўнг қолган ўн иккита саватлар эса, икки ҳисса бўлиб, етарли бўлгандан кўра кўпроғидир. Илтимос, бу фарқ сизнинг онгингизда бироз илдиз отишига имкон беринг. Мен сизнинг бошингизда етарлилик ва икки ҳисса тўғрисида аниқ тасаввур шаклланишини истайман. Бу воқеанинг биринчи қисмини амалга ошириш учун Исо ушбу вазиятда Шоҳликнинг кучидан қандай фойдалангани ҳақида чуқурроқ гапиришга вақтим йўқ – 5000 киши еб тўйган. Лекин сиз ушбу туркумнинг “Сизнинг молиявий ўзгаришингиз. Розиликнинг кучи” номли биринчи китобида тўлиқ тушунчани топишингиз мумкин.

Бунинг ўрнига мен икки ҳиссага, ҳаддан ташқари тўйишга ва ушбу воқеада бунинг қандай содир бўлганига эътибор қаратмоқчиман. Ҳа, бу ажойиб воқеа – 20000 киши тўйди, ана буниси қойил! Лекин Худонинг Шоҳлигида шунчаки тўйишдан кўра каттароқ нарса бор, албатта, сиз ҳаддан ортиқ тўйиб кетишингиздан олдин, тўйишингиз керак. Тўйиш, қониқиш – бу ажойиб, лекин эртагачи? Айтмоқчи бўлганим шуки, агар мақсад фақат тўйиш бўлса, унда яна оч қолганингизда нима бўлади? Кўплаб масиҳийлар тўйганлик ҳолатидадирлар, лекин икки ҳиссани қўлдан бой берадилар. Айнан икки ҳисса Раббийнинг шаббатини олиб келади. Тўйганлик – бу бор-йўғи вақтинчалик ечимдир. У таъминот муаммосини ҳал қилмайди. Ҳатто, сиз ҳозир оч бўлмасангизда, яна оч қолишингизни билиш қўрқувга эшик очади, сизни (югуришга) қочишга ва тирикчилик қилиш ҳақидаги фикрлар билан меҳнат қилишга мажбурлайди. Йўқ, шунчаки

қониқиш ёки тўйишга интилишдан кўра, яшашнинг яхшироқ йўли бор. Қониқиш дунёқараши билан кўп нарса қуришнинг имкони йўқ. Фақат бугунги кунга эътибор қаратиш ваҳийни тўйганлик даражаси билан чеклайди. Шундай қилиб, тўйиш мақсадига эга бўлиш – қора терга ботиб, оғир меҳнат қилишнинг ердаги лаънатга ботган тизимида, аввалгидек тирикчилик қилиш мақсадига эга бўлишни англатади.

Тўйишга чанқоқ бўлган киши бир кунгина тўяди, икки ҳисса эртанги кунни яратади!

Маданий соҳада, шунингдек, жамоатнинг катта қисмида фикрлашнинг мисолини келтиришимга ижозат берсангиз. Ҳар қандай одамдан молиявий аҳволи қандайлигини сўранг ва сиз эҳтимол, унчалик яхши бўлмаган кўплаб жавобларни оласиз. Аммо бирор кишидан: “Бизда ҳаммаси аъло” - деган ижобий жавоб олсангиз, улардан: “Уйингиз учун тўлаб бўлганингизга анча бўлдими? – деб сўранг. Эҳтимол, улар сизга ҳайрат билан термулиб: “Хўш, биз ҳали уй пулини тўлаб бўлмаганмиз. Биз шунчаки ҳамма тўловларимизни тўлаётганимизни ва банкда бироз жамғармамиз борлигини назарда тутган эдик” – деб айтадилар. “Ажойиб! – дея ҳайқирасиз. – Сизларда ҳақиқатан ҳам, ҳаммаси яхши. Айтингчи, банкда 10000 доллардан ортиқ пулингиз борми?” Менимча, албатта, кимдир бундай савол бериши даргумон, лекин сиз сўраганингизда ва улар жавоб беришганда, жавоб тахминан қуйидагича бўлган бўларди: “Йўқ, лекин бизда 800 доллар бор”. Бу одамлар молиявий жиҳатдан уларда ҳаммаси жойида деб жиддий ўйлашади, чунки уларнинг яхши машинаси, яхши уйи ва банкда бироз пуллари бор. Улар тўйганликка асосланган ҳаёт тарзини воизлик қилишади. Лекин банкда 10000 доллар ёки яхшиси 500000 доллари бўлиб, уйга тўлови яқунланган бўлиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу аксарият одамлар учун ҳаётнинг етарли бўлган тасвиридан кўпроғи бўлган бўлар эди. Қониққанлик – бу ажойиб ва зарурдир, бироқ озик-овқат заҳирасида ўн икки сават нон ва балиққа эга бўлиш – бу етарли бўлгандан кўра кўпроқдир ва мана шунда ором бор!

Бир куни мен мижоз билан ўтириб, у билан унинг молиявий масалаларини муҳокама қилдим. Мен унинг қарзларини таҳлил қилдим, унинг кредит картаси бўйича қирқ минг доллар қарздорлиги бор эди. Унинг активларини кўздан кечирар эканман, унинг ҳисоб рақамида тахминан 40000 доллар борлигини кўрдим. “Жо, - дедим мен, - бу ахир, жуда осонку. Сизда учта кредит картангиз бўйича тўлиқ тўлаш учун пулингиз бор. Кредитларингизни тўланг!” Лекин биласизми нима? Жо бундай қилишни истамаслигини айтди. Мен тушунмай қолиб, ундан нима учунлигини сўраддим. У ҳисоб рақамида пулга эга бўлган ҳолда, ўзини хавфсизликда ва молиявий жиҳатдан бадавлатроқ ҳис қилишини айтди. Мен шунчаки унга қарадим. “Бусиз ўзимни бадавлат ҳис қилишимга имкон беради деб айтганингизда, нимани назарда тутаяпсиз? Бу хом хаёл. Гарчи сизнинг ҳисоб рақамингизда 40000 доллар бўлса ҳам, аслида сизда 40000 доллар йўқ, чунки сиз 40000 доллар қарзсиз. Сизнинг тасаввурингиз нотўғри ва сиз бу янглиш фикр учун катта пул тўлайсиз”.

Бир соатча суҳбатлашдик ва ҳеч бўлмаганда, ўз ҳисоб рақамидаги мавжуд пулнинг катта қисмини уни қаттиқ меҳнат қилишга мажбур қиладиган қарзни сўндиришга қаратиш ҳақида нима учун ўйлаб кўриши кераклигини тушуна олмади. Яна бир соатлик тушунтиришлардан сўнг мен таслим бўлдим ва уйга кетдим. У адашган эди, у бу пулларни ўз ҳисоб рақамида сақлаб қолишга уриниб, ўзини ҳеч қандай хавфсизлик билан таъминламаган эди. Оҳ, банкда 40000 доллари борлиги кўрсатилган кўчирма қоғоз почта орқали келганида, унга ёқимли бўлганини биламан. Лекин ўзининг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳақиқий тасаввурга эга бўлиш учун у кредит карталари бўйича ҳам кўчирма қоғозларига қараши керак эди.

Қониққанлик – бу ажойиб, лекин у сизда ёлғон хавфсизлик ҳиссини пайдо қилиши мумкин. Бироз олдинга назар солиб, сиз ҳозиргина еган нарсангиз, бир неча соатдан кейин юзага келадиган эҳтиёжингизни таъминлай олмаслигини тушунишингиз керак. Сиз яна оч қоласиз. Агар сиз фақат тезроқ ечимни, эҳтиёжларингизни тез қондирилишини изласангиз, сизнинг ҳаётингизни чиндан ўзгартириши мумкин бўлган ягона нарса – икки ҳиссани қўлдан бой берасиз.

Биз ердаги лаънатга ботган молиявий тизимда, қора терга ботган оғир меҳнатда ўсганимизда, биз бир нарса ҳақида – тўхташ ҳақида орзу қилганмиз! Мен бу ҳақда аввалги бобда айтиб ўтган эдим. Биз катта ҳажмдаги иш ёки бошқа имкониятлар ҳақида орзу қилмаганмиз, чунки, очиғини айтганда, биз аллақачон ҳаётдан чарчаган ва кейинги таътилгача шунчаки чидаб туришга ҳаракат қилар эдик. Кўряпсизми, қуллар янада кўпроқ ишлашни орзу қилмайдилар. Қуллар бир нарсани – душанба тонгини эмас, балки жума оқшомини орзу қиладилар. Нима учун? Чунки қуллар фақат бир нарсани – тўхташни орзу қилишади. Қулоқ солинг, “Мен бас қилиш учун кута олмайман” дейдиган тоифадаги, ишга кўмилиб кетган одамнинг фикрлаш тарзи, сизни ҳеч қаерга олиб бормади. Ҳатто, фаришта сизнинг ётоқхонангизга кириб, сиз билан Худодан бўлган ғоялар билан бўлишса ҳам, сизнинг дунёқарашингиз барибир сизга халақит беради. Буни ёзиб қўйинг.

ИККИ ҲИССАНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ УЧУН СИЗ ТЎЙИШГА ЭЪТИБОР БЕРМАСЛИГИНГИЗ КЕРАК!

Ушбу фикр икки ҳиссанинг калити ҳисобланади. Ҳозир бу ҳеч нарсани англатмасада, лекин қачонлардир маъно-мазмун касб этишини биламан. Мен нимани назарда тутаётганимни сизларга кўрсатиш учун яна бир бор Марк Хушхабарига эмас, балки Юҳанно Хушхабарига 5000 кишини тўйдириш воқеасига қайтмоқчиман. Биз Юҳаннода, худди ўша воқеани, лекин Маркда бўлмаган баъзи бир тафсилотларни кўраимиз.

Исо нонларни олиб, Худога шукрона билдирди ва шогирдларига берди, улар эса ёнбошлаганларга тарқатдилар. Шунингдек, балиқни ҳам ким қанча истаса, шунча тарқатдилар. Еб тўйганларидан сўнг Исо шогирдларига: “Ҳеч нарса исроф бўлмаслиги учун, қолган бурдаларни йиғиб олинглар”, – деди.

– Юҳанно 6:11-12

Воқеанинг ушбу кўринишида, Исо айнан ушоқлар ҳам исроф бўлмаслиги учун шогирдларига бориб, қолдиқларини йиғиб олишни буюрганини кўрамиз. Сиз буни тушунишингизни истайман. У уларга буни қилишни айтишга мажбур бўлди, чунки улар имкониятларни кўришмади. Ўзингизни уларнинг ўрнига қўйинг. Сиз тўқ ва мамнунсиз, сиз фақат ётиб, мизғиб олишни истайсиз. Сиз ердаги лаънатга ботган тизимда тайёрланиш даражангиз ва қуллик дунёқарашингиз туфайли тўйган бўлсангиз, тўхташ вақти келди, деб ҳисоблайсиз. Кўряпсизми, инсон қуллик дунёқарашада фақат унга керак пайтдагина ишлайди, унга керак бўлмаганда, қонниққанда эса, у тўхтайди. Исо уларга кўз ўнгидаги нарсаларни йиғишни буюришига тўғри келди. Овқат қолдиқлари уларнинг атрофида ерда ётар эди, лекин уларни йиғиб олиш учун улар заррача ҳам куч сарфлашмади. Уларнинг тушунчасида бу бурдаларни қушларга озуқа учун қолдиришдан бошқа яна нима қилиш мумкин?

Исо уларга бир нимани, жуда муҳим нарсани ўргатишга ҳаракат қилди. Исо ҳеч нарса исроф бўлишига йўл қўймаслик учун уларга қолдиқларни йиғиб олишларини айтганидан сўнг, танбех берди! Лекин бу нимани англатади? Ҳамма тўйган, ҳамма мамнун ва бошқа ҳеч ким нон ва балиқни, ҳеч бўлмаганда ҳозирча истамайди. Бироқ муаммо мана нимада – агар керагидан ортиқроқ йиғилмаса, шаббат имконсиздир. Исроилликлар маннани олтинчи кун йиғиб олишганда, уларга керагидан ортиқроқ йиғиб олиш буюрилган эди. Уларга ўша кунга керагидан ортиқроқ йиғиб олиб, улар еттинчи куни, дам олиш кунида ўзларини егулик билан таъминладилар. Исо Ўз шогирдларига бор нарса билан қаноатланмасдан, балки Шоҳликнинг тўлиқ таъминотига интилишни ўргатган. Албатта, сиз фақат тўйиш билан келажак қуролмайсиз, лекин икки ҳисса билан қуришингиз мумкин. Тўйган одам бугунги нонни ейди, лекин ўн икки сават қолдиқлар сизга эртанги кунга танлов имкониятини беради.

Мана сиз кўришингизни хоҳлаган асосий тамойил.

Шогирдлар Исо уларга ишора қилмагунича қолдиқларни қўрмаган бўлсаларда, Худо уларга аллақачон шаббат кунини,

икки ҳиссани берган эди. Улар шунчаки буни пайқамадилар. Худонинг Шоҳлиги, аллақачон егулик билан таъминлаган, нон ва балиқни кўпайтириб, ушбу барча одамларни тўйдирган эди, лекин Худонинг Шоҳлиги доимо икки ҳисса беради. Худо ҳеч қачон шунчаки етарлича бермайди, У ҳар доим етарли бўлгандан кўра кўпроғини беради. Муаммо, эҳтимол, сиз буни кўрмаётганингиздадир!

Беринглар, шунда сизларга ҳам берилади: силкитиб босилган, тўлиб-тошган яхши ўлчов билан этагингизга тўкилади. Чунки сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангизлар, сизларга ҳам худди шундай ўлчов билан берилади.

– Луқо 6:38

Беринглар, шунда сизларга ҳам силкитиб-босилган яхши ўлчовда берилади. Бироқ оят шу билан якунланмайди. Сизнинг силкитиб-босилган ўлчовингиз – бу шу кун учун сизнинг таъминотингиздир. Лекин оятнинг давомида: “тўлиб-тошган” – дейилади! Тўлиб-тошиш – бу икки ҳиссадир. Худо доимо икки ҳисса беради, ҳеч қачон учма-уч бермайди! Лекин сиз бу ҳақида билмасангиз ва нон мўл-кўл бўлса, сиз шунчаки унинг ерга тушишига рухсат беришингиз мумкин, чунки сиз олдингиздаги бир лаҳзалик тўйиш учун зарур бўлган қисмга тўлиқ эътиборингизни қаратасиз ва тўлиб-тошишни ушлаб қолишга тайёр эмассиз. Шу тарзда сиз икки ҳиссани қўлга киритолмайсиз ва ундан завқлана олмайсиз. Лекин сиз тўлиқ таъминотни олдиндан кўра-билиб, Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилишини тушунганингизда эди, сиз ҳаракат қилишга ва Худо бераётган ҳамма нарсани олишга тайёр бўлган бўлар эдингиз.

Сизларга бошқа бир мисолни келтиришимга ижозат берсангиз.

Шимон эса Унга жавобан: – Устоз! Биз тун бўйи уришиб, ҳеч нарса тута олмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрчи ташлайман, – деди. Шундай қилганларида, улар жуда кўп

балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди. Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар. Шимон Петъор бунни кўриб, Исонинг оёқларига тиз чўкиб, деди: – Ҳазрат! Менинг ёнимдан кет, чунки мен гуноҳкор одамман. Чунки улар тутган бундай кўп балиқ овидан унинг ўзи ҳамда у билан бирга бўлганларнинг ҳаммаси ваҳимага тушган эдилар. Шимоннинг шериклари Забадийнинг ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам бундан ваҳимага тушган эдилар. Исо эса Шимонга: –Қўрқма, бундан буён инсонларни овлайсан, – деди.

– Луқо 5:5-10

Бу биз илгари ўқиган ҳикоянинг бир қисми. Петъорнинг иккита қайиғи бўлиб, Худонинг Шоҳлиги туфайли, бу қайиқлар балиққа тўлиб-тошганидан чўкишига оз қолди. Бу унинг балиқ ови тўғрисидаги тасаввурларига зид бўлиб, уни лол қолдирди. Лекин кейинги сафар Исо: “Ҳой, Петъор узоқроққа сузиб бор ва сен истаганингча балиқ тутасан” – деб айтганида, нима содир бўларди? Нима деб ўйлайсиз, у иккита қайиқ олган бўлармиди? Шубҳам бор. У дўстларидан қанча қарзга ололса, шунча қайиқ йиққан бўларди. Нимага? Чунки унинг Худо Шоҳлиги, қандай ҳаракат қилиши ҳақидаги бошқа умидлари ва билимлари бор бўлган бўлар эди.

Бу мунозарадан мақсад, сиз Худо юбораётган бутун таъминотни кўрмаётганингизни тушунишингизга ишонч ҳосил қилишдир. Албатта, аксарият ҳолларда бу таъминот доллар қоғоз пуллари кўринишида бўлмайди. Лекин бу ғоялар, илоҳий топшириқлар ва Муқаддас Руҳнинг кўрсатмалари кўринишида бўлади. Агар биз тайёр бўлмасак, яъни икки ҳисса ҳақида тўғри тушунчага эга бўлмасак, биз ердаги лаънат шароитларида тирикчилик қилиш одатларимиз туфайли уларнинг ёнгинасидан ўтиб кетамиз.

Нонларни кўпайтириш ҳақидаги воқеада Исо Ўз шоғирдларига

Худонинг Шоҳлиги қандай ҳаракат қилишини, нимани кутиш ва нимани олдиндан кўра билишни ўргатишга уринмоқда. Уларнинг қулдек фикрлаш тарзи нон атрофидаги ҳамма нарсанинг имкониятларини кўришга имкон бермагани учун Исо уларни қарашга ўргатишига тўғри келди: “Нимани кўраяписизлар? Қаранг! Худо сиз учун тайёрлаб қўйган ҳамма нарсаларни кўрмаяписизлар”.

Мен Чиқиш китобининг 16-бобида бир дақиқага эътибор қаратмоқчиман, чунки мен таъкидламоқчи бўлган яна бир жиҳат мавжуд.

Уни ҳар бир киши қанча ейишига қараб ҳар кун и эрталаб йиғиб олар эди. Қуёш қиздирганида эса, ерда қолгани эриб кетар эди. Олтинчи кун и эса нонни икки карра кўпроқ, жон бошига икки ҳомердан йиғиб олдилар. Жамоа оқсоқоллари бу ҳақида Мусога хабар берганларида, Мусо уларга айтди: “Мана, Раббий нима деди: Эртага дам олиш кун и, Раббийнинг муқаддас шаббат кунидир. Шунинг учун ёпадиганингизни бугун ёпиб олинглар, қайнатадиганингизни бугун қайнатиб олинглар. Ортиб қолганини эса олиб қўйиб, эртагача сақланглар”.

Шундай қилиб, Мусо буюрганидай, ортиб қолганини эрталабгача олиб қўйдилар ва у сасимади ҳам, қуртламади ҳам. Шунда Мусо деди: “Бугун бун и еяверинглар, чунки бугун Раббийнинг шаббат кунидир. Бугун уни далада топа олмайсизлар. Олти кун уни йиғиб оласизлар, еттинчи кун эса – шаббат кун и: бу кун и далада бўлмайди”.

Лекин еттинчи кун и ҳам халқдан баъзилар уни йиққани чиқдилар, лекин топа олмадилар. Шунда Раббий Мусога деди: “Қачонгача Менинг амрларимга ва низомларимга итоат қилишдан бўйин товлайсизлар?! Мана, Раббий

сизларга шаббатни тайинлади. Шунинг учун олтинчи кунни нонни икки кунга етарлича бермоқда. Еттинчи кун ҳар ким уйида қолсин, ҳеч ким уйдан чиқмасин”. Шундай қилиб, халқ еттинчи кун дам олди.

– Чиқиш 16:21-30

Юқорида айтиб ўтганимиздек, икки ҳисса – бу шаббат кунини имконли қилган нарсадир. Лекин ажабланарлиси шундаки, гарчи Худо олтинчи кунга икки ҳиссани, аллақачон тақдим этган бўлсада, кўпчилик уни излаб кетишди ва дам олиш кунини топа олмадилар. Гап Худо ушбу ҳиссани тақдим қилишда ишончини оқламаганлигида эмас. Улар шунчаки уни кўрмадилар, чунки улар аллақачон олтинчи кунда берилган икки ҳисса ҳақида тўғри тушунчага эга эмас эдилар. Улар одатдагидек, бир кунга етгулик миқдорда йиғиб олдилар. Энди, еттинчи кунни оч қолиб, улар умуман ҳеч вақо топиша олмадилар. Эҳтимол, уларнинг нуқтаи назарида Худо уларга панд берди. Лекин Худо ҳеч кимга панд бермади, улар шунчаки икки ҳисса тамойилини билмас эдилар. Агар улар билганларида эди, бошқача режалаштирган бўлар эдилар.

Қанчадан-қанча одамлар бугун ўзларига керак бўлган нарсани топишга уриниб, Худо буни уларга, аллақачон берганини тушунмасдан саргардон бўлиб юришибди? Назаримда, бу парчада Худо аслида уларнинг етарли даражада йиғмагани учун улардан ғазабланиши жуда қизиқ! Қизиқ, бу бизнинг жамоатларимизда, қандай воизлик қилинарган?

Уруғ экувчига уруғ, озуқа учун эса нон берадиган Худо сизларнинг экканингизни ҳам мўл қилади ва ҳақлигингизнинг ҳосилларини кўпайтиради, токи сизлар ҳар қандай сахийлик учун ҳамма нарсада бой бўлинглар. Сахийлигингиз эса биз орқали Худога миннатдорчилик келтиради.

– 2-Коринфликларга 9:10-11

Павлус Худо Шоҳлигининг таъсири, сиз ҳар қандай вазиятда сахий бўлиш имкониятига эга бўлишингиз учун барча соҳаларда бой бўлишингиздан иборат эканини етарлича аниқ тушунтиради. Дўстим, бу икки ҳиссани талаб этади. Сиз мўл-кўлчиликда эга бўлмасдан, ҳар қандай вазиятда сахий бўла олмайсиз.

Мен олдинги бобларнинг бирида, бизнесда битта етказиб берувчи билан, қандай қилиб йилига уч-тўрт миллион долларгача бўлган унумдорликдан, йилига ўн бир миллиондан ортиқ бўлган унумдорликка ўтганимни айтиб берган эдим. Бу ўсиш бор-йўғи бир йил ичида содир бўлди. Шунингдек, мен сизга бунинг қандай содир бўлганини ҳам сўзлаб бердим: Худо менга туш бериб, унда буни қандай қилишни ўргатди. Бироқ энди, У менга айтган нарсани сизлар билан бўлишим керак, чунки энди, бу сизлар учун мазмунга эга бўлади. Тушимда Худо менга шунчаки иккита сўз берди. Айнан шундай, бор-йўғи иккита сўз. Ушбу икки сўз менинг ўша йилдаги даромадимни юз минглаб долларга ўзгартирди, шу билан бирга, мен аввалгидан кўпроқ маркетинг тадбирлари ёки рекламалар ташкиллаштирадим. Мен ширкатимдаги ишда ўзимдан бошқа ҳеч нимани ўзгартирмадим. Ушбу иккита сўз шахсан менга тааллуқли бўлган нарсани ўзгартириш учун йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилди ва бу ўзгаришлар бизнесимиз ва даромадимни тўрт баравардан кўпроққа оширди. “Бу қандай сўзлар бўлди экан?” – деб сўрашингиз мумкин. “Вақтдан фойдаланинг!”

Ҳа, вақтдан фойдаланиш. “Бор-йўғи шуми? Мана шу икки сўз буларнинг ҳаммасини қилдими?” Ҳа, мана шу сўзлар. Худо Ўз таъминоти билан ҲАР ДООИМ икки ҳиссани юборишини англаганингиз заҳоти, У менга гапирганини тушунасиш.

Менинг ширкатим барча савдо ширкатлари сингари инсонларга ёрдам бериб даромад олади. Ширкат одамларга қанча яхши ёрдам берса, шунча кўп пул топади. Бу ҳақиқат, лекин кўпгина савдо ширкатлари мавжуд мижозлар билан ёмон ишлаши ва назорат қилиши тўғрисида ёки янги мижозларни етарли даражада қидирмаслик ва жалб этмаслик тўғрисида, ўз мижозларининг эҳтиёжларини қондира олмаётгани ҳам ҳақиқатдир.

Бизнинг ҳолатимизда, биз жуда банд эдик, гарчи бу ёмон бўлмасада, баъзан биз мижозларимизнинг сўровларига ўзим хоҳлагандек жавоб қайтара олмасдик. Шахсан менга келсак, мен сармоялар соҳасида мижозлар билан ишлайман ва бу менга жуда ёқади. Аммо менинг жадвалим туфайли сармоя бўйича имкониятли мижозлар қўнғироқ қилганда ва уни шахсий алоқа учун менга йўналтиришганда, мен ҳар доим ҳам биринчи йигирма тўрт соат ичида унга қўнғироқ қилишга улгурмайман. Мен хоҳлайман, лекин буни қилишга шунчаки улгурмайман.

Биласизми, одамлар савол беришганда, улар жавоб берадиган ширкатни танлашади. Баъзида имкониятли мижозларга уларнинг шахсий сармоя эҳтиёжларини муҳокама қилиш учун қўнғироқларини кечиктириш зарар келтириши мумкин. Уларнинг саволларига жавоб бериш учун вақти бўшроқ бўлган бошқа бирор кишига қўнғироқ қилишлари мумкин. Кўп нарса ўшамаслиги мумкин, аммо ечим, одамлар уларни кутаётган пайтда жавобларни тайёрлаб қўйишдан иборатдир.

Шунинг учун Раббий менга ушбу икки сўзни берганида, улар нимани англатишини тушундим. Мен ҳақиқатан ҳам муваффақиятга эришишни, кучли ўнталикка кириб, 100000 доллар миқдордаги бонусни олишни истасам, нарсаларга бошқача назар солишим керак. Мен вақтдан фойдаланишим керак эди! Шу сабабли, мен ҳаракат тарзимни ўзгартирдим. Мен агар кимдир менга қўнғироқ қилиб, сармоя бўйича маслаҳат сўраса, унга бир неча дақиқа ичида қайта қўнғироқ қилишни, имкони бўлса, дарҳол у билан учрашишни қоида қилиб олдим. Менинг мижозларим мамлакатнинг турли чеккаларидан бўлиб, бу мажбуриятни бажариш жуда қийин бўлишидан дарак берарди. Аммо мен бунга

**КЎРЯПСИЗМИ, РАББИЙ
МЕНГА ТЎЛИБ-ТОШИШ,
ШАББАТ, АЛЛАҚАЧОН
ЎША ЕРДА ЭКАНИНИ
АЙТДИ, АЛЛАҚАЧОН У
БИЛАН ТАЪМИНЛАГАН.
МЕН ШУНЧАКИ БУНИ
КЎРМАГАНМАН!**

тайёр эдим. Мен ширкатимнинг раҳбарига қўнғироқ қилиб, унга Худо нима дегани ҳақида сўзлар бердим ва барча вакилларимга худди шундай муносабатга амал қилишни ва имконият пайдо бўлганда ҳар бирдан фойдаланишни етказишини ундан илтимос қилдим. Биз йил якунига келиб, ушбу етказиб берувчи орқали кучли ўнталикка кириш учун зарур бўлган ўн бир миллион доллардан ортиқ товар айланмасини амалга оширдик. Аммо, бундан ташқари, биз бошқа етказиб берувчиларимиз учун ҳам, қўшимча миллионларни таъминладик.

Мана ўша буюк кашфиёт лаҳзаси. Биз ҳеч нарсани ўзгартирмадик, шунчаки биз билан гаплашишни истаган янги мижозларга тез жавоб қайтардик. Кўряпсизми, Раббий менга тўлиб-тошиш, шаббат, аллақачон ўша ерда эканини айтди, аллақачон у билан таъминлаган. Мен шунчаки буни кўрмаганман!

Шунинг учун икки ҳиссани қандай олишни тушунтирувчи икки ҳисса тўғрисидаги Шоҳлик қонуни мавжуд эмас.

ХУДО ҲЕЧ ҚАЧОН ТАЪМИНОТНИ ФАҚАТ БУГУН УЧУН ЮБОРМАЙДИ. У ҲАР ДОИМ, У БИЛАН БИРГА ИККИ ҲИССАНИ ЮБОРАДИ!

Бизнинг муаммомиз шунчаки икки ҳиссани кўрмаслигимиздадир.

Аммо бундан ҳам каттароқ муаммо, биз уни қидириш кераклигини, ҳатто билмаслигимиздан иборатдир.

Менга Исонинг сўзлари ёқади: “Ҳеч нарса исроф бўлмасин!” Худо буларнинг ҳаммасини юборди ва У сиз буни олишингизни истайди. Одамлар маннани еттинчи кун, Худо аллақачон уни уларга юборганида, қидирганлари учун хафа бўлди. У улар маннани олиб, шаббат кунидан завқлана олишлари учун уни олтинчи кунда юборганини Мусога эслатди. Аслида, У уларга: “Шаббат Мен учун эмас, балки сиз учундир. Мана нима учун Мен

сизларга икки ҳисса юбордим” – деди. Исо айнан шундай деганини эшитаяпсизми? “Ҳой, йигитлар, бу бурдаларни олиб, барчасини эҳтиёткорлик билан йиғиб қўйинг. Сиз икки ҳиссадан завқланиб, ором топа олишингиз учун Худо сизларга бунни юборди”.

Исо 5000 кишини бешта нон ва иккита балиқ билан қандай тўйдиргани ҳақидаги воқеада шогирдлар қолдиқларни кўришмади. Улар қолдирларни, ҳатто қидиришмади. Бироқ Исо уларни йиғиб олиш кераклигини ва ҳосил йўқолмаслигини уларга айтди. Бугун Муқаддас Руҳ бизга тўйишдан узоқроқни кўришимизга ва икки ҳиссани тутиб қолишимизга ёрдам бериши керак. Агар биз сўрасак, У бизга кўрмаётган нарсаларимизни кўрсатади. Умид қиламанки, сиз аллақачон ўзлаштириб олган энг муҳим нарса икки ҳисса, сизга аллақачон юборилганидан иборат бўлиб, сиз уни олишингиз керак, холос.

Икки ҳисса – қора терга ботиб оғир меҳнат қилишдан ташкил топган, ердаги лаънатга ботган тизимдан ягона чиқиш йўли бўлгани учун шайтон ундан нафратланади. У масиҳийларни, агар улар ҳисобларни тўлаш учун иккита ишда ишлаб, базўр ойликдан ойликкача кун кўришса, уларда ҳаммаси жойида эканлигига ишонтаришга ҳаракат қилиши мумкин. Худонинг Шохлигини қўллаб-қувватлаш учун пули бор ҳамда молиявий қўрқувсиз ва хавотирсиз яшаётган масиҳийни эса, у тўхтатишни истайди. Шайтоннинг нияти сизни бутун умрингиз давомида танг аҳволда ушлаб туриш, сиз ҳеч нимага таъсир кўрсатмайдиган аянчли тирикчилик қилишни англатувчи ҳаёт тарзига қўл қилишдан иборатдир. Пул – бу таъсир этишдир. Шайтон сиз Худонинг дуо-баракасига эга бўлишингизга тўсқинлик қилиш учун ҳамма нарсани қилади. Мана нима учун мен сизга айтмоқчи бўлган нарсани тушуниш нақадар муҳим.

Икки ҳисса яширилган!

Шогирдларга дам бериш вақти келди. Улар тўлиб-тошишни кўрмаганликларининг сабаби бор эди. Албатта, юқорида айтиб

Ўтганимиздек, улар ҳатто қидирмадилар, лекин аслида яна бошқа бир омил бор эди. Одатда сиз қолдиқларни териб олмайсиз!

Нима учун Петъор солиқ тўлаш учун керак бўлган танга балиқнинг оғзида яширилган эди? Тангани у ердан қидириш кимнинг ҳаёлига келибди? Тун буйи балиқ овлаб, ҳеч нарса тута олмаган тажрибали балиқчиларнинг иккита қайиғи раввиннинг сўзларига кўра, бу балиқчилар ҳаётидаги энг катта ўлжанинг оғирлигидан чўкиб кетади, деб ким ҳам ўйлабди? Иккинчи Шоҳликлар китобининг 4-бобидаги пули бўлмаган, уйда озгина мойдан бўлак ҳеч нимаси йўқ ва ўзини банкрот деб эълон қилмоқчи бўлган аёлда қандайдир тарзда шунчалик кўп мойи бўлиши, бу мой унга барча қарзларидан қутулиб, қарзларсиз яшашига имкон беради деб ким ҳам ўйлабди? Ҳеч ким ўйламаган. Синф ўзлаштириш рўйхатининг охиридан иккинчида туриб, мактабни тугаллаган Гари Киси бугун миллионерга айланади ва бутун дунё бўйлаб минглаб одамлар олдида ҳар куни чиқиш қилади деб

ким ҳам ўйлабди? Ҳеч ким! Худо ушбу барча воқеаларда вазиятни ўзгартириш учун кутилмаган бир нарсадан фойдаланди.

**ШАЙТОННИНГ
НИЯТИ СИЗНИ
БУТУН УМРИНГИЗ
ДАВОМИДА ТАНГ
АҲВОЛДА УШЛАБ
ТУРИШ, СИЗ ҲЕЧ
НИМАГА ТАЪСИР
КЎРСАТМАЙДИГАН
АЯНЧЛИ ОМОН
ҚОЛИШНИ
АНГЛАТУВЧИ
ҲАЁТ ТАРЗИГА
ҚУЛ ҚИЛИШДАН
ИБОРАТДИР.**

Агар тўлиб-тошиш, икки ҳисса ошкора бўлиб, шунчаки кўз олдида ётганида эди, шайтон уни кўриб, тортиб олишга ва ўғирлашга уринган бўлар эди. Мана нима учун Худо Ўз хазинасини очиқ ҳолда сақламайди. Улар яширинган. Шайтон сизнинг қониққанингизни ва таъминотдан завқланишингизни ёқтирмайди, лекин учиндан ҳам нафратланадиган нарса, бу сиз мўл-кўлчиликка ва шаббатга ўтишингиздир.

Мен сизга ердаги шоҳликда Худонинг ишлаш тамойилига

нисбатан тушунишингиз керак бўлган бир нарсани кўрсатишимга ижозат беринг.

Балки Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шуҳратимиз учун тайин қилган. Шу доноликни бу дунё ҳокимларидан ҳеч ким англамади. Буни англаганларида эди, шуҳрат Раббийсини хочга михламас эдилар.

– 1-Коринфликларга 2:7-8

Бу парча бизга шуни яққол кўрсатмоқдаки, агар шайтон Худонинг режаси ҳақида билганида эди, у кураш усулини ўзгартирган бўлар эди! Мана нима учун Худо яширинча ишлашига тўғри келади. Шайтон ҳамма кўриниб турган нарсаларга жавоб қайтарган бўлар эди. Шу сабабга кўра, сиз мўл-кўл таъминотингизни қўлларингизда маҳкам ушламагунингизгача ёки ўриб олишни бошламагунингизгача очиқ қилиш керак эмас. Мен кўп йиллардан буён такрорлаб келадиган бир иборам бор. Худонинг хазинаси сиздан эмас, балки сиз учун яширинган.

Сиздан сиз учун яширинган!

Кўп одамлар менга Худо Ўз жавоблари билан бўлишиш учун ярим тунгача кутмаслигини хоҳлашларини айтадилар. Лекин, дўстим, Худо ташвишланмайди. У тўлов мўддати қачон келишини билади ва сизга яхши бўлиши учун Худо Ўз қўлини жуда эрта очмайди, токи шайтон қўлнинг ичидаги нарсаларни эгаллаб олмасин.

Мен зулматдаги хазиналарни ва яширилган бойликларни сенга бераман, токи сени исмингни айтиб чақираётган Раббий, Исроилнинг Худоси Мен эканлигимни билиб олгин.

– Ишаъё 45:3

Яширилган бойликлар? Бу энг зўр Голливуд киносининг сценарийсидан яхшироқ. Сизларга Худо ишга алоқадор ҳаётимда икки ҳиссани ушлаб олишимга қандай ёрдам берганига мисол келтиришимга ижозат беринг. Кўп йиллар олдин мен молиявий ширкатимдаги даромадлар ва зарарлар ҳақидаги йиллик ҳисоботга қараб ўтирган эдим. Гарчи мен мамнун бўлсамда – менинг қарзларим йўқ ва банкда бироз пулим бор эди – бу ҳали ҳаммаси эмаслигини билар эдим. Мен Шоҳликда молиялаштирмоқчи бўлган жуда кўп лойиҳаларни кўрдим, жуда кўп иш қилиш керак эди ва буларнинг барчаси пул турарди.

Мен бу ҳақида ибодат қилганимда, Раббий менга бурда атамаси ҳақида мен билан гаплашишни бошлади. Аввалига, У нимани назарда тутаётганини тушунмадим, аммо бу ҳақда кўпроқ ибодат қилиб, тинглаганим сари, кўпроқ тушуна бордим. Биз ҳозиргина ўқиган воқеадаги каби бурдани назаримдан қочирган эдим. Уларни йиғиш сарфланган кучга арзимайди деб ҳисобланганлиги ёки уларнинг қадри эскирган қадриятлар тизимига асослангани туфайли, уларнинг қиймати аҳамиятсиз деб ҳисобланган. Бунинг сабаби, уларнинг келажақдаги ошиб борадиган қадри, ҳозирги кундаги ҳолати билан солиштирилиш натижасида, чекланган ва хото тарзда тушунилиши бўлиши мумкин.

Ишончим комилки, сиз одамларнинг: “Биз ҳар доим шундай қилганмиз” – деган гапларини тез-тез эшитгансиз. Хўш, бундай ёндашув билан икки ҳиссани олиб бўлмасликни айтишим мумкин.

Мен маълумотларни кўздан кечирганимда, Худо мен стол устида қолдирган ва йиғиб олишим керак бўлган кўп бурдаларга кўзларимни очди. Ҳар бир мижоз учун энг муҳим вазифалардан бири уларнинг қандай актив ва қарзлари борлигини кўриш учун у ҳақида маълумотларнинг тўлиқ профилини тузишдир. Сўнгра биз қарзни сўндиришга йўналтириш мумкин бўлган пулларни топиш учун таҳлил қиламиз. Албатта, биз маълумотлар варағида ипотеканинг жорий ҳолатини, фоиз ставкасини ва кредит шартларини кўрсатамиз. Шунингдек, биз ўша вақтда мижозларимизга юқори фоизли кредит карта қарзини сўндириш учун шахсий маблағлари ҳисобидан кредит чизигини

расмийлаштиришни ҳам маслаҳат берар эдик, бу эса ўша пайтда соф фоизни стандарт 21 фоиздан 6 фоизгача пасайтиришга имкон беради. Фақатгина ушбу усул орқали, ўртача оила ойига 500 дан 600 долларгача тежар эди. Шундай вазият юзага келганда, биз ўз мижозларимизни муддатсиз қарз олиш учун ўз банкларига қайтариб юборар эдик.

Мен ўз маълумотларимни кўздан кечираётганимда, Муқаддас Рух менга ушбу ипотека саволини кўрсатди. “Нима учун сен ипотека муаммолари билан шуғулланиб кўрмайсан?” Мен бунда маъно бор деб ўйладим. Биз аллақачон мижозларимизнинг ишончига сазовор бўлган эдик, бизда уларнинг маълумотлари бор эди ва ниҳоят, биз уларнинг қарзини қайта молиялаштиришни таклиф қилганларнинг биринчиси бўлдик.

Бу жиҳат билан шуғулланиш учун бутунлай янги бизнесни ўрганишимга, лицензиядан ўтишимга, тайёрлов курсларига қатнашимга ва кўпгина бошқа нарсаларни қилишимга тўғри келди. Буларнинг барчаси учун менинг вақтим йўқ эди. Бироқ мен бу ҳақида ибодат қилишни давом эттирганимда, Раббий мени ипотека ширкатимни таъсис этиш ва бошқариш учун бирор кишини ёллашга ундади ва мен шундай қилдим. Ипотека ишининг биринчи йилидаёқ, биз қўшимча 160000 доллар соф даромад олдик. Агар мен Муқаддас Рухга қараб, лекин кўрмаган бурдани кўрсатишига рухсат бермаганимда, бу пуллар менда ҳеч қачон бўлмас эди.

Кейинчалик мен Муқаддас Рух томонидан менга кўрсатилган бурдалар бўлган яна кўп нарсаларни йиғиб олдим. Мен бошқа одамлар томонидан ўрганилган ёки эшитган бу соҳа, қўл уришга арзимайдиган тахминий тасаввурим тўғриси назаримдан четда қолдирган бир бурда биз учун улкан муваффақиятга айланди. Мен охир-оқибат, унга яқиндан назар солганимда, бу соҳа ҳақида эшитган барча маълумотлар нотўғри эканини ва аслида, у бизнинг ширкатимиз учун аъло даражада тўғри келишини англадим. Бу бурда, аслида менинг асосий бизнес турумдан кўра кўпроқ даромад келтириб, миллионлаб доллар фойда билан таъминлади. Бу том маънода кўп миллионлик бурда бўлди!

Шундай қилиб, буни сизга аниқ қилиб етказишимга рухсат беринг. Икки ҳиссага ваҳий орқали эришилади! Ваҳий – бу шунчаки ўзингиз била олмайдиган, Муқаддас Рух сизга кўрсатадиган ҳақиқатдир. Яъни, Муқаддас Рух ўзингиз ҳеч қачон кўришга қодир бўлмаган нарсага кўзларингизни очади. Бу ваҳий билими деб аталади.

Ваҳий – бу икки ҳиссанинг калитидир!

Одамлар мenden: “Қандай қилиб Муқаддас Рухни эшитишим мумкин? Бу яширин ғоялар ва имкониятларни қўлга киритишни қандай эшитсам бўлади?” – деб сўрашади. Ажойиб саволлар. Ушбу китобда Худонинг овозини қандай эшитиш ҳақида батафсил сўзлаб беришга вақтим йўқ. Шунинг учун мен сизга “Муқаддас Рухга чўмиш” (The Baptism of the Holy Spirit) номли менинг бошқа китобим билан танишиб чиқишингизни тавсия этаман. Сиз уни Amazon платформасида ёки бизнинг сайтимизда харид қилишингиз мумкин. Сиз бу китобда Муқаддас Рух бизга Худонинг яширин режаларини очиш учун қандай ишлаши ҳақида, биз тўғридан-тўғри шу ерда, ердаги шоҳликда, шайтоннинг нақ бурнининг олдида гуллаб-яшнаш олишимиз ва шайтон бу борада ҳеч нарса қила олмаслиги ҳақида кўплаб маълумотларни топасиз. Лекин сиз тўғри йўналиш бўйлаб ҳаракат қилишингиз учун, келинг, Коринфликларга биринчи мактубга қараймиз.

*Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас,
Худого гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Рух
билан сирларни гапиради.*

– 1-Коринфликларга 14:2

4-оятда шундай айтилади:

Номаълум тилда гапирувчи ўзини барпо қилади.

“Барпо қилиш” сўзи “насихат ёки тушунча бериш”ни англатади. Мен бунга муҳтожман ва сиз ҳам муҳтожсиз. Муқаддас Китобнинг бу парчасида номаълум тилларда гапириш ёки Павлус таърифлаганидек, Рухда ибодат қилиш ҳақида гапирганда, мен

Муқаддас Рухнинг бу роли ҳақида сиз нимани эшитганингиздан, кимдир сизга у ҳаворийлар давридан бўён унутилган ёки бу шайтондан, деб айтганми ёки йўқми, қатъий назар, сизларни руҳлантирмоқчиман – ўзингизнинг Муқаддас Китобингизни ўқинг. Рухдаги ибодат – бу Муқаддас Рухнинг шунчаки, шайтонга содир бўлаётган нарсаларни билишига йўл қўймасдан, Унинг иродасини амалга ошириш учун сиз орқали ердаги шоҳликда ибодат қилишидир. Рухдаги ибодат осмондан ваҳий олишнинг асосий калити ҳисобланади, мен сизни айтган нарсаларимни ўрганишга даъват қиламан. Агар сизда саволлар пайдо бўлса, менинг китобимни олинг. У сизларга ҳаётимиздаги Муқаддас Рухнинг ушбу ажойиб роли ҳақида кўпроқ тушунча олишингизга ёрдам беради.

Менушбукитобни Ёзувнинг иккита ояти билан яқунламоқчиман, улар асосан ушбу бобнинг мазмунини умумлаштиради.

*Бизнинг ичимизда Ўз куч-қудрати билан ҳаракат қилаётган
Худо эса биз сўраётган ёки орзу қилаётган ҳамма нарсадан
кўра ҳам ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга қодирдир.
Унга Исо Масиҳдаги жамоатда авлодлардан авлодларга
тоабад шон-шухрат бўлсин! Омин.*

– Эфесликларга 3:20-21

Сиз ҳеч қачон ўйламаган нарсанингиз ҳақида сўрай олмайсиз. Айни пайтда менда иккита самолёт бор: мен дам олиш учун учадиган кичикроқ самолёт ва дунёнинг исталган нуқтасига учадиган бизнес-жет самолёт. Мен бизнес учун самолёт сотиб олишни ўйлаганимда, мени нархи ҳайратда қолдирди. Самолёт – арзон бўлмаган лаззатдир! Мен орқага чекиниб: “Мен бизнес-жетсиз ҳам яшай оламан. Боз устига, бу катта пул туради” – деб ўйлай бошладим. Бироқ мен ҳар ҳафта тижорий авиа йўналишларда учардим ва бир ойда йигирма уч марта қатнов қилдим. Бу ҳолдан тойдирар эди. Ҳа, менда таъминот бор эди деб айтишим мумкин. Менинг барча парвозларим тўланган бўлиб, уларни тўлаш учун пул билан ҳеч қандай муаммолар йўқ эди. Аммо менинг ҳаводаги сафарларим камдан-кам ҳолларда хотиржамликни таъминлар

эди. Парвозлар ҳақиқий тартибсизликка айланиб, бекор қилинар ёки кечиртирилар эди. Бу мен муҳтож бўлган шаббат эмас эди.

Ниҳоят, мен шу жойда Худони чегаралаётганимни тан олдим. У икки ҳиссанинг Худосидир. Таассуф билан айтишим керакки, биз Дренда билан бир йилдан ортиқроқ вақт давомида самолёт олишга журъат этмадик. Охир-оқибат, Худо бизнинг эътиборимизни ушбу самолётга жалб қилиб, бу самолётни бизга икки йилдан бери топширишга уринганини айтди! Биз тавба қилиб, қарор қабул қилдик. Биз ўзимиз хоҳлаган ва муҳтож бўлган айнан ўша бизнес-жетга уруф экдик ва биз бунини қилганимизда, уни икки ойдан сўнг олдик. Бу вақт ичида Худо менга баъзи бир савдо битимларида зийраклик ва омад юборди ҳамда пуллар менга керак бўлган вақтда пайдо бўлди. Ҳа, Раббий – бу икки ҳиссанинг Худосидир. Фарқ нимада? Менинг ҳаётимда шахсий самолёт ва тижорий қатновларда парвоз қилиш ўртасидаги фарқни сизнинг уйингиздан 50 мил узоқликда белгиланган учрашувга велосипедда ёки машинада бориш билан солиштириш мумкин. Жиддий! Мен тўқ, лекин Худо менга аллақачон тақдим этган икки ҳиссага кўр бўлиб, шунчаки бақрайиб турганимда, Худо бунини менга икки йил давомида етказишга уринди. Мен шунчаки уни кўришим керак эди, холос.

Эҳтимол, сиз шунчалар таъмирга муҳтож бўлганидан, эрталаб базўр кўзингизни очиб, ишга тушиши учун ибодат қиладиган машинани ҳайдарсиз. Бўш банк ҳисобига қарашни ва унга асосланиб, тирикчилик ҳақида қарор қабул қилишни бас қилинг. Бунинг ўрнига икки ҳиссанинг Худоси сизга бурдаларни, сиз озод бўлиб, шаббатнинг тинчлиги ва оромидан роҳатланиш учун, сиз билишингиз зарур бўлган яширин нарсаларни сизга кўрсатишига ижозат беринг. У сизга режа беради ва уни қандай амалга оширишни кўрсатади. Фақатгина сўранг. Исо айтганидек: “Ҳеч нарса исроф бўлмасин!” Икки ҳисса аллақачон сиз учун олдиндан мўлжаллаб қўйилган!

Шундай экан, Худонинг халқи учун ҳали шаббат ороми қолмоқда. Худо Ўз ишларидан ором олганидек, Унинг оромига кирган ҳам ўз ишларидан ором олади.

– Ибронийларга 4:9-10

Ушбу китоб, сиз ва сизнинг Раббий Исо Масиҳ билан ҳаётингиз учун дуо-баракага айланганига ишонаман. Мен аввал айтганимдек, бу “Сизнинг молиявий ўзгаришингиз” туркумининг иккинчи китобидир. Жами уларнинг сони бешта, шунинг учун бизнинг веб-сайтимизда кейинги китобнинг чиқишини кузатиб боринг. Шунингдек, бизнинг Team Revolution мураббийлик дастуримизнинг аъзоси бўлиш ҳақида ўйлаб кўринг. Шунингдек, Team Revolution ҳақидаги батафсил маълумотни бизнинг веб-сайтларимизда топишингиз мумкин.

Гари ва Дренда Киси Огайо штатидаги Нью-Олбани шаҳрида Forward Financial Group молиявий гуруҳига эгалик қилади ва бошқаради.

1-(800)-815-0818.

Гари ва Дренда Киси Огайо штатидаги Нью-Олбани шаҳрида “Имон ҳаёти” номли жамоатнинг чўпонларидир.

Гари ва Дренда Кисининг бошқа манбалари FaithLifeNow.com, GaryKeese.com ёки Drenda.com- веб-сайтларига жойлаштирилган.

Гари Кисининг

**«Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб»
мактубининг бошқа қисмлари**

Розиликнинг кучи

Стратегиянинг кучи

Таъминотнинг кучи

Сахийликнинг кучи

Ўз она тилингизда бошқа кўпроқ
ўқув манбаларини юклаб олиш учун
FLNFree.com вебсайтига
ташриф буюринг!



Ўз она тилингизда БЕПУЛ ўқув манбаларига эга бўлишни истайсизми?
FLNFree.com вебсайтига ташриф буюринг.

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

Оромнинг кучи

Сиз чарчадингизми?

- Тинмай югуришдан чарчадингизми?
- Турғунликни ҳис қилишдан чарчадингизми?
- Хавотирлардан чарчадингизми?
- Бахтнинг етишмаслигидан чарчадингизми?

Сиз ортиқ бундай яшамаслигингиз керак.

Ушбу ажойиб, кашфиётларга тўла саёҳатда, Гари Кисига қўшилинг ҳамда жуда узоқ тўққиз йиллик чарчоқ ва молиявий, жисмоний ва ҳиссий жиҳатдан сўнгги нафасигача тирикчилик қилиш учун курашдан сўнг, унинг ҳаётини ўзгартирганидек, сизнинг ҳаётингизни бутунлай ўзгартирадиган ЯНГИ ТИЗИМ ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИНГ.

Қўйидагиларни билиб олинг:

1. Гари учун ҳаммаси қандай ўзгарди – у молиявий ва жисмоний тўлиқ умидсизликдан, соғлом ва тўла-тўқис ҳаётгача бўлган йўлни қандай босиб ўтди. Энди, у қарзга кирмасдан, автомобиллар учун нақд пул тўлади, ўз уйини кўрди, бир нечта ширкатлар очди ва минглаб одамларга Шохликдаги ҳаёт... оромдаги ҳаёт ҳақида ўргатмоқда.
2. Қандай қилиб, сиз учун ҳам ҳаммаси ўзгариши мумкин – сиз қандай қилиб, мукамал оромда яшашингиз мумкин.

Ҳатто, сиз таниганларнинг барчаси учма-уч кун кечириш учун чарчоқ ва ожизликдан азоб чекаётган ҳамда оёқдан қолган бўлсаларда, сиз бундай яшашга мажбур эмассиз.

Шаббатнинг асосий тамойилини фаҳмлаб олиб, сиз ҳаётингиздаги ҳақиқий натижаларни кўришингиз мумкин. Сиз ўз эҳтиёжингизни топиш ҳамда гуллаб-яшнаш учун эркин жойда, шунчаки тирикчилик қиладиган эмас, балки муваффақият қозонадиган жойда, шунингдек, дунёга барча кўришга одатланган нарсалардан фарқ қиладиган натижаларни кўрсатадиган жойда яшашингиз мумкин.

Бир жойда туриб қолманг. Чарчоқнинг қули бўлманг.

Ўзингиз учун янги ҳаётни кашф этинг!



Гари Киси – муаллиф, маърузачи, тадбиркор, молия мутахассиси ва одамларга, асосан имон, оила ва молия соҳасида ҳаётда ғалаба қозонишга ёрдам беришга интилувчи чўпон. Гари ва унинг рафиқаси Дренда бир нечта муваффақиятли ширкатларнинг асосчилари ва ("Пул масалаларини ҳал қилиш" ва "Дренда" номли) иккита теледастурларни эфирга чиқарувчи, бутун дунё бўйлаб, анжуманлар ташкил этувчи ва амалий манбалар билан таъминловчи "Ҳозирги имон ҳаёти" хизматининг асосчиларидир. Кисилар оиласи Огайо штатидаги Колумбус шаҳрининг яқинида жойлашган "Имон ҳаёти" жамоатининг чўпонларидир.

GKM GARY KEESEE
MINISTRIES
garykeesee.com